ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Ш.Х. ИНОМЖОНОВ

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

**МОНОГРАФИЯ**

ТОШКЕНТ – 2006

www.ziyouz.com kutubxonasi

**УДК 343.14 (575.1)**

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг қарори билан тавсия этилган (2005 йил 29 декабрдаги 5-сонли баённома).

*Масъул муҳаррир:* **Ғ.А.Абдумажидов,** юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

**Юридик фанлар номзоди Ш.Х. Иномжонов.** Жиноят процессида далилларни тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш муаммолари. Монография (қўшимча ва ўзгартиришлар билан тўлдирилган қайта нашр) / Масъул муҳаррир: **Ғ.А.Абдумажидов**, ю.ф.д., проф. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2006. -179 б.

*Тақризчилар:* **Б.Х.Пўлатов,** юридик фанлар доктори.
**Й.Рахимов,** юридик фанлар доктори.
**Т.Э.Арипов,** юридик фанлар номзоди, доцент.

Монографияда далил тушунчаси далиллар назариясида марказий ўринни эгаллаганлигини инобатга олган ҳолда, «далил», «ҳақиқий маълумотлар» ва «исбот қилиш воситалари» каби тушунчалар =айта кўриб чиқилган. Далилларни талқин қилиш юзасидан мавжуд бўлган турлича мулоҳазаларга муносабат ҳамда тезкор-қидирув фаолият натижаларини тақдим этиш ва улардан жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланиш муаммолари юзасидан илгари билдирилган фикрларимиз ривожлантирилган.

Монография ҳам илмий ва амалий ходимлар, ўқитувчилар ҳамда талабаларга, шунингдек, одил судлов амалга оширилишида ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлигини яна бир бора таъкидлаб ўтамиз.

**© Ш.Х. Иномжонов.**

**© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон олий =адрият сифатида эътироф этилган. Инсон ҳур-покдир. Айбсизик презумпциясига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги =онунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Шахс =онунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли =илмишлари учунгина жавобгар бûлади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 9-моддаси). Шахснинг айби =онунда белгиланган тартибда тûпланган, текширилган ва баѝоланган далиллар воситасидагина исботланиши мумкин. Чунки, жиноий ѝодиса исбот =илиш мажбурияти юклатилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ѝамда суд учун ûтмиш ѝодисаси бûлганлиги сабабли, унинг барча ѝолатларини улар фа=ат исбот =илиш воситаси бûлмиш далиллар ёрдамида ани=лашлари ва тегишли хулосага келишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофи= жиноят ишлари бûйича одил судловни фа=ат суд амалга оширади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 12-моддаси). Фа=атгина суд шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб ѝисоблаши мумкин, процесснинг бош=а иштирокчилари эса далиллар та=дим =илиш йûли билан одил судловни амалга оширишга ёрдамлашадилар, чунки ишни муѝокама =илиш ва ѝукм чи=ариш ёки бош=а =арор =абул =илиш ваколатлари судга тегишлидир. «Кучли давлатдан - кучли фу=аролик жамияти сари»[1] ûтиш давомида фу=аролар барча соѝаларда, хусусан, жиноят-судлов иш юритиш фаолиятида ѝам фаол бûлишлари лозим, чунки бу кучли жамият =уришнинг зарурий шартидир. Фу=ароларнинг жиноят-судлов иш юритиш соѝасида фаол иштирок этишининг бир кûриниши–бу улар томонидан тегишли органларга далиллар та=дим =илинишидир.

Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов «Суд-ѝу=у= тизимини ислоѝ =илиш бûйича амалга оширилган ижобий ишларни =айд этар

[1] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ûзбекистон». 2005. 39-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканмиз, бу соѝада ѝали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ѝам инкор эта олмаймиз»[2]-деганларида ѝа= эдилар.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида далилларни тўплашнинг =онуний усулларидан бири сифатида та=дим этилган ашёлар ва ѝужжатларни =абул =илиш белгиланган. Мазкур нормада та=дим этилган ашёлар ва ѝужжатларни =абул =илишга умумий рухсатдан бош=а ани= кўрсатма йў=.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 339-моддасида «Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, Ушбу Кодекснинг =оидаларига мувофи= текшириб чи=илганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тари=асида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни ани=лаш ма=садида илмий-техника воситаларини =ўллаган ѝолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ѝузуридаги соли= ва валютага оид жиноятларга =арши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу ма=садда тезкор-=идирув чораларини ѝам кўришга ѝа=лидир»-деб белгилаб =ўйилган. Мазкур нормада ѝам тезкор-=идирув чораларини кўришга умумий рухсатдан бош=а ани= кўрсатма йў=. Кўрилган тезкор-=идирув чоралари натижаларининг кейинги та=дири ѝа=ида ѝеч нима дейилмаган ѝамда улардан жиноят иши юзасидан далил сифатида фойдаланишнинг механизми яратилмаган.

Шунинг учун, =онундаги ю=орида тилга олинган ноани=ликларни бартараф этиш ѝамда фу=аролар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раѝбарлари ва бош=а мансабдор шахсларининг жиноят-судлов иш юритиш соѝасида далиллар та=дим =илиш йўли билан фаол иштирок этишининг назарий ва амалий масалалари ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тад=и=от жиноят процессида далилларни тўплаш, та=дим =илиш, баѝолаш ва фойдаланишга оид мураккаб фаолиятни тад=и= =илишга, бу борада =онун нормалари ва уларнинг амалиётини таѝлил =илиш ва такомиллаштиришга ба\ишланган. Исбот =илиш жараёни хатолардан холи бўлмас экан, ѝа=и=атни ани=лаш ва бинобарин адолатга етишиш амри маѝол, бу жараённинг такомил бўлишига

---

[2] Ўша ерда, 46-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эришиш жиноят процесси фанининг энг долзарб марказий муаммоларидан биридир.

Бизга маълумки, далиллар назарияси ва исбот қилиш ҳуқуқида асосий, бошланғич тушунчалардан бири – бу исбот =илиш воситаси бûлмиш далиллардир.

Далилларни талқин қилиш юзасидан турлича фикрлар мавжуд бўлиб, бу фикрларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Далилларнинг архаик концепцияси (А.Я.Вышинский[3] ва Л.Е.Владимиров[4]).

2. Далилларнинг мантиқий модели (С.А.Голунский[5], Ц.М.Каз[6], М.А.Чельцов[7] ва Р.С.Белкин[8]).

3. Далилларнинг «иккиёқламалик» концепцияси (А.И.Трусов[9], В.Д.Арсеньев[10] ва М.С.Строгович[11]).

4. Далилларнинг информацион модели (В.Я.Дорохов[12], Л.М.Карнеева[13], А.А.Хмыров[14], А.Д.Бойков ва И.И.Карпец[15]).

5. Далилларнинг аралаш (синтезлашган) концепцияси (Ю.К.Орлов[16] шунингдек, И.И.Мухин[17], Ф.Н.Фаткуллин[18], Г.Ф.Горский ва бошқалар[19]).

Далиллар фақат қонунда аниқ кўрсатилган манбалардан =онуний усуллар ор=али олиниши мумкин бўлиб, бу манбалар ва усулларнинг қонунда белгиланган рўйхати тўла ва шу сабабли далилларни бошқа усуллар билан тûплашга йўл қўйилмайди. Шунга қарамай, далил тўплашнинг айрим усуллари жиноят-процессуал

---

[3] Вышинский А.Я. Теория судебных доказательств в советском праве. - М., 1941. 146-б.

[4] Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. -СПб. 1910. 100-б.

[5] Голунский С.А. Вопросы доказательственного права в Основах уголовного судопроизводства Союза ССР и союзных республик. Сб. «Вопросы судопроизводства и судоустройства в новом законадательстве Союза ССР». - М., 1959. Б. 144-150.

[6] Каз Ц.М. Доказательства в уголовном процессе. Саратов. 1960. Б. 23-25.

[7] Чельцов М.А. Советский уголовный процесс. - М., 1962. Б. 132-135.

[8] Белкин Р.С. Собирание, исследование и оценка доказательств. - М., 1969. Б. 10-12.

[9] Трусов А.И. Основы теории судебных доказательств. - М., 1960. Б. 48-51.

[10] Арсеньев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств. - М., 1964. 92-б.

[11] Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. - М., 1968. Т. 1. Б. 288-289.

[12] Дорохов В.Я. Понятие доказательства в советском уголовном процессе // Советское государство и право. 1964. №9. -Б. 108-117.; Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б. 197-228.

[13] Карнеева Л.М. Доказатеьства и доказывание при производстве расследования. Горький. 1977. 7-б.

[14] Хмыров А.А. Косвенные доказательства. - М., 1979. Б. 6-7.

[15] Курс советского уголовного процесса. Общая часть. Под ред. А.Д.Бойкова и И.И.Карпеца. -М., 1989.551-б.

[16] Орлов Ю.К. Структура судебного доказывания и понятие судебного доказательства. «Вопросы борьбы с преступностью». Вып. 28. - М., 1978. Б. 86-101.

[17] Мухин И.И. Объективная истина и некоторые вопросы судебных доказатеьств при осуществлении правосудия. - Л., 1971. 71-б.

[18] Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Казань. 1973. 106-б.

[19] Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элькинд П.С. Проблемы доказатеьств в советском уголовном процессе. Воронеж. 1978. 101-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қонунчилигида ўз аксини етарлича топмаган. Амалиётда иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни тûплашда қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари учрайдики, бу олинган далилларни номақбул деб топишга, иш юритиш муддатларининг чўзилишига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келади.

Жиноят процесси назарияси ва амалиёти доирасида исбот =илиш, далил тушунчаси, далилларни тўплаш усуллари тизимида далилларни тақдим қилиш ва фойдаланишнинг назарий асослари ю=орида номлари тилга олинган олимлардан таш=ари В.Д.Арсеньев, Д.И.Бедняков, Е.А.Доля, Л.М.Карнеева, Л.Д.Кокорев, Н.П.Кузнецов, А.М.Ларин, П.А.Лупинская, С.А.Пашин, В.А.Пономаренков, М.С.Строгович, С.А.Шейфер ва бошқалар томонидан бирмунча ишлаб чиқилган. Ûзбек олимларидан Ғ.А.Абдумажидов, Б.А.Азизхўжаев, А.Т.Алламуратов, А.Х.Асамутдинов, З.Ф.Ино\омжонова, О.М.Мадалиев, Ф.М.Мухитдинов, Е.Н.Никифорова, Б.Х.Пûлатов, Ю.С.Пулатов, Г.П.Саркисянц, Р.Х.Қодиров, Б.Б.Хидоятов ва бош=алар ùам мазкур масалалар юзасидан ўзларининг айрим фикрларини билдирган бўлсаларда, фа=атгина тад=и=отчи томонидан жиноят процессининг турли босқичларида далилларни тûплаш ва тақдим қилиш ùамда улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари Ûзбекистонда илк маротаба комплекс тадқиқ қилинган.

Мазкур масалаларни узвийликда ўрганиш, улардан кўзланган мақсадларни аниқлаш, суриштирувчига, терговчига, прокурорга, судга нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш масалаларида қонунчиликда йўл қўйилган ноани=ликларни таҳлил қилиш, ҳозирги замон қонунчилигида далилларни тўплаш ва та=дим =илишга оид усулларни тартибга солишнинг ҳуқуқий моделини яратиш, жиноят процессида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жиноят судлов ишларини юритишнинг вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга, шунингдек, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишига имкон яратади.

Тад=и=отда илмий манбаларни ûрганиш, амалдаги =онунлар, меъёрий ҳужжатлар, далиллар тўплашнинг процессуал усулларини такомиллаштириш бўйича адабиётда билдирилган фикр-мулоҳазалар, шунингдек, тезкор-тергов амалиётида кûпро= йўл қўйиладиган хатоларни таҳлил қилиш асосида биринчи марта комплекс

www.ziyouz.com kutubxonasi

монографик тарзда жиноят процессининг турли босқичларида далилларни тûплаш ва тақдим қилиш ѝамда улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ =илишга уриниб кûрилди.

Илмий янгилик сифатида =уйидаги илмий-назарий =оидалар билдирилади:

1. Муаллиф томонидан жиноят-процессуал ѝу=у=ининг марказий институтларидан бири бûлган далил тушунчасини талқин қилиш юзасидан мавжуд бûлган турлича фикрларга муносабат билдирилиб, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 1-қисмидаги далил тушунчасига янги таърифберилди.

2. Юқорида таъкидлаб ûтганимиздек, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 339-моддасида тезкор-=идирув чораларини кўришга умумий рухсатдан бошқа аниқ кûрсатма йўқ. Кўрилган тезкор-қидирув чоралари натижаларининг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нима дейилмаган ҳамда улардан жиноят иши юзасидан далил сифатида фойдаланишнинг механизми яратилмаган.

Шунинг учун, муаллиф тезкор-=идирув фаолияти натижаларидан жиноят-процессуал исбот қилиш жараёнида фойдаланишни тартибга солувчи **«Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш»**-деб номланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига =ûшимча сифатида $81^1$-модданинг киритилишини таклиф қилади.

3. Нарса ва ѝужжатларни та=дим =илиш дастлабки терговда ва судда бир хил ички тузилишга эга бûлиб, бир хил билиш функцияларини бажаради, процессуал маънода нарсалар ва ѝужжатларни далилларга айлантиради. Шунинг учун, муаллиф ю=оридаги фикрларини ривожлантирган ѝолда, **тезкор-қидирув фаолияти натижаларини Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87, 198 ва 200-моддалари тартибида жиноят ишига қўшиб =ûйиш тўғрисидаги илтимоснома билан биргаликда терговчига ёки судга тақдим қилиниши** мумкинлигини илгари суради.

4. Муаллифнинг фикрича, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича исбот қилишда қуйидаги шартларга риоя этилганидагина фойдаланиш мумкин**: а) тезкор-қидирув ахбороти исбот қилиш предметига кирувчи ҳолатлар тўғрисида бўлиши керак; б) тегишлича процессуал расмийлаштирилиши мумкин бўлса; в) текшира олиниши**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**мумкин бўлиши керак; г) тезкор-қидирув ахборотдан фойдаланишда тезкор-қидирув фаолиятнинг услублари, тактикаси ва воситаларини ошкор этмаслик шарт.**

5. Ю=орида таъкидлаганимиздек, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида далилларни тûплашнинг =онуний усулларидан бири сифатида та=дим этилган ашёлар ва ìужжатларни =абул =илиш белгиланган. Мазкур нормада та=дим этилган ашёлар ва ìужжатларни =абул =илишга умумий рухсатдан бош=а аниқ кûрсатма йû=.

Шу сабабли, муаллиф Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида «Далиллар ... тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; ...йўли билан тўпланади» деб фақат исбот қилиш субъектларининг жиноят-процессуал фаолияти ҳақидагина тўхталиб ўтилганини, жиноят-процессуал муносабатга киришувчи бошқа иштирокчилар тўғрисида сўз юритилмаганлигини танқид қилиб, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасига =ûшимча сифатида 2-қисмни киритиб қўйилишини ма=садга мувофи= деб ìисоблайди. Чунки, =ûшимча 2-қисмнинг киритилиши исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг процессуал мақомини мустаҳкамлаган, фу=аролар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раìбарлари ва бош=а мансабдор шахсларининг жиноят-судлов иш юритиш соìасида далиллар та=дим =илиш йûли билан далилларни тўплашга қаратилган тергов ва суд ҳаракатларида фаол иштирок этишидаги эрки-иродасининг қонуний кафолати бўлар эди.

6. Муаллиф, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 202-моддасини 2-=исмига кûра, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомасида барча тергов ҳаракатлари баённомалари учун умумий бўлган маълумотлардан ташқари, қуйидагилар: **1). нарса ва ìужжатларнинг терговчига ûз ихтиёри билан топшираётганлиги тû\рисида ариза; 2) нарса ва ìужжатларни та=дим =илиш фактининг ûзи ва уларни =абул =илиб олиш шарт-шароитлари ҳамда та=дим =илинаёган нарса ва ìужжатларнинг келиб чи=иши; 3) нарса ва ìужжатларнинг ûзига хос хусусиятлари** акс эттирилиши лозим деб ìисоблайди. Чунки, терговчи ёки суд ÛзР ЖПКнинг «Далилларни баённомада =айд этиш»га ба\ишланган 90-моддасидаги ìамда ÛзР ЖПКнинг «Нарса ва ìужжатларни та=дим =илиш баённомаси»-деб аталган 202-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моддасидаги =оидаларга амал =илиб тузилган баённомалар ор=али кûрилган тезкор-=идирув чораларининг натижаларини ушбу Кодекснинг =оидаларига мувофи= текшириб чи=иш имконияти эга бûладилар.

**7.** Муаллиф ûзининг тезкор-қидирув тадбирлари натижалари келгусида Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган далиллар шаклида ифодаланади деган фикрини ривожлантирган ùолда, тезкор-қидирув тадбирларини зарур техник воситаларни қўллаш билан ўтказиш давомида олинган ва тезкор хизмат ҳужжатларида акс этган тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан **жиноят-процессуал исбот =илишда фойдаланиладиган ашёвий далилларни шакллантириш мумкин** деган хулосага келади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда чи=арилган назарий хулосалар, \оялар, таклифлар ва тавсиялар ҳақиқатни аниқлаш мақсадида жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, та=дим =илиш ва улардан фойдаланиш масалаларини такомиллаштиришга, жиноят процессида шахс ùу=у= ва эркинликларини тûларо= амалга оширишни таъминлашга хизмат =илиши мумкин. Шу билан бирга айрим хулосалар ва таклифлар илмий ва û=ув фаолиятида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида қўлланилиши мумкин. Шунингдек, айрим тавсиялар ва таклифлар амалдаги Жиноят-процессуал қонун ùужжатларини такомиллаштиришда ùамда «Тезкор-қидирув фаолият тўғрисида»ги қонунни ишлаб чи=ишда фойдали бûлиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# I-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИСБОТ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

## 1.1. Жиноят процессида далил тушунчаси

Жиноят процессининг мақсадларига, яъни жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги, айбдорларни фош этишга эришиш учун зарурий бир шартга амал қилиниши лозим. Бу ҳақиқатда қандай ҳодиса юз берганлигини, жиноятни ким ва қандай ҳолатларда содир этганлигини аниқланиши ҳисобланади. Жиноий ҳодиса исбот =илиш мажбурияти юклатилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ѝамда суд учун ўтмиш ҳодисаси бўлганлиги сабабли, унинг барча ҳолатларини улар фақат исбот қилиш воситаси бûлмиш далиллар ёрдамида аниқлашлари ва тегишли хулосага келишлари мумкин.

Маълумки, исбот қилиш далиллар воситасида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам далил тушунчаси далиллар назарияси ва исбот қилиш ҳуқуқида асосий, бошланғич тушунчалардан ҳисобланади.

Далилларни талқин қилиш юзасидан турлича фикрлар мавжуд бўлиб, бу фикрларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) Далилларнинг архаик концепцияси.

Мазкур концепция (тарафдорлари–А.Я.Вышинский[20] ва Л.Е.Владимиров[21]лар) 1958 йилдаги Жиноят-судлов ишларини юритиш Асослари қабул қилингунга қадар кенг тарқалган бўлиб, унга кўра суд далилларига-бу одатий фактлар, ҳаётдаги ҳодисалар, нарсалар, одамлар, одамларнинг ҳаракатлари, деб қараларди.

2) Далилларнинг мантиқий модели.

Бу концепция (тарафдорлари-С.А.Голунский[22], Ц.М.Каз[23], М.А.Чельцов[24] ва Р.С.Белкин[25]лар) га асосан, жиноят ишлари бўйича далиллар деб реал воқеликда мавжуд бўлган маълумотларга

---

[20] Вышинский А.Я. Теория судебных доказательств в советском праве. - М., 1941. 146-б.
[21] Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказательствах. -СПб. 1910. 100-б.
[22] Голунский С.А. Вопросы доказательственного права в Основах уголовного судопроизводства Союза ССР и союзных республик. Сб. «Вопросы судопроизводства и судоустройства в новом законадательстве Союза ССР». - М., 1959. Б. 144-150.
[23] Каз Ц.М. Доказательства в уголовном процессе. Саратов. 1960. Б. 23-25.
[24] Чельцов М.А. Советский уголовный процесс. - М., 1962. Б. 132-135.
[25] Белкин Р.С. Собирание, исследование и оценка доказательств. - М., 1969. Б. 10-12.

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтилади. Бу концепция 1958 йилда Жиноят-судлов ишларини юритиш Асослари қабул қилингандан кейин тарқалган.

3) Далилларнинг «иккиёқламалик» концепцияси.

Бу концепция (тарафдорлари-А.И.Трусов[26], В.Д.Арсеньев[27] ва М.С.Строгович[28]лар) га биноан далил деб фактларга ва улар олинган манбаларга айтилади.

4) Далилларнинг информацион модели.

Бу концепция (тарафдорлари-В.Я.Дорохов[29], Л.М.Карнеева[30], А.А.Хмыров[31], А.Д.Бойков ва И.И.Карпец[32]лар) га асосан, далил деб маълумот (ахборот) ва унинг манбаси (моддий ташувчиси) бирлигига айтилади. Унга кўра, далил тушунчасига фактлар эмас, балки фактлар тўғрисидаги ахборотлар, маълумотлар киритилади.

5) Далилларнинг аралаш (синтезлашган) концепцияси.

Бу концепция (тарафдори-Ю.К.Орлов[33])га кўра далил деб фактларга ҳам, улар тўғрисидаги маълумотларга ҳам, шунингдек уларнинг манбаларига ҳам айтилади.

Шунга ўхшаш фикрларни И.И.Мухин[34], Ф.Н.Фаткуллин[35], Г.Ф.Горский ва бошқалар[36] ҳам ўз даврида билдирганлар[37].

Далиллар жиноят процессида марказий ўринни эгаллаганлиги сабабли юқоридаги концепцияларга ўз муносабатимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Жиноят–бу исбот =илиш субъектлари учун доимо ўтмиш ҳодисаси, айнан шу сабабдан улар уни фақат ҳар қандай ҳодисаларнинг моддий дунёда ёки одамлар онгида қолдирадиган излари, қолдиқлари, акслари воситасидагина ўрганишлари мумкин. Терговчини, суриштирувчини, прокурор ёки судни қизиқтирувчи

---

[26] Трусов А.И. Основы теории судебных доказательств. - М., 1960. Б. 48-51.

[27] Арсеньев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств. - М., 1964. 92-б.

[28] Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. - М., 1968. Т. 1. Б. 288-289.

[29] Дорохов В.Я. Понятие доказательства в советском уголовном процессе // Советское государство и право. 1964. №9. -Б. 108-117.; Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б. 197-228.

[30] Карнеева Л.М. Доказатеьства и доказывание при производстве расследования. Горький. 1977. 7-б.

[31] Хмыров А.А. Косвенные доказательства. - М., 1979. Б. 6-7.

[32] Курс советского уголовного процесса. Общая часть.Под ред. А.Д.Бойкова и И.И.Карпеца. -М., 1989. 551-б.

[33] Орлов Ю.К. Структура судебного доказывания и понятие судебного доказательства. «Вопросы борьбы с преступностью». Вып. 28. - М., 1978. Б. 86-101.

[34] Мухин И.И. Объективная истина и некоторые вопросы судебных доказатеьств при осуществлении правосудия. - Л., 1971. 71-б.

[35] Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Казань. 1973. 106-б.

[36] Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элькинд П.С. Проблемы доказатеьств в советском уголовном процессе. Воронеж. 1978. 101-б.

[37] Батафсилроқ бу концепциялар ҳақида қаранг: Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. Научно-практическое пособие.– М.:«Проспект», 2000. Б. 35–39.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳодисаларни аниқлашга ёрдам берувчи маълумотлар муайян шароитларда далилларга айланади.

В.Д.Спасович ўз даврида «Биз маълум ҳодисаларни билиб олганимизда, нарсалар орасидаги мазмун, алоқалар ва муносабатлардан муайян хулосага келганимизда, бу хулосани келтириб чиқарган маълумотларни далиллар деб атаймиз»[38]-деб ёзган эди.

Ùозирга қадар жиноят-процессуал ùу=у=ига оид адабиётларда далил тушунчаси тўғрисидаги масала бўйича турлича нуқтаи назарлар мавжудлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Бир қатор процессуалчи олимлар далиллар деганда «иш ҳолатларини ўрганиш учун фойдаланиладиган муайян ҳақиқий маълумотлар, бу маълумотларнинг манбалари ҳамда уларни олиш, текшириш ва фойдаланиш усуллари»[39] ни тушунадилар.

Бироқ бу таърифда далиллар кенгайтирилиб талқин қилинган ва унга икки мустақил тушунча–далил тушунчаси ва исбот қилиш тушунчаси киритилган, зеро бундай таъриф ҳам далилнинг, ҳам исбот қилиш жараёнининг тавсифларини бирлаштиради, бу эса тўғри эмас, чунки икки тавсиф бир тушунчада берилиши мумкин эмас.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра, далил тушунчасидан (81-м. 1-қ.) унинг манбалари (81-м. 2-қ.) истисно қилиниб, бу манбалар исбот қилиш воситалари деб аталади[40].

Бу нуқтаи назарга қарши чиқиб, бошқа муаллифлар кўрсатувлар, ашёвий далиллар, баённомалар ва ҳужжатларни (улар далил манбаси, исбот қилиш воситаси ёки яна бирор ном билан аталишидан қатъи назар) ҳақиқий маълумотлар билан бир қаторда далилларнинг умумий тушунчасига киритиш тарафдоридирлар[41].

Бизнинг фикримизча, энг тўғри таъриф далилларга фактлар, ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар деб берилган таърифдир. Яъни, В.Я.Дорохов: «Жиноят процессида исбот қилиш предметига кирувчи фактларни далиллар деб аташ мумкин эмас. Инсон тафаккурида ашёлар эмас, нарсалар эмас, балки уларнинг образлари, тушунчалари,

[38] Спасович В.Д. О теории судебно-уголовных доказательств в связи с судоустройством и судопроизводством. - СПб., 1861. Б. 7-8.

[39] Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы доказывания. Казань, 1976. 93-б.; Лупинская П.А. Понятие доказательства. Доказательства, средства доказывания // Уголовный процесс / Под общ. ред. П.А.Лупинской. - М., 1995. 140-б.

[40] Михеенко М.М. Теоретические проблемы доказывания в советском уголовном процессе. Дис. …д-ра. юрид. наук. Киев. 1984. Б. 377-378.; Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. - М., 1994. 93-б.

[41] Лупинская П.А. Понятие доказательства. Доказательства, средства доказывания // Уголовный процесс/ Под общ. ред. П.А.Лупинской. - М., 1995. 14.-б; Кузнецов Н.П., Кокорев Л.Д. Уголовный процесс: доказательства и доказывание. Воронеж, 1995. 114-б. ва бош=.; Ларин А.М. Доказательства и доказывание // Уголовный процесс / Под ред. В.М. Савицкого. - М., 1997. 87-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуддир, улар ўзаро муносабатга киришадилар, ҳаракатланадилар... «Фактик маълумотлар» -бу фактлар тўғрисида қонуний манбалардан олинган маълумотлардир»[42]-деб ёзган эди. Мазкур нуқтаи назар кўплаб процессуалчи олимлар томонидан қабул қилинган[43]. Кейинги пайтларда далил тушунчасини қайта кўриб чиқишга уринишлар бўлмоқда. Масалан, А.М.Ларининг фикрича, маълумотлар ҳиссий билишнинг баъзи натижалари сифатида талқин этилади. Бу инсондан келиб чиқувчи–сўзлар, рақамлар, шартли белгилар билан ифодаланган белгили шаклдаги далилларга мувофиқ келади[44]. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки «маълумотлар» тушунчасига инсон онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмасдан юзага келувчи далиллар унча мувофиқ келмайди.

Унингча, онг маҳсули сифатида маълумотларни (хабарларни) моддий объектларнинг белгилари, хусусиятлари, ўзига хосликлари билан бирлаштирувчи тушунча-бу ахборотдир[45].

Ашёвий далилнинг мавжудлиги–бу ҳақиқатдан реал фактдир. Бироқ бу фактнинг ўзи далилий аҳамиятга эга бўлмай, балки шу нарсада мавжуд бўлган ахборот ҳамда нарса турган шароит далилий аҳамиятга эгадир. Нарса ўзи топилган жой ва шарт-шароитларни акс эттирмаса, алоҳида белгиларга эга бўлмаса, ҳеч қандай далилий аҳамиятга эга бўлмайди. Бу ҳолда ҳам воқеликнинг реал факти эмас, балки бу фактнинг иш материалларида акс эттирилиши далил ҳисобланади.

С.А.Пашин далил тушунчасини кўриб чиқар экан, кўпроқ унинг шаклига эътиборини қаратиб, моҳиятини назардан четда қолдиради. Унинг фикрича, «далиллар бўлиб, жиноят судлов иш юритишда процессуал қарор, айниқса, ҳукм чиқаришда ҳисобга олинадиган фактларни аниқлаш учун қонунга мувофиқ фойдаланилиши лозим бўлган процессуал расмийлаштирилган хабарлар, шунингдек, ҳужжатлар ёки бошқа нарсалар хизмат қилади». Далиллар–бу жиноят судлов иш юритишда фойдаланиладиган хабарлар, ҳужжатлар

---

[42] Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б.207-224.
[43] Уголовно-процессуальное законодательство Союза ССР и РСФСР. Теоретическая модель // Под ред. В.М. Савицкого. -М., 1990. 118-б.; Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. -М. 1994. 5-б.; Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам проблемы теории и правового регулирования. Тольятти, 1998. 28-б.
[44] Ларин А.М. Доказательства и доказывание // Уголовный процесс / Под ред. В.М.Савицкого.-М.,1997.86-б.
[45] Ûша ерда, 87-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушуниладиган материаллардир[46]. Бундай тасаввурда далилнинг муҳим хусусияти бўлмиш унинг алоқадорлиги, яъни далилнинг исбот қилиш предмети билан алоқаси тўғрисида гап йўқ (ҳар қандай хабар далил ҳисобланмайди, балки исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар тû\рисидаги маълумотларгина далил ҳисобланади). Бундан ташқари, бу таърифда далилни олиш усули тўғрисида аниқ кўрсатма йўқ, муҳими эса–ҳар қандай ҳодисага, шу жумладан далилга ҳам хос бўлган унинг мазмуни ва шакли фарқланмаган.

Ҳозирги замон фалсафа фанидаги «ҳар қандай ҳодисада, объектда мазмун ва шаклнинг ўзаро нисбати уларнинг бирлигида ифодаланади, шакл мазмуннинг ифодаланиш усулидир»[47]-деган фикрга ҳеч қандай шубҳа уйғонмайди. Бу фикр далил тушунчасига нисбатан қўлланадиган бўлса, у агар маълумотлар қонун талаб қилган шаклда ифодаланмаса, иш бўйича далил ҳисобланиши мумкин эмаслигини англатади. Бошқа томондан, кўрсатувлар, баённомалар, ҳужжатлар фақат бир шарт билан, яъни улар ишнинг аҳамиятли ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни мужассам этган бўлсагина, далил ҳисобланиши мумкин. Бу фикр ЎзР ЖПК 203, 204 ва 205-моддаларида аниқ ифодаланган бўлиб, буларга кўра, агар нарсалар, баённомалар ва ҳужжатлар иш ҳолатларини аниқлаш воситалари бўлиб хизмат қилаолсаларгина, улар далиллар мақомига эга бўлаоладилар, яъни маълумотлар қачонки кўрсатувлар, хулосалар, баённомалар шаклида акс этган вақтдан бошлаб далил мақомини оладилар. Шунинг учун, шакл мазмундан қанчалик ажралмас бўлса, «манбалар» ҳам ҳа==оний маълумотлардан шунчалик ажралмасдир. Далил–маълумотларнинг (аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисидаги) шакл (кўрсатувлар, экспертлар хулосалари, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар) билан ажралмас бирлигидан иборатдир.

Жиноят процесси назариясидаги «далиллар» ва «фактик маълумотлар» тушунчаларининг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Айрим олимларнинг фикрича, далиллар деганда жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бўлган, қонунда белгиланган манбалардан ва қонунда кўрсатилган усуллар билан олинган фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар тушунилади[48].

---

[46] Пашин С.А. Проблемы доказательственного права. Судебная реформа: юридический профессионализм и проблемы юридического образования. Дискуссии. - М., 1995. 315-б.

[47] Иванов Е.А. Логика. Учебник. –М.: Издательство БЕК, 1996. Б. 7-11.

[48] Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. - М., 1996. Б. 27-28 ; Ульянова Л.Т. Понятие и свойства доказательств // Уголовный процесс / Под ред. К.Ф. Гуценко. - М., 1997. Б. 110-111.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқа олимлар эса далилларни фактлар билан тенглаштириб, бу фактлар асосида жиноят содир этилганлиги ёки этилмаганлиги, жиноятни содир этишда у ёки бу шахснинг айбли ёки айбсизлиги ҳамда бу шахснинг жавобгарлик даражасига таъсир кўрсатувчи ишнинг бошқа ҳолатлари аниқланади[49], деб ҳисоблайдилар. Яна бир гуруҳ олимлар жиноят-процессуал адабиётида далиллар тушунчасини таърифлаш мураккаб муаммолардан эканлигини таъкидлайдилар. А.З.Бецуков етакчи процессуалчи олимларнинг асарларини таҳлил қилиш натижасида «объектив воқелик ҳолатлари ва бу ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар манбалари эмас, балки жиноят иши бўйича исбот қилиш предметига кирувчи ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларгина далиллар бўлади»[50]-деган хулосага келади.

Амалдаги РФ ЖПКнинг 74-моддаси 1-қисмида: «Жиноят иши бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларнинг бор ёки йўқлигини, шунингдек, жиноят иши учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суднинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг ушбу Кодексда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади»[51]-деб келтирилган далил тушунчаси жиноий жавобгарликка тортишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишнинг янада аниқроқ қонуний кафолатларини яратади, бундай таъриф дастлабки тергов органлари, прокурор, судни репрессив йўналишдан воз кечиб инсонларни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтиради ҳамда бу органларга айбланувчининг ҳам айблилигини, ҳам айбсизлигини исбот қилиш мажбуриятини юклайди.

Бироқ Россия жиноят-процессуал қонунчилигида далиллар муаммоларига доимо алоҳида аҳамият берилганлигини инобатга олиб, зикр этилган муаллифларнинг тегишли тушунчалар тизимини яратиш ва унинг воситасида далиллар моҳиятини очишга эришиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрлари хато ҳисобланади[52].

Бироқ, жиноят иши бўйича фактлар тўғрисидаги маълумотлар далиллар бўлиши тўғрисидаги нуқтаи назар А.З.Бецуков томонидан

---

[49] Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т.1. - М., 1968. Б. 288-289.; Бецуков А.З. Документы как источник доказательств по уголовным делам о преступлениях в сфере экономики: процессуальные и криминалистические аспекты: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. Краснодар. 1999. 8-б.

[50] Бецуков А.З. Документы как источник доказательств по уголовным делам о преступлениях в сфере экономики: процессуальные и криминалистические аспекты: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. Краснодар. 1999. 8-б.

[51] +аранг: Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. –М.: Юрайт- М, 2002. 74-модда.

[52] Осипкин В.Н., Рохлин В.И. Доказательства. -СПб., 1998. 6-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

таклиф этилишидан анча олдин юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, В.Я.Дорохов томонидан: «Жиноят процессида исбот қилиш предметига кирувчи фактларни, шунингдек, бошқа ҳолатларни ҳам далиллар деб аташ мумкин эмас. Инсон тафаккурида ашёлар эмас, нарсалар эмас, балки уларнинг образлари, тушунчалари, улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуддир, улар ўзаро муносабатга киришадилар, ҳаракатланадилар... «Фактик маълумотлар» -бу фактлар тўғрисида қонуний манбалардан олинган маълумотлардир»[53]-деб айтиб ўтилган эди. Шунга яқин мулоҳазани бошқа муаллифлар ҳам билдирганлар[54].

Далил тушунчаси махсус жиноят-процессуал маънода ўзгача мазмунга эга. Унинг қонунда мустаҳкамланган таърифи юқорида таърифлаганимиздек амалдаги РФ ЖПКнинг 74-моддаси 1-қисмида берилган.

Адабиётларда фақат қонунда белгиланган тартибда мустаҳкамланган ахборотгина далил бўлиб ҳисобланиши мумкинлиги тўғрисидаги нуқтаи назар[55] берилган.

Бошқа муаллифларнинг фикрича, далилларнинг гносеологик табиатини «ахборот» эмас, балки билим ташкил этади. Ахборот мисол учун, тезкор-қидирув ахборот нопроцессуал йўл билан олинган билимга тегишлидир. Далилнинг асосига қўйиладиган билимлар ахборот ёрдамида тўпланиши мумкин, лекин бу билимлар ўзига хос гносеологик этос[56] га эга бўлади.

Юқоридаги концепцияларга ўз муносабатимизни билдириш ниҳоясида далилларга фактлар, ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар деб берилган таъриф[57]га қўшилган ҳолда, далил тушунчасида унинг икки томонини, унинг шакли ва мазмунини аниқлаб олиш керак бўлишини, далил мазмуни деб у ёки бу фактлар тўғрисидаги маълумотларга айтилишини, далил шакли деганда эса ушбу маълумотлар манбаларини тушуниш лозимлигини, шакл ва мазмунни ажратиш имкони йўқлигини, чунки ахборот бирор моддий ташувчидан алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бироқ, шакл ва мазмунни абстракциялаб ажратиш зарур

---

[53] Дорохов В.Я. Понятие и классификация доказательств // Теория доказательств в советском уголовном процессе / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б. 207-224.

[54] Ульянова Л.Т. Понятие и свойства доказательства // Уголовный процесс / Под ред. К.Ф. Гуценко. - М., 1997. 110-б.

[55] Ларин А.М. Понятие доказательства // Уголовный процесс России: Лекции-очерки / Под ред. В.М. Савицкого. - М., 1997. Б. 86-87.

[56] Левченко О.В. Доказывание в уголовном процессе России. Астрахань. 2000. Б. 112-113.

[57] Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б.207-224.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканлигини, чунки бу икки томон алоҳида текширилишини ва баҳоланишини, уларга турли талаблар қўйилишини эсдан чиқармаслик лозим.

Амалдаги ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисмида «Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай **ҳақиқий маълумотлар** жиноят иши бўйича далил ҳисобланади» -деб кўрсатилган. Илгариги Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддасига кûра, «Жамоат учун хавфли ùаракатнинг юз берган-бермаганлигини, шу ùаракатни =илган шахснинг айбдорлигини ва ишни тû\ри ùал =илиш учун аùамияти бûлган бош=а ùолатларни суриштирув органининг, терговчининг ва суднинг =онунда белгиланган тартибда ани=лашларига асос бûладиган ùар =андай **фактик маълумотлар** жиноят иши бûйича далил бûладилар»[58]. Бизнингча, бу ерда **фактик маълумотлар** деганда гап **ùа=и=ий маълумотлар** ùа=ида эмас, балки **ùолатлар тû\рисидаги маълумотлар**[59] устида кетаяпти. Чунки, ùеч =андай далил олдиндан белгилаб =ûйилган кучга эга эмас[60]. Маълумотлардан далил сифатида фақат бир шарт билан, яъни қонунда аниқ кўрсатилган манбалардан олинганидагина фойдаланилиши мумкин (Илгариги ÛзССР ЖПКнинг 50-моддаси 2-=исми ва амалдаги ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисми). Бу «фактлар тўғрисидаги маълумотлар», худди фактлар сингари фақат айнан шу манбаларда мавжуд бўлсагина, далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини англатади. Жиноят судлов иш юритишнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан уни янги манбалар билан тўлдириш масаласи кўтарилиши мумкин. Бироқ, улардан амалда фойдаланишнинг мажбурий шарти бўлиб, уларнинг норма сифатида эътироф этилиши ҳамда қонунда мустаҳкамланиши»[61] ҳисобланади.

---

[58] Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси (1991 йил 1 августгача бûлган ûзгартиш ва =ûшимчалар билан). Тошкент «Ûзбекистон». 1991, 32-б.

[59] Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б.207-224.

[60] КРИМІНАЛЬНО-ПРОЦЕСУАЛЬНИЙ КОДЕКС УКРАЇНИ ( Затверджений Законом від 28.12.60 ), 67-модда.; Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси (1991 йил 1 августгача бûлган ûзгартиш ва =ûшимчалар билан). Тошкент «Ûзбекистон». 1991 й. 52-модда.; Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. Б. 81-87.; Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Официальный текст. – М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2002. ч.2. Ст.17. 11-б.

[61] Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. - М., 1994. 21-б.; Лупинская П.А. Понятие доказательства. Доказательства, средства доказывания // Уголовный процесс / Под общ. ред. П.А.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнингча, «Исбот =илиш предмети-бу ѝар бир жиноят иши бûйича исбот =илиниши лозим бûлган ѝолатлар мажмуидир»[62]-деган фикрни =ûллаб-=увватлаб, амалдаги ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 1-=исмидаги «Ижтимоий хавфли =илмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу =илмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини» -деган жумлалар ѝар бир жиноят иши бûйича исбот =илиниши лозим бûлган ѝолатларни тûла ёритиб бераолмаганлигини тан=ид =илган, ÛзР ЖПКнинг 22-моддаси 1-=исмидаги «Суриштирувчи, терговчи, **прокурор** ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан бо\ли= барча ѝолатларни ани=лаши шарт», ÛзР ЖПКнинг 86-моддаси 1-=исмидаги «Исбот =илишни суриштирувчи, терговчи, **прокурор,** суд амалга оширади», 344-моддаси 2-=исмидаги «Дастлабки терговни **прокурор**лар ҳам олиб боришлари мумкин», 382-моддаси 3-=исми 5-сûз бошидаги «суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ѝамда зарур ѝолларда ѝар =андай иш бûйича айрим тергов ѝаракатларини шахсан бажаради ёки **терговни тûли= амалга оширади**» -деган =оидаларни инобатга олган ѝамда ю=оридаги далил таърифи бûйича билдирган фикрларимизни ривожлантирган ѝолда, ÛзР ЖПКнинг 81-моддаси 1-=исмига «терговчининг»-деган сûздан кейин **«прокурорнинг ҳамда»**-деган сûзларини киритиб, уни =уйидаги таѝрирда: **«Жиноят иши бûйича исбот =илиш предметига кирувчи ѝолатларнинг бор ёки йû=лигини, шунингдек ишни тû\ри ѝал =илиш учун аѝамиятга молик бош=а ѝолатларни суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ѝамда суднинг ушбу Кодексда белгиланган тартибда ани=лашига асос бûладиган ѝар =андай маълумотлар жиноят иши бûйича далил ѝисобланади»**-деб белгиланиши ма=садга мувофи= бûлар эди.

Ю=орида таъкидлаб ûтганимиздек, «Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, Ушбу Кодекснинг =оидаларига мувофи= текшириб чи=илганидан сûнг жиноят иши юзасидан далил тари=асида фойдаланиш мумкин бûлган маълумотларни ани=лаш ма=садида илмий-техника воситаларини =ûллаган ѝолда зарур чораларни кûриш юклатилади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органлари ва

---

Лупинской. - М., 1995. 140-б.; Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам: проблемы теории и правового регулирования. Тольятти. 1998. 31-б.

[62] Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. 22-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ûзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ѝузуридаги соли= ва валютага оид жиноятларга =арши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бûлинмалари бу ма=садда тезкор-=идирув чораларини ѝам кûришга ѝа=лидир»-деб белгилаб =ûйилган Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 339-моддасида тезкор-=идирув чораларини кûришга умумий рухсатдан бош=а ани= кûрсатма йû=. Кûрилган тезкор-=идирув чоралари натижаларининг кейинги та=дири ѝа=ида ѝеч нима дейилмаган ѝамда улардан жиноят иши юзасидан далил сифатида фойдаланишнинг механизми яратилмаган. Далиллар нафақат тергов ва суд ҳаракатларини юритиш, балки тақдим этилган нарсалар ва ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан ҳам тўпланиши мумкин. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, кûрилган тезкор-=идирув чораларининг натижаларини терговчи ёки судга тақдим этиш тўғрисидаги қарор ор=али ÛзР ЖПКнинг 198 ва 200-моддаларига =атъи риоя =илган ѝолда тақдим этилиши ва унда қуйидагилар акс этиши лозим:

-унинг чиқарилган жойи ва вақти;

-тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ) натижаларини терговчи ёки судга тақдим этиш асослари;

-қайси тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинганлиги, қандай ҳажмда тақдим этилаётганлиги;

-далилларнинг қайси турлари орқали ушбу натижаларни жиноят процессига киритиш мумкинлиги;

-зарур ҳолларда ТҚФ иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари, уларни жиноят ишлари бўйича исбот қилишда сўроқ қилиш.

Терговчи ёки суд ÛзР ЖПКнинг «Далилларни баённомада =айд этиш»га ба\ишланган 90-моддасидаги «Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ѝаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида =айд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин» ѝамда ÛзР ЖПКнинг «Нарса ва ѝужжатларни та=дим =илиш баённомаси»-деб аталган 202-моддасидаги =оидаларга амал =илиб тузилган баённомалар ор=али кûрилган тезкор-=идирув чораларининг натижаларини ушбу Кодекснинг =оидаларига мувофи= текшириб чи=иш имконияти эга бûладилар. ÛзР ЖПКнинг тегишли =оидаларига мувофи= текшириб чи=илганидан сûнг ушбу маълумотлардан жиноят иши юзасидан далил сифатида фойдаланиш мумкин бûлади. ТҚФ натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш давомида юқоридаги талабларга риоя этиш иш

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ҳамда жиноятларни тўла, ҳар томонлама ва холисона текширишда ҳақиқатан ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини далилларга айлантириш муаммоси долзарб ҳисобланади. РФ «ТҚФ тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, ТҚФ натижасида олинган ҳаққоний маълумотлар процессуал қонуннинг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи нормаларига амал қилган ҳолда тегишли тартибда текширилганидан ҳамда расмийлаштирилганидан кейин жиноят процессига киритилсагина жиноят ишлари бўйича далил бўлиб ҳисобланади[63]. Шунга ûхшаш =оида Озарбайжон Республикасининг «ТҚФ тўғрисида»ги Қонунини 16-моддасида ìам белгилаб =ûйилган[64].

Биро=, мамлакатимизда тезкор-=идирув фаолияти тегишли идораларнинг =онун ости ìужжатлари билан тартибга солинишини инобатга оладиган бûлсак, ю=оридаги Россия Федерацияси (РФ) ва Озарбайжон Республикасининг «ТҚФ тўғрисида»ги Қонунларининг 11 ва 16-моддаларидаги =оидалар амалдаги ЎзР ЖПКнинг далилларни тўплаш тартибига зид ҳисобланади. Амалиётда ушбу моддани нотўғри қўллаш ТҚФ натижаларининг процессуал тартибда олинган далиллар билан тенглаштирилишига олиб келиши мумкин.

Амалиётда тезкор-=идирув фаолияти натижасидан тû\ридан-тû\ри маълум бир тергов ìаракатини ûтказиш учун асос сифатида фойдаланилганлиги ìолатлари ìам учраб турибди (4-иловага =аранг).

Мисол тари=асида Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаìар Мирзо Улу\бек туман суди томонидан кûриб чи=илиб ìал =илинган бир жиноят иши бûйича тезкор ходим Ю.М. томонидан **«Протокол срез мешковых карманов»-**деган 17.08.04 йил куни соат 23-30 ларда тузилган ìужжат (и/в 9) тû\ридан-тû\ри «Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ìа=ида =арор» (и/в 54) чи=аришга асос сифатида фойдаланилганлигини ва уни «Эксперт ихтиёрига А.С.Ч. (И.Ф.Б.) дан олинган чûнтак =опчалари солинган почта конверти муìрланган ìолда та=дим =илинсин» (и/в 54) деб экспертиза текшируви учун олинган намуна сифатида эксперт ихтиёрига та=дим =илинган[65] лигини келтириш мумкин (4-илова).

---

[63] Громов Н.А., Францифоров Ю.В., Гришин А.И. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания // Следователь. 1999. №11. -Б.42-43.; Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности»: Научно-практический комментарий / Под ред. проф. В.В. Николюка. –4-е изд., перераб. и доп. –М.: Спарк. 2000. Б. 106-120.

[64] http://www.cis-legal-reform.org/document.asp?id=2558

[65] Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаìар Мирзо Улу\бек туман суди архивидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ю=оридаги мисолдан кûриниб турибдики, тезкор ходим Ю.М. томонидан **«Протокол срез мешковых карманов»** -деган 17.08.04 йил куни соат 23-30 ларда тузилган ùужжат (и/в 9) тезкор-=идирув фаолияти натижаси сифатида кûриладиган бûлса, у ùеч =ачон жиноят процессуал исбот =илишда тû\ридан-тû\ри маълум бир тергов ùаракатини ûтказиш учун асос бûлиб ùисобланиши мумкин эмас, шунинг учун ундан «Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ùа=ида =арор» (и/в 54) чи=аришга асос сифатида фойдаланиб бûлмайди ва уни «Эксперт ихтиёрига А.С.Ч. (И.Ф.Б.) дан олинган чûнтак =опчалари солинган почта конверти муùрланган ùолда та=дим =илинсин» (и/в 54) деб экспертиза текшируви учун олинган намуна сифатида эксперт ихтиёрига та=дим =илиб бûлмайди. Ю=орида таъкидлаб ûтганимиздек, ÛзР ЖПКнинг тегишли =оидаларига мувофи= текшириб чи=илганидан сûнггина тезкор-=идирув фаолияти натижасидан жиноят иши юзасидан далил тари=асида фойдаланиш мумкин бûлади. Чунки, бундай тезкор-=идирув фаолияти натижасидан тû\ридан-тû\ри маълум бир тергов ùаракатини ûтказиш учун асос сифатида фойдаланиш натижасида жиноят процесси ва тезкор-қидирув фаолиятининг қўшилиб кетишига, жиноят- судлов иш юритишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни қонунийлик принципига амал қилмаслиги оқибатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Минг афсус билан шуни айтиб ûтиш керакки, ю=оридаги каби ùолатларни судлар инобатга олмай, ùалигача айблов ùукмлари чи=араяптилар.

Далилларни мақбул деб топиш учун улар бир =атор талабларга жавоб бериши керак, акс ùолда далил **нома=бул** деб топилади. Далилларнинг ма=буллиги тû\рисида диссертация ишининг 2-боби 2-параграфида батафсил тûхталиб ûтилади.

ТҚФ натижаларидан далил сифатида фойдаланиш бўйича турли нуқтаи назарлар мавжуд. Масалан, Е.А.Долянинг фикрича, ТҚФ натижалари жиноят процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ равишда текшириб чиқилгандан сўнг ҳам далил бўла олмайди, чунки текширув ТҚФ натижаларига эмас, балки далилларга тегишлидир. Унинг юқоридаги фикри заминида «ҳар қандай маълумотлар, шу жумладан, ТҚФ натижалари ҳам далил ҳисобланиши учун қонунда белгиланган тартибда, қонунда кўзда тутилган манбадан ҳамда тергов

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва суд ҳаракатларини ўтказиш йўли билан олинган бўлиши лозим»[66]лиги ётади.

Ушбу мулоҳаза илгариги РСФСР ЖПКда ТҚФ натижаларидан далил сифатида фойдаланиш кўзда тутилмаганлигига асосланади. Лекин амалдаги РФ ЖПКнинг 89-моддасида: «Исбот қилиш жараёнида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш, агар улар ушбу Кодексда далилларга қўйилган талабларга жавоб бермаса таъқиқланади»-деб белгиланиб қўйилганлиги, агар «Тезкор-қидирув фаолияти натижалари ушбу Кодексда далилларга қўйилган талабларга жавоб берса, улардан исбот қилиш жараёнида фойдаланиш мумкинлигини»[67]-билдиради. Шунга я=ин фикрни А.Б.Соловьев ва Н.А.Погорецкийлар ѝамда бош=алар ѝам билдирганлар[68].

ЎзР ЖПКга мувофиқ эса, далиллар фақат тегишли процессуал ва тергов ҳаракатларни ўтказиш натижасидагина олиниши лозим.

Лекин, шуни тан олиш лозимки, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида олинган ѝа==оний маълумотлар ишдаги муҳим ҳолатларни ойдинлаштиришлари ҳамда ҳақиқатни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, далиллар ЎзР ЖПКнинг 87, 198-202-моддаларига кўра, тақдим этилган нарсалар ва ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан тўпланиши ҳам мумкин. С.А.Шейфер ТҚФ натижаларини айнан шу йўл билан далилларга айлантиришни таклиф қилиб, агар далиллар–бу қонуний йўл билан олинган фактик маълумотлар бўлса, ТҚФ натижаларининг процессуал маънода далилларга айланиши далиллар тақдим қилиш ҳуқуқини шахсларнинг кенг доирасига берувчи РСФСР ЖПКнинг 70-моддасига кўра, тезкор материалларни терговчига тақдим этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин[69] деб ҳисоблайди. Ушбу фикрни биз ѝам =ûллаб-=увватлаймиз.

---

[66] Доля Е.А. Использование результатов опертивно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам // Российская юстиция. 1994. №6. 42-б.

[67] +аранг: Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (по состоянию законодательства на 16 июля 2001 г.) – Алматы, ТОО «Баспа», 2001. 130-модда.

[68] КРИМІНАЛЬНО-ПРОЦЕСУАЛЬНИЙ КОДЕКС УКРАЇНИ (Затверджений Законом від 28.12.60), 65-модда.; УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ. 16 июля 1999 г. № 295-З. Национальный центр правовой информации Республики Беларусь, 1998-2001. 101-модда.; Соловьев А.Б. Доказывание в судебных стадиях уголовного процесса России. – М., 2002. 99-б.; 400 ответов по применению УПК РФ: Комментарий / С.И.Герасимов, А.П.Коротков, А.Ф.Тимофеев. – М.: Издательство «Экзамен», 2002. 68-б.; Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Новая редакция. – М.: ИКФ «Экмос», 2002. 187-б.; Погорецкий Н.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в качестве доказательств в уголовном процессе России и Украины: сравнительный анализ // Российский следователь. 2003. №4. 46-б.

[69] Шейфер С.А. Доказательственные аспекты закона об оперативно-розыскной деятельности // Государство и право. 1994. №1. 98-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқорида таъкидланганидек, бундай вазиятда тезкор ходимнинг далиллар тақдим қилиш ҳуқуқига терговчининг тезкор-қидирув тадбирлари материалларини қабул қилиш мажбурияти мувофиқ келади. Бироқ бу ушбу материаллар ўз-ўзидан ишга қўшиб қўйилади, дегани эмас. Бунинг учун терговчи муайян процессуал ҳаракатларни ўтказиши лозим. П.А.Лупинская, бундай материаллар, агар дастлабки терговни юритишга ваколатли бўлган шахс, ёки суд томонидан «РСФСР ЖПКнинг 70, 84, 87, 88, 141, 179-моддаларида кўзда тутилган процессуал ҳаракатларни ўтказиш йўли билан ишга қўшиб қўйилган»[70] бўлсагина, жиноят иши бўйича далил бўлиб ҳисобланишлари мумкин, дея таъкидлаб ўтади.

Бундай ахборотни ўзида мужассам этган нарса ва ҳужжатларни, шу жумладан, фото- ва кино- тасвирларни, овоз- ва видеоёзувларни тақдим эта туриб, тезкор бўлинмалар ходимлари ушбу материалларнинг мақбуллик хусусиятига эга бўлишини таъминлашлари шарт.

Айрим муаллифларнинг «...маълумотлар терговчига манбалари ва уларнинг олиниш усуллари кўрсатилмаган ҳолда етказилади»[71]- деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки ушбу материалларнинг мақбуллик хусусиятининг аҳамиятли тарафи бўлиб улардаги ахборотларнинг келиб чиқиш манбасининг маълумлиги ҳисобланади. Шу мақсадда тезкор хизмат ҳужжатларида (баённома, билдирги, маълумотнома) тезкор-қидирув тадбирларининг бориши ва натижалари ўз аксини топган бўлиши керак. Исбот қилиш жараёнининг энг муҳим тамойили бўлиб ҳаққоний маълумотларда уларни текшираолиш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади. Бу талаб универсал характерга эгадир, чунки у далилларнинг барча турларига татбиқ этилади. Тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари қайд этилган нарса ва ҳужжатлар ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам келиб чиқиши номаълум бўлган маълумотлар далил деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Фонограмма, видеоёзув, фото- ёки кинотасвир ҳақиқитан ҳам тафтиш этилаётган ҳодисани акс эттирганига ишонч ҳосил қилиш учун мазкур ҳаракатлар қачон амалга оширилганлигини аниқлаш зарур. Бунинг учун терговчи тезкор ходимдан тезкор материалларни қабул қилар экан, ахборот олинган шарт-шароитлар қайд этилган

[70] Лупинская П.А. Основания и порядок решения вопросов о недопустимости доказательств при рассмотрении дел судом присяжных. / Рассмотрение дел судом присяжных. Научно-практическое пособие. - М. 1998. Б.129-130.
[71] Тетерин В.С., Трошин Е.З. Возбуждение и расследование уголовных дел. –М.: 1997. 35-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хизмат ҳужжатларига эга бўлиши ҳамда уларни тезкор ходимнинг сўзлари бўйича нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомасида акс эттириши лозим. Шундан сўнг суратга олган, овозни ва видеоёзувни ёзиб олган шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши керак. В.Т.Мазеин ва С.М.Шевелевлар эса «…Жиноий гуруѝга киритилган ходим ѝимоя шаклини (аноним равишда сûро= =илиш ёки жиноят процессида таѝаллус остида иштирок этиш – изоѝ меники) келишиб олинганидан кейин сûро= =илиниши мумкин»[72]-деб ѝисоблайдилар. Акс ҳолда, маълумотларнинг келиб чиқиши номаълум бўлганлиги учун бу материаллар мақбуллик хусусиятига эга бўлмайди.

Ю=оридаги фикримизни бир =атор олимлар ѝам тасди=лайдилар[73].

ТҚФ натижаларини далил сифатида қўллаш, улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг юзага чиқиши ЎзР ЖПКга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруриятини туғдиради.

Шунинг учун, ЎзР ЖПКга ТҚФ натижаларидан жиноят-процессуал исбот қилиш жараёнида фойдаланишни тартибга солувчи =ûшимча норманинг, хусусан, **«Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш»**-деб номланган ва **«Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланишга фақатгина ушбу нарсалар, ҳужжатлар ҳамда бошқа материалларнинг келиб чиқиш манбасини аниқ билган ёки уларнинг ҳаққонийлиги ёхуд олиниш шарт-шароитлари тўғрисида гувоҳлик бераоладиган шахс томонидан тақдим этилганида йўл қўйилади»**-деган мазмундаги $81^1$-модданинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур модданинг бундай тузилиши ТҚФ натижаларини жиноят процессига далил сифатида фойдаланиш учун киритиш механизмини белгилаб берар, тезкор-қидирув материалларини тақдим этаётган шахснинг бу материаллар келиб чиқиши ҳақида гувоҳлик бериш мажбуриятини кўзда тутар ва шу йўл билан далилларнинг тақдим этилишига қўйиладиган талабларни мустаҳкамлар ҳамда ТҚФ натижаларини жиноят процессига ЎзР

---

[72] Мазеин В.Т., Шевелев С.М. Некоторые проблемы представления и использования результатов оперативно-розыскной деятельности в уголовном процессе и их процессуальной защиты // Российский следователь. 2001. №3. 10-б.

[73] +аранг: 400 ответов по применению УПК РФ: Комментарий / С.И.Герасимов, А.П.Коротков, А.Ф.Тимофеев. – М.: Издательство «Экзамен» , 2002. 68-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖПКнинг 87, 198 ва 200-моддалари тартибида тақдим этиш йўли билан киритишнинг кафолати бўлиб ҳисобланар эди.

## 1.2. Жиноят процессида исбот қилиш жараёни

Мантиқий операция сифатида далил деб юритилувчи исбот қилиш табиати тафаккурнинг шундай шаклини билдирадики, унинг воситасида маълум бир билимлар ҳақиқийлиги асосида бошқа билимларнинг ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслиги очиб берилади[74]. Мазкур мантиқий операция юридик соҳада исбот қилиш деб юритилади ва у ўзига хос кўринишга эга. «Исбот қилиш» ибораси фақат жиноят процессидагина қўлланилмайди. Юридик адабиётда исбот қилиш ҳақида сўз борар экан, бу ибора остида ёхуд жиноят-процессуал, ёхуд фуқаровий-процессуал, ёхуд маъмурий-процессуал, ёхуд хўжалик-процессуал ҳодиса тушунилади.

Исбот қилиш жараёнининг мазмуни ва моҳияти юзасидан ҳозиргача турлича фикрлар ва мулоҳазалар билдириб келинмоқда.

Ҳозирги замон олимларининг исбот қилиш жараёни моҳиятини турлича тушунишларига қарамасдан, бу категорияни тадқиқ қилган олимларнинг кўпчилиги унга ўз таърифларини беришга ҳаракат қилганлар.

Бир =атор муаллифлар исбот қилиш жараёни моҳиятини очишда унинг элементларига катта эътибор қаратадилар. Масалан, И.М.Гуткин ва П.Ф.Пашкевич исбот қилиш жараёнига таъриф бериб, бу жараён далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича, улардан жиноятнинг содир бўлган-бўлмаганлиги тўғрисидаги хулосаларни, шунингдек, уни содир этган шахс ва ишни тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларни асослашда фойдаланиш бўйича суд, суриштирув органлари, терговчи, прокурорнинг фаолиятидан иборатдир[75]-деб таъкидлайдилар.

Б.Т.Безлепкиннинг фикрича, исбот қилиш фақат тафаккур фаолиятигагина киритилмаслиги керак чунки, бу кўпроқ ҳуқуқни қўллаш бўлиб, иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга қаратилади ва жиноят иши бўйича якуний қарорни асослаш билан тугалланади.[76]

---

[74] Бу ùа=да =аранг: Иванов Е.А. Логика. Учебник. –М.: Издательство БЕК, 1996. Б. 7-11.

[75] Гуткин И.М. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Под ред. Б.А.Викторова. – М.: Юрид.лит, 1979. 87-б.; Пашкевич П.Ф. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Отв. ред. К.Ф.Гуценко. – М.:Юрид.лит., 1986. 87-б.

[76] Безлепкин Б.Т. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Под ред. В.П.Божьева – М.: Юрид.лит., 1990. Б. 75-95.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Л.М.Карнеева И.М.Гуткин ва П.Ф.Пашкевичлардан фар=ли ûларо= исбот қилиш жараёни элементларини ёритмай, бу «иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш бўйича ваколатли шахсларнинг қонунда кўзда тутилган фаолияти»[77]эканлигини баён этиб, таърифни соддалаштиради.

В.С.Джатиевнинг ҳақли фикрича, билиш–«ўзи учун» амалга ошириладиган фаолият, исбот қилиш эса–«адресат учун» амалга ошириладиган фаолиятдир. Билишнинг мақсади билим олиш бўлса, исбот қилишнинг мақсади–адресатни шу нарсага ишонтиришдир[78].

А.С.Барабашнинг таъкидлашича, жиноят-процессуал исбот қилиш–бошқа ҳар қандай билиш жараёни каби жараёндир, у фақат ўзининг ўзига хос объектлари ва мақсадларига эга бўлиб, бу объектлар ва мақсадлар алоҳида процессуал шаклда ўрганилади.[79]

М.К.Треушниковнинг фикрига кўра, процессуал исбот қилиш бу–фуқаролик процессуал нормалари билан тартибга солинган, ҳам умумий юрисдикциядаги судларда, ҳам хўжалик судларида асослантирилган ва қонуний суд қарорларининг чиқарилишини таъминловчи, эҳтимолий фикрларнинг ҳақиқий билимга ўтиш йўлидир. Эҳтимолдан ҳақиқатга ўтишнинг бу йўли тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳисоблаши бўйича иш юзасидан ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган фактлар ҳақида (изланаётган фактлар ҳақида), манфаатдор шахсларнинг далилларни кўрсатиши бўйича, далиллар тақдим этиш, суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимослари ёки айрим ҳолларда ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олиш, далилларни текшириш ва уларга баҳо бериш бўйича ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар йиғиндисидан ташкил топади.[80]

Шуни таъкидлаш зарурки, исбот қилишни билиш билан аралаштириб юбормаслик керак, чунки исбот қилиш доимо билишдан, бизнинг фикримизча, тасдиқловчи ҳолатнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Яъни, «билишнинг тасди=ловчи томони =онуннинг далилларни муайян тартибда тûплаш, текшириш ва =айд

---

[77] Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе: Учебное пособие. – М.: УМЦ при ГУК МВД РФ, 1994. 15-б.

[78] Джатиев В.С. Общая методология и современные проблемы обвинения и защиты по уголовным делам. Автореф. дис. ..докт. юрид. наук. Владикавказ. 1995. 5-б.

[79]Барабаш А.С. Сущность уголовного процесса и его роль в формировнии ответственности правонарушителя.- Краснoярск: Изд. Краснояр. гос. аграр. Ун-та, 1997. 131-б.

[80] Треушников М.К. Судебные доказательства. - М., Юридическое бюро «Городец», 1997. 27-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

этиш, шу жумладан =атор тергов ѝаракатлари олиб борилишида холисларнинг ѝозир бûлиши ѝа=идаги талабларида ифода этилган»[81].

О.М.Мадалиев: исботлаш – процессуал тартибда =онун билан назарда тутилган, суриштирув органлари, тергов, прокурор ва судда исботлашнинг бош=а субъектлари иштирокида жиноят иши бûйича ѝа=и=атни ани=лаш ва жиноят суд иш юритувининг барча вазифаларини ѝал =илиш ма=садида далилларни тûплаш, текшириш ва баѝолаш бûйича фаолиятидир[82] деб И.М.Гуткин ва П.Ф.Пашкевичларнинг ю=оридаги фикрларига я=ин фикрни билдиради.

Биз ѝам И.М.Гуткин, П.Ф.Пашкевич ва О.М.Мадалиевларнинг ю=оридаги фикрларини =ûллаб-=увватлаган ѝолда, **исбот қилиш – бу исбот қилиш субъектларининг жиноят-процессуал қонуни билан муайян жиноят ишига тегишли бўлган ҳар қандай маълумотларни процессуал тартибда тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва уларга баҳо бериш, шунингдек, давлат номидан бу ҳар қандай маълумотларнинг мавжудлигини тасдиқлаш бўйича фаолиятидир** дея оламиз.

Фикримизча, тасдиқловчи ҳолатнинг мавжудлиги жиноят-процессуал исбот қилишнинг мажбурий мезони бўлиб, айнан шу мезон жиноят-процессуал исбот қилишни бошқа соҳалардаги исбот қилишдан (масалан, тезкор-қидирув фаолиятидаги тезкор ҳужжатлаштиришдан) фарқлайди.

Лекин, бу билан илмий мунозаралар тўхтаб қолган эмас. Исбот қилишни амалга оширувчи субъектларга, исбот қилиш мазмунига, далилларни мустаҳкамлашга, уларни текширишга, таққослашга ва баҳо беришга тегишли тушунчалар ва таърифлар доимий изланмоқда ва янгиланмоқда. Олимларнинг исбот қилиш предмети, исбот қилиш доираси, жиноят-процессуал исбот қилиш билан жиноят-ҳуқуқий квалификациянинг ўзаро нисбати, тезкор-қидирув фаолият юзасидан қарашлари ва мулоҳазалари янада муаммолироқдир, бу эса жиноят процессининг энг муҳим категориясини эътиборсиз қолмаётганидан далолат беради. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, исбот қилиш орқалигина адолатнинг мезони бўлмиш ҳақиқат аниқланади.

---

[81] Никифорова Е.Н. Исботлашнинг умумий шартлари // Жиноят процесси. Умумий =исм: Юридик институти ва факультетлари талабалари учун дарслик. / Доцент З.Ф. Ино\омжонованинг умумий таѝрири остида. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002. 181-б.

[82] Мадалиев О.М. Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кûрилишида прокурор иштироки: Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Тошкент. 2004. 13-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқоридагилардан жиноят иши бўйича маълум бир қарорга келищдан олдин мураккаб билиш жараёни бўлмиш исбот қилиш ўтказилиши лозимлиги кўринади.

Исбот қилиш жиноят процессида жуда муҳим ўринни эгаллайди. Агар исбот қилиш фаолияти натижасиз якунланса, агар жиноят ким томонидан ва қандай ҳолатларда содир этилганлиги аниқланмаса, жиноят процессининг мақсадларига эришилмаган деб ҳисоблаш мумкиндир. Жиноят оқибатида етказилган зарар қопланмаса, асосийси, жиноятчи жазосиз қолса, у ўзининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларини давом эттириши шубҳасиздир. Исбот қилиш жараёнида хатоликка йўл қўйилса, бундан ҳам оғирроқ оқибатлар келиб чиқиши мумкинки, булардан бири айбсиз шахснинг жазоланишидир. Шундай қилиб, исбот қилиш қанчалик тўла ва маҳорат билан амалга оширилса, иш бўйича чиқариладиган ҳукм ва бошқа қарорларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги шунчалик таъминланган бўлади.

Исбот қилиш, юқорида айтилганидек, билиш жараёни бўлиб, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тû\рисидаги ùа=и=атни аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бошқа соҳалардаги билишдан фарқли ўлароқ, жиноят иши бўйича исбот қилиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

1. Жиноят-процессуал исбот қилишда билиш предмети ўзига хос хусусиятга эгадир. Бу ерда исбот қилиш предмети бўлиб табиат ва жамиятнинг қонуниятлари эмас, балки ўтмиш ҳодисасининг муайян фактлари ҳисобланади. Албатта, исбот қилишда ҳам фан ва техника ютуқларидан фойдаланилади, бироқ бундай ютуқлар исбот қилиш мақсади ҳисобланмайди, балки улар исбот қилиш воситаси сифатида майдонга чиқади.

2. Иш бўйича қарор чиқаришнинг шартлиги. Б.А.Азизхўжаев «иш бўйича процессуал қарорларни чиқариш ва хулосаларни асослантиришни жиноят-процессуал исбот қилишнинг мустақил таркибий элементи сифатида ажратиш зарур»[83]-деганида ҳақ эди. Чунки исбот қилиш фаолияти қандай якунланишидан қатъи назар, иш бўйича албатта қарор чиқарилиши лозим. Ишнинг тақдири маълум бир шахсларнинг, жамоат ва давлатнинг манфаатларига таъсир кўрсатади, шу сабабли исбот қилиш фаолияти натижасиз тугалланган ва жиноят содир қилган шахслар аниқланмаган ҳолларда ҳам қарор

[83] Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент-«Ûзбекистон», 1995. 15-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқарилиши лозим (мисол тариқасида иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни келтириш мумкин).

3. Исбот қилиш жараёни маълум бир муддатлар билан чекланган. Жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда, дастлабки тергов эса жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим (мисол учун, дастлабки тергов муддатлари ЎзР ЖПКнинг 351-моддаси 4-6-қисмларида белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин).

4. Исбот қилиш жараёни қонун билан тартибга солинган ва маълум процессуал шаклда ўтказилади. Жиноят процессуал қонун далиллар билан ишлаш қоидаларини ўрнатади. Бу қоидалар далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш; далилларга қўйиладиган талаблар, исбот қилиш субъектлари ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Процессуал шакл иккиёқлама аҳамиятга эгадир. Биринчидан, ушбу шакл иш бўйича ҳақиқатни аниқлашни максимал даражада кафолатлайди.

Иккинчидан, процессуал шакл ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган[84].

Жиноят процессуал исбот қилишнинг мақсади ҳақиқатни, бошқачароқ айтганда, иш ҳолатларини воқеликка мос равишда аниқлашдир. Фалсафада ҳақиқий деб шундай билимга айтиладики, шу билим воқеликка мос келади, воқеликни тўғри акс эттиради.

Ҳақиқат моҳияти объективдир, у билувчи субъектнинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ эмас. Шу сабабли ҳақиқатни одатда объектив ҳақиқат деб номлаш тўғридир[85].

Чет эл адабиётида ҳақиқатнинг кўплаб концепциялари ишлаб чиқилган, масалан, когерент концепция, прагматик концепция, семантик концепция кабилар.

Юқорида келтирилган ҳақиқат талқини классик ёки оддий талқин деб аталади. Бироқ, айрим жиҳатларни кўриб чиқишда ҳақиқатнинг бошқа талқинларидан фойдаланиш мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Уларга масалан, конвенционал концепция ва формал назария (ёки мантиқий ёхуд семантик назария) киради.

Конвенционал ҳақиқат деб конвенция ёки келишув асосида тан олинадиган ҳақиқатга айтилади. Фикр воқеликка мос келганлиги

---

[84] +аранг: Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. Научно-практическое пособие. –М.: «Проспект», 2000. 6-б.

[85] +аранг: Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Казань. 1973. 150-б.; Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент-«Узбекистон», 1995. Б. 92-93.

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун эмас, балки кишилар уни ҳақиқат деб ҳисоблашга келишиб олганликлари учун ҳақиқий деб топилади.

Конвенционал ҳақиқатга мисол қилиб, жиноят процессида айби исботланмаганда шахсни айбсиз деб топишни келтирса бўлади. Бу шахс объектив ҳақиқат аниқлангани учун эмас, балки постулат айбсизлик презумпцияси ва ундан келиб чиқувчи «исботланмаган айб исботланган айбсизлик билан тенг»-деган қоида шарт қилиб қўйганлиги учун оқланади.

Формал ҳақиқат деб эса объектив воқеликка мос келувчи ҳақиқат эмас, балки олдиндан белгиланган шартлар, қоидаларга мос келувчи ҳақиқатга айтилади. Собиқ Иттифоқ даврида формал ҳақиқат моддий ҳақиқатга қарши қўйилар ва реакцион институт сифатида қаттиқ қораланар эди.

Бироқ, формал ҳақиқатнинг исбот қилиш жараёнидаги роли ҳақида ҳеч бўлмаса икки сабабга кўра гапириш мумкин.

Биринчидан, жиноят-процессуал исбот қилишда формал ҳолатларнинг роли ҳақиқатда жуда катта. Айниқса, бу далиллар мақбуллигини баҳолашга тегишли, бу ерда далилларнинг объектив воқеликка мос келиши эмас, аксинча, шакл масалалари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Иккинчидан, бу масала суднинг исбот қилишдаги ролини аниқлаштириш учун ҳам аҳамиятга эгадир. Агар суд бу жараёнда пассив бўлса, агар унинг зиммасига объектив ҳақиқатни аниқлаш учун чоралар кўриш мажбурияти юкланмаса, бу ўринда, албатта, объектив ҳақиқат тўғрисида эмас, балки формал ҳақиқат тўғрисидагина гапириш мумкин. Ҳар ҳолда жиноят-процессуал исбот қилишда формал ҳақиқат категориясини бутунлай инкор қилиш ҳам тўғри эмас.

Ҳақиқатни аниқлаш қанчалик муҳим бўлмасин, у иш юритишнинг пировард мақсади эмас. Жиноят судлов ишларини юритиш ҳақиқатни шунчаки аниқлаш билангина якунланиши мумкин эмас. Юқорида айтилганидек, ҳар бир иш бўйича қарор қабул қилиниши лозим. Ҳақиқатни аниқлаш шундай қарорни чиқариш, унинг тўғрилиги учун етарли замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқат муаммоларидан бири жиноят-процессуал исбот қилишда ҳақиқат моҳияти тўғрисидаги масаладир. Гап бу ўринда ҳақиқат мазмунига ишнинг ҳолатларини аниқлашгина кирадими, ёки шунингдек, аниқланган иш ҳолатларини ҳуқуқий баҳолаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

(жиноятларни квалификация қилиш) ва суднинг жазо миқдори тўғрисидаги хулосаси ҳам кирадими-шу ҳақидадир.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун формал ҳақиқат категориясидан фойдаланиш фойдали бўлур эди. Мантиқда бир тушунчанинг объектив ҳақиқатга эмас, балки бошқа, ҳақиқийлиги исботланаётган тушунчага мос келиши формал (семантик) ҳақиқат ҳисобланади. Шу жиҳатдан бир фикрга мос келувчи иккинчи фикр, кейингиси объектив ҳақиқатга мос келиш-келмаслигидан қатъи назар, ҳақиқий деб ҳисобланади. (Ҳақиқатнинг семантик концепцияси поляк мантиқшуноси Александр Тарский томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирги вақтда мантиқ ва фалсафада кенг қўлланилади[86]). Ушбу ҳолатни аниқланган ҳодисани ҳуқуқий баҳолашда ҳам кўришимиз мумкин. Бундай баҳолаш қилмишнинг объектив ҳақиқатга эмас, ҳуқуқ нормасига тегишлилигини билдиради. Квалификация ҳуқуқ нормаси объектив ҳақиқатга мос келиш-келмаслигидан қатъи назар, тўғри бўлиши керак. Қилмишни ҳуқуқий баҳолаш орқасида етишиладиган ҳақиқат формал характерга эга ва формал ҳақиқатнинг бир кўринишидир.

Шундай қилиб, жиноят процессидаги ҳақиқат мазмунига фақат ишнинг фактик ҳолатлари тўғрисидаги ва ҳуқуқий квалификация қилиш тўғрисидаги хулосалар киради. Суднинг жазо миқдори тўғрисидаги хулосаси ѝа=и=ат мазмунига кирмайади.

Энди жиноят процессининг принципи сифатида ҳақиқат қандай мазмунга эгалигига тўхталамиз. Ҳақиқатни аниқлашни жиноят процессининг принципи деб ҳисоблаш мумкинлиги тўғрисида процессуал адабиётда турли қарашлар мавжуд. Бу ўринда ҳақиқатни аниқлаш жиноят процессининг нафақат мақсади, балки принципи сифатида ҳам майдонга чиқади.

Исбот қилишдан мақсад ҳақиқатни аниқлаш эканлигини айтиб ўтдик. Бироқ, ҳақиқат тушунчаси у ёки бу иш бўйича айнан қайси ҳолатлар аниқланиши лозимлигини белгилаб бераолмайди. Бунинг учун бошқа тушунча «исбот қилиш предмети» хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир жиноят иши ўзига хос бўлади. Шу билан бирга турлича ҳодисалар ўртасида умумий бўлган ҳолатларни ажратиб олиш мумкин.

Айнан шу умумий ҳолатлар тушунчасини исбот қилиш предмети аниқлаб беради. Ю.К.Орлов: «Исбот қилиш предмети-бу

---

[86] +аранг: Чудинов Э.М. Природа научной истины. –М., 1977. 29-б.; Квижинадзе Р.Е. Понятие истины и альтернативы в теории познания. Тбилиси. 1977. 53-б.; Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. 11-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳар бир жиноят иши бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар мажмуидир»[87]-деб таъриф беради.

Ушбу ҳолатларни бирлаштирувчи нарса шуки, улар иш бўйича ҳуқуқий аҳамиятга эгадир, яъни ёки жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатади, ёхуд фуқаровий даъвони ҳал қилишда аҳамиятга эга бўлади, ёхуд жазони тайинлашда ҳисобга олиниши мумкин. Шу сабабли ушбу ҳолатларнинг аниқланмай қолиши терговнинг тўла бўлмаганлиги ва бирёқлама ўтказилганлигини билдиради ҳамда ҳукмнинг бекор бўлиши ёки ўзгартирилишига ёхуд жиноят ишининг қўшимча терговга қайтарилишига олиб келади.

I. Жиноят ҳодисаси (вақти, жойи, усули ва бошқа ҳолатлар)-ЎзР ЖПК 82-м. 1-қ. 2-б.

Иш бўйича, аввало, жиноят ҳодисаси содир бўлган-бўлмаганлиги аниқланиши лозим. Жиноий ҳодисанинг юз бермаганлиги (ЎзР ЖПК 83-м. 1-қ. 1-б.) реабилитация қилиш учун асослардан бири ҳисобланади. Шу сабабли жиноий ҳодисанинг юз бермаганлиги аниқланса, бошқа исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг аниқланиши лозим бўлмай қолади.

Жиноий ҳодиса деганда, жиноят қонунида кўзда тутилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳамда қилмиш ва рўй берган хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноят орқасида етказилган зиённи тушуниш лозим. Ю.К.Орловнинг фикрича =уйидаги ҳолларда жиноий ҳодиса юз бермаган деб ҳисобланади:

1) Қонунда кўрсатилган қилмиш содир этилмаган бўлса ва унинг оқибатлари амалда бўлмаса (масалан, камомад бўлмаса, тафтишчи (ревизор) адашган бўлса, ўлдирилди, деб ҳисобланган шахс тирик бўлса);

2) Қонунда кўрсатилган оқибатлар рўй берган бўлса-да, улар инсон фаолиятининг эмас, балки табиий кучлар, фалокатлар оқибатида (табиий ûлим, чақмоқ уриб ўлиш каби) рўй берган бўлса;

3) Бундай оқибатлар очиқ кўриниб турган бўлса-да, улар жабрланувчининг ўзининг ҳаракатлари натижасида келиб чиққан бўлса (масалан, ўзини ўзи ўлдириш ёки жабрланувчининг ûзи пулларини йû=отиб =ûйган бûлса)[88].

Жиноят ҳодисаси фактидан ташқари жиноят содир этилган вақт, содир этилиш усули, жойи ва бошқа ҳолатлари ҳам аниқланиши

[87] Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. 22-б.
[88] Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. 23-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лозим. Жиноят содир этилиш вақти ва жойи, агар улар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, жиноят объектив томонининг зарурий белгилари ҳам бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, вақт ва ҳудуд бўйича қайси қонун амалда бўлганлигини аниқлаш учун ҳам вақт ва жой аниқланиши керак бўлади. Вақт, шунингдек, айбланувчи (баъзан жабрланувчи) жиноят содир этиш вақтида маълум ёшга етган-етмаганлигини, жиноят содир этилган жой эса жиноят ишининг терговга тегишлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш учун ҳам керак бўлади. Бундан ташқари, жиноят содир этилган жой ва вақт муҳим тактик-криминалистик аҳамиятга ҳам эгадир. Маълумки, жиноят содир этилган жой одатда муҳим далилий ахборотларни ўзида сақлайди, шу сабабли терговчи бу жойни аниқлаши ва синчковлик билан текшириши лозим. Жиноят содир этилишининг аниқ вақти «alibi»[89] ни текшириш учун керак бўлади.

Жиноят содир этиш усули, яъни жиноят оқибати келиб чиқишига эришиш учун бажарилган ҳаракатлар мазмуни ва кетма-кетлиги кўпчилик жиноятлар таркиби учун зарурий белги бўлиб хизмат қилади. Масалан: қасддан одам ўлдириш ўта шафқатсизлик билан, безорилик оқибатида, диний таассублар замирида каби ҳолатларда содир этилган, деб квалификация қилишга таъсир кўрсатади (ЎзР ЖК 97-м. 2-қ. ж, л, м-бандлар.)

II. Жиноят содир этишда айбланувчининг айби, яъни жиноят ким томонидан содир этилганлиги.

Айрим муаллифларнинг фикрича, айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларга:

1) демографик маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, жойи, фуқаролиги, она тили кабилар);

2) шахснинг ижтимоий мақоми (маълумоти, мутахассислиги, касб-ҳунари, ҳарбий хизматга алоқаси, мукофотлари);

3) турмуш шароитлари (моддий аҳволи, уй шароитлари);

4) соғлиғи;

5) турмуш тарзи, қизиқишлари доираси;

6) психологик тавсиф (феъл-атвори, ахлоқий сифатлари кабилар) киради.

Бундан ташқари, айбланувчининг ёши ва (агар бунга шубҳа бўлса) ақли расолиги ҳам аниқланиши керак.

---

[89] Тўғри оқловчи далил – alibi (лотинча) – «бошқа жойда», яъни айбланувчининг жиноят содир бўлган пайтда бошқа жойда бўлганлигини англатади. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т. 1.- М., 1968. 380-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жиноят содир этган шахс аниқланганидан сўнг, унинг айби бор ёки йўқлиги, мақсад ва мотивлари аниқланиши лозим[90].

III. Айбланувчининг жавобгарлиги даражаси ва характерига таъсир этувчи ҳолатлар.

Ҳукм чиқариш вақтида суд ЎзР ЖКнинг 55 ва 56-моддаларида белгилаб қўйилган жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар бор ёки йўқлиги тўғрисидаги масалаларни ҳам ҳал қилиши шарт.

IV. Етказилган зиённинг миқдори ва хусусияти.

Зиён маънавий, жисмоний ва мулкий бўлиши мумкин. Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун зиён хусусияти ва миқдори аниқ белгиланиши керак.

Зиённи аниқлаш, шунингдек, фуқаровий даъвони асослаш ва уни таъминлаш учун ҳам керак.

V. Жиноят сабаблари ва оқибатлари.

Исбот қилиш масалаларида жиноят процесси, криминалистика ва тезкор-қидирув фаолияти назариясининг ўзаро муносабати ва алоқалари муаммоси ҳамон долзарб, амалий аҳамиятга эга муаммо бўлиб қолмоқда. Тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва криминалистиканинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнлари кўп жиҳатдан ўхшашдир. Криминалистика жиноят процесси фани бағрида вужудга келган бўлса, тезкор-қидирув фаолияти назарияси илмий билишнинг мустақил соҳаси сифатида криминалистика бағрида, унинг жиноятларни тергов қилиш тактикаси ва методикаси бўлимлари асосида вужудга келди.

Ўз даврида криминалистиканинг предмети тўғрисида бир қатор олимлар[91] турлича фикр билдирганлар.

---

[90] Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. 25-б.

[91] Трегубов С.Н. Основы уголовной техники. -Пг., 1915. 14-б.; Якимов И.Н. Криминалистика. Руководство по уголовной технике и тактике. –М., 1925. –430 б.; Громов В.И. Дознание и предварительное следствие. – М., 1926.; Якимов И.Н. Криминалистика. Уголовная тактика. –М., 1929. 7-б.; Криминалистика. Кн. 1. Техника и тактика расследования преступлений. –М., 1935. 6-б.; Криминалистика. Техника и тактика расследования преступлений. –М., 1938. 3-б.; Шавер Б.М. Предмет и метод советской криминалистики // Социалистическая законность, 1938. №6. -Б. 57, 67, 75.; Строгович М.С. Предмет криминалистики и её соотношение с уголовным процессом. –В кн.: Труды Военно-юридической академии Красной Армии. Ашхабад. 1942. 8-б.; Чельцов М.А. Уголовный процесс. –М., 1948. 33-б.; Винберг А.И. Предмет и метод советской криминалистики. Криминалистика. Ч.1. –М., 1950. 4-б.; Тарасов-Родионов П.И. Советская криминалистика // Социалистическая законность. 1951. №7. -Б. 10-13.; Митричев С.П. Предмет советской криминалистики и её место в системе юридических наук // Социалистическая законность. 1952. №3. -Б. 25-26.; Выдря М.М., Любарский М.Г. Место советской криминалистики в системе юридических наук –В кн.: Вопросы советской криминалистики. Алма-ата. 1959.35-б.; Кубицкий Ю.М. Пограничные вопросы судебной медицины и криминалистической экспертизы. –В кн.:Вопросы судебной экспертизы и криминалистики. Алма-ата. 1959. 41-б.; Крылов И.Ф. Очерки истории криминалистики и криминалистической экспертизы. –Л.: Изд-во Ленинградского университета. 1975. –189 б.; Криминалистика: Олий û=ув юртлари талабалри учун дарслик / Муаллифлар: Ғ.Абдумажидов ва бош=. –Т.: «Адолат», 2003. 5-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Криминалистика ва унинг предмети бўйича 1967 йилда Р.С.Белкин ва Ю.И.Краснобаев томонидан берилган таъриф мутлақ янги йўналишда бўлди. Улар криминалистикани таърифлаш бўйича мавжуд таърифлар унинг мазмунини акс эттирмайди, чунки: «Совет криминалистикасининг предмети суд далилларини тўплаш, текшириш ва баҳо беришнинг усуллари, методлари ва воситалари эмас, бу далилларнинг юзага келиш қонуниятлари бўлиши лозим»[92]-деган хулосага келдилар.

Шу асосда Р.С.Белкин қуйидаги таърифни шакллантирди: «Совет криминалистикаси–бу суд текширувини амалга ошириш қонуниятлари тўғрисидаги, уни ўтказиш усуллари ва воситалари тўғрисидаги, бу усуллар ва воситалардан жиноятларни фош қилиш, тергов қилиш ва объектив суд муҳокамаси ўтказиш мақсадида ҳамда жиноятларнинг олдини олиш учун чоралар кўриш мақсадида фойдаланиш услублари тўғрисидаги фандир»[93].

Кейинроқ Р.С.Белкин ўз таърифини: «Криминалистика–бу далилларнинг юзага келиши, уларни тўплаш, текшириш ва улардан фойдаланиш қонуниятлари ва бу қонуниятларни суд текшируви ва жиноятларнинг олдини олиш усуллари ва воситалари асосида билиш тўғрисидаги фандир»[94]-деб тўлдирди.

Р.С.Белкин томонидан таклиф қилинган таъриф совет криминалистларининг кўпчилиги томонидан маъқулланди. Энди криминалистикани таърифлашда далилларнинг юзага келиш қонуниятлари тўғрисидаги масала асосий ўринни эгаллади. И.М.Лузгин: «Бу қонуниятлар тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлмай туриб, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш услубларини ишлаб чиқиш мумкин эмас»[95]-деб ёзган эди.

Бироқ бу фикрга қарши чиққанлар ҳам бўлди, жумладан, А.Н.Васильев: «Криминалистикани жиноятни режали тергов қилишни ташкил қилиш, далилларни жиноят-процессуал қонуни меъёрларига мувофиқ равишда самарали аниқлаш, тўплаш ва текшириш ва шу мақсадлар учун табиий, техник ва бошқа махсус фанлар ва жиноятлар ҳамда далилларнинг шаклланиши механизмини ўрганиш асосида махсус усуллар ва воситалардан фойдаланиш йўли

---

[92] Белкин Р.С. , Краснобаев Ю.И. О предмете советской криминалистики // Правоведение, 1967. № 4. 94-б.
[93] Белкин Р.С. Предмет, задачи и система советской криминалистики. Криминалистика. Учебник для специальных средних учебных заведений. - М., 1967. 3-б.
[94] Белкин Р.С. Введение в курс советской криминалистики. Криминалистика. Учебник для юридических вузов. - М., 1968. 9-б.
[95] Белкин Р.С. Ленинская теория отражения и методологические проблемы советской криминалистики. - М., 1970. 42-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан жиноятларнинг олдини олиш тўғрисидаги фан сифатида таърифлаш мумкин»[96]-деб ўзининг таърифини берди.

Р.С.Белкин ва А.И.Винберг юридик луғатдаги криминалистика тўғрисидаги мақолага ҳаммуаллифлик қилиб, унда: «Криминалистика–суд далилларини тўплаш, қайд қилиш, текшириш ва фойдаланишнинг махсус усуллари, воситалари ва услублари тизимини ишлаб чиқувчи фандир»[97]-деган таърифни бердилар.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён этилган таърифлар мукаммал эмас ва давом эттирилиши мумкин, чунки криминалистика доимо ривожланиб бормоқда, унинг мазмуни чуқурлашиб, умумий назарияси аниқлашиб бормоқда.

Яқин ўтмишда бу фаннинг ривожланишига асосий тўсиқ кўпгина машҳур олимларнинг замона тақозоси билан юридик фанларни, шу жумладан криминалистикани социалистик ҳуқуқий онг, партиявий мафкура ва синфий ёндашув руҳи билан суғоришга ҳаракат қилганликлари бўлди, десак хато қилмаймиз, бу эса чет эллик ҳамкасбларимиздан амалий ва илмий тажрибанинг ижобий томонларини олишга ҳалақит бергани шубҳасиз.

Тарихан криминалистиканинг биринчи йўналишларидан бири шахсни идентификациялаш имкониятларини ўрганиш, «криминалистик регистрация» нинг услублари ва воситаларини ишлаб чиқиш бўлган эди. Мазкур услублар асосан қидирув фаолияти, жиноий қидирув самарадорлигини таъминлашга қаратилган ва айнан қидирув полицияси томонидан қўлланилар эди, бу ҳақда В.И.Лебедев: «...замонавий жиноятчиларга қарши муваффақиятли курашни фақат ҳеч бўлмаганда энг янги техника ва амалий билимлар билан тенг ёки яхшироқ қуролланган ва уларни моҳирона эгаллаган полициягина олиб бориши мумкин»[98]-деб ёзган эди.

Криминалистиканинг қидирувда амалий қўлланиладиган усуллари, тавсиялари йиғинди ҳолида қидирув фаолиятида жиноий-полиция тактикаси деган номни олиб, мазмунан жиноятчилар ва жиноятчиликка қарши курашнинг суд-полиция усулларидан, жиноятларнинг олдини олиш, бартараф қилиш, аниқлаш ва тергов қилишнинг, жиноятларни содир этишда айбли бўлган шахсларни фош қилиш ва ушлашнинг амалий услубларидан иборат эди.

---

[96] Васильев А.Н. Введение в курс советской криминалистики. Криминалистика. Учебник для юридических институтов и факультетов. - М., 1971. Б. 7-8.
[97] Белкин Р.С., Винберг А.И. Криминалистика и доказывание. - М., 1969. Б. 181-182.
[98] Лебедев В.И. Искусство раскрытия преступлений. Дактилоскопия. -СПб., 1909. 12-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жиноий-полиция тактикаси назарияси ишлаб чиқилмаган бўлиб, у эмпирик қоидалар ва маслаҳатлар йиғиндисидан ташкил топган эди. Шу сабабли ҳам тезкор-қидирув фаолиятининг илмий асосини ишлаб чиқишга уриниш биринчи бўлиб айнан криминалистика вакиллари томонидан амалга оширилган эди[99].

Кейинроқ, октябр давлат тўнтаришидан сўнг ёзилган асарларда криминалистика маълумотларини қўллашнинг икки соҳаси: ошкора ва яширин соҳалари мавжудлиги, уларнинг ҳар иккаласи ҳам криминалистика фанининг предмети билан қамраб олиниши тўғрисидаги фикр қатъият билан ўтказила бошланди. Бошқача айтганда, тезкор-қидирув фаолияти худди дастлабки тергов органларининг фаолияти каби криминалистиканинг объекти ҳисобланди.

1950-йилларга қадар тезкор-қидирув фаолиятининг илмий асослари–бу криминалистика қоидалари бўлиб, бу қоидалар суриштирув ва қидирув органларининг ҳам ошкора, ҳам яширин ҳаракатларининг назарий асосини ташкил қилади[100], деган фикр сақланиб келди. Бироқ, 1950 йилда А.И.Винберг «тезкор фаолиятни, фаол ва умумиттифоқ қидирувини назарий умумлаштириш, жиноятчиликка қарши режали курашнинг жиноий регистрация кўринишида илмий ташкил қилиш, жиноятчиларни ушлашни ташкил қилиш масалалари (қуршов, пистирма, тинтув ва бошқалар)– буларнинг барчаси фақат криминалистиканинг компетенциясини ташкил қилувчи махсус соҳадир»[101]-деб таъкидлаган эди.

1960-йилларда криминалистик адабиётда, гарчи тезкор-қидирув фаолиятининг назарий асослари тўғрисида ҳеч нарса айтилмаса ҳам, мазкур фаолиятга нисбатан «махсус илмий фан» деган ибора пайдо бўлди,. Бироқ, 1976 йилга келиб, СССР ИИВ Олий мактаби олимлари томонидан олий ўқув юртлари учун тайёрланган дарсликда криминалистика ва тезкор-қидирув фаолиятининг алоқаси «шунда ифодаланадики, тергов қилишнинг криминалистик тактикаси ва методикаси муаммоларини ишлаб чиқишда тезкор-қидирув фаолияти назарияси билан белгиланувчи тезкор-қидирув фаолияти имкониятлари ҳисобга олинади, тезкор-қидирув фаолияти назариясини ишлаб чиқишда эса, криминалистика қоидалари ва

---

99 Криминалистическое обеспечение деятельности криминальной милиции и органов предварительного расследования / Под ред. проф. Т.В.Аверьяновой и проф. Р.С.Белкина. - М.: 1997. 54-б.
100 Якимов И.Н. Практическое руководство к расследованию преступлений. - М., 1924.
101 Винберг А.И. Криминалистика, вып. 1, Введение в криминалистику. - М., 1950. 17-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тавсиялари ҳисобга олинади»[102]-деб таъкидланган эди. Тезкор-қидирув фаолияти назарияси криминалистика фанининг бир қисми сифатида ривожланиб, асосан унинг айрим қоидалари йиғиндиси билан қамраб олинган ва бутун ҳолича криминалистика назарияси доирасидан четга чиқмаган эди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқа бутун ва қисм муносабати, яъни бўйсуниш алоқаси сифатида эди.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясининг биринчи элементлари криминалистика фанида юзага келди ва тўплана борди, кейинчалик, мазкур назарий қоидалар сонининг ўсиши сифат ўзгаришларига олиб келгач, тезкор-қидирув фаолияти назарияси криминалистикадан илмий билимнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиқди ва бу соҳа маълумотлари бошқа фанлардагидек криминалистикада бевосита ёки ўзгарган кўринишда қўлланилади[103].

Фикримизча, бундай ажралиш ўз вақтида ва объектив зарур бўлди, чунки криминалистика ва тезкор-қидирув фаолияти назарияси ўртасидаги бўйсуниш алоқалари тенг ҳуқуқли ҳамкорларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларига айланди.

Шу даврнинг ўзида тезкор-қидирув фаолияти назарияси ҳам фан сифатида расман тан олинди ва жиноят процесси ва криминалистика билан биргаликда 12.00.09. илмий ихтисослигига киритилди.

Жиноят процесси, криминалистика ва тезкор-қидирув фаолияти назариясининг чамбарчас алоқаси бир қатор мураккаб муаммоларни ишлаб чиқишда ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқади. Улар қаторида тезкор ахборотни исбот қилишда информацион масалалар билан алоқаси; терговчи томонидан тезкор-қидирув ахборотидан фойдаланишнинг мақсадлари, йўналишлари ва усуллари ва бошқа шу каби масалалар қизиқиш уйғотади. Ҳуқуқий асосни вужудга келтириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, (шу жумладан дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш юзасидан), тўпланган тажрибани ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги хорижий қонунчиликнинг ижобий тажрибаси асосида ишлаб чиқилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва Конституцияга мувофиқ келувчи янги қонунчиликни яратишни талаб қилади.

Шу билан бирга, тезкор-қидирув фаолияти назарияси илмий билишнинг мустақил соҳаси сифатида тан олиниши бу назария қоидаларининг криминалистикада ва жиноят процессуал исбот қилишда кўпроқ амалий қўлланилишига олиб келмади. Бу ҳолатни

---

[102] Криминалистика. - М., 1976. 15-б.
[103] Криминалистика. - М., 1978. 18-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жумладан, тезкор-қидирув фаолияти масалалари бўйича адабиётнинг ёпиқ идоравий табиатга эгалиги билан изоҳлаш мумкин, бу эса уни легаллашдан сўнг биринчи кунларда информацион монополистга айлантирди, гарчи сўнгги вақтларда мазкур муаммо бўйича ошкор жиддий асарлар кўплаб эълон қилинган бўлса-да, ўқув муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари томонидан ўрганиш ва ишлаб чиқиш учун доим ҳам қулай ва осон бўлмади. Муаллифлар орасида машҳур олимлар ва амалиёт ходимлари, шу жумладан, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари: Ғ.А.Абдумажидов, Б.А.Азизхўжаев, Р.С.Белкин, А.Р.Белкин, Д.И.Бедняков, К.К.Горяинов, А.И.Гуров, А.И.Долгова, Е.А.Доля, С.В.Дьяков, В.И.Зажицкий, В.К.Зникин, Ю.Ф.Кваша, И.А.Климов, А.А.Леви, С.С.Овчинский, П.Г.Пономарев, А.П.Рижаков, Г.П.Саркисянц, К.В.Сурков, Б.С.Тетерин, М.Е.Токарева, А.Ю.Шумилов, В.Е.Эминов, Н.П.Яблоков ва бошқалар бор. Бунга сабаб бошқа, яъни айнан, олимларнинг стереотип, эскича фикрлашлари ва юридик йўналишдаги ўқув муассасаларида тадқиқот учун мавзулар танлашнинг бир қолипдалиги, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун юристлар тайёрлашнинг мукаммал дастурлари мавжуд эмаслиги сабаб бўлмоқда, деб тахмин қилиш мумкин.

Ошкора ва яширин криминалистик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг муаллифлари жиноятларни аниқлаш ва очиш, тергов версияларини тузиш ва текшириш, тактик комбинацияларни (операцияларни) режалаштириш ҳамда амалга ошириш, манфаатдор субъектлар билан руҳий алоқалар ўрнатиш, ривожлантириш масалалари ва криминалистиканинг, жиноят-процессуал ва тезкор исбот қилишнинг бошқа айрим муаммоларини баён этишда тезкор-қидирув фаолияти соҳасида кўпроқ назарий ва амалий муаммоларга ва тавсияларга мурожаат қиладилар. Муаммоларнинг асосий қисми тезкор ахборотдан исбот қилишда фойдаланиш масалалари, шунингдек, терговчининг суриштирув органлари тезкор ходимлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий шакллари масалаларидан ташкил топгандир.

Тезкор ахборотни олиш мумкинлиги ва муҳими, ундан исбот қилишда фойдаланиш мумкинлиги–жиноят процесси, криминалистика ва тезкор-қидирув фаолияти назарияси ўртасидаги алоқанинг энг муҳим ва истиқболли йўналишидир. Исбот қилиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

жараёнида тезкор ахборотдан фойдаланиш турлари (вариантлари) ахборот мазмуни билан белгиланади.

Криминалистлар тезкор-қидирув фаолияти назариясида тезкор ахборотнинг мазмуни ва турлари тўғрисидаги, исбот қилишда тезкор ахборотнинг информацион жараёнлар билан алоқаси тўғрисидаги, тезкор-қидирув фаолиятида тезкор ходимнинг унга терговчи томонидан тақдим этилган далилий ахборотдан фойдаланиш йўналишлари ва усуллари, криминалистик усуллар ва воситалардан тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиш йўллари ва доираси тўғрисидаги тугал тасаввурларнинг ишлаб чиқилишидан манфаатдордирлар. Тезкор-қидирув фаолияти назарияси, тезкор-қидирув амалиёти ва криминалистика ўртасида «қайтиш алоқаси» мавжудми ва аслида ўзи бу алоқа қандай? Р.С.Белкиннинг бу масала бўйича билдирган мулоҳазаси тўғридир. Унга кўра, «қайтиш алоқаси» қуйидагиларда ифодаланади:

1. Тезкор-қидирув фаолияти жараёнида криминалистик усуллар, воситалар ва тавсиялардан, масалан, фуқароларни сўраб чиқишда–сўроқ тактика усулларидан; биноларни, атроф-муҳитни ва транспорт воситаларини текширишда–кўздан кечириш тактикасидан; кузатишда–ташқи кўринишни тасвирлашда сўз бўйича портрет тизимидан ва шу кабилардан фойдаланиш ва бундай фойдаланишни асослантиришда. Тезкор-қидирув амалиётига видео- ва овоз ёзиш, фототасвир, бармоқ изларини олиш, ҳужжатлардан нусха кўчириш ва бошқаларни қўллаш бўйича тавсиялар фаол равишда татбиқ этилмоқда.

2. Тезкор-қидирув фаолияти шароитларига кўникиш (адаптация)да ва мазкур фаолият назариясини бир қатор криминалистик концепциялар ва категорияларни ҳисобга олган ҳолда тўғрилашда. Улар қаторига сўнгги вақтларда жиноятнинг криминалистик характеристикасини, тергов вазиятини, далилий ахборотни қайд қилиш назарияси ва бошқа баъзи бир категорияларни киритиш мумкин.

3. Жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнининг барча иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги муаммоларини тезкор-қидирув жабҳасида ишлаб чиқишда[104].

---

[104] Криминалистическое обеспечение деятельности криминальной милиции и органов предварительного расследования / Под ред. проф. Т.В.Аверьяновой и проф. Р.С.Белкина. - М.: 1997. 63-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси эса, бизнинг фикримизча, криминалистлар томонидан тергов вазияти компонентлари тизимида тезкор ахборотнинг аҳамиятини белгилаб олиш, бу ахборотнинг тактик қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида, тезкор ахборотнинг ишончлилигига баҳо бериш мезонларини, тезкор-тактик операциялар вариантлари ва тактикасини ишлаб чиқишда бу ахборотнинг аҳамияти каби муаммоларнинг ҳал қилинишидан манфаатдордир. Айнан тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва криминалистиканинг ўзаро ҳамкорлиги билимнинг бу соҳалари мутахассислари томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни ўзаро қўйишга ва уларнинг фаолиятларини бирлаштиришга замин яратади.

Жиноятларни очиш ва тергов қилиш бўйича амалий фаолиятда эса, бизнингча, жиноят процессининг, криминалистиканинг ва тезкор-қидирув фаолияти назариясининг алоқаси исбот қилиш ва тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг ўзаро ҳамкорлигининг турли шаклларида ўз ифодасини топади. Тезкор ахборотни олиш ва муҳими, жиноят иши бўйича ундан фойдаланиш–жиноят процесси, криминалистика ва тезкор-қидирув фаолияти назарияси ўртасидаги алоқа ривожланишининг реал йўналишидир.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий кўринишлари, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ижроий фаолиятдан ташқари, жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув фаолияти ҳисобланади. Сўнгги икки фаолият муҳим фарқлар ва ўхшашликларга эгадир. Тезкор-қидирув фаолияти жиноят-процессуал далиллар ва айрим тезкор-қидирув фаолияти натижаларининг реал бир хиллиги тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради.

Муҳими, тезкор-қидирув фаолиятида ҳам, жиноят-процессуал фаолиятида ҳам, мақсад битта–шахснинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат мулкини, хавфсизлигини ижтимоий хавфли ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишдир.

Бунда тезкор-қидирув фаолияти учун бутун куч-кувват объекти ҳуқуққа хилоф фаолиятга дахлдор шахслар, профилактик максадларда улар ҳақида маълумотлар тўпланадиган шахслар бўлса, жиноят-процессуал фаолияти учун объект сифатида жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахслар майдонга чиқади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тезкор-қидирув фаолиятининг субъектлари ЎзР ички ишлар органлари; миллий хавфсизлик хизмати органлари; давлат муҳофазаси органлари; ЎзР чегарани қўриқлаш органлари; давлат божхона хизмати органлари; ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари; ЎзР ташқи разведка органи; ЎзР Мудофаа вазирлиги ташқи разведка органи тезкор бўлинмалари ҳисобланади. Жиноят-процессуал фаолият субъектлари ЎзР ЖПКнинг 86-моддасида кўрсатилган бўлиб, буларга суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд киради. Агар ЎзР ЖПКнинг 38-моддасига қарайдиган бўлсак, у ерда ҳам ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати органлари, чегарани қўриқлаш органлари; давлат божхона хизмати органлари, ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ва бошқа органлар борлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, жазони ижро этиш муассасаларини Ички ишлар вазирлиги тизимига киритилганлиги сабабли Адлия вазирлиги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар қаторига кирмайди. Бундан шу нарса келиб чиқадики, унинг ходимларининг ҳам бирор-бир тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга ҳақлари йўқ.

Маълумки, тезкор-қидирув фаолияти тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан амалга оширилади ва бу тадбирларни ўтказиш тартиби идоравий меъёрий ҳужжатларда махфийлик талабларини қўллаш билан баён этилади.

Жиноят-процессуал фаолият эса ЖПКда кўзда тутилган тартибдагина ўтказилиб, уни амалга ошириш чоғида яширин куч ва воситаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, билишнинг эмпирик методлари айрим тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатлари билан мослашиши мумкин.

Юқорида баён этилганлар тезкор-қидирув фаолияти натижалари ва жиноят процессуал исбот қилишнинг яқинлашуви вазиятга қараб моделлаш йўли билан амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилишга асос бўлади, вазиятга қараб моделлашда исбот қилишнинг объективлик мезони бўлиб турли воситалардан, яъни ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш жараёнида қўлга киритиш ва тўплаш воситаларидан олинган ахборотларнинг мувофиқлиги,

www.ziyouz.com kutubxonasi

шунингдек, тезкор ва процессуал ахборотнинг зарур нисбати ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолияти моделини схема кўринишидаги сунъий яратилган объект сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бу объект тезкор-қидирув фаолиятига ўхшаш бўлиб, бу фаолиятнинг таркиби, хусусиятлари, унинг элементларининг ўзаро алоқалари ва муносабатларини соддалаштирилган кўринишда акс эттиради ва бу билан тадқиқотчини қизиқтирувчи предмет тўғрисидаги ахборотни олиш жараёнини енгиллаштиради.

Мазкур ишнинг =ûшимча тадқиқот предмети бўлиб тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари ҳисобланади, бу натижалардан жиноят ишлари бўйича исбот қилишда жиноят-процессуал қонунчилигининг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо беришни тартибга солувчи қоидаларига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ)–бу анча мураккаб категория бўлиб, уни қуйидагича кўриб чиқиш мумкин:

-тезкор **ахборотни** тезкор ва тезкор-техник воситаларни қўллаш билан амалга оширилувчи ошкора ва яширин чоралар (қидирув-разведка, контрразведка) ёрдамида **олиш (қўлга киритиш ва тўплаш) тизими**.

-ошкора ва яширин (тезкор-қидирув, ташкилий-бошқарув) **тадбирлар**нинг илмий асосланган **тизими**.

-=онун билан ваколатлар олган мансабдор шахсларнинг очиқ ва махфий **ҳуқуқий ҳаракатлари**.

-давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ошкора ва яширин амалга ошириладиган **фаолият тури**.

-жиноятчилик соҳасида ва инфраструктурасида ошкора ва яширин услублар билан ахборотни қўлга киритишда ва тўплашда жиноятчиликка қарши **курашнинг давлат-ҳуқуқий шакли**.

-жиноий тажовузлардан ѝимояланишнинг ваколатли давлат органлари ва тезкор бўлинмалар томонидан ошкора ва яширин амалга ошириладиган **давлат ҳуқуқий ѝимоя воситаси**[105].

Ахборотни олиш тизими, тадбирлар тизими, ҳуқуқий ҳаракатлар, фаолият тури, кураш шакли, ҳимоя воситаси-бу тушунчаларда фарқ борлиги шубҳасиз, бироқ тезкор-қидирув фаолиятига берилган бу таърифларнинг барчасида шундай асосий ўхшашликлар ва мазмун белгилари мавжудки, улар бир-бирини

[105] Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности» Комментарий / Под ред. проф. П.Г. Пономарева.- М.: Новый Юрист, 1997. Б. 22-23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустаҳкамлаб ва тўлдириб, мазкур категорияни ҳар қандай бошқа давлат фаолиятидан, ҳатто жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятидан ҳам ажратиб кўрсатишга ва уни кўрсатилган параметрлар бўйича фарқлашга имкон беради. Буларга, В.К.Зникиннинг фикрларига =ûшилган ѝолда қуйидагиларни киритса бûлади:

-тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси (ЎзР Конституцияси, ТҚФ субъектлари тўғрисидаги идоравий меъёрий ҳужжатлар, ТҚФ субъектларининг тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни ташкил қилиш ва тактикаси бўйича меъёрий ҳужжатлари);

-тезкор-қидирув фаолиятининг вазифалари (жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф қилиш ва фош қилиш, муайян шахсларни қидиришни амалга ошириш; тезкор ахборотни қўлга киритиш);

-тезкор-қидирув фаолиятининг тамойиллари (қонунийлик, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш, ошкор ва яширин воситалар ва услубларнинг уйғунлиги);

-тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари (ошкора ва яширин штатдаги ва штатдан ташқари тезкор таркиб);

-тезкор-қидирув фаолиятининг воситалари (конфидентлар, картотекалар ва криминалистик ҳисоблар, тезкор техника, алоқа ва оптика воситалари, автомобиллар, итлар ва бошқалар);

-тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари (қўзғатилган жиноят иши, жиноий фаолият белгилари ёки муайян шахслар тўғрисидаги маълумотлар);

-тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шарт-шароитлари (жиноий фаолият белгилари ёки муайян шахслар, ҳодисалар ёки ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотнинг мавжудлиги);

-тезкор-қидирув тадбирларининг қатъий кўрсатилган рўйхати;

-барча тезкор-қидирув тадбирлари тушунчалари ва таърифларининг идоралараро бошқарилганлиги;

-тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари (тезкор ахборот).

Бу параметрлардан тезкор-қидирув фаолиятининг моделини ясаш учун фойдаланиш мумкин, бундай модель тезкор ахборот тизимининг жиноят-процессуал далилларни олишга, яъни тезкор

www.ziyouz.com kutubxonasi

ахборотнинг кўплигидан (сон) фойдаланиб, жиноят-процессуал далилларнинг етарли бўлишига (сифат) имкон беради[106].

Шундай қилиб, юқорида баён этилганларга асосан тезкор-қидирув фаолияти моделини пирамида шаклида тасвирлаш мумкин, доира асосида бу фаолиятнинг ҳуқуқий асоси жойлашган, чекка конуси эса тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдан олинган натижаларнинг тимсолидир.

Тезкор-қидирув фаолияти элементларининг бир-биридан сўнг жойлашувидаги қатъий иерархияга бўйсуниш–бутун тизим сифатли ишлашининг зарурий шарти, яъни бу тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали тезкор далилларнинг жиноят-процессуал далилларга ўтиши учун зарур ва етарли бўлган сифатли натижаларни олишга имкон берувчи.

Натижага тезроқ эришиш учун интилиш натижасида бу элементларнинг бирортасига беписанд қараш мувозанатнинг бузилишига муқаррар олиб келади ва оқибатда–қанчалик кўп тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилмасин ва қанчалик тезкор кучлар ва воситалар, жумладан ходимлар ва техника жалб этилмасин, охирги натижа паст савияда бўлади.

Ва, аксинча, қўлга киритилган тезкор ахборотнинг элементларини конструкция қилинган модель бўйича тизиб чиқиш охир-оқибатда бутун тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларига, ТҚФ идоравий меъёрий-ҳуқуқий асоси, тезкор ходимларни тайёрлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, оз, лекин соз махфий манбаларга эга бўлишдан тортиб, тезкор-қидирув фаолияти натижаларига ишончни тиклашга ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга имкон берувчи қонун билан рухсат этилган куч ва воситаларнинг бутун арсеналини қўллаш билан тезкор бўлинмаларнинг ўта малакали ҳаракатларигача таъсир кўрсатаётган бўш ва етишмаётган бўғинларни аниқлашга имкон беради.

## 1.3. Жиноят-процессуал исбот қилишнинг алоҳида босқичларида далилларни тўплаш тизими

Маълумки, исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва

[106] Бу ùа=да =аранг: Зникин В.К. Использование оперативно-розыскной информации в уголовно-процессуальном доказывании. Дис. …канд. юрид. наук. Томск. 1988. Б. 88-89.

www.ziyouz.com kutubxonasi

баҳолашдан иборатдир. Юқоридаги таърифдан келиб чиқиб исбот қилиш элементлари сифатида: а) далилларни тўплаш; б) далилларни текшириш; в) далилларни баҳолашни[107] фарқлаш керак.

Далилларни тўплашнинг ўзи жуда мураккаб жараён бўлиб, у қуйидаги элементлардан ташкил топган:

1) далилларни қидириш: Ушбуни А.М.Ларин «исбот қилиш жараёнининг мустақил элементи»[108] сифатида кўради. Лекин шу ўринда А.Р.Белкин, А.Д.Бойков ва И.И.Карпецларнинг «ушбуни далилларни тўплаш босқичининг ташкил этувчи қисми»[109] сифатида кўриш лозимлиги тўғрисидаги фикрларига қўшилса бўлади, чунки бу элемент умуман бўлмаслиги (масалан, далилларни тақдим этишда) ёки нопроцессуал воситалар билан амалга оширилиши мумкин (масалан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда);

2) далилларни олиш, нарса ва ҳужжатларни, тақдим этилган далилларни олиш, кўрсатув олиш ва шу каби ҳаракатлар воситасида амалга оширилади. Далилларни қидиришдан фарқли ўлароқ уларни олиш фақат процессуал йўл билангина амалга оширилиши мумкин.

3) далилни процессуал расмийлаштириш (мустаҳкамлаш) далилларни тўплашнинг мажбурий элементидир. Далилларни мустаҳкамлаш ЎзР ЖПКсида кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаса далил номақбул деб топилади. Ушбу ҳақда мазкур ишнинг 2-бобини 3-параграфида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Қуйида далилларни тўплашнинг 1) ва 2)-элементлари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдирамиз.

Қидирув фаолияти икки асрдан буён одил судловга ҳамкорлик қилади. Жиноятларни очиш, кейинчалик суд ҳокимияти органларига топширилиши лозим бўлган айбдорларни аниқлаш ва топиш айнан унинг вазифаларига кирган ва ҳозир ҳам шундай. Қидирувга муносабат турлича бўлиши мумкин, бироқ унинг зарурлигини инкор этиш мумкин эмас, шу сабабли ҳам у барча давлатларда мавжуддир. Гарчи юридик луғатда «қидирув» сўзи эскирган сўз сифатида берилса-да, қидирувнинг ўзи эскирмайди. Қидирувга бўлган зарурият ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди.

И.И.Карпецнинг бу борадаги нуқтаи назари алоҳида аҳамиятга эгадир: «...Ўзимизда ишлаши мумкин бўлган яхши нарсаларни олиш

---

[107] Белкин Р.С. Собирание, исследование и оценка доказатеьств. - М., 1966. Б. 28-95.; Арсеньв В.Д. Основы теории доказательств в советском уголовном процессе. Иркутск. 1970 Б. 41-42.; Курс советского уголовного процесса. Общая часть. Под ред. А.Д.Бойкова и И.И.Карпеца. - М., 1989. Б. 612-615.

[108] Ларин А.М. Работа следователя с доказательствами. - М., 1966. 43-б.

[109] Курс советского уголовного процесса. Общая часть. Под ред. А.Д.Бойкова и И.И.Карпеца. - М., 1989. 612-б.; Белкин А.Р. Теория доказательств и субъекты доказывания. - М., Изд. «НОРМА», 1999. Б. 139-149.

www.ziyouz.com kutubxonasi

керак, бозор тизимини биз ўйлаб чиқармаганлигимизни, бозор тизими аввал бошидан жиноятчилик билан «касалланганлигини», бироқ уни амалга киритганлар уни қандай зарарсизлантиришни ҳам билишларини ҳисобга олишимиз лозим. Олимларимизнинг вазифаси қонунчилигимизга ҳақиқатдан ҳам киритилиши зарур бўлган нарсаларни аниқлаш ва тавсия қилишдан иборат, акс ҳолда уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашга оид ҳар қандай масала ҳавода муаллақ қолиб кетади»[110].

Америкалик криминологлар Д.Герберт ва Х.Триттнинг фикрларича: «Уюшган жиноятчилик хавфига қарши ҳар қандай самарали жавобнинг мақсади ва усули – ахборотдир»[111].

Уларнинг фикрига Дж.Динтино ва Ф.Мартенс ҳам қўшиладилар: «Сифатли ахборот-уюшган жиноятчиликни назорат қилиш сиёсати ва стратегиясининг ишончлилиги калитидир»[112].

Швейцариялик мутахассисларнинг таъкидлашларича, «муайян ҳодисани ишлаб чиқиш» усули билан жиноий гуруҳда осонликча алмаштирилиши мумкин бўлган айрим шахсларнигина фош қилиш мумкин. Жиноятчиликка қарши курашувчи органлар, агар улар уюшган жиноятчиликка қарши жиддий курашмокчи бўлсалар, ўз олдиларига асосий мақсад: уюшмани, унинг аъзоларининг максимал сонини, биринчи навбатда, бошлиқларини фош қилиш йўли билан тор-мор этишни қўйишлари керак. Бунинг учун эса жиноий уюшманинг бутун «организми»ни ўрганиш бўйича чуқур ўйланган ва доимий олиб бориладиган фаолият зарурдир. Тергов қилишнинг анъанавий усули бу ерда фақат ҳалақит берган бўлар эди[113]. Н.А.Погорецкий эса, нафа=ат ѝала=ит бериши балки «…фа=атгина процессуал йûл билан фош этиш мумкин эмас»[114]лигини таъкидлаб ûтади.

АҚШ ФТБ (FBI) директори Уильям Сешенс: «Бугун бизнинг асосий мақсадимиз–айрим майда муттаҳамларга қарши кураш эмас, балки йирик жиноий ташкилотларни йўқ қилишдир»[115]-деб бир неча бор таъкидлаган эди.

---

110 Организованная преступность – 2. Под ред. А.И.Долговой, С.В.Дьякова. - М.: Криминологическая Ассоциация, 1993. Б. 17-18

111 Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности» Комментарий / Под ред. проф. П.Г. Пономарева .- М.: Новый Юрист, 1997. 208-б.

112 Ûша ерда, 208-б.

113 Ûша ерда, 208-б.

114 Погорецкий Н.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в качестве доказательств в уголовном процессе России и Украины: сравнительный анализ // Российский следователь. 2003. №4. 45-б.

115 Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности» Комментарий / Под ред. проф. П.Г. Пономарева.- М.: Новый Юрист, 1997. 208-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқорида келтирилган мулоҳазалар ривожланган мамлакатлардаги полиция ва махсус хизматларнинг замонамизнинг энг хавфли ёвузлиги–уюшган жиноятчиликка қарши курашга ёндашувининг моҳиятини тўла очиб беради. Амалий фаолиятда жиноий тузилмалар тўғрисидаги қидириб топилган ахборотни тезкор қўлга киритиш, тўплаш, баҳо бериш ва ишлаш биринчи ўринга қўйилади, чунки жиноий уюшмаларнинг яширинлиги, улар томонидан ҳуқуққа хилоф ҳаракатларнинг изларини йўқотишга қаратилган чоралар, гувоҳларни ва ҳалақит берувчи бошқа шахсларни нейтраллаш (зарарсизлантириш), ҳокимият тузилмаларига кириб олиш, замонавий техник воситаларни қўллаш шундай шароитларни юзага келтирадики, бундай шароитларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга тўлақонли аҳамиятли тезкор ахборотнинг келиб тушишини фақат яширин тергов қилишнинг махсус усуллари ва воситалари: электрон назорат, ташқи кузатув, почта жўнатмасининг перлюстрацияси ва ниҳоят, агентурагина таъминлаши мумкин.

АҚШ Олий Суди қарорларидан бирида «Яширин айғоқчилар ёки махфий агентлардан фойдаланиш қонуний ва қонунни ижро этишнинг тўғри амалиётидир ҳамда жамоатчилик манфаатларига мос келади»[116]-дейилади.

Узоқ вақт АҚШнинг ўта самарали махсус хизматлари ФТБ (FBI) ва Наркотикларнинг тарқатилишига қарши кураш бўйича агентликнинг фаолиятини ўрганган америкалик криминолог Дж. Уилсон: «Айғоқчи–терговнинг ҳал қилувчи воситаси»[117]-деб таъкидлайди.

Америкалик ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари ўртасида «Полициячининг айғоқчиси қанчалик яхши бўлса, унинг ўзи ҳам шунчалик яхши»[118]-деган гап машҳурдир.

Қанчалик ғайритабиий бўлмасин, бироқ назоратнинг техник ва электрон воситаларининг шиддат билан ривожланишига қарамай, агентуранинг яширин тергов қилишнинг энг самарали воситаси сифатидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда, ҳозирги замонда ижтимоий алоқаларнинг мураккаблашуви билан инсон омилининг ўрни ошиши муқаррардир.

---

[116] Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности» Комментарий / Под ред. проф. П.Г. Пономарева. - М.: Новый Юрист, 1997. 209-б.
[117] Ûша ерда, 210-б.
[118] Ûша ерда, 210-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ И.Н.Якимов жиноий муҳитга кириб олган, яъни тезкор жойлашган жиноят-қидирув ходимларининг ўрни ва касбий сифатларини юқори баҳолаган эди: «Ҳозирги вақтда агент касби фақат амалий тажрибагагина эмас, балки махсус билимларга ҳам асосланган санъатдан бошқа нарса эмас. Ҳозирги агент жуда кўп нарсани билиши лозим, аввало жиноий моддий ва процессуал ҳуқуқларни, суд тиббиётини, физика ва кимёнинг элементар курсларини, фотографияни, дактилоскопияни, ўқ отар қуролларини ва портловчи моддаларни ва, албатта, жиноий техника ҳамда тактикани жуда батафсил билиши керак»[119].

Шунга ўхшаш усуллар ҳозир ҳам ривожланган демократик мамлакатларда қўлланилмокда. Француз полициясида бу роль «қидирув ва қўлга олиш бригадалари»га берилган бўлиб, унинг ходимлари жиноий муҳитни ичкаридан кузатадилар. Швейцарияда сўнгги йилларда криминал муҳитга оддий агентлар билан бир қаторда, полициянинг «кротлар» деб номланувчи штатдаги ходимлари ҳам жойлаштирилмоқда. Венгрия полициясида криминал дунёда ишлаш учун махсус тайёрланган чуқур конспирация қилинган ходимларнинг бўлинмалари мавжуд. Гамбург криминал идораси махсус бўлимининг тезкор фаолияти криминоген муҳитда шундай деб номланувчи «ёпиқ ходимлар»дан фойдаланишга асосланган. Бошқа мамлакатларнинг махсус ва полиция хизматлари ҳам худди шундай фаолият кўрсатадилар[120].

АҚШда оддий тезкор ахборотни эмас, суд жараёни учун айбловчи далилларни олиш лозим бўлса, махфий агентлардан фойдаланиладиган «махфий операциялар» ўтказиладики, бу агентлар вазифасини ФТБ (FBI)нинг штатдаги ходимлари бажарадилар. Штатдаги ходимларга нисбатан бундай амалиёт 1987 йилдан бошлаб Адлия вазирининг ФТБ учун кўрсатмасидан сўнг қўлланила бошланди.

Махфий операция одатда суд жараёни билан тугаб, унда агент айбловнинг асосий гувоҳи сифатида иштирок этади. АҚШ Конгресси махфий операциялар усулини коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ўта самарали қуроли деб топди. АҚШ Адлия вазири У.Смит 1984 йилдаёқ махфий операцияларни терговнинг энг самарали ва фойдали воситаларидан бири сифатида: «Кўп ҳолларда

[119] Якимов И.Н. Практическое руководство к расследованию преступлений. - М., 1924. 140-б.
[120] Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности» Комментарий / Под ред. проф. П.Г. Пономарева. - М.: Новый Юрист, 1997. 213-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу восита ёвузликка қарши курашнинг ягона усули бўлиб қолади»[121]- деб баҳолаган эди.

Америка жиноят ҳуқуқи сохта иштирокчининг жавобгарлигини истисно қилади, чунки унинг ҳаракатларида жиноий қасд (ният) мавжуд эмас ва у жиноят содир этишда айбдор бўлмайди. Бундан ташқари, бу давлатнинг ҳуқуқи муайян шароитларда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида уни жиноят содир этишга ундовчи иғвогарлик ҳаракатларини амалга оширишга рухсат беради. АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолияти усули сифатида иғвогарлик қонуний ва ноқонуний иғвогарликка бўлинади, иғвогарликнинг қонунийлигини белгиловчи мезонлар тизими эса жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни иғво қилишга қонун асосида имконият яратади.

Ғарб юридик тизимларига хос бўлган гумон қилинувчига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назорати остида уни фош қилиш мақсадида жиноятни содир этишга имконият яратиш анъанаси эътиборга лойиқ бўлиб, бу анъана жиноят ҳуқуқи бўйича франкфуртлик мутахассис Клаус Людерсеннинг қуйидаги сўзларида жуда аниқ ифодасини топган: «Жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни жиноят содир этишдан муҳофаза қилиш–инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга мувофиқ келмайдиган ва давлатнинг ижтимоий вазифаларига зид бўлган суиистеъмолликдир»[122].

«Эшитиш бўйича гувоҳлик» деб номланувчи гувоҳлик қўлланиладиган АҚШ ва бошқа хорижий давлатларнинг тажрибасидан яна бир мисол келтириш мақсадга мувофиқдир: судья томонидан қамоққа олиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарор полиция ходимининг аноним айғоқчининг хабарига ҳавола қилинган кўрсатувига асосан чиқарилади[123].

Европа Халқаро суди томонидан аноним гувоҳнинг кўрсатувлари судланувчининг жиноят содир этишдаги айбдорлигини исботловчи ягона ёки асосий далил бўлмаса, бу кўрсатувларни жиноят иши бўйича далил сифатида қўллашнинг қонунийлигини тан олиш прецеденти яратилган.

Европа суди «Шенк Швейцарияга қарши» иши бўйича чиқарган қарорида нолегал йўл билан олинган ёзувни далил сифатида

[121] Ûша ерда, 212-б.
[122] Ыша ерда, 220-б.
[123] Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиулин А.Г., Якубович Н.А. Законность в досудебных стадиях уголовного процесса России. Москва-Кемерово, 1997. 34-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фойдаланишни қонуний деб топди, чунки бунга Швейцария қонунлари билан рухсат этилгандир[124].

Шу билан бирга, айрим муаллифлар жиноят-судлов ишларини юритишда махфий манбалардан фойдаланиш мумкинлигини инкор этиб мулоҳазалар билдирмоқдалар.

Масалан, Б.А.Филимоновнинг фикрича, жиноят ишлари бўйича агентура маълумотларидан далил сифатида фойдаланиш жиноят-судлов ишларини юритиш моҳиятига, унинг процессуал шаклига, фақат қонунда кўзда тутилган процессуал исботлаш воситаларини қўллаш тўғрисидаги қоидага зид келади. Б.А.Филимонов мазкур муаммони Германия жиноят процесси қонунчилиги ва амалиётида жиноят процессида айнан агентура маълумотларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан туриб тадқиқ қилади. Шундай нуқтаи назардан келиб чиқиб, у жиноят ишлари бўйича агентура маълумотларидан далил сифатида фойдаланишга, агентура маълумотларини расмий ходимлар (тезкор ходимлар), агентурани–махфий айғоқчиларини сўроқ қилиш йўли билан суд далиллари шаклларига ўтказишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги хулосага келади[125].

Бу фикрга Е.А. Доля қўшилиб, гарчи Б.А.Филимонов бу хулосани Германия жиноят процесси қонунчилиги ва амалиётига нисбатан чиқарган бўлса-да, Россия жиноят судлов ишларини юритиш қонунчилиги ва амалиётига ҳам мувофиқ келади[126]-деб ҳисоблайди.

И.Ф.Демидов ѝамда В.Т.Мазеин ва С.М.Шевелевлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга конфиденциал асосда ёрдам берган шахсларни гувоҳ сифатида чақириш ва сўроқ қилиш мумкинлигини умуман олганда истисно қилмайдилар[127]. Н.А.Погорецкий эса бунинг учун маълум бир шартларга риоя =илиниши шарт эканлигини таъкидлаб ûтади[128].

---

124 Ыша ерда, 34-б

125 Филимонов Б.А. Основы теории доказательств в германском уголовном процессе. - М.: «Спарк», 1994. Б 107-112.

126 Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. – М.: Изд-во СПАРК, 1996. 69-б.

127 Демидов И.Ф. Значение оперативно-розыскной деятельности для уголовно-процессуального производства. Судебная реформа и проблемы судопроизводства. Сборник научных трудов. - М., НИИ проблем укрепления законности и правопорядка. 1995. Б.95-96.; Мазеин В.Т., Шевелев С.М. Некоторые проблемы представления и использования результатов оперативно-розыскной деятельности в уголовном процессе и их процессуальной защиты // Российский следователь. 2001. №3. 10-б.

128 Погорецкий Н.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в качестве доказательств в уголовном процессе России и Украины: сравнительный анализ // Российский следователь. 2003. №4. 47-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг яқин ўтмишдаги репрессив фаолияти юқорида тилга олинган муаллифларни бошқа нуқтаи назарни илгари суришдан тийиб турибди.

Агентура маълумотларидан далил сифатида тўғридан-тўғри фойдаланишга чор Россияси даврида давлатга қарши қаратилган жиноятларини тергов қилишда йўл қўйилган[129].

Шунга ўхшаш амалиёт совет даврида ҳам бўлган, СССР ИИВ Алоҳида кенгашига кўриб чиқиш учун тушган жиноят ишлари бўйича агентура фаолияти материалларидан далил сифатида фойдаланилган[130].

1988 йилга қадар собиқ Иттифоқда тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш ошкора амалга оширилмас эди, балки ваколатли вазирликлар ва идораларнинг махфий актлари билан тартибга солинар эди ҳамда жиноий одил судловнинг бу функцияси натижаларининг далилий аҳамияти муаммоси асосан ёпиқ идоравий адабиётда тадқиқ қилинар эди.

1988 йилда СССР Министрлар Совети ошкора қарор қабул қилиб, бу қарори билан ички ишлар органларида тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

1991 йил мартда СССР Олий Совети палаталарининг алоҳида мажлисида биринчи ўқишда «СССРда давлат хавфсизлиги органлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети биринчи ўқишда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини, шу жумладан, давлат хавфсизлиги органларининг тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш ва ахборотни сақлаш бўйича ҳуқуқларини тартибга солувчи ва қонун асосида ошкора ва яширин тезкор-қидирув тадбирларини фуқароларнинг ўз розиликлари асосида уларнинг ёрдамларидан ва махсус техник воситалардан фойдаланиш билан ўтказишга имкон берувчи «СССРда давлат хавфсизлиги органлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 14-моддасини ҳам тасдиқлади.[131]

Тезкор-қидирув фаолияти-ваколатли давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан уларнинг ваколати доирасида, ошкора ва яширин, шахс ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари ва

---

[129] Робозеров В.Ф. Оперативно-розыскная информация в системе судебного доказывания // Правоведение. 1978. № 6. 106-б.
[130] Демидов И.Ф. Значение оперативно-розыскной деятельности для уголовно-процессуального производства. Судебная реформа и проблемы судопроизводства. Сборник научных трудов. - М., НИИ проблем укрепления законности и правопорядка. 1995. Б. 87-88.
[130] Информационный бюллетень КГБ СССР. Специальный выпуск.- 1991. 39-б.
[131] Информационный бюллетень КГБ СССР. Специальный выпуск.- 1991. 39-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эркинликларини, мулкни муҳофаза қилиш, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йули билан амалга ошириладиган фаолият туридир.

Мазкур таърифни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фаолиятнинг бу тури объектив зарур ва ижтимоий фойдали бўлиб, қуйидаги белгиларга эга:

-давлат-ҳуқуқий характерига эга;

-ташкилий ва таркибий жиҳатдан давлат томонидан ваколат берилган субъектлар доираси билан фаолиятнинг бошқа турларидан фарқланади;

-фақат унга хос тезкор-қидирув тадбирлари ўзига хос шаклда бўлган восита ва усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолияти асосини қонунийликнинг, инсон ва фуқаронинг хуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилишнинг умумҳуқуқий тамойиллари, шунингдек, давлат сирлари ҳисобланган-конспирациянинг соҳага тегишли (тезкор-тактик) тамойиллари, ошкора ва яширин негизларни мувофиқлаштириш, фуқароларнинг конфиденциал ҳамкорлигидан фойдаланиш тамойиллари: ахборотни олиш қувватлари, воситалари, манбалари тўғрисидаги маълумотлар, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни ташкил қилиш ва методикаси, олинган натижалар, шунингдек, штатдаги яширин ходимлар ва конфиденциал асосда уларга ёрдам берувчи шахслар ташкил қилади. Бу фикрни К.В.Сурков[132] ва М.Е.Токарева[133]лар билдирганлар.

Шунга ўхшаш фикрни И.Н.Зубов[134] ҳам айтиб ўтган.

Юқорида баён этилганларга қўшилган ҳолда ва соҳанинг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган конспирацияга эътиборни қаратиб (чунки усиз жиноий кўринишларга самарали равишда қарши туриш мумкин эмас), Д.И.Бедняков[135] ва Е.А.Доля[136]нинг фикрларига қўшилиш лозим бўлади. Уларнинг фикрича, бутун тезкор-қидирув фаолиятининг асосини билиш жараёни ташкил қилади, аниқроғи

---

[132] Сурков К.В. Принципы оперативно-розыскной деятельности и их правовое обеспечение в законодательстве, регламентирующем сыск: -СПб, 1996.

[133] Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиулин А.Г., Якубович Н.А. Законность в досудебных стадиях уголовного процесса России. Москва-Кемерово, 1997. 23-б.

[134] Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности»: Научно-практический комментарий / Под общей редакцией заместителя министра внутренних дел Российской Федерации канд. юрид. наук, генерал-лейтенант милиции И.Н.Зубова. Спарк. - М. 2000. Б.12-18.

[135] Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. - М.: Юрид.лит., 1991. 126-б.

[136] Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. – М.: Изд-во СПАРК, 1996. 5-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг асоси–тезкор исбот қилиш бўлиб, бу мазкур фаолият тури олдида турган мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш мақсадида билиш назарияси қўлланилишининг хусусий кўриниши ҳисобланади. Тезкор исбот қилиш тезкор-қидирув фаолиятининг бутун моҳиятини қамраб олади, унинг мазмуни ва шакллари ривожланишининг барча кўринишларида, унинг вужудга келишининг энг оддий шаклларидан бошлаб ва бошқа сифатларга ўтувчи мукаммал шаклларигача бир тизимга солади. Акс ҳолда, бизнинг фикримизча, давлат фаолиятининг бундай қиммат турувчи кўринишига зарурат туғилмас эди, зеро, тезкор-қидирув фаолияти тезкор-қидирув фаолияти учунгина бўлса, унинг кераги ҳам бўлмайди ва ҳатто бундай ҳолат ҳар қандай демократик жамият ва унинг фуқароларига хавф туғдириши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (339-моддаси) ва мазкур фаолиятни амалга оширувчи органларнинг меъёрий ҳужжатлари ташкил қилади.

Тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқий асосининг асосий элементи ЎзР Конституцияси бўлиб, давлатнинг Асосий Қонуни сифатида ҳуқуққа хилоф фаолиятни фош қилиш, олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича тадбирлар комплексини қамраб олувчи қонунлар қабул қилинишига асос яратади ва тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги яратилажак қонунчиликнинг юридик асосини ташкил қилади.

Ундан сўнг ҳуқуқий асосга меъёрий ҳужжатлар кириб улар қидирувнинг турли кўринишларининг, яъни айнан: тезкор-қидирув фаолияти; разведка фаолияти; контрразведка фаолияти ҳуқуқий мазмунини, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган турли давлат органларининг, тезкор-қидирув фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий мақомини ва ўзига хослигини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ташкил қилади.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган қоидалар тезкор-қидирув фаолиятининг ташкилий ва тактик жиҳатларига бағишланган идоравий меъёрий ҳужжатларда батафсилроқ ёритилади, бу эса конспирация ҳамда ошкора ва яширин негизларни мувофиқлаштириш тамойиллари билан боғлиқдир. Бу тамойиллар тезкор-қидирув тадбирларини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳамда олинган, қўлга киритилган маълумотларни легаллаштиришнинг алоҳида тартибини сир сақлашни кўзда тутади. Шу сабабли турли тезкор-қидирув тадбирларини тайёрлаш тартиби,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларни бу махсус фаолият субъектларининг турли таркибий бўлинмалари томонидан ўтказилиши хусусиятларини акс эттирувчи масалаларни деталлаштириш тезкор-қидирув фаолияти субъектларига ҳам, барча фуқароларга ҳам мўлжалланган қонун чегарасидан ташқарида қолади.

Таъкидлаш лозимки, тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқий асосига жиноий, маъмурий ва жиноий-ижроия қонунчилиги ҳам кирадики, улар жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ва уларга нисбатан у ёки бу тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилган шахсларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари турларини белгилаб беради.

Тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқий асосига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам киради. У тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув органлари фаолияти, терговга тегишлилик, далилларни тўплаш ва баҳо беришга тегишли ЎзР ЖПКнинг муайян боб ва моддалари қоидалари орқали мустаҳкамлайди. Ўз навбатида тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларининг тергов манфаатларида ва уни амалга оширувчи органлар тўғрисидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун қоидалари бу фаолият натижаларидан фойдаланишни таъминловчи қоидалари бир қонунчиликнинг иккинчи қонунчиликка зарурлигини таъминлайди, бу эса улар олдида турган вазифаларнинг умумийлигидан келиб чиқади.

Амалда яширин шароитларда содир этилган барча оғир жиноятлар фақатгина терговчилар ва тезкор-қидирув бўлинмалари ходимларининг биргаликдаги фаолиятлари натижасида очилади.[137] Ҳозирги вақтда жиноятчилик уюшган шаклларининг, коррупциянинг кенг тарқалганлиги, унга алоқадор бўлган шахсларнинг профессионал маҳоратининг ошганлиги, жиноий қилмишларни содир этиш усуллари ва изларни яширишнинг янгидан-янги йўллари қидирилиб топилаётганлиги муносабати билан тезкор-қидирув фаолияти субъектлари бўлинмаларининг жиноятларни аниқлаш ва фош қилишдаги, бу жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ва айбланаётган шахсларни фош қилиш ва қидириб топишдаги роли кундан кунга ошиб бормоқда. Мамлакат хавфсизлигига таҳдид солувчи бундай салбий ҳодисаларга қарши ҳаракат нафақат ошкора,

[137] Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиулин А.Г., Якубович Н.А. Законность в досудебных стадиях уголовного процесса России. Москва-Кемерово, 1997. 23-б.; Погорецкий Н.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в качестве доказательств в уголовном процессе России и Украины: сравнительный анализ // Российский следователь. 2003. №4. 45-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилар фойдаланадиган энг янги илмий-техника воситаларидан ўз савияси билан қолишмайдиганлари ёрдамида кузатиш билан; жиноятчилик муҳитига штатдаги ва штатдан ташқари ходимларнинг жойлашишини, фуқароларни конфиденциал асосда ҳамкорликка жалб қилиш билан боғлиқ бўлган яширин иш услубларидан фойдаланишни талаб қилади. Кўп ҳолларда уюшган жиноий гуруҳларнинг ҳуқуққа хилоф фаолияти ҳақида, уларнинг таркиби, техник имкониятлари, қуролланганлиги, гуруҳнинг айрим аъзоларининг роли, жиноят орқасида топилган мулкни ўтказиш каналлари ва бошқа шу каби маълумотлар ҳақидаги зарур ахборотни фақат шу усуллар билангина олиш мумкинки, кейинчалик бу ахборот тегишли тергов ҳаракатлари орқали жиноят иши материалларида ўз аксини топади.

Объектив сабабларга кўра, жиноят содир этадиган шахслар ўзларининг ҳуқуққа хилоф фаолиятларини тўлалигича яшира олмайдилар. Айниқса, уюшган жиноятчиликда жиноят содир этадиганлар жиноятга тайёрланиш даврида маълум бир эсда сақлаш қийин бўлган маълумотларни (режаларни, телефон рақамларини) у ёки бу даражада шифрланган ҳолда моддий объектларда сақлайдилар. Бундай маълумотларни аниқлаш ва уларнинг мазмунини очиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг айрим махсус хизматларининг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жиноятчиларнинг баъзи режа ва ниятлари оммавий ахборот воситаларида чоп этилган турли хабарларда, назорат қилувчи органларнинг турли хил текширувларини ўтказиш давомида очилиб қолиши мумкин. Шу сабабли, тезкор-қидирув фаолияти субъектлари ахборотнинг маълум бир қисмини жиноятчиларнинг тўғридан-тўғри қаршилигига учрамай оладилар, яъни ахборотни тўплайдилар.

Муҳимроқ ахборот эса, одатда, жиноятчилар томонидан қўлланиладиган қаршилик чораларини яширин бартараф қилиш йўли билан олиниши мумкин, яъни ахборот қўлга киритилади.

В.И.Басковнинг фикрича, Россия Федерациясининг амалдаги тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилигининг аввалгисидан афзаллиги шундаки, бу фаолиятнинг вазифаларини белгилаб туриб, қонун чиқарувчи тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларидан бири давлатга, ҳарбий, иқтисодий ёки экологик хавфсизликка таҳдид туғдирувчи ҳодисалар ёки ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни қўлга киритиш ҳисобланиши тўғрисидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

янги нормани киритганлигидир.[138] Қонун чиқарувчининг тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ахборотни олиш юзасидан кенгайтирганлиги бўйича новаторлиги тўғрисидаги нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда, Е.Забарчук бундай ҳодисалар ёки ҳаракатларга экологик зарарли ишлаб чиқаришларни жойлаштириш, сифатсиз, яширин дефектли ва эскирган технологияларни ҳамда ускуналарни киритиш, стратегик хом ашёни чиқариш, хориж тадбиркорлари томонидан қимматли қоғозлар иккиламчи бозорида муҳим мудофаа корхоналари акцияларининг назорат пакетини сотиб олиниши ва шунга ўхшаш хатти-ҳаракатларни мисол тариқасида киритиш мумкин[139]-деб ҳисоблайди. Шу билан бирга иккала муаллиф ҳам тезкор-қидирув фаолияти объектларининг қайси бирига бу янги вазифа юклатилиши лозимлигини аниқлаштирмаганлар.

Фикримизча, ахборотни қўлга киритиш деганда, ахборотни оддий тўплашни эмас, балки жиноий фаолиятнинг, муайян шахсларнинг мақсадлари, вазифалари, тактикаси, жиноят содир этиш ҳолатлари ва шу кабилар (бундай маълумотлар ҳеч қачон юзада бўлмайди, балки ўта махфийлаштирилган бўлади ва шу сабабли қаршилик кўрсатувчи томоннинг хатти-ҳаракатини енгиш талаб этилади) тўғрисидаги зарур маълумотларни олишга қаратилган, кўпроқ яширин, фаол ва шиддатли тезкор-қидирув тадбирлари комплексини ўтказишни тушуниш лозим.

Жиноий фаолиятни аниқлаш, олдини олиш, бартараф қилиш ва фош қилиш учун муҳим бўлган ҳақ=оний тезкор ахборотни қўлга киритиш ҳар қандай тезкор-қидирув тадбирининг асосий мақсади ҳисобланади. Гарчи бу вазифани ҳал этиш воситалари ва тактикаси ҳар доим ҳам бир хил бўлмаса-да, ахборот жиҳатидан улар ягона вазифани бажарадилар.

Юқорида баён этилган бир қатор муаллифларнинг, мутахассисларнинг мазкур муаммога муносабатини кўрсатувчи мулоҳазаларидан, шунингдек, бозор иқтисодиёти ривожланган, демократия тўла ғалаба қозонган, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг юқори даражасига эришган хорижий давлатларнинг олимлари, юристлари ва амалиётчи тезкор ходимларининг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, жиноят процесси мақсадларини бажариш учун зарур бўлган ахборотни қўлга киритиш натижасида криминал уюшган

[138] Басков В.И. Оперативно-розыскная деятельность: Учебно-Методическое пособие. - М.: Издательство БЕК, 1997. 16-б.
[139] Забарчук Е. Краткий практический комментарий к отдельным положениям Федерального закона «Об оперативно-розыскной деятельности». - М.: Договорно-правовое управление ФСБ России, 1997. 2-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг жиноий фаолиятини фош этишнинг асосий усули-тегишли ваколатли давлат органларининг тезкор-қидирув фаолияти ҳисобланади деб хулоса чиқариш мумкин.

Жиноятчиликка ва унинг уюшган шаклларига қарши курашнинг ҳозирги замон шароитлари жиноят ишлари бўйича далилий асоснинг кенгайтирилишини, фуқароларнинг жиноят судлов иш юритишда фаол иштирок этишини талаб этади ва бу шароитларда жиноят судлов иш юритишда **тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларни далил сифатида тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш механизмининг** қонун йўли билан тартибга солинишини тақозо этади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жиноий фаолиятни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош қилиш учун муҳим бўлган ҳақ=оний тезкор ахборотни қўлга киритиш, топиш ҳар қандай тезкор-қидирув тадбирининг асосий мақсади ҳисобланади. Маълумки, исбот қилишда объективлик мезони турли манбалардан олинган, айнан ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш жараёнида олиш ва тўплаш усуллари билан олинган ахборотларнинг мувофиқлиги, шунингдек, тезкор ахборотнинг процессуал ахборот билан мувофиқлиги ҳисобланади.

Ниҳоят, таъкидлаш лозимки, тезкор-қидирув фаолияти натижаларининг жиноят-процессуал исбот қилишдаги аҳамияти тўғрисидаги масаланинг мунозарали бўлишига қарамасдан, жиноятчиликка қарши курашнинг номақбул вазиятда эканлигининг асосий сабабларидан бири терговчилар, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишдаги камчиликлар ùисобланади. Шу ûринда 20-21 бетларда келтирилган мисолни (4-илова) эслаш жоиздир.

Журъатсизлик ва фуқароларнинг ҳуқуқларини бузувчи сифатида ном чиқаришдан қўрқиш уларни криминал муҳитдан тезкор ахборотни қўлга киритиш бўйича фаол, шиддатли тадбирларни ўтказишдан ушлаб туради, бироқ бошқа усуллар билан бунга эришиш мутлақо мумкин эмас.

Юқорида кўрсатилган масалаларни ҳал этиш зарурати исбот қилишни объективлаштиришга алоҳида аҳамият берилаётган ва жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг методологик асоси бўлиб билиш назариясининг жиноят процессига далил сифатида кирувчи тезкор ахборотни қўлга киритиш, тўплаш, текшириш ҳамда баҳо бериш каби

www.ziyouz.com kutubxonasi

категориялар билан боғлиқ бўлган қоидалари хизмат қилиши илмий асосланган айни вақтда айниқса, долзарб бўлиб бормоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# II-БОБ. ДАЛИЛЛАР ТАҚДИМ ҚИЛИШ

## 2.1. Исбот қилиш иштирокчилари фаолиятида нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилишнинг ўрни ва аҳамияти

Исбот қилиш далиллар воситасида жиноят ишини тўғри ҳал қилишда аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг барчасини–жиноятнинг содир этилган-этилмаганлигини, у ёки бу шахснинг жиноят содир этишда айбли-айбсизлигини ва бошқа ҳолатларнинг аниқланишидир.

Юқорида айтганимиздек, исбот қилиш–жиноят иши ҳолатларини аниқлаш учун далиллардан фойдаланишдир.

Исбот қилиш терговчи ва суд томонидан тергов қилинаётган ва судда кўрилаётган жиноят иши бўйича ҳақиқатни ани=лаш жараёнидир. Бу жараён жуда мураккаб бўлиб, ўз ичига далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни олади. Фақат шу йўл билангина жиноят очилиши, жиноятчи фош қилиниши ҳамда иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқарилиши мумкин.

Айрим олимларнинг фикрича, жиноят иши бўйича исбот қилиш фақат билиш жараёнидан эмас, балки қуйидаги жиҳатлардан иборатдир:

1) исбот қилиш-билиш;
2) исбот қилиш-гувоҳлантириш;
3) исбот қилиш-асослаш.

Яъни, исбот қилиш-билиш-бу шундай фаолиятки, у аниқланаётган фактлар тўғрисидаги ахборотни олишни ўз ичига олади.

Исбот қилиш-гувоҳлантириш фаолияти ўз ичига: 1) олинган ахборот ва бу ахборотни олиш ҳолатларини мустаҳкамлашни; 2) бу мустаҳкамлашнинг тўғрилигини тасдиқлашни олади (имзо, муҳр билан). Гувоҳлантириш тергов ҳаракатлари баённомалари тузиш ёки ахборот ташувчи бошқа объектларни тайёрлаш йўли билан амалга оширилади (овозли ёзув, кинотасвир).

Исбот қилиш-асослаш ўзида маълум бир тезисни мантиқий асослашни мужассам этади.[140]

Исбот қилиш субъектлари деганда исбот қилиш фаолиятида иштирок этадиган ва маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳар қандай органлар ва шахслар тушунилади. Бу субъектлар доираси жуда кенг,

---

[140] Батафсилро= бу ùа=да =аранг: Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. –М., 2000. 13-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бироқ улар ваколатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли уларни маълум категория, гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар;

2. Иш бўйича шахсий ёки вакиллик манфаатлари бўлган шахслар;

3. Далилий ахборотга эга шахслар;

4. Техник ва ёрдамчи функцияларни бажарувчи бошқа шахслар.

Биринчи гуруҳга суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор (судгача босқичларда) ва суд киради. Бу органлар ва шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

а) фақат шу орган ва шахслар иш бўйича қарор чиқаришга, шунингдек, фактларни исботланган-исботланмаганлигини, иш юритишнинг маълум босқичида исбот қилишнинг натижаларини хулосалашга ҳам ваколатлидирлар.

б) улар исбот қилиш жараёнида энг кўп ҳуқуқларга эга бўлиб, қонунда кўрсатилган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш юзасидан тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишга ҳақлидирлар. Улар бошқа субъектлардан далилларни тақдим қилишни талаб қилишлари мумкин.

в) бу орган ва шахсларга исбот қилиш мажбурияти юклатилган.

Иккинчи гуруҳга-жамоат айбловчиси, жамоат ѝимоячиси, гумон =илинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг =онуний вакиллари, ѝимоячи, жабрланувчи, фу=аровий даъвогар, фу=аровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, суд босқичларида давлат айбловини қўллаб-қувватлайдиган прокурор киради. Аммо прокурорнинг жиноят процессидаги ўрни айблаш вазифаси билан чекланмайди. У кенгроқ ва кўп қиррали бўлиб, ўз таъсири билан бутун жиноят процессини қамраб олади. Жиноят ишларини судда кўришда прокурор авваламбор қонунийликни назорат қилувчи органнинг вакилидир. Бу ҳолат унинг айбловни қўллаш бўйича фаолиятининг изчил қатъиятли ҳамда мутлақ холис бўлишини белгилайди[141].

Прокурор суд мажлисида янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимоснома киритишга, шунингдек, ўзида бўлган далилларни тақдим қилишга ҳақлидир[142]. Шу ерда қўшимча сифатида

[141] Никифорова Е.Н. Жиноят процесининг тушунчаси ва моѝияти // Жиноят процесси. Умумий =исм: Юридик институти ва факультетлари талабалари учун дарслик. / Доцент З.Ф. Ино\омжонованинг умумий таѝрири остида. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002 йил. 20-б.
[142] Вопросы укрепления законности и устранения следственных ошибок в уголовном судопроизводстве / Под ред. проф. А.Д. Бойкова. –М., 1988. Б. 112-131.

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтиб ўтиш керакки, терговчининг суд мажлиси ўтказилаётганида кечикиб олинган эксперт хулосасини прокурор орқали судга тақдим этишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бунда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари паймол этилган ҳисобланади. Бундай ҳолда, прокурор судга тегишли экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин. Агар янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимоснома процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан киритилган бўлса, прокурор ушбу илтимоснома бўйича ўз фикрини билдириши шарт[143].

Иккинчи гуруҳнинг умумий хусусияти шундаки, бу гуруҳдаги шахслар далилларни текширишда фаол иштирок этишлари мумкин. Суд муҳокамаси даврида эса тенг ҳуқуқли тараф сифатида иш кўрадилар. Бироқ биринчи гуруҳдагидек ваколатларга эга эмаслар, иш бўйича қарор чиқаришлари мумкин эмас, фақат далил тақдим этишлари мумкин. Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасининг талабларига биноан судлар тарафларнинг ûзаро тортишуви тамойилига сûзсиз риоя =илинишини таъминлашга мажбурдирлар. Бунда тарафлар суд мажлисида далиллар та=дим этиш, уларни текширишда =атнашиш, илтимос билан мурожаат =илиш, ишнинг тû\ри ùал этилиши учун аùамиятга эга бûлган ùар =андай масала бûйича ûз фикрларини билдиришда тенг ùу=у=лардан фойдаланадилар. Чунки, тортишув жиноят иши бûйича ùа=и=атни ûрнатишга ва ишни адолатли ùал этишга олиб келиши учун икки тарафни тенг ùажмда ùу=у= ва мажбуриятлар билан таъминлаш зарур[144]. Тарафларнинг ûзаро тортишуви нафа=ат суд муùокамасида, балки дастлабки тергов жараёнида ùам амалга оширилишининг шартлиги Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларидан бири ùисобланади.

Шундай қилиб, исбот қилишда улар иштирокининг асосий шакллари:-далиллар тақдим қилиш, илтимос қилиш, тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этишдир. Бундан ташқари бу шахслар исбот қилиш-асослашда ҳам иштирок этадилар: яъни суд музокараларида қатнашиб, айбловнинг исботланган-исботланмаганлиги тўғрисида ўз хулоса ва фикрларини билдиришлари мумкин.

Бизга маълумки, ЎзР ЖПКнинг 87-моддасига кўра, далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини,

---

[143] Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент-«Ûзбекистон», 1995. 73-б.
[144] +аранг: Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моùият, мазмун, шакл. Тошкент, 2002, 45-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади.

Бу ерда асосан далилларни тўплашга қаратилган тергов ва суд ҳаракатлари ҳақида сўз боради. Шу ўринда тергов ва суд ҳаракатлари ҳамда процессуал ҳаракатлар тушунчаларини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқ, чунки шу йўл билан улар ўртасидаги фарқ очиб берилади[145]. Маълумки, процессуал ҳаракатлар деганда жиноят судлов иш юритиш фаолияти давомида процесс иштирокчилари томонидан амалга оширилган барча хатти-ҳаракатлар (жиноят иши қўзғатиш, мажбурий келтириш, эҳтиёт чорасини қўллаш, (айрим муаллифлар «материалларни талаб қилиб олиш»[146] ни терговчининг процессуал ҳаракатлари қаторига киритганларидан келиб чиқиб, унинг акси ҳисобланадиган «далиллар (нарсалар ва ҳужжатлар) тақдим қилиш»ни ҳам процессуал ҳаракатлар қаторига киритса бўлади[147]) ва шунга ўхшашлар тушунилади. Терговчининг процессуал ҳаракатлари жам ҳолда жиноят иши бўйича тўла, ҳар томонлама ва холисона тергов ўтказишга қаратилгандир.

Тергов ҳаракатлари процессуал ҳаракатларга қараганда торро= тушунчадир. Тергов ҳаракатлари деб жиноят процессуал қонунда кўзда тутилган ва давлат томонидан мажбурийлиги таъминланадиган, жиноят ишлари бўйича далил аҳамиятига эга бўлган ҳақиқий маълумотларни тўплаш, мустаҳкамлаш ва текшириш учун амалга ошириладиган усуллар йиғиндисига айтилади.

ЎзР ЖПКнинг 43, 44, 46, 48, 53, 55, 57, 59, 61, 63, 481-моддаларидаги: «далиллар тақдим қилиш» ни эътиборга олган ҳамда «Далиллар тақдим қилиш-ишга алоқадор бўлган нарсалар ёки ҳужжатларнинг шахс томонидан ихтиёрий равишда берилишидан иборатдир»[148]-деган таърифдан фойдаланган ҳолда, ЎзР ЖПКнинг

---

145 +аранг: Абдумаджидов Г. Проблемы совершенствования предварительного расследования. Изд-во «Фан» Узбекской ССР, Ташкент. 1975. Б. 8-15.
146 Ыша ерда, 13-б.
147 Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент-«Ûзбекистон», 1995. 50-б.
148 Пономаренков В.А. Проблемы представления и использования доказательств в уголовном процессе. Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Саратов. 1998. 8-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

87-моддасига =ûшимча 2-қисм сифатида **«Жамоат айбловчиси, жамоат ѝимоячиси, ҳимоячи, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳамда бошқа шахслар далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйиш учун нарсалар ва ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилишга ҳақлидирлар»**-деб белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки юқоридаги моддаларда назарда тутилган «далиллар тақдим қилиш» тергов ва суд ҳаракатларига кирмайди, аксинча бу процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари бўлиб, уларнинг эрки-иродаси билан ифодаланган юқорида таъкидлаганимиздек процессуал ҳаракатлар қаторига киради.

Фикримиз тасди\и сифатида шунга ўхшаш қисм илгариги Ûзбекистон ССРнинг ѝамда Украина, Қозоғистон, Беларусь Республикаларининг ва Росссия Федерациясининг амалдаги ЖПКларида ҳам акс этганлигини эслатиб ûтмо=чимиз[149].

Далиллар та=дим =илиш ѝу=у=ига эга бûлган процесс иштирокчиларининг далиллар тûплаш ѝу=у=идан маѝрум =илиниши уларнинг далиллар та=дим =илиш ѝу=у=идан етарлича фойдаланишларига тûс=инлик =илади. Чунки далиллар та=дим =илиш далиллар тûпланганидан сûнггина амалга оширилиши мумкинлигини инобатга оладиган бûлсак, мазкур иштирокчиларнинг далиллар тûплаш ѝу=у=идан маѝрум =илиниши манти==а ѝам зиддир. Шунга я=ин фикрни бир =атор олимлар ѝам илгари сурганлар[150]. Шу ûринда, Ф.М.Мухитдиновнинг **«...“далилларни та=дим этиш” деганда шубѝасиз муайян во=еа ѝа=идаги маълумотни ûзида акс эттирувчи далилларга эга бûлиш назарда тутилади. Далилларга эга бûлиш учун эса, уларни тûплаш ваколати билан таъмин этилган бûлиши даркор»**[151]-деган сûзларини фикримиз тасди\и сифатида келтиришни жоиз деб топдик.

Бу ерда тергов ва суд ҳаракати билан процессуал ҳаракатлар ўртасидаги фарқ ҳақида гапирилганида ЎзР ЖПКнинг 87-моддасида

---

[149] +аранг: КРИМІНАЛЬНО-ПРОЦЕСУАЛЬНИЙ КОДЕКС УКРАЇНИ ( Затверджений Законом від 28.12.60 ), 66-модда.; Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси (1991 йил 1 августгача бûлган ûзгартиш ва =ûшимчалар билан). Тошкент «Ûзбекистон». 1991 й. 51-модда.; Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (по состоянию законодательства на 16 июля 2001 г.) – Алматы, ТОО «Баспа», 2001. 125-модда.; УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ. 16 июля 1999 г. № 295-З. Национальный центр правовой информации Республики Беларусь, 1998-2001. 103-модда.; Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. –М.: Юрайт- М, 2002. 86-модда.;

[150] +аранг: 400 ответов по применению УПК РФ: Комментарий / С.И.Герасимов, А.П.Коротков, А.Ф.Тимофеев. – М.: Издательство «Экзамен», 2002. 69-б.

[151] +аранг: Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моѝият, мазмун, шакл. Тошкент, 2002. 49-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Далиллар ... тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; ... йўли билан тўпланади» деб фақат исбот қилиш субъектларининг жиноят-процессуал фаолияти ҳақидагина тўхталиб ўтилганини, жиноят-процессуал муносабатга киришувчи бошқа иштирокчилар тўғрисида сўз юритилмаганлигини танқид қилиб ўтса бўлади. Шунинг учун ҳам, ЎзР ЖПКнинг 87-моддасига юқорида таъкидлаб ўтганимиздек =ûшимча 2-қисмнинг киритилиши исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг процессуал мақомини мустаҳкамлаган ҳамда уларнинг далилларни тўплашга қаратилган тергов ва суд ҳаракатларида фаол иштирок этишидаги эрки-иродасининг қонуний кафолати бўлар эди.

Учинчи гуруѝга кûрсатувлари далилий ахборотнинг манбаи ѝисобланмиш шахслар (гувоѝлар, экспертлар) киради.

Тўртинчи гуруҳга таржимон, суд мажлиси котиби, холислар киради.

Айрим муаллифлар учинчи ва тўртинчи гуруҳларни қўшиб, уларни «Исботлашда иштирок этишга жалб қилинадиган шахслар»[152]-деб атайдилар, лекин «...баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек суд мажлиси барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, ариза, илтимос ва кўрсатувларини тўла ва тўғри баён қилиб бориши шарт» (ЎзР ЖПКнинг 32-моддаси) бўлган жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланадиган суд мажлиси котибини ҳеч бир гуруҳга киритмайдилар. Бизнинг фикримизча, суд мажлиси котибини «Техник ва ёрдамчи функцияларни бажарувчи «бошқа шахслар» гуруҳига киритиш тўғрироқ бўлар эди[153], чунки у «исботлашни (далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни) амалга оширадиганлар ва бунинг учун масъул бўлганлар» гуруҳига кирмайди. Зеро, «исботлаш мажбурияти деганда тегишли шахсларнинг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича зарур хулқ-атворининг назарда тутилган ҳажми тушунилади. Исботлаш мажбурияти жиноят ишларини судда юритиш вазифаларини назарда тутадиган ЖПК 2-моддасининг ҳамда жиноят

[152] +аранг: Никифорова Е.Н. Исботлашнинг умумий шартлари // Жиноят процесси. Умумий =исм: Юридик институти ва факультетлари талабалари учун дарслик. / Доцент З.Ф. Ино\омжонованинг умумий таѝрири остида. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002 йил. 182-б.

[153] Фикримиз тасди\и сифатида =аранг: Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (по состоянию законодательства на 16 июля 2001 г.) – Алматы, ТОО «Баспа», 2001. Раздел 2. Глава 10. 87-модда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

иши ҳолатларини тадқиқ этиш шароитларини белгилайдиган ЖПК 22-моддасининг талабларидан келиб чиқади».[154]

Исбот қилиш бир мақсадга, яъни у иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган бўлади. Бунинг учун эса иш ҳолатларини текшириш тўла, холисона ва ҳар томонлама бўлиши лозим.

Бу мақсадга эришиш учун тергов юритилаётган ва суд томонидан кўрилаётган ҳар бир иш бўйича иш ҳолатлари юзасидан текширилаётган фактларга доир эҳтимол тутилган барча ҳолатлар аниқланиши ва текширилиши шарт. Иш бўйича дарров пайдо бўлган ва кўпроқ ишончга сазовор бўлган гумонга асосланган хулосага келиш мумкин эмас. Бу шуни билдирадики, текширилиши лозим бўлган фактлар юзасидан иш ҳолатлари бўйича турли муайян вариантлар, эҳтимолларни илгари суриш керакки, бу вариантларнинг ҳар бирини текшириш, тасдиқланмаганидан воз кечиш, тасдиғини топган эҳтимолни қабул қилиш мумкин бўлсин. Иш бўйича текширилиши лозим бўлган фактларни тушунтириб бериш мумкин бўлган эҳтимоллар версиялар деб аталади. Айрим муаллифлар версияларни, жиноят-процессуал исбот қилишнинг мустақил таркибий элементи сифатида ажратиб кўрсатадилар.[155]

Биз ҳам ушбу ҳақда ўз фикрларимизни келтириб ўтамиз. Маълумки, у ёки бу жиноят иши бўйича бир факт юзасидан турли версиялар тузилиши мумкин. Масалан, қотиллик бўйича жиноят иши қўзғатилган ва тергов юритилаётган ҳолда (бу ерда жиноят иши қўзғатишга асос бўлиб мурдада зўрлик аломатларининг топилиши ҳисобланади) қуйидаги версиялар тузилиши мумкин: 1) қотиллик; 2) ўзини ûзи ўлдириш; 3) бахтсиз ҳодиса. Бу учала версия ҳам текширилиши шарт. Агар ўз-ўзини ўлдириш ва бахтсиз ҳодиса ҳақидаги версиялар тасдиқланмаса ва қотиллик факти тасдиқланса, бу ҳолат юзасидан иш ҳолатларига қараб қуйидаги версиялар тузилиши мумкин: 1) талончилик мақсадидаги қотиллик; 2) рашк орқасидаги қотиллик; 3) қасд олиш мақсадидаги қотиллик ва бошқалар.

Жиноят ишини тергов қилиш ва суд муҳокамаси даврида иш ҳолатларига қараб мумкин бўлган барча версиялар тузилиши лозим,

---

[154] Никифорова Е.Н. Исботлашнинг умумий шартлари // Жиноят процесси. Умумий =исм: Юридик институти ва факультетлари талабалари учун дарслик. / Доцент З.Ф. Ино\омжонованинг умумий таѝрири остида. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002 , Б. 181-182.

[155] Батафсилро= бу ѝа=да =аранг: Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Казань, 1976. 11-б.; Алексеев Н.С., Даев В.Г., Кокорев Л.Д. Очерк развития науки советского процесса. Воронеж, 1980. 159-б.; Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент-«Ûзбекистон», 1995. 15-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг ҳар бири синчковлик билан текширилиши керак, бунинг учун эса ҳар бир версияга тегишли далиллар тўплаш лозим бўлади.

Агар ҳар бир версияни текшириш натижасида битта версиядан бошқа ҳаммаси рад этилса ва фақат битта версия сифатли, ишончли далил билан ўз тасдиғини топса, бу нарса тергов ва суднинг ишончли хулосага келишига, объектив ҳақиқатнинг аниқланишига олиб келади.

Мантиқий тузилишига кўра версия гипотезанинг бир тури, шакли ҳисобланади ва ҳар бир версияни текшириш илмий ва амалий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида гипотезаларни текшириш қай йўл билан ўтказилса, шу йўл билан ўтказилади. Текширилаётган ҳодисанинг эҳтимол тутилаётган сабаби орқали ундан келиб чиқувчи оқибатлар аниқланади, сўнг амалда, текшириш йўли билан бу оқибатлар ҳақиқатда бор-йўқлиги кўрилади. Агар бундай оқибатлар бўлмаса, эҳтимол тасдиқланмаган ҳисобланади, агар оқибатлар бўлса, гарчи бу гипотезани тўлиқ тасдиқланди дейишга асос бўлмаса-да, бу оқибатлар бошқа сабаблардан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин, дейишга асос бўлади.

Версия қуйидаги шартлар бажарилганида тўлиқ тасдиқланган ҳисобланади ҳамда эҳтимол ишончли хулосага айланади: 1) иш ҳолатлари бўйича барча мумкин бўлган версиялар тузилган бўлса; 2) барча версиялар синчковлик билан ҳар томонлама текширилган бўлса; 3) биттадан бошқа барча версиялар тўпланган далиллар билан рад этилган ва ёлғон чиққан бўлса; 4) битта, ягона версия ишончли далиллар билан шак-шубҳасиз тасдиқланган бўлса; 5) бу версия ишнинг барча ҳолатлари билан тўла мувофиқликда бўлса, тўлалигича иш ҳолатларини тушунтирса ҳамда иш ҳолатларида ягона мумкин бўлган хулоса бўлса.

Версияни тузиш ва текшириш, текширилиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини аниқ белгилаб олишга имкон беради ва ишни тўғри ҳал қилиш ҳамда иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш учун керак бўлган далилларни қай йўналишда излаш кераклигини кўрсатади.

Иш ҳолатлари бўйича мумкин бўлган барча версияларни тузиш ва текшириш иш ҳолатларини текширишнинг ҳар томонлама ва холисона ўтказилишини таъминлайди. Фақат битта версиянинг текширилиши ва бошқа версияларни ҳисобга олмаслик, терговнинг бир ёқлама олиб борилганлигини билдиради, бу эса ишни тўғри ҳал қилишга жиддий тўсиқ бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғ.Абдумажидовнинг **«...тезкор-қидирув фаолияти натижалари ишга қўшиб қўйилмаса, далил бўлиб хизмат қилмаса ҳам улардан тергов версияларини илгари суришда, терговнинг йўналишини белгилашда ва уни режалаштиришда фойдаланиш мумкин»**[156]-деган фикрига қўшимча қилган, С.И.Ожеговнинг **«...жиноят ишларини тергов қилиш одатда, тергов версияларини илгари суриш билан бошланади»**[157]-деган сўзларини эслатган, Б.А.Азизхўжаевнинг илгари сурган **«...Тезкор-=идирув ишлари натижасида олинган маълумотлар ѝу=у=ни муѝофаза =илувчи органлар учун йўналтирувчи аѝамиятга ва ўзига хос хабардор =илувчи хусусиятга эга. Бундай маълумотлар тегишли тергов ѝаракати (сўро= =илиш, кўздан кечириш ва ш.к.) ўтказиш йўли билан процессуал шаклга киритилгандагина «гапириши», жиноят иши бўйича далилий аѝамият касб этиши (далил бўлиши) мумкин»**[158]-деган фикрини ривожлантирган ҳолда, **тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан** нафақат тергов версияларини илгари суришда, терговнинг йўналишини белгилашда ва уни режалаштиришда, балки **«Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан нарсалар, ҳужжатлар ҳамда бошқа материалларнинг келиб чиқиш манбаини аниқ билган ёки уларнинг ҳаққонийлиги ёхуд олиниш шарт-шароитлари тўғрисида гувоҳлик бераоладиган шахс томонидан қонунда белгиланган тартибда тақдим этилганида жиноят-процессуал исбот қилишда далил сифатида фойдаланиш мумкин»**-деб ю=оридаги фикримизни асослай оламиз.

Юқорида таъкидланганидек, исбот қилиш жараёнининг бос=ичлари бўлиб далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш ҳисобланади.

Далилларни тўплаш жуда мураккаб жараён бўлиб, у қуйидаги элементлардан ташкил топган:

1) далилларни қидириш (тинтув, кўздан кечириш вақтида). Далилларни тўплашнинг бу элементи мажбурий ҳисобланмайди. Бу элемент умуман бўлмаслиги (далилларни тақдим этишда) ёки нопроцессуал воситалар билан амалга оширилиши мумкин (масалан, ҳодиса шоҳидларини тезкор-қидирув йўли билан ёки оммавий

---

[156] Абдумаджидов Г. Проблемы совершенствования предварительного расследования. Изд-во «Фан» Узбекской ССР, Ташкент. 1975. 9-б.
[157] Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М., 1978. 837-б.
[158] Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент- «Ўзбекистон», 1995. 55-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ахборот воситалари ёрдамида аҳолига мурожаат қилиш йўли билан қидиришда).

2) далилларни олиш, нарса ва ҳужжатларни, тақдим этилган далилларни олиш, кўрсатув олиш ва шу каби ҳаракатлар воситаси амалга оширилади. Далилларни қидиришдан фарқли ўлароқ уларни олиш фақат процессуал йўл билангина амалга оширилиши мумкин.

3) далилни процессуал расмийлаштириш (мустаҳкамлаш) далилларни тўплашнинг мажбурий элементидир. (Тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари тузиш, уларга иловалар тайёрлаш каби йўллар билан амалга оширилади). Далилни мустаҳкамлаш ЎзР ЖПКсида кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаса далил **номақбул** деб топилади.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда турли илмий-техник воситалардан фойдаланиш мумкин. Бироқ бу ерда айрим истисно ҳолат мавжуд бўлиб: 1) далилларни тўплашнинг биринчи элементи далилларни қидириш вақтида ҳар қандай илмий-техник воситалардан фойдаланиш мумкин; 2) далилларни олиш ва мустаҳкамлашда қонунда кўрсатилган техник воситалардан (овоз ёзиш воситалари, кинокамера, видеомагнитафон, фотоаппарат) фойдаланиш мумкин.

Исбот қилиш жараёнининг бос=ичлари ҳисобланадиган далилларни текшириш ва баҳолаш тўғрисида мазкур ишнинг 2-боби 2-параграфида батафсил тўхталиб ўтамиз.

## 2.2. Тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларнинг далилий аҳамияти ҳамда уларга далил сифатида баҳо бериш

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, далиллар нафақат тергов ва суд ҳаракатларини юритиш, балки тақдим этилган нарсалар ва ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан ҳам тўпланади. Тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларга далил сифатида баҳо беришда уларнинг зарур белгиларини ўзида мужассам этган шундай хусусиятларини инобатга олиш керакки, уларсиз тақдим қилинган нарсалар ва ѝужжатлардан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Бу хусусиятларга қуйидагилар киради:

1) алоқадорлик;
2) мақбуллик;
3) ишончлилик;
4) аҳамиятлилик;
5) етарлилик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алоқадорлик-бу далилнинг ўз мазмуни билан иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси сифатида хизмат қила олишидир. Бошқача айтганда, алоқадорлик-далилларнинг мазмун жиҳатидан яроқлилигидир. Далиллар мазмунига қуйидаги маълумотлар кириши мумкин:

1. Исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларнинг бирортаси (мисол учун, ЎзР ЖПКнинг 82-моддасидаги 5 та ҳолатлардан бирортаси).

2. Далилий факт аҳамиятига эга бўлган бошқа ҳолатлар, яъни исбот қилишда аргумент сифатидаги маълумотлар.

3. Бошқа далиллар тўғрисида–уларнинг мавжудлиги, мақбуллиги, ишончлилиги (ЎзР ЖПКнинг 95-моддаси) тўғрисидаги маълумотлар.

Мақбуллик эса далилларнинг шакл жиҳатдан яроқлилигидир.

Далилларни мақбул деб топиш учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Манбанинг қонуний бўлиши (ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмида назарда тутилган манбалардан олинган бўлиши керак);

2. Далилни олиш усулининг қонуний бўлиши (ЎзР ЖПКнинг 87-моддасида белгиланган усуллар ёрдамида олинган бўлиши керак);

3. Унинг процессуал расмийлаштирилиши (ЎзР ЖПКнинг тегишли моддаларига мувофиқ расмийлаштирилиши керак);

4. Далилларни олиш тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишга ваколатли бўлган субъект томонидангина амалга оширилиши (ЎзР ЖПКнинг 86-моддасида кўрсатилган исбот қилишни амалга оширувчи-суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан олинган бўлиши) керак[159].

Ишончли далил деганда, ҳаққонийлиги шубҳа туғдирмайдиган далил тушунилади.

Далилнинг аҳамиятлилиги–бу унинг далилий қиммати, далилий кучидир.

Далиллар етарлилиги деб, далиллар жамланмаси асосида ишончга сазовор хулоса чиқариш мумкин бўлиши ва иш бўйича ҳақиқатга мос келадиган қарор чиқарилишига айтилади[160].

---

[159] Бу ùа=да =аранг: Иномжонов Ш.Х. Жиноят процессида далиллар та=дим =илиш ва фойдаланиш муаммолари. Илмий-амалий =ûлланма / ю.ф.д., проф. Ғ.Абдумажидовнинг таùрири остида. –Т.: «Адолат», 2003. 85-86-б.; «Далиллар ма=буллигига оид жиноят-процессуал =онуни нормаларини =ûллашнинг айрим масалалари тû\рисида»ги Пленумнинг 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги +арорлари тûплами. –Т., 2004. 5-9-б.

[160] Батафсилро= далилларнинг хусусиятлари ùа=ида =аранг: Зинатуллин З.З. Вероятное и достоверное в процессуальных решениях следователя. Проблемы доказывания по уголовным делам. Межвузовский сборник

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амалиётда далиллар етарлилигига кам аѝамият берилаётганлигига =уйидаги мисол ор=али амин бûлиш мумкин.

Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаѝар суди томонидан кûриб чи=иб ѝал =илинган бир жиноят иши бûйича дастлабки тергов органи томонидан 22 март 2004 йил куни Х.Х.Û.ни жиноят ишида айбланувчи тари=асида иштирок этиш учун жалб =илиш тû\рисида =арор чи=арилган (и/в 64-66)[161] бûлиб, унда «…Милиция келиб Х.Х.Û.дан шахсини тасди=ловчи ѝужжатни сûраганида у ûзида бûлган ЦА № 0817 ра=амли Ûзбекистон Республикаси МХХнинг =албаки гувоѝномасини та=дим этган. Гувоѝнома милиция ходимларида шубѝа уй\отиб ûз ûрнида МХХ Андижон вилояти бош=армасига хабар беришган. Шундан сûнг Х.Х.Û.да бûлган =албаки ЦА № 0817 ра=амли гувоѝнома МХХ томонидан олиб =ûйилган» мазмунидаги фа=атгина гумондан иборат бûлган, ѝеч =андай далиллар билан асослантирилмаган гаплар айбловнинг асосига =ûйилган. ÛзР ЖПКнинг «Айблаш ва ѝукм =илиш учун асослар»га ба\ишланган 82-моддасига кûра, «Ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ѝукми чи=ариш учун содир этилган жиноятнинг ва=ти, жойи, усули» (ÛзР ЖПКнинг 82-моддаси, 1-=исми, 2-банди) яъни жиноятнинг объектив томони исботланган бûлиши керак.

Биз ю=орида тилган олган =арорда эса, дастлабки тергов органи Х.Х.Û.ни ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан айблаш учун ѝеч =андай асосга эга бûлмаган умумий гаплардан нарига ûтмаган. Шунинг учун, +айси милиция? У ким? Исми-шарифи нима? +албаки эканлигини экспертиза ûтказиш йûли билан текширилганми (ÛзР ЖПКнинг 173-моддаси 1-=исми, 8-банди)? Эксперт хулосаси =ани? +ачон та=дим этган (йил, ой, куни борми)? Ким томонидан =ачон олиб =ûйилган (йил, ой, куни борми)? Олиб =ûйиш баённомаси тузилганми? У =ани? каби саволларга жавоб берилмаганлигидан Х.Х.Û. ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан асоссиз равишда жиноят ишида айбланувчи тари=асида иштирок этиш учун жалб =илинган, Х.Х.Û.ни ушбу жиноятларни содир этганликда айблаш учун етарли далиллар мавжуд эмас, деган хулосага келиш мумкин бûлади. Чунки, иш бûйича =абул =илинадиган =арор синчковлик билан, тûла, ѝар томонлама ва

---

научных трудов. Красноярск, 1988. Б. 11-12.; Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент-«Ûзбекистон», 1995.Б. 21-32, 51-55.; Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. Научно-практическое пособие. - М.:«Проспект», 2000. Б. 40–63.

[161] Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаѝар суди архивидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

холисона текширилган далилларгагина асосланган бûлиши лозим (ÛзР ЖПКнинг 94-моддаси) (2-илова).

Барча ҳолларда далилларнинг ишончлилиги текширилиши (тасдиқланиши ёки рад этилиши) лозим. Баъзан далилларнинг мақбуллиги ҳам текширилиши мумкин (масалан, холисларни сўроқ қилиш тергов ҳаракати ўтказиш чоғида процессуал бузилишлар бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш учун), ёки алоқадорлиги текширилиши мумкин (содир этилган ўғрилик бўйича хонадонда топилган бармоқ излари уй эгалари томонидан қолдирилган ёки йўқлиги текширилади).

Далилларни текшириш одатда янги далилларни тўплашдан иборат бўлиб (ЎзР ЖПК 94-м.), бу янги далиллар тўғридан-тўғри ёки билвосита текширилаётган далилни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин. Шунингдек, янги далиллар текширилаётган далилнинг алоқадорлиги ёхуд мақбуллигини аниқлаши ҳам мумкин. Ушбу янги далиллар текширилаёгган далилни билвосита тасдиқласа, текширилаётган далил билан биргаликдагина аҳамиятга эга бўлади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим (ЎзР ЖПК 95-м.).

Далилларни баҳолаш далилни текшириш натижаси бўлиб, далил воситасида аниқланаётган фактнинг мавжуд-мавжуд эмаслиги белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, далилни баҳолаш далилнинг ишончли-ишончли эмаслиги тўғрисидаги ва далилда акс этган фактнинг исботланган-исботланмаганлиги тўғрисидаги хулосадан иборат бўлади. Жиноят иши бўйича ҳар бир далил ҳамда далиллар йиғиндиси баҳоланиши лозим, чунки ҳар бир далил алоҳида ҳолда тўлалигича баҳоланиши мумкин эмас.

Суд ишни =ûшимча терговга ёки янгидан судда кûриш учун юбораётганида судланувчига =ûйилган айбнинг исботланганлиги ёки у ёки бу далилнинг ишончлилиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, =илмишнинг у ёки бу жиноят =онуни билан квалификация =илиниши лозимлиги ва жазо чораси ùа=ида олдиндан хулоса =илишга ùа=ли эмас[162].

---

[162] +аранг: «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кûриш амалиёти ùа=ида»ги Пленумнинг 2001 йил 1 июндаги =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1

www.ziyouz.com kutubxonasi

**+андай далиллар =онунга зид равишда олинган далиллар дейилади ?**

+онунга зид равишда олинган далилларга тергов олиб боришнинг но=онуний, руѝий ва жисмоний куч ишлатиш усулларини =ûллаб олинган далиллар, шунингдек жиноят-процессуал =онун бош=а нормаларининг бузулиши (масалан, ѝимоя ѝу=у=ининг бузилиши) натижасида олинган далиллар киради. Далил =онунга зид равишда олинган деб топилган та=дирда, суд ишдаги далиллар йи\индисидан уни чи=ариш тû\рисидаги ûзининг =арорини, =онуннинг бузулиши нимадан иборат эканлигини кûрсатган ѝолда, асослантириши лозим[163].

Иш бûйича ѝа=и=атни ани=лаш учун фа=ат Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда тûпланган, текширилган ва баѝоланган далиллардангина фойдаланиш мумкин. Процессуал =онун талаблари бузилган ѝолда тûпланган далиллар айблов асосига =ûйилиши мумкин эмас[164].

+ийно==а солиш, зûрлик ишлатиш, =ûр=итиш, алдаш ѝамда инсонга нисбатан бош=ача шаф=атсиз ёки унинг шаъни ва =адр-=имматини камситувчи муносабатда бûлиш, шунингдек =онунга хилоф бош=а чоралар =ûллаш, шу жумладан, гумон =илинувчининг, айбланувчининг ѝимоя ѝу=у=ини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига =ûйилиши мумкин эмас[165].

Амалиётда жиноят-процессуал =онуни нормаларини жиддий бузиш йûли билан дастлабки тергов ѝаракатларини олиб бориш ѝолатлари ѝам учраб турибди (1, 3-иловаларга =аранг).

Мисол тари=асида Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаѝар суди томонидан кûриб чи=иб ѝал =илинган бир жиноят иши бûйича дастлабки тергов давомида Х.Х.Û.нинг гумон =илинувчи тари=асидаги процессуал ѝу=у=лари, хусусан, ѝимояланиш ѝу=у=и бузилган, яъни унга нисбатан гумон бûлгани ѝолда, у ÛзР ЖКнинг 238 ва 240-моддалари билан «ёл\он гувоѝлик бериш» ва «жиноят процессини юритиш =атнашчиларининг ûз зиммасидаги вазифани бажаришдан бûйин товлаши» учун жиноий жавобгарлик таѝдиди

---

июндаги +арорларининг тûплами. // ÛзР Олий судининг Раиси У.+.Мингбоев умумий таѝрири остида чоп этилди. –Т., 2001. 25-б.

[163] +аранг: «Суд ѝукми тû\рисида» Пленумнинг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тûплами. 1991-1997: Икки жилдли. 1-жилд // Таѝрир ѝайъати: У.+.Мингбоев (раѝбар) ва бош=. /. –Т.: «Шар=», 1997. 108-б.

[164] +аранг: «Гумон =илинувчи ва айбланувчини ѝимоя ѝу=у=и билан таъминлашга оид =онунларни =ûллаш бûйича суд амалиёти тû\рисида»ги Пленумнинг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги =арорлари тûплами. –Т., 2004. 4-б.

[165] Ûша ерда, 12-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан огоѝлантирилиб, гувоѝ тари=асида сûро= =илинган (и/в 61-62), шундан сûнггина айбланувчи тари=асида сûро= =илиниб (и/в 68-70) кûрсатувлари олинган[166]лигини келтириш мумкин (1-илова).

Ю=оридаги мисолдан кûриниб турибдики, Х.Х.Û.га нисбатан гумон бûлгани ѝолда, у ÛзР ЖКнинг 238 ва 240-моддалари билан **«ёл\он гувоѝлик бериш»** ва **«жиноят процессини юритиш =атнашчиларининг ûз зиммасидаги вазифани бажаришдан бûйин товлаши»** учун жиноий жавобгарлик таѝдиди билан огоѝлантирилиб, унинг ѝимояланиш ѝу=у=ини паймол этиб, гувоѝ тари=асида сûро= =илиниб ундан кûрсатувлар олинган. Биз ю=орида таъкидлаб ûтганимиздек далилларни мақбул деб топиш учун улар «далилни олиш усулининг қонуний бўлиши (ЎзР ЖПКнинг 87-моддасида белгиланган усуллар ёрдамида олинган бўлиши) шарт»-деган талабга жавоб бериши керак, акс ѝолда далил **нома=бул** деб топилади.

Бизга маълумки, Ûзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасига кûра, шахс ушланган пайтидан бошлаб ѝимояланиш ѝу=у=идан амалда фойдаланаолиши керак. Бундан таш=ари, Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги 17-сонли +арори 8-бандига биноан, шахс ***амалда ушланган (=ûлга олинган)*** пайтидан бошлаб гумон =илинувчи деб ѝисобланади ва у гувоѝ сифатида сûро= =илиниши, жиноят ишида гумон =илинувчи тари=асида иштирок этишга жалб =илинганлиги ѝа=идаги =арор унга эълон =илинмасдан ѝамда тегишли ѝу=у=лари ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ѝаракатлари олиб борилиши мумкин эмас. Шунга ûѝшаш ѝолатни Ш.Й.К.га нисбатан бûлган жиноят иши материалларида ѝам кûриш мумкин (3-илова).

Тергов ѝаракатларини юритиш тартиби ва шартларининг бузилиши прокурор ва суд томонидан гумон =илинувчига, айбланувчига нисбатан руѝий таъсир ûтказиш деб баѝоланиши мумкин. Бундай таъсир остида тûпланган маълумотлар далил кучига эга бûлмайди ва улар айблов ѝукми учун асос =илиб олиниши мумкин эмас[167].

Ю=оридаги «амалиётда жиноят-процессуал =онуни нормаларини жиддий бузиш йûли билан дастлабки тергов

---

[166] Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаѝар суди архивидан.

[167] +аранг: «Гумон =илинувчи ва айбланувчини ѝимоя ѝу=у=и билан таъминлашга оид =онунларни =ûллаш бûйича суд амалиёти тû\рисида»ги Пленумнинг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги =арорлари тûплами. –Т., 2004. 12-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ѝаракатларини олиб бориш ѝолатлари ѝам учраб турибди»-деган фикримизнинг тасди\и сифатида яна бир мисол келтирамиз.

Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаѝар суди томонидан кûриб чи=иб ѝал =илинган бир жиноят иши бûйича дастлабки тергов органи томонидан 17 март 2004 йил куни нарса ва ѝужжатларни кûздан кечириш тергов ѝаракати ûтказилган (и/в 138-139)[168]. Лекин Х.Х.Û. номига берилган ЦА № 0817 ра=амли гувоѝнома топиб олинганлиги, олиб =ûйилганлиги ёки =абул =илиб олинганлиги, =аердан келиб =олганлиги тû\рисида ѝеч =андай белги йû=лиги ва унинг манбаси ноани=лигидан нарса ва ѝужжатларни кûздан кечириш баённомасининг ма=буллигига шубѝа уй\онади. Чунки, ÛзР ЖПКнинг «Ашёвий далилларни кûздан кечириш»га ба\ишланган 206-моддасида «Бош=а шахслардан топилган, олиб =ûйилган ёки =абул =илиб олинган нарсалар ушбу Кодекснинг 135-137, 139 ва 140-моддаларида кûрсатилган =оидаларга асосан дарѝол кûздан кечирилади» -деб белгилаб =ûйилган. Шунинг учун, дастлабки тергов органи томонидан 17 март 2004 йил куни нарса ва ѝужжатларни кûздан кечириш тергов ѝаракати ûтказилиб (и/в 138-139) тузилган баённоманинг ма=буллигига шубѝа уй\онади (2-илова).

Ю=оридаги мисолдан кûриниб турибдики, дастлабки тергов органи томонидан ашёвий далил тари=асида ишга =ûшиб =ûйилган =албаки гувоѝнома =айси йûл билан жиноят ишига кириб =олганлиги номаълум. ÛзР ЖПКнинг 205-моддасида ашёвий далилларни олиш усуллари кûрсатиб ûтилган бûлиб, бу усуллардан бош=а усулларда олинган нарсалар ашёвий далил ма=омини олиши мумкин эмас. Айбловчи далил сифатида дастак =илиб олинган =албаки гувоѝноманинг эса манбаи маълум эмас. Манбаи номаълум бûлган далиллар эса ма=бул деб топилиши мумкин эмас.

Биз ю=орида таъкидлаб ûтганимиздек далилларни мақбул деб топиш учун улар «манбанинг қонуний бўлиши (ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмида назарда тутилган манбалардан олинган бўлиши) шарт»-деган талабга жавоб бериши керак, акс ѝолда далил **нома=бул** деб топилади.

ÛзР ЖПКнинг «Айбсизлик презумпцияси»га ба\ишланган 23-моддаси 3-=исмига кûра, айбдорликка оид барча шубѝалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бûлса, гумон =илинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ѝал

[168] Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаѝар суди архивидан.

=илиниши лозим. +онунни =ûллашдан келиб чи==ан ѝар =андай шубѝа ѝам унинг фойдасига ѝал этилади[169].

Далилни =онунга зид равишда олинган деб баѝолашда суд далилнинг ѝа==онийлиги ва холислиги тû\рисида ѝар =андай шубѝа, агар уни бартараф =илишнинг имкони бûлмаса, судланувчининг фойдасига ѝал =илиниши лозимлигидан келиб чи=иши керак[170].

Далилларни баҳолаш икки томонлама бўлади: анализ ва синтез.

Далилларни анализ қилиш қуйидагиларни билдиради: а) иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндисини алоҳида далилларга бўлиш, ҳар бир далилни бошқа далиллардан алоҳида кўриш; б) ҳар бир алоҳида олинган далилни таркибий қисмларга бўлиш, унда айрим фактларни, қирраларни ажратиб олиш; в) ҳар бир далилнинг элементларини бир-бири билан ва ҳар бир далилни бошқа далил билан солиштириш.

Далилларни синтез қилиш иш бўйича тўпланган далиллардан хулоса чиқариш, барча далиллар асосида иш ҳолатларини аниқлашни билдиради.

Далилларга баҳо беришда анализ ва синтез ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ишни тергов қилиш ва судда кўриш чоғида иш бўйича тўпланган барча далиллар синтез қилинади, улар асосида у ёки бу факт аниқланади, бундан келиб чиқиб янги далиллар тўпланади, янги хулосалар чиқарилади.

Далилларни баҳолашнинг қуйидаги принциплари мавжуд:

1) далилларга баҳо беришда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд фақат қонунга асосланадилар;

2) ҳеч қандай далил олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас;

3) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд далилларни ўзларининг ички ишончлари бўйича баҳолайдилар;

4) ички ишонч тўпланган ва текширилган далиллар йиғиндисига берилган баҳога асосланади;

5) ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилик нуқтаи назаридан баҳоланмоғи, тўпланган барча далиллар эса йиғинди ҳолида ишни ҳал қилиш учун етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланмоғи лозим;

---

[169] +аранг: «Гумон =илинувчи ва айбланувчини ѝимоя ѝу=у=и билан таъминлашга оид =онунларни =ûллаш бûйича суд амалиёти тû\рисида»ги Пленумнинг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги =арорлари тûплами. –Т., 2004. 12-б.

[170] +аранг: «Суд ѝукми тû\рисида» Пленумнинг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тûплами. 1991-1997: Икки жилдли. 1-жилд // Таѝрир ѝайъати: У.+.Мингбоев (раѝбар) ва бош=. /. –Т.: «Шар=», 1997. 109-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6) суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, суднинг далилларга баҳо бериши ҳар томонлама, тўла ва холисона бўлиши шарт;

7) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларга виждонан баҳо беришлари шарт[171].

Билишнинг эмпирик услубларининг мослашуви деганда, билиш соҳасида тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини ўтказиш воситасида маълум натижаларга эришишнинг тажрибага асосланган усулларининг яқинлашуви тушунилади

Гап бу ерда билиш соҳасида муайян мақсадларга эришишнинг тажрибага асосланган бир хил усуллари асосида олинган тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов харакатлари натижаларини қиёслаш тўғрисида кетмо=да[172]. Бу жараённинг мақсади–ҳужжатлаштириш ва исбот қилишнинг ўзаро алоқасини аниқлашдир.

Жиноий ҳаракатларни ҳужжатлаштириш қонуний асослар ва уларни ижро этиш шарт-шароитларига риоя этган ҳолда қонунда кўрсатилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади[173]. Бир гуруҳ муаллифларнинг фикрича, уларнинг барчасини санаб ўтмасдан, қуйидаги фақат соф қидирув криминалистик услублар сифатида мослашганларига тўхталиш мумкин:

- фуқароларни сўраб чиқиш;
- маълумот тўплаш;
- экспертиза текшируви учун намуналар тўплаш;
- текшириш учун харид қилиш;
- нарса ва ҳужжатларни текшириш;
- кузатув;
- шахснинг айнанлигини аниқлаш
- биноларни, иморатларни, атроф-муҳитни ва транспорт воситаларини текшириб чиқиш;
- тезкор эксперимент.[174]

Почта-телеграф жўнатмалари ва бошқа жўнатмаларни назорат қилиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш, алоқанинг техник

---

[171] Шунга ûхшаш фикрни Ю.К.Орлов ùам билдирган. +аранг: Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. - М., 2000. Б. 81-87.
[172] Фикримиз тасди\и сифатида =аранг: Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. М.: ООО Издательство «Юрлитинформ», 2001. Б. 112-113.
[173] Бу ùа=да =аранг: Организованная преступность: Курс лекций. – Спб.: Питер, 2002. 71-б.: ип. (Серия «Учебник для вузов»).
[174] Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности» Комментарий / Под ред. проф. П.Г. Пономарева. - М.: Новый Юрист, 1997. Б.252-259.

www.ziyouz.com kutubxonasi

каналларидан ахборотни олиш–бу тезкор-қидирув тадбирларининг барчасини шартли равишда фақат қидирувга хос бўлган разведка услубларига, тезкор жойлаштириш (киритиш) ва назорат остида юборилаётган юкни етказишни–разведка операциялари сирасига киритиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, бундай таснифлаш ўта шартлидир, чунки меъёрий ҳужжатларда санаб ўтилган барча тезкор-қидирув тадбирлари конспирация тамойиллари билан уйғунлашади, демакки разведка характерига эга. Юқоридаги ажратиш фақат бир мақсад билан–ваколатли субъектларнинг тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процессуал исбот қилиш фаолиятини амалга оширишда тезкор ва тергов ҳаракатларининг уйғунлашиб кетишини кўрсатиш учун қилинган.

Жиноят процесси назариясида исбот қилиш ахборот ташувчиларни қидириб топиш, фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни процессуал мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш бўйича фаолият ҳисобланади. Шу сабабли Ф.Н.Фаткуллин томонидан берилган таъриф юзасидан илмий мунозарага киришиш бефойдадир[175], чунки мазкур бўлимдаги тадқиқот мақсади таърифларнинг қандайлигини эмас, балки ҳужжатлаштириш ва исбот қилишнинг ўзаро алоқасини кўрсатишни кўзда тутади.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш бир хил вазифани бажаради[176] ҳамда мос равишда қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган давлат органлари вакиллари томонидангина амалга оширилади.

Бу соҳада илмий тадқиқотларнинг натижалари қатор муаллифлар томонидан П.Г.Пономарёв таҳрири остида эълон қилинган[177].

Фикримизнинг янада ишончлироқ чиқиши учун В.К.Зникиннинг фикрларини ривожлантирган ѝолда, ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш ўртасидаги ўзаро алоқани кўрсатилган категорияларнинг ҳар бирини тадқиқотнинг амалиётда қўлланувчи эмпирик услублари билан ўзаро алоқаси шаклида кўрсатамиз, чунки билишнинг бу услубларининг яқинлашуви тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатлари орқали юз беради.

---

175 Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Казань, 1976. Б. 11-13.

176 Рыжаков А.П. Уголовно-процессуальное доказывание: понятие и средства. –М.: Информационно-издательский дом «Филинъ», 1997. 115-б.

177 Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности» Комментарий / Под ред. проф. П.Г. Пономарева. - М.: Новый Юрист, 1997. Б. 252-259.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Биринчи эмпирик услуб**: «Муайян шахсларга мурожаат қилиш ҳамда сўровчини қизиқтирувчи маълумотларни билиш, аниқлаштириш мақсадида, шунингдек, суҳбатдошнинг айрим хусусиятлари ва ўзига хосликларини ўрганиш ва баҳолаш мақсадида қўйилган саволларга жавобларни тўплаш».

Бу услубга қуйидагилар: фу=ароларни сûраб чи=иш ва гумон =илинувчи, айбланувчини сûро= =илиш (ЖПК 109-113-моддалари); гувоѝ ва жабрланувчини сûро= =илиш (ЖПК 114-121-моддалари); юзлаштириш (ЖПК 122-124-моддалари) мувофиқ келади.

**Иккинчи эмпирик услуб**: «Табиий шароитларда кўриш йўли билан муайян шахсларни уларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда олдиндан режалаштириб доимий равишда ва бир мақсадга қаратилган идрок қилиш, табиий шароитларда кузатилувчиларнинг хулқ-атворининг ўзига хосликларини қайд қилиш, баҳо бериш ва ўрганиш ҳамда унинг маъносини, мотивини ва бошқаларни аниқлаш».

Бу услубга: кузатиш; юкни назорат остида юбориш мос келади.

**Учинчи эмпирик услуб**: «Шахсларни ва моддий дунё объектларини (шу жумладан, нарсалар ва ҳужжатларни) бутун ҳолича ва турли томонлардан визуал текшириш».

Бу услубга: бинолар, иморатлар, атроф-муѝит участкаларини ва транспорт воситаларини текшириб чи=иш; кûздан кечириш (ЖПК 135-141-моддалари); гувоѝлантириш (ЖПК 142-147-моддалари) мувофиқ келади.

**Тўртинчи эмпирик услуб:** «Шахслар ва моддий дунёнинг бошқа объектларини тавсифловчи маълумотларни сўровномалар юбориш ҳамда унга жавоб тариқасида қайтарилган ва маълумотномалар кўринишида бўлган ҳужжатларни олиш йўли билан аниқлаш. Муайян шахснинг ҳаёт тарихини ўрганиш, бу тарихнинг маълум деталларини, хусусиятларини, шахснинг шахсий сифатларини аниқлаш».

Бунга: маълумотлар олиш; материалларни ЖПКнинг 198-202 ва 329-моддалари тартибида талаб =илиб олиш ва жиноят тû\рисидаги ариза ва маълумотларни кûриб чи=иш мажбурияти; далил манбаи сифатида ЖПК 198-202 ва 329-моддалари тартибида олинган ёки та=дим этилган ѝужжатлар мос келади.

**Бешинчи эмпирик услуб**: «Нарсаларни, муайян материаллар (материаллар қисмларини) ва шу кабиларни уларнинг хусусиятларини аниқлаш, юзага келган вазифани бажариш мақсадида

www.ziyouz.com kutubxonasi

таҳлил қилиш, синаш, текшириш, кўздан кечириш учун топиш (қўлга киритиш, қидирув)».

Бунга: олиб =ûйиш (ЖПК 157-моддаси); тинтув (ЖПК 158-моддаси); шахсий тинтув (ЖПК 162-моддаси); почта-телеграф жûнатмаларини хатлаб =ûйиш ва олиб =ûйиш (ЖПК 166-167-моддалари); экспертиза текшируви учун намуналар олиш (ЖПК 188-197-моддалари) мос келади.

**Олтинчи эмпирик услуб**: «Маълум фактларни, бирор ҳуқуқни, муайян шахснинг шахсини тасдиқловчи турли материаллар, ҳодисалар, нарсалар, иш қоғозлари, конкрет фактлар тўғрисидаги ёзма гувоҳликларнинг хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган турли саволларга бу объектлар-ахборот ташувчиларни кўздан кечириш, синаш, текшириш, таҳлил қилиш йўли билан жавоб қидириш».

Бунга: нарса ва ùужжатларни текшириш; почта-телеграф ва бош=а жûнатмаларни назорат =илиш; экспертиза (ЖПК 172-187-моддалари); почта-телеграф жûнатмаларини кûздан кечириш ва олиб =ûйиш (ЖПК 167-моддаси) мувофиқ келади.

**Еттинчи эмпирик услуб**: «Инсон шахсининг маълум хусусиятларини ташувчи сифатида баъзи бир, бироқ ўзига хос белгиларигина маълум бўлган шахс билан тўла ўхшашлигини аниқлаш».

Бунга: шахснинг айнанлигини ани=лаш; таниб олиш учун кûрсатиш (ЖПК 125-131-моддалари) мувофиқ келади.

**Саккизинчи эмпирик услуб**: «Кузатилаётган ва синалаётган шахснинг фаолиятига фаол аралашишни кўзда тутувчи психологик тажриба, бундан мақсад синалаётган шахснинг хулқ-атворида юзага чиқиши эҳтимол бўлган ҳаракатлар ва ҳодисаларни тушунтириш учун олдинга сурилган тахминлар юзага чиқувчи шарт-шароитларни яратишдир».

Бунга: тезкор эксперимент; эксперимент (ЖПК 153-156-моддалари) мос келади бўлади[178].

Тезкор-қидирув тадбирлари, яъни ҳужжатлаштириш воситаларининг бир қисми яширин табиатга эга бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилиги исбот қилиш воситаларидан, яъни тергов ҳаракатларидан ҳосил бўлган ва моҳиятан уларни такрорлайди. Фуқарони сўраш–сўроқ қилишдан; маълумотлар тўплаш-

[178] Бу ùа=да =аранг: Зникин В.К. Использование оперативно-розыскной информации в уголовно-процессуальном доказывании. Дис. …канд. юрид. наук. Томск. 1988. Б. 57-60.

www.ziyouz.com kutubxonasi

материалларни талаб қилиб олишдан; қиёслаб тадқиқот ўтказиш учун намуналар тўплаш–экспертиза текшируви учун намуналар олишдан; нарса ва ҳужжатларни текшириш–экспертизадан; шахснинг айнанлигини текшириш–таниб олиш учун кўрсатишдан; бинолар, иморатлар, атроф-муҳит участкалари ва транспорт воситаларини текшириб чиқиш–кўздан кечиришдан; почта-телеграф жўнатмаларини назорат қилиш–уларни хатлаб қўйиш, кўздан кечириш ва олиб қўйишдан унча фарқ қилмайди.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ва суд ҳаракатларини ҳамда жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф қилиш ва очиш, уларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ва фош қилиш, шунингдек, суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган, жазони ўташдан бўйин товлаётган ва бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилиши мумкин.

Бундан ташқари, улар жиноят иши қўзғатиш учун сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин, жиноят иши иш юритувида бўлган суриштирув органига, терговчига ва судга тақдим этилиши мумкин, шунингдек, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо беришни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонуни қоидаларига мувофиқ равишда жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин, бу эса бизнинг фикримизча жуда муҳимдир.

Шу сабабли, исбот қилиш жараёнида тезкор ахборотга батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиздир.

Тезкор-қидирув фаолиятини юритиш натижасида олинган маълумотлар жиноят процессида далил сифатида фақат жиноят-процессуал тартибда исбот қилиш давомида ўз тасдиғини топгачгина фойдаланилиши мумкин. Бу қоида жумладан, аудио-, видеоёзувлар, кино-, фототасвирлар, шу муносабат билан тузилган ҳужжатлар (далолатномалар, маълумотномалар, баённомалар, билдиргилар)га ҳам тегишли, чунки бу турдаги маълумотларнинг субъект онги ва иродаси таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа тезкор-қидирув тадбирлари натижаларига қараганда ишончлилик даражаси жуда юқоридир.

Исбот қилишда объективлик мезони - бу турли манбалардан, айнан ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш жараёнида қўлга киритиш ва тўплаш воситалари билан олинган ахборотларнинг ҳамда тезкор ахборотнинг процессуал ахборот билан мувофиқ келишидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахборотни қўлга киритиш билан тўплашнинг ўртасида қандай ўхшашлик бор? Биринчидан, улар учун информацион жараён (топиш, қайд қилиш, олиш) бир хил. Иккинчидан, уларнинг ўхшашлиги мақсадларнинг ягоналигидан, ахборотнинг алоқадорлиги мезонига риоя қилишдан, алоқадорлигини таъминлашдан иборат. Моҳиятан, тезкор ахборот мазмун жиҳатидан далилий ахборотнинг талабларига жавоб бериши керак. Улар ўртасидаги фарқлар ахборотни олиш манбалари ва воситаларида кўринади.

Шундай қилиб, кўрсатилган фарқларга қарамай, ахборот назарияси нуқтаи назаридан мазкур категориялар ȗхшаш дейилиши мумкин (функция ва хулоса тенглиги муносабати).

ТҚФ категорияси (қўлга киритиш) ва ЖПК категорияси (тўплаш) ўртасидаги нисбат ҳақида гапира туриб, бошқа категориялар–ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш ȗхшашлиги тўғрисида гапириш мумкин. Ҳужжатлаштириш деганда, тезкор-қидирув фаолияти назариясида, одатда, жиноят ҳолатлари, уни содир этган шахслар тўғрисидаги ахборотни қўлга киритишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари йиғиндиси ва олинган тезкор ахборотни қайд қилишга айтилади. Исбот қилиш мазмуни эса далилларни тўплаш, текшириш, баҳо бериш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бир томондан, исбот қилиш фактни, унинг ҳолатларини, унинг моҳиятини аниқлашга, унинг ҳақиқатни аниқлашдаги аҳамиятига баҳо беришга, иккинчи томондан-олинган натижаларни процессуал далил мақомини бериш учун қонунда белгиланган шаклларда қайд қилишга хизмат қилади. Ҳужжатлаштириш ва исбот қилишнинг ўхшашлиги фақат улар асосан бир хил билиш усулларини қўллашларида, ва улар учун информацион жараён ягоналигида эмас. Асосий ўхшашлик–бу мақсаднинг ягоналиги, ахборотнинг алоқадорлик ва ишончлилик мезонларига риоя қилишидадир. Улар ўртасидаги фарқ ахборотни олиш манбалари, воситалари, қисман текшириш усулларини танлашдадир. Ва, ниҳоят, далилий ахборот каби, тезкор ахборотнинг ҳам манбалари исбот қилиш жараёни учун зарур бўлган одамлар ва ашёвий бирикмалар–нарса ва ҳужжатлар ҳисобланади.

Шунга қарамай, қўлга киритиш ва тўплаш ўртасида, ҳужжатлаштириш ва исбот қилиш ўртасида ҳамда тезкор ва процессуал ахборот ўртасида айнанлик белгиси қўйиш мумкин эмас. Асосий сабаблардан бири амалдаги жиноят-процессуал қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг юқорида кўрсатилган категорияларининг мавжуд эмаслигидир. Уларнинг кўпчилигига

www.ziyouz.com kutubxonasi

умумий камчиликлар хоски, бундай камчиликларнинг мавжудлиги уларнинг далилий аҳамияти тўғрисидаги масалани ижобий ҳал қилишга асло ёрдам бермайди.

Жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик вужудга келиш босқичида турганлиги сабабли, бу қонунчилик такомиллаштирилади, аниқлаштирилади ва тўлдирилади деб умид қилиш мумкин.

Шу сабабли, бизнинг фикримизча, «тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ёрдамида олинган ахборотнинг жиноят процессига кириши тартибини такомиллаштириш зарурияти туғилди»-деб ҳисобловчи олимлар Д.И.Бедняков, Р.С.Белкин, Е.А.Доля, А.П.Рижаков ва бошқаларнинг, шунингдек амалиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш лозим бўлади[179].

Бизнингча, жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти жараёнида ахборот олишнинг қонуний шаклларига улардан фойдаланишнинг мослашган жиноят-процессуал шакли мос келиши керак ва бу қонунда мустаҳкамланмоғи лозим бўлади.

## 2.3. Тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларни процессуал мустаҳкамлаш

Биз юқорида далилни процессуал расмийлаштириш (мустаҳкамлаш) далилларни тўплашнинг мажбурий элементи эканлигини таъкидлаб ўтган эдик, чунки далилларни мустаҳкамлаш ЎзР ЖПКсида кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаса, далил номақбул деб топилади.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида А.И.Винбергнинг «Далилларни мустаҳкамлаш-исбот қилишнинг далилларни тўплаш босқичини ташкил этувчи элементидир»[180]-деган фикрини келтириб ўтамиз. Айрим муаллифлар исбот қилишнинг далилларни тўплаш босқичини элемент сифатида эътироф этадилар[181], лекин бу билан

---

[179] Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. - М.: Юрид.лит., 1991. 84-б.; Криминалистическое обеспечение деятельности криминальной милиции и органов предварительного расследования / Под ред. проф. Т.В.Аверьяновой и проф. Р.С.Белкина. - М.: 1997. Б. 153-154.; Рыжаков А.П. Уголовно-процессуальное доказывание: понятие и средства. - М.: Информационно-издательский дом «Филинъ», 1997. 416-б.

[180] Винберг А.И. Криминалистика. Вып. 1. Введение в криминалистику. –М., 1950. 8-б.; Винберг А.И. Предмет и метод советской криминалистики // Криминалистика. –М., 1950. 6-б.

[181] Никифорова Е.Н. Исботлашнинг умумий шартлари // Жиноят процесси. Умумий =исм: Юридик институти ва факультетлари талабалари учун дарслик. / Доцент З.Ф. Ино\омжонованинг умумий таҳрири остида. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002. 178-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

исбот қилишнинг мазмун-моҳияти ўзгармайди деб ўйлаймиз. Кейинроқ А.И.Винберг: «Далилларни тўплаш деганда-турли хил далилларни топишга, мустаҳкамлашга, олиш ва сақлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси тушунилади»[182]-деб ўзининг юқоридаги фикрини ривожлантиради. Унинг бу фикрига яқинроқ фикрни кейинчалик П.А.Лупинская[183], И.М.Гуткин[184] ва Ф.Н.Фаткуллин[185] лар ҳам билдирганлар.

Қуйида биз ҳам А.И.Винбергнинг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда тезкор-қидирув фаолияти натижаларини ҳамда тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларни процессуал мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Аввало, тергов ва суд ҳаракатлари манфаатлари учун қўлланиладиган тезкор-қидирув фаолияти натижаларини таърифлаш лозим бўлади. Тезкор-қидирув фаолиятининг мақсадидан келиб чиқиб–бу жиноятчилик соҳаси ва инфраструктурасида тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида қўлга киритиладиган ва тўпланадиган тезкор ахборот бўлиб, уни шартли равишда стратегик ва тактик ахборотга бўлиш мумкин.

Стратегик тезкор ахборот кўп вақт давомида хизмат кўрсатиладиган ҳудудда ва регионда, объектларда ва тезкор таъминлаш йўналишлари бўйича айни вақтда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар турлари ва келажакда шу соҳада тахминий ўзгаришлар тўғрисидаги тўпланадиган маълумотлардан иборатдир. Бундай ахборотни таҳлил қилиш криминал муҳитдаги ва ғайриқонуний фаолиятдаги йўналишларни белгилаб олишга имкон беради.

Тактик тезкор ахборот муайян шахслар, жиноий уюшмалар, фактлар тўғрисидаги тактик тартибдаги маълумотлар бўлиб, улар қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этади.

Биринчидан, тезкор ахборотнинг ҳуқуқий табиати бошқа тезкор-қидирув тадбирларини ички таъминлаш учун ўз соҳасида ундан фойдаланиш зарурлигини белгилайди.

Иккинчидан, тактик табиатдаги тезкор ахборотдан жиноят процессида тезкор-қидирув фаолияти объектларини содир этилган қилмишга мос жавобгарликка тортиш учун фойдаланиш мумкин.

---

[182] Винберг А.И. Предмет, задачи и система науки советской криминалистики//Криминалистика. -М., 1959. 6-б.
[183] Лупинская П.А. Доказывание в советском уголовном процессе. –М., 1966. Б. 33-34.; Уголовный процеес. –М., 1969. Б. 121-122.
[184] Советский уголовный процесс. –М., 1975. 119-б.
[185] Ûша ерда, 124-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фикримизча, мазкур масалада жиноят ишлари бўйича исбот қилиш давомида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг мавжуд методикасини таҳлил қилиш зарур бўлади.

Д.И.Бедняковнинг «жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг методологик асоси бўлиб жиноят процессига далил сифатида кирувчи ахборотни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш каби категориялар билан боғлиқ бўлган билиш назарияси қоидалари хизмат қилиши лозим»[186]-деган фикрини келтириб ўтиш жоиз.

Ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари тезкор хизмат ҳужжатларида акс этади. Амалиётда уларнинг айримлари тезкор-қидирув тадбирлари баённомалари деб номланади. Табиийки, бу ҳужжатларнинг юридик табиати мустақил далил турларидан бири бўлган тергов ва суд ҳаракатлари баённомаларидан фарқ қилади.

Тезкор-қидирув тадбирлари баённомаларининг тергов ва суд ҳаракатлари баённомаларидан асосий фарқи шундан иборатки, тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари асосида тегишли тергов ёки суд ҳаракати шароитида жиноят процесси иштирокчиларининг жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактларни бевосита идрок этиши ётади. Айнан шу натижалар жиноят процессида далиллар мазкур турининг мазмунини ташкил қилади. Жиноят ишини ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар ва фактларни бевосита идрок этиш натижалари, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирлари баённомаларини ҳам ташкил қилади. Бироқ, бу бевосита идрок этиш жиноят процесси иштирокчилари томонидан ҳамда тергов ва суд ҳаракатини ўтказиш чоғида эмас, балки тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш давомида юз беради. У ва бу баённомаларни тузувчи субъектлар ўртасида ҳам фарқ бор. Гарчи Е.А.Доля ишончли аргументлар келтирса ҳам, бундай нуқтаи назар, яъни субъектлар ўртасидаги фарқ унга, шубҳасиз кўринмайди[187].

Унинг фикрича, тергов ҳаракатларини ўтказишда холислар иштироки мажбурийдир, судда тўғри, бевосита идрок этиш кафолати бўлиб тарафлар иштироки, суд муҳокамасининг ошкоралиги майдонга чиқади, бу нарса тезкор-қидирув фаолиятида йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бу унинг табиатига, унинг предметига, тамойиллари ва вазифаларига мутлақо зид келар эди.

---

[186] Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. - М.:Юрид.лит., 1991. 84-б.
[187] Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. – М.: Изд-во СПАРК, 1996. 84-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У яна, масалан, ТҚФ субъекти топшириғига кўра уюшган жиноий гуруҳ иштирокчилари билан суҳбатни қайд қилиш учун фойдаланиши лозим бўлган овоз ёзувчи махсус техникани конфиденциал асосда ёрдам берувчи шахсга топширишда холислар иштироки талаб этилмаслиги тўғрисида ёзади. Бунда техник воситанинг топширилиши факти бегона, манфаатдор бўлмаган шахслар томонидан тасдиқланишга муҳтож эмас. Мазкур ҳолат тезкор ходим томонидан тегишли тезкор хизмат ҳужжатида акс эттирилади.

Шу сабабларга кўра Е.А.Доля амалиётда тарқалган ТҚФни амалга оширувчи органларга ёрдам берувчи фуқароларга махсус техникани топшириш фактларини холислар томонидан тасдиқлаш ва кейинчалик жиноят ишлари бўйича холисларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳодисаларини салбий баҳолайди, чунки бу холислар жиноят ишлари бўйича аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган фактлар ва ҳолатларни бевосита идрок қилмаганлар. Шу сабабли улар томонидан махсус техника топширилишининг тасдиқланиши сифатли тезкор далиллар олинишининг ҳам, жиноят процессида сифатли далиллар олинишининг ҳам кафолати сифатида кўрилмаслиги керак[188].

Шахсий тажрибага ва ТҚФ субъектлари аппаратларида прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорликда юзага келган тезкор тажрибага таянган ҳолда шуни айтиш лозимки, бундай тезкор-қидирув ҳаракатини ўтказиш сûраб чи=ишда, =иёслаб тад=и=от ûтказиш учун намуналар тûплашда, текшириш учун ìарид =илишда, кузатишда, бинолар, иморатлар, атроф-муìит участкаларини ва транспорт воситаларини текшириб чи=ишда, тезкор жойлаштиришда, назорат остида юборишда, тезкор экспериментда (ва бош=аларда) ижобий натижа олиш учун тез-тез амалга оширилиши мумкин.

Биринчидан, махсус техникани топширишни доим тезкор ходим амалга оширади ва буни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносининг ичида ҳеч кимнинг иштирокисиз амалга оширади. Одатда махсус техника ариза берувчиларга ёки тезкор ходимларга топширилади, бу эса конспирация принципига зид эмас.

Иккинчидан, махсус техникани топширишдан олдин, қоидага кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносида камида иккита, ишдан манфаатдор бўлмаган фуқаро иштирокида у кўздан кечирилади, бу ҳақда кўздан кечириш далолатномаси тузилиб, унда

[188] Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. – М.: Изд-во СПАРК, 1996. 85-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуйидагилар қайд этилади: ҳужжатни тузиш вақти ва жойи; кўздан кечириш бошланган вақт; тезкор ходимнинг лавозими; фамилияси, исми, отасининг исми; кўздан кечиришга жалб этилган фуқароларнинг яшаш жойлари; кўздан кечириш жараёнида нималар аниқланганлиги (техника тури, шакли, завод номери; техниканинг созлиги; магнит ташувчининг созлиги ва уни кўздан кечириш ёки эшитиб кўриш; техник восита ҳисоблагичини қайта айлантириш ва ноль ҳолатига келтириб қўйиш; магнит ташувчини кассетоприемникка ўрнатиш; уни хатлаш ва муҳрни тасвирлаб кассетоприемникни хатловчи қоғоз бўлагида барча иштирокчиларнинг имзолари билан тасдиқлаш); махсус техника топшираётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи ёки махсус техника ўрнатиладиган жой манзили; кўздан кечиришни тугатиш; далолатнома билан танишганлик тўғрисидаги ёзув; кўздан кечириш иштирокчиларининг имзолари.

Учинчидан, тадбир тугаши билан махсус техника олиб қўйилади ва ўша фуқароларнинг иштирокида кўздан кечирилади ҳамда бу ҳақда далолатнома тузилади, унда кўздан кечириш иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мазмуни кетма-кетликда қайд этилади. Далолатнома кўздан кечиришнинг барча иштирокчилари томонидан ўқиб чиқилиб имзоланади ва унга олиб қўйилган, эшитилган (кўздан кечирилган) магнит ташувчи ўралган пакет имзоланган ва муҳрланган ҳолда илова қилинади, бу ҳақда далолатномада белги қўйилади.

Мазкур тартиб баёнидан кўриниб турибдики, тезкор-қидирув тадбирини ўтказишдан олдин ва кейин махсус техникани кўздан кечиришда иштирок этган фуқаролар магнит ташувчида акс этган ахборотни идрок этадилар ҳамда техник воситанинг созлигини, ишга тайёрлигини тасдиқлайдилар, бу эса уларга терговда ва судда гувоҳ тариқасида иштирок этишга халақит бермайди. Гарчи тезкор-қидирув тадбирларига дуч келган одамни олавермасликлари ҳаммага аён бўлса-да, зарур ҳолларда тезкор ходим жалб этилган фуқароларни тезкор-қидирув тадбири давомида олинган маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисида огоҳлантириши, улардан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан давлат сирини ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириб бу ҳақда тилхат олиши ҳам мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини тегишли шаклда қайд қилган кўздан кечириш баённомалари, техник воситаларни қўллаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

баённомалари, фуқароларнинг тушунтириш хатлари, ёзма аризалари, оғзаки аризаларни қабул қилиш баённомалари, турли ҳисобларнинг расмий маълумотномалари, сўраб чиқиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги якуний маълумотномалар, хатланган ва ўралган намуналар, видео-, кино-, фототасвир, аудиоёзув материаллари, сотиб олинган, ўралган ва муҳрланган товарлар, предметлар, ашёлар ҳақидаги якуний маълумотномалар деб номланувчи тезкор хизмат ҳужжатларининг кейинги тақдири қандай бўлади? Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган бошлиғи тезкор-қидирув тадбири натижалари акс эттирилган материалларни терговчига ёки судга тақдим этиш тўғрисида тақдимнома чиқариб, бу материалларни терговчига ёки судга ЎзР ЖПКнинг 198 ва 200-моддаларига биноан тақдим қилади. Терговчининг ёки суднинг ўзи ҳам ТҚФ натижалари бўйича бу фаолият субъектидан материалларни ЎзР ЖПКнинг 199 ва 201-моддаларида белгиланганидек талаб қилиб олиши ҳам мумкин.

Терговчи ёки суд тезкор-=идирув фаолияти натижалари акс этган, тақдим қилинган ва талаб қилиб олинган материалларни татбиқ қилишнинг қонуний йўлларига эга.

Биринчидан, - ҳуқуқий ва тактик характердаги қуйидаги:

а) жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида;

б) жиноят иши қўзғатишни рад =илиш тўғрисида;

в) материалларни терговга тегишлилигига кўра юбориш тўғрисида;

г) ушлаб туришни ўтказиш ҳақида;

д) тергов қилиш ва айрим тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тактика ва методикасига тегишли;

е) қўшимча тезкор-=идирув тадбирлари ўтказиш зарурати тўғрисида;

ж) тинтув ўтказиш тўғрисида;

з) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ТҚТни ўтказиш зарурлигини асослантириш учун;

и) «Интерпол» ва хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини хабардор қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарорлар қабул қилишга.

Иккинчидан,-жиноят иши бўйича далил сифатида фойдаланишга ҳақли[189].

---

[189] Зникин В.К. Использование оперативно-розыскной информации в уголовно-процессуальном доказывании. Дис. …канд. юрид. наук. Томск. 1988. Б. 70-71.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Режалаштирилган ишларини бажариш учун терговчи ТҚФ натижаларини татбиқ қилишнинг тегишли усулларига эгадир. Муайян тезкор-қидирув тадбирига қараб улар ўзларининг якуний мақомига эга бўладилар.

Жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш шарт-шароитларини таҳлил қилиш тадқиқ этилаётган муаммо моҳияти юзасидан қонуний ва асосли қарор қабул қилишга ёрдам берувчи айрим умумлаштиришлар қилишга ва тавсиялар беришга имкон беради. Шунинг учун бундай қарорда иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун ўта зарур бўлган маълумотларнинг жиноят ишига алоқадорлиги ҳамда мазкур маълумотларнинг жиноят процессига киришида восита бўлиб хизмат қилувчи далил турини танлаш билан боғлиқ масалаларга бериладиган ижобий жавобларгина эмас, балки тергов ва одил судлов органларига исбот қилиш жараёнида тегишли далилларни шакллантириш, текшириш ва баҳо бериш учун зарур бўладиган маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ масалалар ҳам акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## 2.4. Исбот қилишда тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатлардан фойдаланиш

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш методикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жиноят ишлари бўйича исбот қилиш давомида кўпчилик ҳолларда тезкор-қидирув тадбирлари натижалари келгусида ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган далиллар (гувоҳларнинг кўрсатувлари, гумон қилинувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, тафтиш далолатномалари, ашёвий далиллар, тергов ҳаракатлари баённомалари, ҳужжатлар) шаклида ифодаланади. Кўрсатилган барча ҳолларда моддий бирикмаларда мавжуд бўлган тезкор ахборот бевосита тезкор ходим томонидан ёки мутахассис ёрдамида олинади. Р.С.Белкиннинг фикрича, жиноят ишлари бўйича исбот қилишда бундай тезкор ахборотдан фойдаланиш муаммоси ахборот манбаларига процессуал мақомни бериш муаммосига бориб тақалади. Бу фикр муаллиф томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланади. Булар кўпроқ тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини акс эттирувчи ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишга қўшиб қўйилиши мумкин бўлган ҳужжатлардир[190]. Унга Д.И.Бедняков қўшилиб, жиноят иши қўзғатилгунга қадар ўтказилган махсус текширув натижалари тўғрисидаги маълумотномани, агар текшириш давомида унинг объекти йўқ қилинган бўлса, «бошқа ҳужжат» сифатида кўришни тавсия қилади[191]. Бироқ Е.А.Долянинг таъкидлашича, тезкор текширувлар натижалари жиноят процессига далилларнинг «бошқа ҳужжатлар» каби тури орқали кириши мумкин эмас[192]. У ўз фикрини «бошқа ҳужжатнинг мазмуни ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат, тезкор текширувлар натижасида олинган хулосавий билимлар эса бу талабга жавоб бермайди»-деб асослайди ва «тезкор-қидирув тадбирлари натижалари жиноят процессига далилларнинг мазкур тури орқали кириши мумкин, бироқ бунга далилнинг бу турини олиш ва ундан фойдаланишнинг процессуал тартибига риоя қилинган ҳолдагина йўл қўйилади[193]-дея таъкидлаб ўтади. Бу фикрни А.Х.Асамутдинов ìам =ûллаб-=увватлайди.[194]

Текшириш учун харид қилиш, кузатиш, бинолар, иморатлар, атроф-муҳит участкалари ва транспорт воситаларини текшириш, почта-телеграф ва бошқа жўнатмаларни назорат қилиш, телефон ва бошқа сўзлашувларни эшитиб туриш, тезкор эксперимент каби (***ва бош=а*** – курсив меники) тезкор-қидирув тадбирларини зарур техник воситаларни қўллаш билан ўтказилган ва тезкор хизмат ҳужжатларида қайд этилган тезкор-қидирув фаолияти натижалари ашёвий далилларни шакллантириш учун фойдаланиши мумкин, бироқ бунда улар жиноят процессига далилнинг мазкур турини тўплаш учун кўзда тутилган ҳуқуқий режимга мувофиқ равишда киритилиши лозим[195] бўлади. Шунга ûхшаш фикрни А.Х.Асамутдинов ìам билдирган.[196]

ÛзР ЖПКнинг 339-моддасида «Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг =оидаларига мувофи= текшириб

[190] Криминалистическое обеспечение деятельности криминальной милиции и органов предварительного расследования / Под ред. проф. Т.В.Аверьяновой и проф. Р.С.Белкина. - М.: 1997. 156-б.
[191] Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. - М.: Юрид.лит., 1991. 126-б.
[192] Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. – М.: Изд-во СПАРК, 1996. 83-б.
[193] Ûша ерда, 87-б.
[194] Асамутдинов А.Х. Основы теории доказательств в уголовном процессе: Дис. …канд. юрид. наук. Ташкент. 2002. 11-б.
[195] Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. – М.: Изд-во СПАРК, 1996. 84-б.
[196] Асамутдинов А.Х. Основы теории доказательств в уголовном процессе: Дис. …канд. юрид. наук. Ташкент. 2002. 11-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чи=илганидан сûнг жиноят иши юзасидан далил тари=асида фойдаланиш мумкин бûлган маълумотларни ани=лаш ма=садида илмий-техника воситаларини =ûллаган ùолда зарур чораларни кûриш юклатилади» -деб белгилаб =ûйилганлиги сабабли, жиноят ишини қўзғатишдан олдин олинган, жиноят ишида ашёвий далил сифатида кўриладиган тезкор-қидирув фаолиятининг айрим натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш вазифасини ҳал қилиш янада муаммолироқдир. Муаллиф В.Д.Арсеньев ва В.Г.Заблоцкийларнинг «экспертиза ўтказиш каби тергов ҳаракатидан фарқли ўлароқ, экспертиза муассасаларидан ташқарида нарсаларни дастлабки текширишдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги маълумотномалар ҳужжат сифатида далилий аҳамиятга эга бўлади»[197]-деган фикрларига қўшилади ва бу фикрни асосли деб ҳисоблайди.

Р.С.Белкин дастлабки текширувларни ўтказиш–мажбурий, яъни ноиложликдан ўтказилаётган чора бўлиб, экспертиза ўтказишга жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳам рухсат этилиши билан унга зарурат қолмайди, деб ҳисоблайди[198].

Е.А.Доля бу фикрларга қатъиян қўшилмай, тезкор-қидирув тадбирлари давомида ўтказиладиган нарса ва ҳужжатларни текшириш натижалари далил бўлмайди ва эксперт хулосасининг ўрнини мустақил далил тури сифатида босаолмайди, чунки мазкур ҳаракатларнинг ҳуқуқий табиати уларнинг натижалари каби турлича, деб ҳисоблайди[199]. Мунозарага киришмай, таъкидлаш лозимки, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг юқорида келтирилган методикаси жиноят-процессуал қонунидан четга чиқмаган ҳолда ва тезкор бўлинмалар томонидан ўз фаолиятларини амалга ошириш чоғида олинган натижаларни ҳам йўқотмай мазкур ва бошқа шунга ўхшаш масалаларни ҳал қилади.

Бизнинг фикримизча, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар жиноят процессига техник воситаларни қўллаш билан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижаларини тақдим қилишда, мазкур воситаларнинг тавсифномаси, уларни қўллаш шароитлари ва тартиби тûғрисида сифатли далилларни

---

[197] Арсеньев В.Д., Заблоцкий В.Г. Использование специальных знаний при установлении фактических обстоятельств уголовного дела. Красноярск. 1986. 124-б.; Асамутдинов А.Х. Основы теории доказательств в уголовном процессе: Дис. …канд. юрид. наук. Ташкент. 2002. 11-б.

[198] Криминалистическое обеспечение деятельности криминальной милиции и органов предварительного расследования / Под ред. проф. Т.В.Аверьяновой и проф. Р.С.Белкина. - М.: 1997. 158-б.

[199] Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. – М.: Изд-во СПАРК, 1996. Б. 85-86.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шакллантириш, уларни текшириш ва баҳо бериш учун зарур бўлган маълумотларни маълум қилишлари ва тақдим этишлари шарт.

Бизга маълумки, ТҚФ материаллари кўпинча жиноят процессига «ҳужжатлар» ёки «ашёвий далиллар» сифатида киритилади[200].

Шу билан бирга, баъзи ҳолларда ТҚФ далилларнинг «бошқа ҳужжатлар» каби турининг шаклланиши учун асос бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин. Тезкор-қидирув тадбирини амалга ошириш давомида тузилган ҳужжатларнинг ўз-ўзидан «бошқа ҳужжатлар» сифатида кўрилмаслигини назарда тутиш керак. ТҚФ давомида тузиладиган ҳужжатлар гувоҳлантирувчилик хусусиятига ҳамда бошқа зарурий белгиларга (масалан, тергов органларига ТҚФ натижаларини тақдим этиш тўғрисидаги қарор, ТҚТнинг амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотнома, далолатнома ёки билдирги) эга бўлсагина, «бошқа ҳужжатлар» сифатида кўрилиши мумкин.

Далилларни таснифлаш–бу маълум бир асосларга, мезонларга кўра, уларни гуруҳларга, категорияларга бўлиш, ажратишдир.

Айблов предметига нисбатан далиллар айбловчи ва оқловчи далилларга бўлинади.

Айбловчи далиллар деб–айбланувчининг айбини тасдиқловчи, унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи далилларга айтилади. Бундай далилларга айбловга асос бўлган далиллар ёки айбланувчининг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар киради.

Оқловчи далиллар–бу айбловни инкор қилувчи, айбланувчининг айбсизлигини тасдиқловчи, айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, айбланувчига қўйилган айбловни шубҳа остига олувчи далиллардир.

Далилларни айбловчи ва оқловчи далилларга бўлиш шартли хусусиятга эга, чунки бир далил иш юритиш давомида ўз хусусиятини ўзгартириши мумкин.

Қонун ҳар бир жиноят иши бўйича айбланувчини айбловчи далилларнигина эмас, уни оқловчи далилларни ҳам, шунингдек, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам аниқлашни шарт қилиб қўйган (ЎзР ЖПК 22-м.). Амалиётда айбланувчини фош қиладиган далилларни тўплашга аҳамият берилади-ю, оқловчи далилларни тўплашга етарли аҳамият берилмайди. Бу эса қонунийликни бузиш, ишни бирёқлама ҳал

[200] Пашин С.А. Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии // Следователь. 1997. №4. -Б. 42-43.; Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (по состоянию законодательства на 16 июля 2001 г.) – Алматы, ТОО «Баспа», 2001. 130-модда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилишдир. Сûзимиз тасди\и сифатида, мисол тари=асида Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаìар Мирзо Улу\бек туман суди томонидан кûриб чи=иб ìал =илинган бир жиноят иши бûйича айбланувчи тари=асида сûро= =илинган Т.Ж.Ахмедова (и/в 214-217) ûз кûрсатувларида: «…Шундан сûнг мен =аердан героин топиш ва Ûч=ун ор=али сотиб пул =илиш ва =арздан =утилишни ûйлаб юрганимда Санжар билан яна Андижонда учрашиб =олдик ва бирга ûтириб ов=атландик, шунда гапдан гап чи=иб мен ûз дардимни Санжарга айтиб Уч=унни таклифини Санжарга айтдим **Санжар шунда бундай ишлар билан шу\улланмаслигини бу ишлар ёмонлигини тушунтириб бош=а йûли топилиб =олар деб =айтиб геройин ìа=ида гапирмашимни сûради.** Шундай бûлсада Мен Санжар билан ìар учрашганимизда =арзимдан =утишни ягона йûли шу деб Санжарни =истовга олиб ундан шу нарсани суриштиришни илтимос =илавердим чунки Санжардан геройин сûраганим сабаби Санжар тижорат ишлари билан кûп жойларга бориб кûп таниш орттиргани учун Санжар шу танишлари ор=али менга геройин топиб беради деб ûйладим. **Шундан сûнг менга Санжар геройин топиб бермаслигини ани= айтиб бу ìа=да бош=а сûрамаслигимни илтимос =илди»**-деб баён этганлигига, шунингдек, С.Ч.Аманбаевнинг =онуний хотини бûлмиш Г.Р.Аманбаевани ÛзР ЖПКнинг 116 ва 117-моддалари талабларини =ûпол равишда бузиб, «кûргазма беришдан бош тортганлиги» учун ÛзР ЖКнинг 240-моддаси билан ìам жиноий жавобгарлик ìа=ида огоìлантирилиб, гувоì тари=асида (и/в 114) сûро= =илингангида: «…Табассумхон исмли аёлни шу йил баìор ойининг охири ёз ойини бошларидан бошлаб мени турмуш ûрто\имни ёнига тез-тез келиб турган эди, охирги ва=тларда бир кунда икки мартадан ìам келар эди, шу аёл ûзи Андижонлик экан, мен турмуш ûрто\имни ишларига аралашмайман, лекин аёл киши бûлганлиги учун Табассумни нима учун турмуш ûрто\имни ёнига келиб юрганлигидан жахлим чи=иб, **Санжар акадан нима учун бу аёл келганлигини суриштирганимда, турмуш ûрто\им, мени ûзимни ìам ìоли-жонимга =ûймасдан бир нарсани топиб беришимни сûраб =ûймаётганлигини айтган эди. …Мени турмуш ûрто\им ìеч =ачон бундай ишлар билан шу\улланмаган, ìалол пул топиб тижорат ишлари билан шу\улланиб юрар эди. …Мени турмуш ûрто\им гиёванд моддалар истеъмол =илмаган, мен сезмаганман ва кûрмаганман»**-деб кûрсатув берганлигига, бундан таш=ари, 19.10.04 йил кунги наркологик экспертларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

хулосасида (и/в 171) «…Заключение: На основании вышеизложенного комиссия врачей пришла к выводу, что **Аманбаев С.Ч.** наркоманией **не страдает** и в лечении от даннего заболевания **не нуждается,** т.к. клинических признаков и проявлений этого заболевания у него **не выявлено,** а также **не имеется** объективных данных указывающих на употребление им наркотиков» -деб таъкидлаб ûтилганлигига ùамда 2004 йил 03 сентябрдаги «Эксперт хулосаси билан айбланувчини таништириш баённомаси»да (и/в 127) С.Ч.Аманбаевнинг **«…Кимеви экспертиза хулосаси билан танишиб чи=дим. Ушбу хулосада менинг чунтак кесмаларида 0,0315 грам героин гиехвант моддаси борлиги ани=ланган экан. Мен бу экспертиза хулосасидан норзиман чунки мен =ûлим билан хеч =анде героин гиехванд моддасини ушламаганман ва чûнтагимда са=ламаганман»**-деб айтган гапларига, арз-додларига ва бош=а ùолатларга (И/в 2, 9, 15, 16, 17, 24, 25, 26, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 54, 56, 64, 65, 66, 82, 83, 84, 114, 124, 127, 130, 144, 171, 214-217) дастлабки тергов органи томонидан эътибор берилмаган, ùисобга олинмаган[201]лигини келтириш мумкин (4-илова).

Ю=оридаги мисолдан кûриниб турибдики, иш бûйича исботланиши лозим бûлган барча ùолатлар синчковлик билан, ùар томонлама, тûла ва холисона текшириб чи=илмаган ва №22/04-577-сонли жиноят иши бûйича ÛзР ЖПКнинг 22-моддасида назарда тутилган «объектив ùа=и=ат» эмас балки, **«бир ё=лама, айблашгагина ур\у берилган субъектив ùа=и=ат»** ани=ланган.

Ҳар бир жиноят иши бўйича ишда мавжуд бўлган оқловчи далиллар текширилган ва рад этилган тақдирдагина айблов исботланди, деб ҳисобланиши мумкин.

Суднинг судланувчини айбсиз деб топиши ва оқлов ҳукми чиқариши учун эса иш бўйича тўпланган айбловчи (фош қилувчи) далиллар текширилган ва рад этилган (ёки етарли деб топилмаган) бўлиши керак.

Олиниш манбасига қараб далиллар дастлабки ва ҳосила далилларга бўлинади.

Дастлабки далиллар бу–аниқланиши лозим бўлган ҳолат тўғрисидаги маълумот биринчи манбадан олинган далиллардир.

Ҳосила далиллар эса исбот қилиниши лозим бўлган ҳолат тўғрисидаги маълумот биринчи манбадан эмас, балки кейинги манбадан олинган далиллардир.

---

[201] Жиноят ишлари бûйича Тошкент шаùар Мирзо Улу\бек туман суди архивидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дастлабки ва ҳосила далилларнинг фарқи улар манбасининг шаклланиш жараёнига боғлиқ.

Ҳосила далилларнинг шаклланиш жараёнида оралиқ звено мавжуд бўлади. Масалан: жиноят шоҳиди бўлган гувоҳнинг ахборотини қабул қилиш босқичи билан бу ахборотнинг терговчи томонидан олиниши ўртасида яна бир манба-эшитган гувоҳ бўлиши мумкин. Ахборот бир манбадан иккинчисига ўтганда ўзгаришларга учраши табиий. Оралиқ манбалар қанчалик кўп бўлса, ўзгариш, бузилиш эҳтимоли кўпаяди.

Ҳосила далиллар исбот қилишда муҳим ролни ўйнаши мумкин. Уларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1) Ҳосила далиллардан дастлабки далилларни топиш учун фойдаланилиши мумкин.

2) Дастлабки далилларни текширишда фойдаланса бûлади.

3) Дастлабки далил йўқолганида унинг ўрнини босувчи сифатида ҳосила далилдан фойдаланиш мумкин.

Исбот =илинаётган тезисга нисбатан далиллар тўғри ва эгри далилларга бўлинади.

Тўғри далиллар исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи далиллар бўлса, эгри далиллар оралиқ ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради.

Эгри далиллар асосида бир нечта хулоса чиқариш мумкин. Масалан: ўғирланган нарсалар А.да топилганлиги шу билан изоҳланадики, у бу нарсаларни ёки сотиб олган, ёки ўғирлаб олган, ёки топиб олган.

Тўғри далилда эса хулоса фақат битта бўлади.

Асосий факт-бу иш бўйича текширилаётган факт, бу факт бўйича жиноят таркиби элементлари мавжуд-мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим.

Айбланувчининг айбсизлигини тўғридан-тўғри кўрсатувчи, яъни унинг ҳаракатларида жиноят таркибининг йўқлигини ёки ижтимоий хавфли қилмишни содир этмаганлигини тўғридан-тўғри кўрсатувчи далиллар–тўғри оқловчи далиллар деб аталади.

Айбланувчининг айбсизлигини тўғридан-тўғри кўрсатмайдиган, бироқ айбловни рад этувчи, айбланувчининг фойдасига бўладиган далилий фактни аниқловчи далиллар–эгри оқловчи далиллар ҳисобланади.

Тўғри оқловчи далил–alibi (лотинча)–«бошқа жойда» деган маънони англатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғри далилдан фойдаланишда ушбу далил манбасини баҳолаш аҳамиятлидир (масалан, гувоҳ тўғри кўрсатув бердими, кўрсатувда хато ёки ёлғон йўқми). Агар далил тўғри баҳоланса, асосий факт тўғри аниқланган ҳисобланади.

Эгри далиллардан фойдаланиш бошқачароқ бўлади. Бу ҳолда эгри далилнинг манбаси баҳоланиб бўлинганидан сўнг ва далил ишончли деб топилганидан кейин ўша эгри далил воситасида аниқланган далилий факт баҳоланиши, далилий факт билан асосий факт ўртасидаги боғланиш аниқланиши лозим.

Шахсий далиллар деб инсондан олинувчи маълумотларни акс эттирувчи далилларга айтилади (мисол учун, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва бошқалардан олинган кўрсатувлар, эксперт хулосаси, ҳужжатлар).

Ашёвий далиллар деганда моддий дунёдаги ашёлардан олинувчи далиллар тушунилади.

Шахсий далилларда акс этган ахборот дастлаб инсон онгида акс этган ва қайта ишланган бўлади. Шу сабабли, бундай далилларда субъектив элементлар мавжуд бўлади.

Одамлар бир ахборотни турлича қабул қиладилар ва турлича етказадилар.

Ашёвий далиллардаги ахборот объектив хусусиятга эга бўлади.

Шахсий далилларда акс этган ахборот бирор-бир ёки шартли белгиларда ёхуд шифрларда ифодаланади (мисол учун, баённомаларда, схемаларда, фонограммаларда).

Ашёвий далилда эса ахборот табиий ҳолда ифодаланади ва кўргазмали ҳолда қабул қилинади.

Бошқа далилларнинг ишончлилигини тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларга текширувчи далиллар дейилади (масалан, экспертнинг ваколатлари тўғрисида, гувоҳнинг манфаатдорлиги тўғрисида, унинг эшитиши, кўришининг аҳволи тўғрисида)[202].

---

[202] Батафсилроқ далиллар ҳақида қаранг: Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. –М., 2000. Б. 63-73.; Никифорова Е.Н. Далиллар ва исбот қилиниши лозим бûлган ҳолатлар // Жиноят процесси. Умумий қисм: Юридик институти ва факультетлари талабалари учун дарслик. / Доцент З.Ф. Ино\омжонованинг умумий таҳрири остида. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002. Б. 147-171.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# III-БОБ. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ИСБОТ ҚИЛИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

## 3.1. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини легаллаштириш

Маълумки, тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ)нинг асосий вазифалари бўлиб жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, очиш, шунингдек, уларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этиб бўлган шахсларни аниқлаш ва фош этиш ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолият натижаларидан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин:

-жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб, тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш учун асос сифатида;

-жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қоидаларига асосан жиноят иши бўйича исбот қилишда;

-суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, шунингдек, жазони ўташдан бўйин товлаётган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни қидиришда.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланиш уларнинг ўз навбатида суриштирув органлари, терговчи ёки судга тақдим этилишини назарда тутади. Яъни, тезкор-қидирув фаолият натижалари муайян жиноят ишини тергов қилишга ваколатли бўлган прокурорга ёки тегишли дастлабки тергов органларига тақдим этилади[203].

Россия Федерациясининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида «Тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асос бўлиб хизмат қилади»-деган қоиданинг мавжудлиги асосли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Чунки битта ахборотнинг ўзи муайян жиноят ишининг қўзғатилиши учун ҳам сабаб, ҳам асос бўла олмайди[204], қолаверса, ЖПКдан ташқари бошқа қонун ҳужжатларидаги сабаб ва асослар билан жиноят ишини қўзғатишга йўл қўйилмайди. Тезкор-қидирув

---

[203] Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности / Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» под ред. Шумилова. - М., 1997. 108-б.

[204] Гриненко А.В. Об использовании результатов оперативно-розыскной деятельности при производстве по уголовным делам / Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в деятельности правоохранительной системы / Материалы международной научно-практической конференции. Белгород. 1998. 217-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолият натижасини жиноят ишини қўзғатишнинг сабаби деб қараш учун эса, унга процессуал мақом берилиши талаб қилинади.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи тезкор йўл билан олинган маълумотларга эга бўлар экан улардан тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят ишларида далиллар сифатида фойдаланиши мумкин. Терговчи томонидан тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, чунки тезкор ҳужжатлар мустақил аҳамиятга эга бўлмай, балки фақат терговни йўналтиришга хизмат қилади. Бунда ушбу маълумотлардан уларнинг яширин усуллар билан олинганлигини ошкор қилмасдан фойдаланиш муаммоси вужудга келади. Терговчига жиноятнинг процессуал йўл билан исботланмаган ҳолатлари тўғрисидаги, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг шериклари ҳақидаги ҳамда жиноят содир этишда қўлланилган қуроллар тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бошқа маълумотлар тақдим этилиши мумкин. Бундай маълумотларни олгач, терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи)ни қўшимча сўроқ қилиш, тинтувни тўғри ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш натижасида зарур далилларни тўплаш[205] имкониятига эга бўлади.

Терговчи жиноят содир этган шахс аниқланмаган жиноятлар юзасидан суриштирув органларига, шу жумладан тезкор-қидирув ходимларига жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахсни (бу ерда гап расмий равишда гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахс тўғрисида кетаётгани йўқ) сўроқ қилиш тергов ҳаракатини амалга оширишни топшириши мумкин. Чунки, тезкор-қидирув ходимлар тезкор маълумотлар билан яхшироқ танишган ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга эканликлари учун ҳам тезкор маълумотлардан самаралироқ фойдаланган ҳолда сўроқ қилиш жараёнида ҳаққоний кўрсатувлар ола биладилар.

Бир қатор тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш жараёнида қўлга киритилган жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган келгуси тергов ҳаракатларини тўғри танлашга ёрдам берувчи йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Шунга яқин фикрни Б.А.Азизхўжаев ҳам билдиради[206].

---

[205] Громов Н.А., Францифоров Ю.В., Гришин А.И. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания // Следоватеь. 1999. №11. 39-б.; Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Т.: «Ûзбекистон», 1995. 55-б.
[206] Ûша ерда, 55-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Чунки тезкор-қидирув тадбирининг яширин характерини сақлаган ҳолда унинг натижаларини изоҳлаб бериб, тезкор ахборотни далилга айлантириш усулларини топиш керак бўлади.

Жиноят жараёнида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан хусусан, дастлабки терговда фойдаланиш муаммоси бугунги кунда айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, биринчи навбатда уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, унинг ихтисослашуви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қаршилик кўрсатишнинг фаоллашуви, гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқа шахсларга қарши қаратилган зўрлик, қўрқитиш ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқдир. Ошкора ва яширин ўтказиладиган ТҚФ шунга ваколатли бўлган давлат органлари, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирув тадбирларининг давлат ва жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, мулк ва шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўз моҳиятига кўра ТҚФ криминал муҳитни ўрганишни англатади. Унинг ҳужжатлари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра суриштирув ҳаракатлари натижаларидан фарқли ўлароқ жиноят ишлари бўйича бевосита далиллар сифатида ишлатилиши мумкин эмас.

Тезкор маълумотлар ҳам худди далилларники каби манбага эга бўлса-да, бироқ уларнинг шакллари далилларникидан жиддий тафовут қилади. Улар ўзларида акс этган ахборотларнинг ишончлилик даражаси билан далиллардан фарқланади.

Умумий манбанинг мавжудлиги жиноят ишлари бўйича исбот қилишда ТҚФ натижаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Нарса ва ҳужжат шаклида бўлган ТҚФ натижалари бир қатор жиноят-процессуал талабларга жавоб берса, далилларга айланиши ва улардан далил сифатида фойдаланиш мумкин.

ТҚФ натижалари юқорида таъкидланганларга қўшимча равишда қуйидаги йўналишларда фойдаланилиши мумкин:

-ахборотларнинг жойлашган жойини кўрсатишда;

-фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тадбирлар натижасида нарсалар ва ҳужжатларни қўлга киритишда;

-белги (сигнал) кўринишида (хабар берувчидан олинган яширин ахборот).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунингдек, юқоридаги натижалар қуйидагилар сифатида ҳам қўлланилиши мумкин:

а) жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб сифатида (асос сифатида эмас);

б) тергов ҳаракатларига тайёрланиш ва уларни ўтказишга йўналтирувчи ахборот вазифасини ўтайди;

в) ЖПКда белгиланган тартибга риоя қилингандан кейин олинган ҳаққоний маълумотларнинг манбалари сифатида.

Улар ҳаққоний маълумотлар сифатида қўлланилиши, уларни маълум қилган шахслар эса гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари[207] лозим.

ТҚФ натижаларидан шунингдек, бир қатор қўшимча йўналишларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, юқорида тилга олинганидек шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш заруриятини асослаш учун ва бошқаларда.

Бироқ тезкор маълумотларни жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнида қўллашнинг асосий усулларидан бири бўлиб уларни судга, терговчига ёки суриштирув органларига ўз ташаббуси билан тақдим этиш ёки бундай маълумотларнинг улар томонидан талаб қилиб олиниши ҳисобланади. Бу усул билан олинган маълумотларга уларни кўздан кечириш, турли хил экспертизалар ўтказиш, тезкор-қидирув тадбирларини бевосита амалга оширган шахсларни сўроқ қилиш мобайнида тегишли процессуал шакл берилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган видеоёзувнинг далилга айланиш жараёнини мисол сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Видеоёзув қуйидаги талабларга жавоб берсагина, ашёвий далилни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

-ТҚФ амалга оширишга ваколатли орган томонидан расмий равишда тақдим этилган бўлса;

-видеоёзувни олиш жараёнини (вақти, куни, жойи, унинг олиниш шароити ва муҳити, қўлланилган аппаратуранинг техник ҳолати, видеоёзувни олган шахс тўғрисида) ўзида акс эттирган ҳужжат (билдирги, маълумотнома, далолатнома) мавжуд бўлса.

---

[207] Пашин С.А. Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии // Следователь. 1997. №4. 41-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Видеоёзувнинг жиноят ишига алоқадор бўлган ўзига хос томонлари, унинг хусусиятлари ва ҳолати тегишли техник воситалар ёрдамида керакли мутахассисларни жалб этган ҳолда терговчи томонидан холислар иштирокида кўздан кечирилганлиги, яъни уларни ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилганликлари тегишли тартибда кўздан кечириш баённомасида қайд этилиши лозим.

Терговчи видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолатини ашёвий далилнинг мазмуни сифатида тан олганидан кейин уни ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор чиқариши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу мисолдаги ашёвий далилнинг мазмунини жиноят ишига алоқадор бўлган, уни кўздан кечиришда ажратиб олинган ва баённомада акс эттирилган видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолати ташкил этади. Видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолати видеоёзувдан ажратилиб бўлмаслиги туфайли у шундайлигича ашёвий далилдир. Хулоса қилиб айтганда, тезкор-қидирув фаолиятининг натижаси бўлмиш видеоёзув эмас, балким уни бевосита кўздан кечириш ва қарор чиқариш вақтида шаклланган жиноят-процессуал фаолият натижаси ашёвий далил ҳисобланади.

Жиноят иши бўйича бошқа далиллар каби ушбу ашёвий далилни баҳолаш видеоёзувни ашёвий далил сифатида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқарилганидан сўнг амалга оширилиши мумкин. Жиноят-процессуал фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ТҚФ натижаларини текширишдан иборат бўлмай, балки ушбу фаолият давомида жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин бўлган далилларни шакллантиришдан иборатдир.

Жиноят-процессуал тартибда расмийлаштирилган нарсалар ҳали далил ҳисобланмайди.

Нарсани ашёвий далил сифатида тан олиш учун унинг жиноят ишига алоқадорлигини аниқлаш лозим. Буни тезкор ходимларсиз (аниқроғи, тезкор-қидирув тадбирларини юритиш чоғида нарсаларни аниқлаган шахслар) ёки агар ТҚФни юритувчи органларга ёрдам берган шахсларнинг тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этиши натижасида ушбу нарса қўлга киритилган бўлса, ушбу шахсларни сўроқ қилмасдан туриб, амалга ошириб бўлмайди. Айрим муаллифлар «ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбар ходимининг унга бўйсунган ходимлар ёки у билан ҳамкорлик қилувчи шахслар томонидан бевосита идрок этилган ҳодисалар юзасидан уларнинг хабарлари, сўзларидан маълум бўлган ўша ҳодисалар бўйича»

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатмалари далил сифатида олиниши мумкин[208]лиги билдирганлар. Фикримизча, бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳолда ахборотлар манбаси билан алоқа йўқолади, шунингдек, ахборотнинг шаклланиш ва олиниш босқичи эътибордан четда қолади, чунки мазкур шахс тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш жараёнини бевосита идрок этмайди.

ТҚФ натижалари баённома билан расмийлаштирилишига қарамай, улар жиноят иши бўйича далил ҳисобланмайди. ТҚФ натижаларини мустаҳкамлаш вақтида ушбу маълумотларнинг жамоат вакиллари (холисларга ўхшаш) томонидан тасдиқланиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдирилган бўлиб, бизнингча, бундай қоида ТҚФнинг махфийлик тамойилиги зиддир. Бундан ташқари, ушбу шахсларни сўроқ қилишда ҳам бир қанча қийинчиликлар туғилиши мумкин.

Тезкор ахборот манбаси тўғрисидаги масала ҳам жуда муҳим. У ҳақидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши мажбурийдир. Бу нафақат ушбу маълумотларни кейинги текшируви билан, балки шунингдек, гумон қилинувчини сўроқ қилишда ТҚФ натижалари материаллари билан таништириш чоғидаги муаммолар билан ҳам боғлиқдир. Ишда манбаи кўрсатилган нарса ва ҳужжатларгина тақдим этилиши мумкин, чунки тақдим этилиш факти мазкур нарса ва ҳужжатларнинг олиниш манбаси кўрсатилган ҳолда баённомада қайд этилиши лозим. Сўроқ қилинаётган шахс ушбу маълумотларнинг баённомага киритилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Яна бир муҳим масалалардан бири-бу ТҚФни амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлик қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ҳамда уларни сўроқ қилишга доир масалалардир. Уларни сўроқ қилиш айнан ТҚФ давомида содир этилган жиноятлар бўйича ёпиқ суд мажлисида тезкор ахборотни рўёбга чиқариш усули сифатида амалга оширилиши мумкин. РФ «ТҚФ тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, бундай шахсларни сўроқ қилишга фақат уларнинг ёзма розилиги билангина йўл қўйилади. Фақат шундагина ТҚФни амалга оширишнинг махфийлик тамойили бузилмайди.

Жиноят иши бўйича исбот қилишда ТҚФ натижаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорда тезкор ҳисоб ишларида мавжуд ва

---

[208] Пашин С.А. Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии // Следователь. 1997.№4. 42-б.; Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (по состоянию законодательства на 16 июля 2001 г.) – Алматы, ТОО «Баспа», 2001. 130-модда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун ўта зарур бўлган маълумотларнинг жиноят ишига алоқадорлиги ҳамда мазкур маълумотларнинг жиноят процессига киришида восита бўлиб хизмат қилувчи далил турини танлаш билан боғлиқ масалаларга бериладиган ижобий жавоблargина эмас, балки тергов ва одил судлов органларига исбот қилиш жараёнида тегишли далилларни шакллантириш, текшириш ва баҳо бериш учун зарур бўладиган маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ масалалар ҳам акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида санаб ўтилган масалалардан ҳаттоки биттасига салбий жавоб берилиши исбот қилиш жараёнида ТҚФ натижаларидан фойдаланиб бўлмаслигига олиб келади.

ТҚФ давомида олинган маълумотларни жиноят процессига киритиш ЎзР ЖПКнинг 87, 198-202-моддалари тартибида тақдим этиш йўли билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Тезкор маълумотларни киритишнинг муайян усуллари олинган ахборотнинг турига боғлиқдир.

Адабиётларда тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотларни икки турга бўлиш кераклиги ҳақида фикрлар мавжуд. «Шахсий» -ахборот, исбот қилишда фақатгина мазкур ахборотга эга бўлган шахсдан кўрсатувлар олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлган ахборотдир. «Ашёвий» -агар тақдим этилган объектга процессуал шакл бериш имконияти бўлса, у мустақил процессуал аҳамиятга эга бўлиши мумкин, масалан, ашёвий далиллар.

Бундай нарса ва ҳужжатларни олиш жараёнида манфаатдор бўлмаган шахсларнинг (жамоатчилик, фуқаролар, маъмурият вакиллари) иштирок этиши тавсия этилади. Бундай ҳолларда турли далолатномалар (кузатиш, пуллар, ҳужжатларга люминофорлар билан белгилар қўйиш далолатномалари) тузилади. Манфаатдор бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини оширади, кейинчалик нарса ҳамда ҳужжатларни кузатиш ва олишда иштирок этган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш имкониятини беради. Олинган материаллар ЎзР ЖПКнинг 204-моддаси талабларига тўлиқ жавоб беради ва далиллар манбаи бўлган ҳужжатлар ҳисобланади, чунки иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар фуқаролар ва тегишли мансабдор шахслар томонидан тасдиқланади. Бунда қўлга киритилган нарсалар улар қабул қилинганидан ва кўздан кечирилганидан кейин ашёвий далил аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Тезкор-қидирув ходимлари яширин

www.ziyouz.com kutubxonasi

олинган нарса ва ҳужжатларни терговчига тақдим этиш учун билдирги ёки маълумотнома тузадилар. Тақдим этилган далилларни қабул қилишнинг процессуал тартиби нима қабул қилинаётганлигига боғлиқ бўлади, яъни нарса бўлса, бунда холислар ёки мутахассислар жалб этилиши мумкин, агар ҳужжат бўлса, иш материалларига белгилар қўйиш етарлидир.

Тезкор-қидирув ходимлари томонидан билдиргиларни расмийлаштириш яширин қўлга киритилган нарса ва ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда объектларни жиноят процессига киритишнинг энг қулай йўли бўлиб ҳисобланади. Тезкор ходимнинг билдиргиси тақдим этилган нарса ва ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисида терговчи томонидан баённома тузилишини истисно қилмайди. (ЎзР ЖПКнинг 202-моддаси). Юқорида кўрсатилганидек, билдирги ва қўлга киритилган нарса ёки ҳужжат биргаликда бир бутун далилни ташкил қилади.

Нарса ва ҳужжатлар шунингдек, ошкора ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ҳам олиниши мумкин. Кўпинча бундай вазият жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида очилганида юз беради. Бундай зарурат нарса ва ҳужжатларни процессуал йўл билан олишнинг иложи бўлмаганда қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ҳам туғилади. Бундай ҳолларда нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий топшириш тўғрисида тезкор-қидирув ходимлари томонидан икки гувоҳ иштирокида баённома тузилади. Бу эса мазкур баённомаларни ЖПКнинг 87, 198 ва 200-моддалари тартибида тақдим этилганидан сўнг далил сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Уларни =абул =илгач, терговчи баённома тузган шахсни ва гувоҳларни сўроқ қилиши мумкин. Бироқ бундай баённомаларни тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари билан тенглаштирмаслик керак, чунки уларнинг процессуал аҳамияти турличадир. Процессуал ҳаракатлар баённомалари ўз-ўзича далил манбалари бўлса, тезкор-қидирув тадбирлари давомида тузиладиган баённомалар олдин терговчига тақдим этилиши ва у томонидан текшириб чи=иш натижасида ишга қўшиб қўйилиши мумкин. Тегишли баённомаларда қайд этилган ТҚФ натижалари далилларнинг «бошқа ҳужжатлар» каби тури орқали жиноят процессига кириши мумкин.

Жиноятларни очишда ошкора ва яширин тадбирларни биргаликда олиб бориш талаб қилинади. Н.А.Громов, Ю.В.Францифоров ва А.М.Гришинларнинг ҳақли фикрларича,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиноятларни очиш жараёнини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: ахборотни яширин манбадан олиш, комплекс яширин тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, сўнг олинган материаллар ва иш ҳолатларига қараб ошкора тезкор-қидирув тадбирлари ёхуд тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Буни схематик тарзда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. Яширин манбадан олинган дастлабки маълумотлар кейинги тезкор-қидирув тадбирлари комплексини ўтказишга, бу тадбирлар мобайнида тўпланган маълумотлар эса жиноят ишини қўзғатишга асос бўлиб хизмат қилади. Ниҳоят, тезкор-қидирув материаллари терговчи томонидан жиноят ишига қўшиб қўйилади ва қуйидаги тарзда далил сифатида фойдаланилади: олиб қўйилган нарсалар-ашёвий далиллар сифатида; тезкор-қидирув ходимларининг билдиргилари ҳамда топиш ва олиб қўйиш баённомалари – ёзма далиллар сифатида; тезкор-қидирув ходимлари ва холисларни сўроқ қилгач, уларнинг берган кўрсатувлари гувоҳ кўрсатувлари каби далил манбаи сифатида фойдаланилади[209].

Яширин видеотасвирга олиш билан ўтказилган тезкор-қидирув тадбири натижасида олинган маълумотларни қўллашда бир қатор муаммолар туғилади. Жиноят иши учун аҳамиятли бўлган фактларни ўзида мужассам этган видеоёзув ашёвий далил мазмунини ташкил қилиши мумкин. Бунинг учун видеоёзувнинг жиноят ишига алоқадор хусусиятлари терговчи, суд, холислар томонидан кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида идрок этилиб, кўздан кечириш баённомасида қайд этилиши лозим. Бу хусусиятларни ашёвий далил деб топиш ва видеоёзувни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор чиқарилиши керак. Бундан ташқари, видеоёзув олинган жой ва вақт, аппаратуранинг техник тавсифи тўғрисидаги, видеоёзув олинган шароит ва уни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар ҳам баённомага киритилиши зарур. Бу шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Видеоёзув ўз-ўзича ашёвий далил деб тан олинади, зеро унинг кўздан кечиришда аниқланган ва иш учун аҳамиятли бўлган хусусиятлари видеоёзувдан ажралмасдир. Видеоёзув шаклидаги ТҚФ натижалари ашёвий далилларнинг шаклланишига қўйиладиган талабларга мувофиқ жиноят процессига киритилганидан сўнг далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин.

---

[209] Громов Н.А. и др. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания // Следователь. 1999. № 11. -Б. 44-45.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Махфий кузатишлар кўпинча жиноий гуруҳга тегишли бўлган ва жиноий йўл билан топилган нарса ва ҳужжатлар сақланаётган бино аниқланганида ахборот тўплаш мақсадида амалга оширилади. Бундай тезкор тадбирнинг натижасидан гувоҳлар кўрсатувлари орқали исбот қилишда фойдаланса бўлади. Кузатувни амалга оширган тезкор-қидирув ходими гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин, унинг кўрсатувлари мазмунини жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ва унинг ўзи томонидан мазкур тезкор тадбир ўтказиш шароитида идрок этилган фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар ташкил этади.

Е.А.Доля шу тарзда гувоҳлар кўрсатувлари орқали жиноят процессига тезкор-қидирув фаолиятини юритувчи органлар билан махфий (конфиденциал) асосда ҳамкорликка жалб этилган шахслардан олинган маълумотларнинг киритилишини таклиф қилади. Бу маълумотлар ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ҳужжатлари сифатида жиноят процессига кириши мумкин эмас. Бироқ бундай шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш йўли билан зарур маълумотларни олиш тўғрисидаги таклифнинг мақбуллиги шубҳалидир. Е.А.Доля ўзининг таклифини, яъни жиноят-процессуал қонунчиликда мазкур шахслардан олинган маълумотларни сир сақлаш кафолатлари мавжудлиги билан асослантиради (масалан, РСФСР ЖПКнинг 18-моддасига биноан, суд мажлисининг ёпиқ тарзда ўтказилиши). «Шу сабабли ТҚФни амалга оширувчи органларга яширин асосда ёрдам берувчи фуқародан уни сўроқ қилишда зикр этилган ҳамкорлик натижасида унга маълум бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин эмас, деган нуқтаи назарга қўшилиш қийин. Акс ҳолда, бундай гувоҳлар кўрсатувларини текшириш ва баҳо бериш, демакки, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш имконияти истисно этилади, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди[210].

Амалиёт нуқтаи назаридан, бу шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш бир неча сабабларга кўра мақсадга мувофиқ эмас. Биринчидан, ТҚФни амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга розилик бературиб, бу шахслар бу фактнинг сир сақланиши талабини қўядилар, шу сабабли ҳам улардан бу маълумотларни ошкор қилишга розилик олиш мумкин эмас. Иккинчидан, бу шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши кейинчалик бу шахс билан махфий (конфиденциал) асосда ҳамкорлик қилиш имкониятини йўққа

[210] Доля Е.А. Использование результатов ОРД в доказывании по уголовным делам // Российская юстиция. 1994. №6. 43-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқаради. Учинчидан, бу шахс тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши жиноий гуруҳлар томонидан бу шахсдан ўч олинишига олиб келиши мумкин. Айни вақтда, махфий ҳамкорликнинг сир сақланиши бу шахс эга бўлган ахборотдан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин эмас, дегани эмас. Бу ахборот бошқа тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга асос сифатида хизмат қилиши мумкин, бу тадбирлар натижасида кейинчалик далил сифатида легаллаштириладиган маълумотлар олинади[211]. Шунга яқин фикрни Н.П.Кузнецов ҳам таъкидлаб ўтади[212].

## 3.2. Жиноят-процессуал исбот қилишда техник воситалардан фойдаланиш муаммолари

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш чоғида қўлланиладиган техник воситалар тўғрисида терговчига маълумот бериш доираси ва мажбурияти ҳақидаги масала ҳам долзарб масалалардан биридир. РФ «ТҚФ тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, улар давлат сирини ташкил этади ҳамда ТҚФ органи бошлиғининг қарори асосида ошкор этилиши лозим. Гарчи РФнинг «ТҚФ тўғрисида»ги қонунида тезкор ҳужжатларда қўлланилаётган аппаратларнинг техник хусусиятлари акс эттирилишининг мажбурийлиги тўғрисида сўз юритилмаган бўлса-да, ушбу маълумотларнинг тезкор ҳужжатларда қайд этилиши мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш керак. Масалан, агар фотоаппаратнинг техник ҳолати тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, унда чиқарилган фототасвир бўйича нарсанинг ҳақиқий ўлчамларини аниқлаш мумкин бўлади. Айниқса, нарса йўқ қилиб юборилганида, бу жуда муҳимдир. Нарсани кўздан кечириш чоғида тезкор-қидирув тадбири вақтида қўлланилган техник воситалардан фарқли бошқа техник воситалардан фойдаланиш тегишли манбаларда акс этган факт ва маълумотларнинг бузилишига олиб келиши, бунинг натижасида эса уларнинг жиноят ишига алоқадорлигини аниқлашда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Агар ахборотни бунинг учун зарур бўлган техник воситанинг хусусиятлари ноаниқлиги туфайли қайта тасвирлаш мумкин бўлмаса, тақдим этилган ташувчилардаги

[211] Громов Н.А. и др. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания // Следователь. 1999. №11. 46-б.

[212] Кузнецов Н.П. Доказывание в стадии возбуждения уголовного дела: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. Харьков. 1980. 12-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ахборотдан фойдаланиб бўлмайди. Шу ўринда юқорида келтирганимиздек, мисол тариқасида Pentium-4 компьютерида ёзилган маълумотга эга бўлган «диск»ни дастлабки авлод компьютерлари томонидан ўқиб бўлмаслигини келтириш мумкин.

Телефон орқали сўзлашувлар ёзилган фонограммадан далил сифатида фойдаланиш масаласи диққатга сазовордир.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувлар жиноий гуруҳ томонидан жиноятга тайёргарлик кўриш ва содир этиш учун фойдаланилиши мумкин. Шу сабабли РФ «ТҚФ тўғрисида»ги қонунида махсус техник воситалар ёрдамида сўзлашувларни яширин эшитиш назарда тутилган. Бу тадбир ТҚФни амалга оширувчи орган бошлиғининг асослантирилган қарори бўйича суд санкцияси билан ўтказилади. Сўзлашувлар фонограммасида мавжуд маълумотлардан фойдаланиш учун у бу тадбирни ўтказган тезкор ходимнинг билдиргиси билан бирга терговчига тақдим этилиши зарур. Тезкор ходим гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, фонограмма эса фоноскопик экспертизадан ўтказилиши ва ишга ашёвий далил сифатида қўшиб қўйилиши керак[213].

Адабиётларда телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни яширин эшитиш тўғрисида РФ ЖПКга махсус норма киритиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда. Бу ҳақда турли мулоҳазалар мавжуд. Масалан, Е.А.Долянинг фикрига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда телефон орқали олиб бориладиган сўзлашувлар мазмунини ўзида акс эттирган ахборотни ҳамда жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнида фойдаланиладиган маълумотларни олишга имкон берувчи ҳам тезкор-қидирув воситалари, ҳам жиноят-процессуал воситалар мавжуд бўлиши керак. У Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига сўзлашувлар фонограммасини почта-телеграф жўнатмалари билан бирга олиб қўйиш тўғрисидаги модда киритилишини таклиф қилмоқда. Лекин, биринчидан, телефон сўзлашувларини эшитиш алоқа муассасалари томонидан эмас, балки махсус тезкор-қидирув гуруҳлари томонидан махсус техника воситалари ёрдамида амалга оширилади; иккинчидан, почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўйишда жўнатувчи томонидан тайёрланган моддий ахборот ташувчи олиб қўйилади, телефон сўзлашувлари

[213] Громов Н.А. и др. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания // Следователь. 1999. №11. 47-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фонограммаси эса эшитиш хизмати томонидан тайёрланади. Шу сабабли С.А.Шейфернинг «телефон сўзлашувларини эшитиб туришга ўзига хос тезкор-қидирув тадбири сифатида қараш керак ва уни тергов ҳаракатига айлантириш номақбулдир»[214]-деган фикрига қўшилиш лозим бўлади.

Телефон сўзлашувларини эшитиб туриш яширин тарзда амалга оширилади, тергов ҳаракатларини эса яширин ўтказиш мумкин эмас. Телефон сўзлашувларини эшитиб туриш типик тезкор-қидирув тадбири ҳисобланади. Унинг натижалари прокурорнинг шундай тадбирни ўтказишга берган рухсати билан олинганида ва тергов органлари томонидан жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ равишда текширилганидан кейингина жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнида далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Жиноят ишини тергов қилишда объектив ҳақиқатни аниқлаш аввало далил манбаларини ташкил этувчи ѝа==оний маълумотлар терговчи томонидан қанчалик тўла ва ҳар томонлама ўрганилганлигига боғлиқдир.

Бироқ, жиноят иши бўйича исбот қилиш билишнигина ўз ичига олмай, балки маълумотларни мустаҳкамлаш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган процесс иштирокчисига уларни юборишни ҳам олишлигидан исбот қилишининг нафақат билиш, шунингдек тасдиқлаш томони ҳам борлиги кўринади. Жиноят процессининг турли босқичларида олинган маълумотларни мустаҳкамлаш воситаси сифатида баённомалар ва бошқа ёзма ҳужжатлар тузишдан фойдаланилади.

Кўп ҳолларда жиноят процесси иштирокчилари ҳисобланмайдиган фуқаролар, шунингдек ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахслари турли хил техник воситалар (видео, овоз ёзиш ва бошқалар) ёрдамида жиноий хатти-ҳаракатларни (масалан, товламачилик, пора олиш, тан жароҳати етказиш, ҳақорат қилиш ва ҳоказоларни) бехосдан ёзиб оладилар.

Юқоридаги жиноят процесси доирасидан ташқарида фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан техник воситалар ёрдамида олинган материалларнинг далилий табиати тўғрисида адабиётларда турлича фикрлар билдирилган.

---

[214] Шейфер С.А. Доказательственные аспекты закона об оперативно-розыскной деятельности // Государство и право. 1994. №1. 99-б

www.ziyouz.com kutubxonasi

Е.П.Ищенко бу материалларнинг «фақат ашёвий далиллар сифатида»[215]-кўрилиши лозимлигини таъкидлайди.

А.М.Макаров эса уларни «фақат ҳужжатлар сифатида»[216]-эътироф этишни таклиф этади.

А.А.Эксархопуло: «Техник воситаларни қўллаш орқали олинган натижалар далилий аҳамиятга эга бўлмайди»[217]-деб ҳисоблайди.

Бу материалларни В.А.Семенцов: «ашёвий далиллар ёхуд ҳужжатлар сифатида»[218]-эътироф этади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги турли хил фикрлар ичида В.А.Семенцовнинг нуқтаи назари энг тўғридир, чунки техник воситалар ёрдамида олинган материалларнинг бир қисмигина ЎзР ЖПКнинг 203-моддасида белгиланган таърифга жавоб берган ҳолда ашёвий далиллар қаторига киритилиши мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 203-моддасига кўра, электрон почта, алоқанинг бошқа тармоқлари, шунингдек, видео- ва овозли ёзувлар орқали олинган материаллар агар улар жиноят қуроли сифатида қўлланилган бўлса, мисол учун ҳаётга таҳдид этилганда ва товламачиликда, ўзларида жиноят изларини сақлаб қолган, айбланувчининг жиноий хатти-ҳаракатининг объекти бўлган бўлса, улар ашёвий далиллар[219] сифатида кўрилиши мумкин.

Шу билан бирга, жиноят процесси доирасидан ташқарида фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан техник воситалар ёрдамида олинган материаллар, агар улар материалларда қайд этилган фактларнинг мазмун-моҳиятинигина акс эттирган бўлса ва уларнинг келиб чиқиши ҳаққонийлигига шубҳа уйғонмаса улар «бошқа ҳужжатлар» сифатида эътироф этилиши мумкин. Бу ерда мисол тариқасида факс орқали, «электрон почта», интернет орқали олинган ва исбот қилишда фойдаланиладиган материаллар келтирилиши мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича, кўп ҳолларда жиноят процесси доирасидан ташқарида фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан

---

[215] Ищенко Е.П. Применение синхронной записи звука и изображения при расследовании и судебном рассмотрении уголовных дел: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. Свердловск. 1974. 31-б.

[216] Макаров А.М. Применение научно-технических средств при рассмотрении судами уголовных дел: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. –М., 1979. 20-б.; Макаров А.М. Доказательственное значение материалов применения научно-технических средств // Соц. Законность. 1979. 56-б.

[217] Эксархопуло А.А. Правовые основы применения технико-криминалистических средств в уголовном судопроизводстве // Правоведение. 1986. №1. 91-б

[218] Семенцов В.А. Видео- и звукозапись в доказательственной деятельности следователя. Ектеринбург. 1995. 25-б.; Семенцов В.А. О доказательственном значении и процессуальном порядке закрепления материалов видео- и звукозаписи // Следователь. 1995. №1. -Б. 10-12.

[219] +аралсин: Халилова М. Ашёвий далил ва унинг аѝамияти // Ѝаёт ва =онун. 1998. 1-2 (41) сони. -Б. 73-78.; Халилова М. Ѝосила ашёвий далилнинг аѝамияти // Ѝаёт ва =онун. 2001. 2-3 (78) сони. -Б. 51-52.

www.ziyouz.com kutubxonasi

техник воситалар ёрдамида олинган материаллар жиноят ишини тергов қилиш давомида ашёвий далиллар мақомини олади, бироқ бу материалларни процессуал мустаҳкамлаш тартибининг ўзи маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Далилларни тўплаш усуллари тизимини таҳлил қила туриб жиноят процесси доирасидан ташқарида фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан техник воситалар ёрдамида олинган материалларни исбот қилиш жараёнига олиб киришнинг энг мақбул усули–бу уларнинг жиноят процессининг барча босқичларида ЎзР ЖПКнинг 87, 198 ва 200-моддалари тартибида тегишли органларга тақдим қилинишидир. Бу билан қонун жиноят процесси иштирокчилари ва бошқа шахслар томонидан кейинчалик ашёвий далиллар ва ҳужжатлар бўлиши мумкин бўлган нарсалар ва материалларни бевосита тақдим қилиш имкониятини амалда мустаҳкамлайди.

Табиийки, юқоридаги материалларни тақдим қилиш ўз ичига бир неча бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган: иш юритиш ваколатига эга бўлган терговчи ёки судга нарсалар ва ҳужжатларнинг эгаси бўлмиш шахслар томонидан олиб келиниши, улар томонидан олиб келинган нарсалар ёки ҳужжатларнинг қабул қилиб олинишини сўраб, уларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимоснома келтирилиши, илтимоснома қаноатлантирилганда, терговчи томонидан тақдим қилинган нарсалар ёки ҳужжатларни қабул қилиб олганлигини билдирадиган нарсалар ёки ҳужжатларни тақдим қилиш тўғрисида холислар (судда тарафлар) иштирокида ЎзР ЖПКнинг 202-моддаси талабларига жавоб берадиган баённома тузилиши ва тақдим қилувчиларга баённоманинг нусхаси, суд мажлисида раислик қилувчи томонидан эса суд мажлиси баённомасидан кўчирма берилиши, акс ҳолда, терговчи томонидан илтимосномани рад қилиш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқариши каби ҳаракатларни қамраб олади.

Бироқ, терговчи томонидан тақдим қилинган нарсалар ёки ҳужжатларнинг қабул қилиб олиниши уларнинг жиноят иши бўйича чиқариладиган қарорлари асосида ётиши керак бўлган далиллар эканлигини билдирмайди. Қабул қилиб олинган нарсалар ёки ҳужжатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича уларнинг ишга

www.ziyouz.com kutubxonasi

алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо беришлари керак. Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деган хулосага келсаларгина уларни иш бўйича қабул қилинадиган тегишли қарор учун асос қилиб оладилар.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, тақдим қилинган нарсалар ёки ҳужжатларни текшириш давомида нарсалар ёки ҳужжатларни тақдим қилган шахсларни сўроқ қилиш, янги гувоҳларни, мутахассисларни жалб қилиш, қўшимча кўздан кечириш, тегишлилигига кўра экспертизалар тайинлаш (эксперт олдига мутахассиснинг ѝу=у= доирасига кирувчи саволларни =ûйиш мумкин, мутахассис олдига экспертнинг ѝу=у= доирасига тааллу=ли саволларни =ûйишга йûл =ûйилмайди. Унинг фикрини экспертнинг хулосасига тенглаштириб бûлмайди[220]) ва бошқа ҳар қандай мақбул усулларни қўллаш уларнинг далилий аҳамиятини баҳолашга ёрдам беради.

Жиноят процесси доирасидан ташқарида фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан техник воситалар ёрдамида олинган видео- ва овозли ёзувларни экспертиза йўли билан текшириб кўрилганда улардаги тасвир ва овознинг айнан ёки айнан эмаслигига эътиборни кучайтириш керак.

Шу ўринда, С.А.Шейфернинг: «Экспертиза ўтказиш натижасида «экспертнинг хулосаси»-деб номланган янги далилга эга бўламиз»[221]- деган фикрини келтириб ўтишни жоиз деб топдик. Бироқ, бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд. Яъни, Е.А.Долянинг фикрича, жиноят процесси доирасидан ташқарида олинган видео- ва овозли ёзувлар далилларнинг турларидан бири бўлган экспертнинг хулосасининг асосини ташкил этиши мумкин.[222] Бизнинг фикримизча Е.А.Доля ҳақ, чунки бу ерда гап бир далилнинг иккинчи далилга айланиши тўғрисида эмас, балки экспертиза ўтказиш воситасида видео- ва овозли ёзувларни текшириш ҳақида кетаяпти.

---

[220] Бу ѝа=да =аранг: «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи бос=ич судида муѝокама этиш жараёнида процессуал =онунчиликк риоя =илиниши тû\рисида» Пленумнинг 1997 йил 22 августдаги 12-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тûплами. 1991-1997: Икки жилдли. 1-жилд // Таѝрир ѝайъати: У.+.Мингбоев (раѝбар) ва бош=. /. –Т.: «Шар=», 1997. 121-б.

[221] Шейфер С.А. Использование непроцессуальных познавательных мероприятий // Государство и право. 1997. №9. 63-б.

[222]Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. -М.,1996. 82-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жиноят процесси доирасидан ташқарида фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан техник воситалар ёрдамида олинган видео- ва овозли ёзувларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб уларни текшириш ва баҳо беришнинг тартиб ҳамда усули белгиланади. Сўзимизнинг тасдиғи сифатида А.Давлетов ва В.Семенцовларнинг «Видео- ва овозли ёзувлар манба жиҳатидан ашёвий далилларга ўхшайди, чунки ахборот жисмларда (плёнкаларда, дискларда) сақланади»[223]-деган фикрларини келтириб ўтамиз. Бироқ, магнит тасмаларда сақланаётган ахборотни акс эттириш ашёвий ва ёзма далиллардан фарқ қилувчи усуллар қўлланилишини тақозо этади. Агар, ашёвий далиллар одатда, кўриш йўли (визуал) билан текширилса, кўздан кечириш, кузатиш, шарҳлаш усуллари ёрдамида замонавий ахборот ташувчиларни (плёнкаларни, дискларни) текшириш мумкин эмас.

М.К.Треушников: «Далилларни ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти шундан иборатки, далилларнинг алоҳида турлари орасида исбот қилишнинг у ёки бу воситасини айтиб ўтишнинг ўзи етарли эмас»[224]-деб фикр билдиради.

У яна юқоридаги фикрига қўшимча қилиб, «ишдаги далилларнинг нусхасини қолдиришни, уларни қайтариш тартибини, ишдаги далилларнинг ҳар бир турини текширишнинг процессуал тартибини кўзда тутиш албатта, талаб қилинади»[225]-деб бизнинг фикримизча тўғри фикр билдиради.

---

[223] Давлетов А., Семенцов В. Оперативная видео- и звукозапись // Соц. Законность. 1991. №11. –Б. 38-39.
[224] Треушников М.К. Судебные доказательства. –М., Юридическое бюро «Городец», 1997. 95-б.
[225] Ûша ерда, 95-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкинки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шахсга олий ижтимоий қадрият сифатида ёндашув Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган бўлиб, жиноят-процессуал қонунининг ва уни қўллаш амалиётининг такомиллашувини, жиноят-процессуал соҳада турли камчиликларнинг бартараф қилинишини талаб этади. Чунки, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида ўтказиладиган барча ислоҳотлар фақат инсоннинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим. Бу эса ҳозирги кучли давлатдан-кучли жамиятга ўтиш даврида инсон омилини биринчи ўринга олиб чиқади, зеро жамиятни ташкил этувчи инсонларнинг барча соҳалардаги, хусусан, жиноят судлов иш юритиш фаолиятидаги фаоллиги кучли жамият қуришнинг зарурий шартидир.

Ҳозирги замон қонунчилигида процесс иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган жиноят-процессуал муносабатларнинг аниқ ва икир-чикиригача тартибга солиниши тақозо этилади, чунки бу муносабатлар юқорида айтганимиздек тартибга солинмас экан, қонуннинг айрим қоидаларини ваколатли шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) томонидан ўз хоҳишларича талқин этилишига, қонун бузилишига охир-оқибатда эса инсон ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг поймол этилишига олиб келади.

Фуқаролар ўзларининг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини билмас ёки уларни ҳимоя қила олмас эканлар-бу фуқаролик ожизлиги жамиятини вужудга келтирадики, оқибатда фуқароларнинг фаоллиги ҳамда келажакка бўлган ишончи сўнади ва улар ўртасида лоқайдлик уруғлари томир отади. Бунга йўл қўймаслик учун давлат органларининг ҳар бир фаолияти аниқ ва тугал ишлаб чиқилган қонунлар билан тартибга солиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини маълум маънода чеклайдиган қонунларни иложи борича камроқ ишлаб чиқилиши, фуқароларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятида, шу жумладан, жиноят судлов иш юритиш фаолиятида фаол иштирок этишини таъминлайдиган қонунларни аниқ ва бандма-банд қилиб ишлаб чиқилиши шартдир.

Фуқароларнинг жиноят судлов иш юритиш соҳасида фаол иштирок этишининг бир кўриниши бўлиб улар томонидан тегишли

www.ziyouz.com kutubxonasi

органларга далиллар тақдим қилиниши ҳисобланади. Шу йўл билан фуқаролар жиноят процессига иштирокчи сифатида кириб келадилар ва маълум бир ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўладилар.

Шундай қилиб, меъёрий ҳужжатлардан, далилларни тўплашнинг процессуал усулларини такомиллаштириш бўйича адабиётда билдирилган фикр-мулоҳазалардан, шунингдек, тезкор-тергов амалиётида йўл қўйиладиган хатоларни таҳлил қилишдан ижобий фойдаланган ҳолда, жиноят процессида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кучайтирилишига, жиноят судлов иш юритишнинг вазифаларини муваффақиятли амалга оширишнинг таъминланишига, шунингдек, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкамланишига имкон яратиш, пировардида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсадида юқорида кўриб чиқилган масалалар бўйича қуйидаги **хулосаларни** чиқариш мумкин:

**1.** Далилларни талқин қилиш юзасидан адабиётлардан билдирилган турлича фикрларга ўз муносабатимизни билдириш ниҳоясида далилларга фактлар, ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар деб берилган таъриф[226] га қўшилган ҳолда, далил тушунчасида унинг икки томонини, унинг шакли ва мазмунини аниқлаб олиш керак бўлишини, далил мазмуни деб у ёки бу фактлар тўғрисидаги маълумотларга айтилишини, далил шакли деганда эса ушбу маълумотлар манбаларини тушуниш лозимлигини, шакл ва мазмунни ажратиш имкони йўқлигини, чунки ахборот бирор моддий ташувчидан алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бироқ, шакл ва мазмунни абстракциялаб ажратиш зарур эканлигини, чунки бу икки томон алоҳида текширилишини ва баҳоланишини, уларга турли талаблар қўйилишини эсдан чиқармаслик лозим.

Амалдаги ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисмида «Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай **ҳақиқий маълумотлар** жиноят иши бўйича далил ҳисобланади»-деб кўрсатилган. Илгариги Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддасига кûра, «Жамоат

[226] Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б. 207-224.

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун хавфли ѝаракатнинг юз берган-бермаганлигини, шу ѝаракатни =илган шахснинг айбдорлигини ва ишни тû\ри ѝал =илиш учун аѝамияти бûлган бош=а ѝолатларни суриштирув органининг, терговчининг ва суднинг =онунда белгиланган тартибда ани=лашларига асос бûладиган ѝар =андай **фактик маълумотлар** жиноят иши бûйича далил бûладилар»[227]. Бизнингча, бу ерда **фактик маълумотлар** деганда гап **ѝа=и=ий маълумотлар**[228] ѝа=ида эмас, балки **ѝолатлар тû\рисидаги маълумотлар** устида кетаяпти. Чунки, ѝеч =андай далил олдиндан белгилаб =ûйилган кучга эга эмас[229]. Маълумотлардан далил сифатида фақат бир шарт билан, яъни қонунда аниқ кўрсатилган манбалардан олинганидагина фойдаланилиши мумкин (Илгариги ÛзССР ЖПКнинг 50-моддаси 2-=исми ва амалдаги ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисми). Бу «фактлар тўғрисидаги маълумотлар», худди фактлар сингари фақат айнан шу манбаларда мавжуд бўлсагина, далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини англатади. Жиноят судлов иш юритишнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан уни янги манбалар билан тўлдириш масаласи кўтарилиши мумкин. Бироқ, улардан амалда фойдаланишнинг мажбурий шарти бўлиб, уларнинг норма сифатида эътироф этилиши ҳамда қонунда мустаҳкамланиши»[230] ҳисобланади.

Бир =атор олимларнинг «Исбот =илиш предмети-бу ѝар бир жиноят иши бûйича исбот =илиниши лозим бûлган ѝолатлар мажмуидир»-деган фикрларини =ûллаб-=увватлаб, амалдаги Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 1-=исмидаги «Ижтимоий хавфли =илмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу =илмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини»-деган жумлалар ѝар бир жиноят иши бûйича исбот =илиниши лозим бûлган ѝолатларни тûла ёритиб бераолмаганлигини тан=ид =илган, Ûзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси 1-=исмидаги «Суриштирувчи, терговчи, **прокурор** ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек

---

[227] Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси (1991 йил 1 августгача бûлган ûзгартиш ва =ûшимчалар билан). Тошкент «Ûзбекистон». 1991, 32-б.

[228] Дорохов В.Я. Понятие доказательства // Теория доказательств в советском уголовном процессе. 2-ое изд. / Под ред. Н.В. Жогина. - М., 1973. Б.207-224.

[229] Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси (1991 йил 1 августгача бûлган ûзгартиш ва =ûшимчалар билан). Тошкент. «Ûзбекистон». 1991 й. 52-модда.; Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе / Научно-практическое пособие. -М., 2000. Б. 81-87.; Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Официальный текст.– М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2002. ч.2. Ст.17.11-б.

[230] Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. - М., 1994. 21-б.; Лупинская П.А. Понятие доказательства. Доказательства, средства доказывания // Уголовный процесс / Под общ. ред. П.А. Лупинской. - М., 1995. 140-б.; Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам: проблемы теории и правового регулирования. Тольятти. 1998. 31-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

у билан бо\ли= барча ѝолатларни ани=лаши шарт», Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддаси 1-=исмидаги «Исбот =илишни суриштирувчи, терговчи, **прокурор,** суд амалга оширади», 344-моддаси 2-=исмидаги «Дастлабки терговни **прокурор**лар ҳам олиб боришлари мумкин», 382-моддаси 3-=исми 5-сûз бошидаги «суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ѝамда зарур ѝолларда ѝар =андай иш бûйича айрим тергов ѝаракатларини шахсан бажаради ёки **терговни тûли= амалга оширади**»-деган =оидаларни инобатга олган ѝамда ю=оридаги далил таърифи бûйича билдирган фикрларимизни ривожлантирган ѝолда, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 1-=исмига «терговчининг»-деган сûздан кейин **«прокурорнинг ҳамда»**-деган сûзларини киритиб, уни =уйидаги таѝрирда баён =илишни таклиф этамиз: **«Жиноят иши бûйича исбот =илиш предметига кирувчи ѝолатларнинг бор ёки йû=лигини, шунингдек ишни тû\ри ѝал =илиш учун аѝамиятга молик бош=а ѝолатларни суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ѝамда суднинг ушбу Кодексда белгиланган тартибда ани=лашига асос бûладиган ѝар =андай маълумотлар жиноят иши бûйича далил ѝисобланади»** (5-илова).

2. Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига тезкор-=идирув фаолияти натижаларидан жиноят-процессуал исбот =илиш жараёнида фойдаланишни тартибга солувчи =ûшимча норманинг, хусусан, **«Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш»**-деб номланган ва **«Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланишга фақатгина ушбу нарсалар, ҳужжатлар ҳамда бошқа материалларнинг келиб чиқиш манбасини аниқ билган ёки уларнинг ҳаққонийлиги ёхуд олиниш шарт-шароитлари тўғрисида гувоҳлик бераоладиган шахс томонидан тақдим этилганида йўл қўйилади»**-деган мазмундаги $81^1$-модданинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди (6-илова).

3. Нарса ва ѝужжатларни та=дим =илиш дастлабки терговда ва судда бир хил ички тузилишга эга бûлиб, бир хил билиш функцияларини бажаради, процессуал маънода нарсалар ва ѝужжатларни далилларга айлантиради. Шунинг учун **тезкор-қидирув фаолияти натижалари Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87, 198 ва 200-моддалари тартибида уларни жиноят ишига қўшиб =ûйиш тўғрисидаги**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**илтимоснома билан биргаликда терговчига ёки судга тақдим қилиниши** мумкин.

4. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича исбот қилишда қуйидаги шартларга риоя этилганидагина фойдаланиш мумкин**: а) тезкор-қидирув ахбороти исбот қилиш предметига кирувчи ҳолатлар тўғрисида бўлиши керак; б) тегишлича процессуал расмийлаштирилиши мумкин бўлса; в) текшира олиниши мумкин бўлиши керак; г) тезкор-қидирув ахборотдан фойдаланишда тезкор-қидирув фаолиятнинг услублари, тактикаси ва воситаларини ошкор этмаслик шарт.**

5. Далиллар тақдим қилиш-ишга алоқадор бўлган нарсалар ёки ҳужжатларнинг шахс томонидан ихтиёрий равишда берилишидан иборатдир ва у далилларни тўплашнинг мустақил ва тўла ҳуқуқли усули бўлиб, қонун билан аниқ тартибга солиниши зарурлигидан келиб чиқиб, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 43, 44, 46, 48, 53, 55, 57, 59, 61, 63, 481-моддаларидаги: «далиллар тақдим қилиш» ни эътиборга олган ҳамда юқоридаги таърифдан фойдаланган ҳолда, Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасига =ûшимча 2-қисм сифатида: **«Жамоат айбловчиси, жамоат ѝимоячиси, ѝимоячи, шунингдек, гумон =илинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фу=аровий даъвогар, фу=аровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳамда ѝар =андай шахслар далил сифатида жиноят ишига =ўшиб =ўйиш учун нарсалар ва ѝужжатларни тўплаш ва та=дим =илишга ѝа=лидирлар»**-деб белгилаб =ўйилиши айни муддао бўлар эди (7-илова).

6. Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 202-моддасини 2-=исмига мувофиқ, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш баённомасида барча тергов ҳаракатлари баённомалари учун умумий бўлган маълумотлардан ташқари, қуйидагилар:

- **нарса ва ѝужжатларнинг терговчига ûз ихтиёри билан топшираётганлиги тû\рисида ариза;**
- **нарса ва ѝужжатларни та=дим =илиш фактининг ûзи ва уларни =абул =илиб олиш шарт-шароитлари ҳамда та=дим =илинаёган нарса ва ѝужжатларнинг келиб чи=иши;**
- **нарса ва ѝужжатларнинг ûзига хос хусусиятлари** акс эттирилиши лозим.

7. Текшириш учун харид қилиш, кузатиш, бинолар, иморатлар, атроф-муҳит участкалари ва транспорт воситаларини текшириб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқиш, почта-телеграф ва бошқа жўнатмаларни назорат қилиш, телефон орқали ва бошқа сўзлашувларни эшитиб туриш, назорат остида юкни юбориш, тезкор эксперимент ва бош=а тезкор-қидирув тадбирларини зарур техник воситаларни қўллаш билан ўтказиш давомида олинган ва тезкор хизмат ҳужжатларида акс этган тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан **жиноят-процессуал исбот =илишда фойдаланиладиган ашёвий далилларни шакллантириш мумкин.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

**Раҳбарий адабиётлар ва =онун ҳамда =онун ости ҳужжатлари:**


1. Каримов И.А. Ûзбекистон-бозор муносабатларига ûтишнинг ûзига хос йûли. –Т.: Ûзбекистон, 1993. 71-б.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси. // Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 184-б.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон», 1997 йил. Б. 270-271.
4. Каримов И.А. «Адолат-қонун устуворлигида», «Халқ сўзи», 2001 йил 30 август сони.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош ма=садимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ûзбекистон». 2005. Б. 39-46.
6. Инсон ҳу=у=лари: Инсон ҳу=у=лари умумжаҳон декларацияси. И=тисодий, ижтимоий ва маданий ҳу=у=лар тû\рисида хал=аро пакт. Фу=аролик ҳу=у=лари ва сиёсий ҳу=у=лар тû\рисида хал=аро пакт ва факультатив протокол. – Т.: Адолат, 1992. – 64 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон», 2001.
8. Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тûплами. 1991-1997: Икки жилдли. 1-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.+.Мингбоев (раҳбар) ва бош=. /. –Т.: «Шар=», 1997. – 256 б.
9. Ûзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси: 1991 йил 1 августгача бûлган ûзгартиш ва =ûшимчалар билан. - Т.: Ûзбекистон, 1991. – 253 б.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2001 йил 18 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан қайта нашри). Расмий нашр – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001 й. – 624 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ( 2001 йил 18 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан қайта нашри). Расмий нашр – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001 й. – 384 б.
12. «Давлат сирларини са=лаш тû\рисида» Ûзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги +онуни. Ûзбекистоннинг янги


www.ziyouz.com kutubxonasi

=онунлари: (Ûзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ûн иккинчи ча=ири= ûн иккинчи сессиясида =абул =илинган =онун ва =арорлар). Сон 8. / Нашр учун масъул: М.А.Абдусаломов, М.М.Мирсамадов. - Т.: Адолат, 1994. Б. 154-157.

13. «Гумон =илинувчи ва айбланувчини ìимоя ìу=у=и билан таъминлашга оид =онунларни =ûллаш бûйича суд амалиёти тû\рисида»ги Пленумнинг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги =арорлари тûплами. –Т., 2004. Б. 3-16.

14. «Далиллар ма=буллигига оид жиноят-процессуал =онуни нормаларини =ûллашнинг айрим масалалари тû\рисида»ги Пленумнинг 2004 йил 24 сентябрдаги 12-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги +арорлари тûплами. –Т., 2004. Б. 5-9.

15. «Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кûриш амалиёти ìа=ида» Пленумнинг 2001 йил 1 июндаги =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги =арорлари тûплами. // ÛзР Олий судининг Раиси У.+.Мингбоев умумий таìрири остида чоп этилди. –Т., 2001. Б. 17-29.

16. «Жиноятчиликка қарши кураш, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақидаги» Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1997 йил 28 май кунги 13-сонли Буйруғи / Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномали тўплами. Тошкент. 1999. Б. 92-104.

17. «Суд ìукми тû\рисида» Пленумнинг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тûплами. 1991-1997: Икки жилдли. 1-жилд // Таìрир ìайъати: У.+.Мингбоев (раìбар) ва бош=. /. –Т.: «Шар=», 1997. Б. 106-117.

18. «Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи бос=ич судида муìокама этиш жараёнида процессуал =онунчиликк риоя =илиниши тû\рисида» Пленумнинг 1997 йил 22 августдаги 12-сонли =арори. / Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тûплами. 1991-1997: Икки жилдли. 1-жилд // Таìрир ìайъати: У.+.Мингбоев (раìбар) ва бош=./. –Т.: «Шар=», 1997. Б. 117-125.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## 1. Китоб ва туркум нашрлари

**1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, ма=олалар тўплами:**

1.1.1. Абдумаджидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. (Отв. ред. Г. Ахмедов). Т., «Узбекистан», 1974. – 109 б.

1.1.2. Абдумаджидов Г. Проблемы совершенствования предварительного расследования. (Отв. ред. проф. И.Ф. Крылов). Изд-во «Фан» Узбекской ССР, Ташкент. 1975. –146 б.

1.1.3. Абдумаджидов Г. Тактика выявления авторов клеветнических писем. (Лекция). –Т., 1983. –34б.

1.1.4. Абдумаджидов Г. Расследование преступлений. Процессуально-правовое исследование. Ташкент, 1986.

1.1.5. Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент- «Ўзбекистон», 1995. -108 б.

1.1.6. Арсеньев В.Д. Вопросы общей теории судебных доказательств в советском уголовном процессе.-М.: Юрид. лит., 1964.

1.1.7. Арсеньев В.Д., Заблоцкий В.Г. Использование специалных знаний при установлении фактических обстоятельств уголовного дела. –Кросноярск. 1986. 124-б.

1.1.8. Барабаш А.С. Пределы доказывания при расследовании уголовных дел // Актуальные вопросы правоведения в период совершенствования социалистического общества: Сб. науч. Тр. Томского гос. Университета.-Томск, 1989. Б. 217-219.

1.1.9. Барабаш А.С. Сущность уголовного процесса и его роль в формировнии ответственности правонарушителя.-Кранснoярск: Изд. Краснояр. Гос. Аграр. Ун-та, 1997. -131 б.

1.1.10. Басков В.И. Оперативно-розыскная деятельность: Учебно-методическое пособие. 1995. №19. Б. 4-5.

1.1.11. Башкатов Л.Н., Ветрова Г.Н., Донценко А.Д., Зажицкий В.И., Шесткаов В.И. Уголовный процесс. Учебник для вузов –М. 2000. Б. 91-96.

1.1.12. Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений.-М.: Юрид. лит., 1991.

1.1.13. Безлепкин Б.Т. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Под ред. В.П. Божьева.-М.: Юрид. лит., 1990. Б. 75-95.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.14. Белкин А.Р. Теория доказательств и субекты доказывания. –М., Изд. «НОРМА», 1999.

1.1.15. Белкин Р.С. Собирание, исследование и оценка доказательств. –М., 1966.

1.1.16. Белкин Р.С., Винберг А.И. Криминалистика и доказывание. –М., 1969. Б. 181-182.

1.1.17. Белкин Р.С. Предмет, задачи и система советской криминалистики. Криминалистика. Учебник для специальных средних учебных заведений. –М., 1967. 3-б.

1.1.18. Белкин Р.С. Ввдение в курс советской криминалистики. Криминалистика. Учебник для юридических вузов. -М., 1968. 9-б.

1.1.19. Васильев А.Н. Введение в курс советской криминалистики. –М., 1962. 10-б.

1.1.20. Васильев А.Н. Введение в курс советской криминалистики. Криминалистика. Учебник для юридических институтов и факультетов. –М., 1971. Б. 7-8.

1.1.21. Винберг А.И. Криминалистика. Вып. 1. Ввдение в криминалистику. –М., 1950. Б. 8, 17.

1.1.22. Винберг А.И. Предмет и метод советской криминалистики // Криминалистика. –М., 1950. 6-б.

1.1.23. Винберг А.И. Предмет, задачи и система науки советской криминалистики // Криминалистика. –М., 1959. 6-б.

1.1.24. Винберг А.И. Криминалистика. Раздел 1. Ввдение в науку. –М., 1962. 9-б.

1.1.25. Владимиров Л.Е. Учение об уголовных доказатеьствах. СПб. 1910.

1.1.26. Выдря М.М., Любарский М.Г. Место криминалистики в системе юридических наук. – В кн.: Вопросы советской криминалистики. –Алма-Ата. 1959. 35-б.

1.1.27. Вышинский А.Я. Теория судебных доказательств в советском праве. –М.: Гос. Изд-во юрид. лит., 1950. -308 б.

1.1.28. Гинзбург А.Я. Опознание в следственной. Оперативно-розыскной и экспертной практике: Учебно-практическое пособие / Под ред. проф. Р.С. Белкина. –М. 1996. -122 б.

1.1.29. Голунский С.А. Вопросы доказательственного права в Основах уголовного судопроизводства Союза ССР и союзных республик. Сб. «Вопросы судопроизводства и судоустройства в новом законадатеьстве Союза ССР». –М., 1959.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.30. Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элькинд П.С. Проблемы доказательств в советском уголовном процессе. Воронеж.1978.-304 б.

1.1.31. Горяинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности»: Комментарий. / Под ред. проф. П.Г. Пономарева. –М.: Новый Юрист. 1997. -576 б.

1.1.32. Гуткин И.М. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Под ред. Б.А. Викторова. –М., Юрид. лит., 1979. 87-б.

1.1.33. Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. –М.: Изд-во СПАРК. 1996. Б. 7-8, 27-28, 82.

1.1.34. Дорохов В.Я. Понятие доказатеьства // Теория доказательств в советском уголовном процессе / Отв. ред. Н.В.Жогин. Изд. 2-е испр. И доп.-М.: Юрид. лит., 1973. Б. 33, 197, 207-224.

1.1.35. Дорохов В.Я. Содержание истины как цель доказывания // Теория доказательств в советском уголовном процессе / Отв. ред. Н.В.Жогин. Изд. 2-е испр. И доп. –М.: Юрид. лит., 1973. Б. 119, 139.

1.1.36. Жиноят процесси. Умумий қисм: Юридик институти ва факультетлари талабалари учун дарслик. / Доцент З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2002 йил. – 382 б.

1.1.37. Жиноят процесси: дарслик. Юридик фанлари номзоди, доцент З.Ф.Ино\омжонованинг умумий таùрири остида-Т.: ТДЮИ, 2003. -380 б.

1.1.38. Забарчук Е. Краткий практический комментарий к отдельным положениям Федерального закона «Об оперативно-розыскной деятельности». –М.:Договорно-правовое управление ФСБ России. 1997. С. 13.

1.1.39. Зажицкий В.И. Закон об оперативно-розыскной деятельности в Российской Федерации: Комментарий / Под ред. А.Ю. Шумилова. –М., 1994. 81-б.

1.1.40. Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности / Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» под ред. А.Ю. Шумилова. –М., 1997. 108-б.

1.1.41. Закон об оперативно-розыскной деятеьности в Российской Федерации: Комментарий / Под ред. А.Ю. Шумилова. – М.: Юрид. лит., 1994. -126 б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.42. Зинатуллин З.З. Уголовно-процессуальное доказывание: Учебное пособие. –Ижевск. 1993. Б. 141-142.

1.1.43. Зинченко Н.А. Вещественные доказательства при расследовании преступлений: Учебное пособие. –Ташкент.1991. 67-б.

1.1.44. Золотых В.В. Проверка допустимости доказательств в уголовном процессе. –Ростов-на-Дону: «Феникс», 1999. –288 б.

1.1.45. Иванов Е.А. Логика. Учебник. –М.: Издательство БЕК, 1996. Б. 7-11.

1.1.46. Информационный бюллетень КГБ СССР. 1990. №6. -16 б.

1.1.47. Исаков В.Б. Юридические факты в советском праве. –М. 1984. 10-б.

1.1.48. Ищенко Е.П. В поисках истины. –М., 1986.

1.1.49. Каз Ц.М. Доказательства в уголовном процессе. Саратов, 1960.

1.1.50. Карнеева Л.М. Теория доказательств в советском уголовном процессе. –М., 1973. Б. 647-648.

1.1.51. Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание при производстве расследования. Горький. 1977.

1.1.52. Карнеева Л.М. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Под ред. С.В. Бородина.-М.: Академия МВД СССР. 1982. Б. 116-177.

1.1.53. Карнеева Л.М., Кертэс И. Источники доказательств по советскому и венгерскому законадательству. –М., 1985.

1.1.54. Карнеева Л.М. Доказательства в советском уголовном процессе: Учебное пособие. –Волгоград: ВСШ. 1988. 65-б.

1.1.55. Карнеева Л.М. Доказательства и доказывание в уголовном процессе: Учебное пособие. –М.: УМЦ при ГУК МВД РФ. 1994. Б. 5, 15, 21, 46, 93.

1.1.56. Кипнис Н.М. Теория доказательств в советском уголовном процессе. –М., 1973. 60-б.

1.1.57. Кипнис Н.М. Допустимость доказательств в уголовном судопроизводстве. –М., 1995. Б. 12, 27, 42-59.

1.1.58. Кирилов В.И., Старченко А.А. Логика: Учебник. –М.: Высш. Школа, 1982. –262 б.

1.1.59. Кобликов А.С. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс. Книга 1: Учебник / Под ред. А.С. Кобликова. –М., 1982. Б. 113, 120.

1.1.60. Кокорев Л.Д., Кузнецов Н.П. Уголовный процесс: доказательства и доказывания. –Воронеж. 1995. Б. 114, 164.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.61. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Новая редакция. – М.: ИКФ «Экмос», 2002. – 780 б.

1.1.62. Криминалистика. Кн. 1. Техника и тактика расследования преступлений. –М., 1935. 6-б.

1.1.63. Криминалистика. Кн. 1. Техника и тактика расследования преступлений. –М., 1938. 3-б.

1.1.64. Криминалистика. / Под ред. Р.С. Белкина, Г.Г. Зуйкова. – М.: Юрид. лит., 1968.- 696 б.

1.1.65. Криминалистика. –М., 1976. 15-б.

1.1.66. Криминалистика. –М., 1978. 18-б.

1.1.67. Криминалистика: Учеб. Пособие / А.В. Дулов, Г.И. Грамович, А.В. Лапин и др.; Под ред. А.В. Дулова. –Мн.: ИП «Экоперспектива», 1998. –415 б.

1.1.68. Криминалистика: Олий û=ув юртлари талабалари учун дарслик / Муаллифлар: Ғ.Абдумажидов ва бош=. – Т.: «Адолат», 2003. – 362 б.

1.1.69. Криминалистическое обеспечение деятельности криминальной милиции и органов предварительного расследования / Под ред. проф. Т.В. Аверьяновой и проф. Р.С. Белкина. –М.: 1997. – 400 б.

1.1.70. Криминология: Учебник / Под ред. Б.В. Коробейникова, Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. –М.: Юрид. лит., 1988. –384 б.

1.1.71. Крылов И.Ф., Бастрыкин А.И. Розыск, дознание, следствие: Учебное пособие. –Л.: Изд-во Ленинград. Ун-та. 1984.

1.1.72. Кузнецов Н.П. Доказывание в стадии возбуждения уголовного дела. –Воронеж. 1983.

1.1.73. Курс советского уголовного процесса. Общая часть. Под ред. А.Д. Бойкова и И.И. Карпеца. –М., 1989. – 640 б.

1.1.74. Ларин А.М. Работа следователя с доказательствами. –М.: Юрид. лит., 1966. Б. 56, 65, 156.

1.1.75. Ларин А.М. Теория доказательств в советском уголовном процессе. –М., 1973. 648-б.

1.1.76. Ларин А.М. Доказательства и доказывание в уголовном процесс. –М. 1994. 93-б.

1.1.77. Ларин А.М. Понятие доказательства // Уголовный процесс России: Лекции-очерки / Под ред. В.М. Савицкого. –М. 1997. Б. 86-87.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.78. Ларин А.М. Доказательства и доказывание // Уголовный процесс / Под ред. В.М. Савицкого. –М. 1997. Б. 86-87.

1.1.79. Леви А.А., Горинов Ю.А. Звукозапись и видеозапись в уголовном судопроизводстве. –М., 1983.

1.1.80. Левченко О.В. Доказывание в уголовном процессе России. –Астрахань. 2000. Б. 112-113.

1.1.81. Либус И.А. Презумпция невиновности в уголовном процессе. Ташкент. 1981. – 134 б.

1.1.82. Лузгин И.М. Расследование как процесс познания. –М., 1969.

1.1.83. Лупинская П.А. Доказывание в советском уголовном процессе. –М., 1966. Б. 33-34.

1.1.84. Лупинская П.А. Общие положения о доказателствах и доказывании // Уголовный процесс: Учебник / Под ред. П.А. Лупинской. –М.: Изд-во «Юристь», 1995. Б. 127-163.

1.1.85. Лупинская П.А. Понятие доказательства. Доказательства, средства доказывания // Уголовный процесс / Под общ. ред. П.А. Лупинской. –М. 1995. Б. 14, 136, 140.

1.1.86. Махов В.Н., Пешков М.А. Уголовный процесс США (досудебные стадии). Учебное пособие. –М. ЗАО. «Бизнес-школа», «Интел-Синтез», 1998г. -208 б.

1.1.87. Медведев М.Ю. Уголовный процесс. Консультации. Образцы документов. Судебная практика: -М.: Юриспруденция, 1999. –400 б. (Серия «Справочник адвоката»).

1.1.88. Мешков В.М., Попов В.Л. Оперативно-розыскная тактика и особенности легализации полученной информации в ходе предварительного следствия. Учебно-практическое пособие. –М.:Изд-во «Щит-М», 1999. Б. 45-78.

1.1.89. Миньковский Г.М. Понятие предмета доказывания // Теория доказательств в советском уголовном процессе / Отв. ред. Н.В. Жогин. Изд. 2-е испр. И доп. М.: Юрид. лит., 1973. 139-б.

1.1.90. Митричев С.П. Теоритические основы советской криминалистики. М., 1965. 9-б.

1.1.91. Михайлов А.И., Соловьев А.Б. и др. Деятельность следователя и прокурора на первоначальном этапе расследования убийств. М. 1997.

1.1.92. Михайловская И.Б. Обстоятельства, подлежащие доказыванию по уголовному делу. Учебник / Под ред. И.Л. Петрухина. –М. 2001. Б. 150-151.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.93. Михеенко М.М. Доказывание в советском уголовном процессе. Киев. 1984.

1.1.94. Мухин И.И. Объективная истина и некоторые вопросы оценки судебных доказательств при осуществлении правосудия.-Л., 1971.

1.1.95. Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. Тошкент, 2002. -320 б.

1.1.96. Новый оперативно-розыскной закон России: Учебно-практическое пособие. 2-е изд., испр. И доп. / Авт. –сост. А.Ю. Шумилов. М.: Фирма АВС, 1997. 47-б.

1.1.97. Норбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. – Т.: Мехнат. 1991. – 247 б.

1.1.98. Об оперативно-розыскной деятельности. Федеральный закон РФ от 12 августа 1995г. №144-ФЗ (Собрание законадательства Российской Федерации.) 1995. №33. 3349-модда.

1.1.99. Образцов В.А. Выявление и изобличение преступника. М.: Юристь. 1997. –336 б.

1.1.100. Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М., 1978. 837-б.

1.1.101. Организованная преступность: Курс лекций. – Спб.: Питер, 2002. – 368 б.: ип. (Серия «Учебник для вузов»)

1.1.102. Орлов Ю.К. Структура судебного доказывания и понятия судебного доказательства. «Вопросы борбы с преступностью». Вып. 28. –М., 1978. Б. 86-101.

1.1.103. Орлов Ю.К. Основы теории доказательств в уголовном процессе. Научно-практическое пособие.-М.:«Проспект». 2000.-144 б.

1.1.104. Осипкин В.Н., Рохлин В.И. Доказательства. СПб., 1998. Б. 6-8.

1.1.105. Основы борьбы с организованной преступностью. Монография / Под ред. В.С. Овчинского, В.Е. Эминова, Н.П. Яблокова. –М.: ИНФРА-М, 1996. –400 б.

1.1.106. Пашин С.А. Проблемы доказательственного права. Судебная реформа: юридический профессионализм и проблемы юридического образования. Дискуссии. –М. 1995. 315-б.

1.1.107. Пашкевич П.Ф. Объективная истина и некоторые вопросы оценки судебных доказательств при осуществлении правосудия. –Л., 1971.

1.1.108. Пашкевич П.Ф. Доказательства в советском уголовном процессе // Советский уголовный процесс: Учебник / Отв. ред. К.Ф. Гуценко. М.: Юрид. лит., 1986. 87-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.109. Пещак Я. Следственные версии. М.: Прогресс, 1976. - 228 б.

1.1.110. Пинхасов Б.И. Использование документов в доказывании. Монография. (Отв. ред. Г.М. Миньковский) –Т. 1977. – 136 б.

1.1.111. Пûлатов Б.Х. Давлат айбловчисининг судда далилларни текширишдаги иштироки. Давлат айбловчиси учун илмий-услубий =ûлланма. - Тошкент. 2004. – 78 б.

1.1.112. Рассмотрение дел судом присяжных: Научно-практическое пособие / Отв. ред. В.М. Лебедев. –М.: Юрид. лит., 1998. Б. 239-285.

1.1.113. Ратинов А.Р. Внутреннее убеждение при оценке доказательств // Теория доказательств в советском уголовном процессе / Отв. ред. Н.В. Жогин. Изд. 2-е испр. И доп. М.: Юрид. лит., 1973. 474-б.

1.1.114. Рахунов Р.Д. Вещественные и письменные доказательства в советском уголовном процессе // Ученые записки ВИЮН. –М., 1959. Вып. 10 Б. 210-211.

1.1.115. Резник Т.М. Внутреннее убеждение при оценке доказательств. –М., 1977. – 120 б.

1.1.116. Решетникова И.В. Доказательственное право США и Англии. –Екатеринбург. 1997. 53-б.

1.1.117. Руководство для следователей / Под ред. Н.А. Селиванова, В.А. Снеткова. М.: ИНФРА-М. 1997. 1V, -732 б.

1.1.118. Рыжаков А.П. Предварительное расследование: Учебное пособие. Тула. 1996. –319 б.

1.1.119. Рыжаков А.П. Следственные действия и иные способы собирания доказательств: Учебное пособие. Тула. 1996. –320 б.

1.1.120. Рыжаков А.П. Уголовно-процессуальное доказывание: понятие и средства. –М.: Информационно-издательский дом «Филинъ», 1997. 416-б.

1.1.121. Савицкий В.М. Государственное обвинение в суде. –М. 1971. 158-б.

1.1.122. Савицкий В.М. Язык процессуального закона. Вопросы терминологии.-М. 1987. Б. 9-10.

1.1.123. Саломов Б. Ûзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти. – Т.: Адолат, 2000. -144 б.

1.1.124. Саркисянц Г.П. Процессуальное положение защитника. Ташкент: Наука, 1967.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.125. Селиванов Н.А. Вещественные доказательства. М. 1971.Б. 6-7.

1.1.126. Селиванов Н.А. Вещественные доказательства (криминалистическое и уголовно-процессуальное исследование). –М., 1988.

1.1.127. Советский уголовный процесс. –М., 1975. Б. 124, 119.

1.1.128. Советский уголовный процесс / Под ред. Л.М. Карнеевой, П.А. Лупинской, И.В. Тыричева: Учебник.-М.: Юрид. лит., 1980. 151-б.

1.1.129. Соловьев А.Б., Халиулин А.Г. Процессуальные и тактические вопросы дополнительного расследования: Учебно-методическое пособие.-Москва-Кемерово. 1996. –67 б.

1.1.130. Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиулин А.Г., Якубович Н.А. Законность в досудебных стадиях уголовного процесса России. –Москва-Кемерово. 1997. –162 б.

1.1.131. Соловьев А.Б. Доказывание в судебных стадиях уголовного процесса России. – М., 2002. 99-б.

1.1.132. Старченко А.А. Логика в судебном исследовании. –М., 1958. Б. 19-20.

1.1.133. Строгович М.С. Учебник уголовного процесса.-М.: Юрид. изд-во НКЮ СССР. 1938. –247 б.

1.1.134. Строгович М.С. Предмет криминалистики и её соотношение с уголовным процессом. В кн.: Труды Военно-юридической академии Красной Армии. Ашхабад. 1942. 8-б.

1.1.135. Строгович М.С. Уголовный процесс.-М., 1946. Б. 26-27.

1.1.136. Сурков К.В. Принципы оперативно-розыскной деятельности и их правовое обеспечение в законадательстве, регламентирующим сыск: Монография. –СПб., 1996.

1.1.137. Теория доказательств в советском уголовном процессе / Под ред. Н.В. Жогина. –М., 1973.

1.1.138. Томин В.Т. Острые углы уголовного судопроизводства. –М.: Юрид. лит., 1991. –224 б.

1.1.139. Треушников М.К. Судебные доказательства. Монография. –М.: Юридическое бюро «Городец», 1997. 95-б.

1.1.140. Трусов А.И. Основы теории судебных доказательств.–М., 1960.

1.1.141. Уголовный процеес. –М., 1969. Б. 121-122.

1.1.142. Уголовный процесс: Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. –М.: Зерцало, 1997. –512 б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.143. Уголовный процесс: Учебник для вузов. Изд. 2-е, перераб. И доп. / Под ред. проф. В.Н.Григорьева и проф. Г.П.Химичевой. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2001. – 576 б. (серия «Dura lex, sed lex»)

1.1.144. Уголовно-процессуальное законодательство Союза ССР и РСФСР. Теоретическая модель // Под ред. В.М. Савицкого. –М., 1990. 118-б.

1.1.145. Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР. –М.: Ассоциация авторов и издателей «ТАНДЕМ». Изд-во «ЭКМОС». 2000 г. –176 б.

1.1.146. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (по состоянию законодательства на 16 июля 2001 г.) – Алматы, ТОО «Баспа», 2001. –264 б.

1.1.147. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. –М.: Юрайт-М, 2002. 74, 86-модда.

1.1.148. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Официальный текст. – М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2002. – 426 б.

1.1.149. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник / Отв. ред. П.А.Лупинская. – М.: Юристь, 2004. – 800 б.

1.1.150. Уемов А.И. Системный подход и общая теория систем. –М.: Мысль, 1978. –272 б.

1.1.151. Ульянова Л.Т. Оценка доказательств судом первой инстанции. –М., 1959.

1.1.152. Ульянова Л.Т. Понятие и свойства доказательства // Уголовный процесс / Под ред. К.Ф. Гуценко. –М., 1997. Б. 110-111.

1.1.153. Усманов У.А. Справочник следователя. –М.: Издательство ПРИОР, 1997. –256 б.

1.1.154. Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Казань. 1976. 93-б.

1.1.155. Федеральный закон «Об оперативно-розыскной деятельности»: Научно-практический комментарий / Под ред. проф. В.В. Николюка. –4-е изд., перераб. и доп. –М.: Спарк. 2000. Б. 106-120.

1.1.156. Филимонов Б.А. Основы теории доказательств в германском уголовном процессе. –М.: «Спарк», 1994. Б. 107-112; 149-150.

1.1.157. Хмыров А.А. Косвенные доказательств. –М., 1979.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.158. Чельцов М.А. Советский уголовный процесс. –М., 1962. 41-б.

1.1.159. 400 ответов по применению УПК РФ: Комментарий / С.И.Герасимов, А.П.Коротков, А.Ф.Тимофеев. –М.: Издательство «Экзамен», 2002. – 192 б.

1.1.160. Чудинов Э.М. Природа научной истины. –М., 1977. 29-б.

1.1.161. Чуфаровский Ю.В. Психология в оперативно-розыскной деятельности правоохранительных органов. –М.: Право и Закон, 1996. –128 б.

1.1.162. Шаламов М.П. Теория улик. Гос. Изд-во Юрид. лит.,-М. 1960. –184 б.

1.1.163. Швецов В.И. Понятие доказательств. Доказательства-средства доказывания // Уголовно-процессуальное право России / Под ред. П.А. Лупинской. –М., 1997. 140-б.

1.1.164. Шейфер С.А. Доказательства и доказывание по уголовным делам: проблемы теории и правогого регулирования.– Тольятти,1998.Б.28, 31.

1.1.165. Шейфер С.А. Следственные действия. Система и процессуальная форма. М.:ООО Издательство «Юрлитинформ», 2001.-208 б.

1.1.166. Шумилов А.Ю. Основы уголовно-розыскного право (правое регулирование оперативно-розыскной деятельности). Общая часть: Учеб. пособие. –М.: Изд-ль Шумилова И.И., 2000. –196 б. – (Библиотека оперативника (открытый фонд).

1.1.167. Эйсман А.А. Некоторые вопросы исследования вещественных доказательств. «Вопросы криминалистики». 1962. №5.

1.1.168. Эйсман А.А. О понятии вещественного доказательства и его соотношении с понятиями доказательств других видов. «Вопросы борьбы с преступностью». Вып. 1. М., 1965. Б. 82-99.

1.1.169. Эйсман А.А. Логика доказывания. –М., 1971.

1.1.170. Якимов И.Н. Криминалистика.Уголовная тактика.М.,1929.7-б.

1.1.171. Якубович Н.А. Понятие и содержание процесса доказывания // Теория доказательств в советском уголовном процессе / Отв. ред. Н.В. Жогин. Изд. 2-е испр. И доп. –М.: Юрид. лит., 1973. Б. 298-301.

1.1.172. Якупов Р.Х. Уголовный процесс. –М., 1998. Б. 180 ва бош=.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1.1.173. +одиров Р.Х. Диний экстремизм ва терроризм билан бо\ли= жиноятларни тергов =илишнинг айрим хусусиятлари (амалий =ûлланма). Тошкент. 2000. – 98 б.

**1.2. Кûп томлик китоблар**

1.2.1. Белкин Р.С. Курс криминалистики. В 3 т. Т. 2: Частные криминалистические теории. –М.: Юристь, 1997. –464 б.

1.2.2. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т.1., Т.2. -М., 1968., 1970.

1.2.3. Строгович М.С. Избранные труды: В 3 т. Т. 3. Теория судебных доказательств. – М.: Наука, 1991. – 300 б.

**2. Диссертация ва диссертация автореферати**

2.1. Алламуратов А.Т. Иммунитеты в уголовном процессе Республики Узбекистан: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. Ташкент. 2004. -26 б.

2.2. Асамутдинов А.Х. Основы теории доказательств в уголовном процессе: Дис. …канд. юрид. наук. Ташкент. 2002. -170 б.

2.3. Бецуков А.З. Документы как источник доказательств по уголовным делам о преступлениях в сфере экономики: процессуальные и криминалистические аспекты: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. –Краснодар, 1999. 8-б.

2.4. Джатыев В.С. Общая методология и современные проблемы обвинения и защиты по уголовным делам: Автореф. дис. …д-ра. юрид. наук. –Владикавказ, 1995.

2.5. Зникин В.К. Использование оперативно-розыскной информации в уголовно-процессуальном доказывании: Дис. …канд. юрид. наук. Томск. 1988. Б. 70-71.

2.6. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини биринчи бос=ич судида юритишнинг хусусиятлари: Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Тошкент. 2002. -27 б.

2.7. Ищенко Е.П. Применение синхронной записи звука и изображения при расследовании и судебном рассмотрении уголовных дел: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. –Свердловск, 1974. 31-б.

2.8. Кузнецов Н.П. Доказывание в стадии возбуждения уголовного дела: Автореф. дис....канд.юрид.наук. Харьков. 1980. 12-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2.9. Мадалиев О.М. Биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кûрилишида прокурор иштироки: Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Тошкент. 2004. -24 б.

2.10. Макаров А.М. Применение научно-технических средств при рассмотрении судами уголовных дел: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. –М., 1979. 20-б.

2.11. Михеенко М.М. Теоретические проблемы доказывания в советском уголовном процессе: Дис. …д-ра. юрид. наук. Киев, 1984. Б. 377-378.

2.12. Мухитдинов Ф.М. Принцип состязательности и проблемы его реализации в судебном разбирательстве по уголовным делам: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. –Ташкент. 1999. -27 б.

2.13. Пешков М.А. Арест и обыск в уголовном процессе США.: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. М.: 1998. – 36 б.

2.14. Пономаренков В.А. Проблемы представления и использования доказательств в уголовном процессе: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. - Саратов, 1998. – 20 б.

2.15. Тûлаганова Г.З. Жиноят процессида эùтиёт чораларининг =ûлланиши муаммолари: Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Тошкент. 2004. – 25 б.

2.16. Хидоятов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан: Автореф. дис. …канд. юрид. наук. Ташкент. 2002. – 26 б.

**3. Журналлардаги ма=олаларга ùаволалар**

3.1. Белкин Р.С., Краснобаев Ю.И. О предмете советской криминалистики // Правоведение. 1967. №4. 94-б.

3.2. Безлепкин Б.Т. Проблемы уголовно-процессуального доказывания // Советское государство и право. 1991. №8. -Б. 100-101.

3.3. Громов Н.А., Францифоров Ю.В., Гришин А.И. Основные направления использования результатов оперативно-розыской деятельности в процессе доказывания // Следователь. 1999. №11. -Б. 39-40, 42-47.

3.4. Давлетов А., Семенцов В. Оперативная видео- и звукозапись // Соц. Законность. 1991. №11. -Б. 38-39.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3.5. Доля Е.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам // Советская юстиция. 1993. №3 -Б. 6-7.

3.6. Доля Е.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам // Российская юстиция. 1994. №6 -Б. 42-43.

3.7. Доля Е.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам // Российская юстиция. 1995. №5 -Б. 42-43.

3.8. Дорохов В.Я. Понятие доказательства в советском уголовном процессе // Советское государство и право. 1964. №9. -Б. 108-117.

3.9. Дорохов В.Я. Природа вещественных доказательств // Советское государство и право. 1971. №10. -Б. 109-114.

3.10. Дорохов В.Я. Понятие документа в советском праве // Правоведение. 1982. №2. -Б. 57-58.

3.11. Зажицкий В.И. Источники осведомленности в уголовно-процессуальном доказывании // Советская Юстиция. 1983. №8. Б. 6-8.

3.12. Зажицкий В.И. Вопросы доказательственного права // Советская юстиция. 1992. №19-20.

3.13. Зажицкий В.И. Закон об оперативно-розыскной деятельности не идеален // Советская юстиция. 1993. №5. -Б. 19-20.

3.14. Зажицкий В.И. Новый Закон об оперативно-розыскной деятельности более совершенен // Государство и право. 1995. №12. -Б. 49-55.

3.15. Зажицкий В.О. О допустимости доказательств // Российская юстиция. 1999. №3.

3.16. Зайковский В.Н., Голубев В.В. Методика использования в расследовании результатов оперативно-розыскной деятельности // Следователь. 1997. №2 (5).

3.17. Карнеева Л.М. Доказательственное значение материалов видео- и звукозаписи // Вестник Верховного Суда СССР. 1991. №7. -Б. 31-32.

3.18. Козырев Г. Документирование прослушивания и звукозаписи телефонных и иных переговоров // Законность. 1993. №4 Б. 32-36.

3.19. Коматовский В. Оперативная видео- и звукозапись в процессе доказывание // Законность. 1992. №12. -Б. 21-23.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3.20. Лупинская П.А. Основания и порядок принятия решений о недопустимости доказательств // Российская юстиция. 1994. №11. -Б. 3-4.

3.21. Мазеин В.Т., Шевелев С.М. Некоторые проблемы представления и использования результатов оперативно-розыскной деятельности в уголовном процессе и их процессуальной защиты // Российский следователь. 2001. №3. 10-б.

3.22. Макаров А.М. Доказательственное значение материалов применения научно-технических средств//Соц. Законность.1979. 56-б.

3.23. Митричев С.П. Предмет советской криминалистики и её место в системе юридических наук // Социалистическая законность. 1952. №3. Б.25-26.

3.24. Михайлов В.И. Развитие уголовного законодательства и некоторые вопросы оперативно-розыскной деятельности спецслужб государств-участников СНГ // Вестник межпарламентской ассамблеи. 1995. №4. -Б. 61-73.

3.25. Некрасов С. Допустимость доказательств: вопросы и решения // Российская юстиция. 1998. №1.

3.26. Пашин С.А. Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии // Следователь. 1997. №4. -Б. 41-43.

3.27. Погорецкий Н.А. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в качестве доказательств в уголовном процессе России и Украины: сравнительный анализ. // Российский следователь. 2003. №4. -Б.45-47.

3.28. Пулатов Ю.С. Оперативно-роыскное право, как отрасль юридической науки и её связь с другими науками // Ùу=у=, Право, Law. 1999. №2. –Б. 65-69.

3.29. Робозеров В.Ф. Оперативно-розыскная информация в системе судебного доказывания // Правоведение. 1978. №6. 106-б.

3.30. Сазонов Б. Прокурор и оперативно-розыскная деятельность // Законность. 1993. №11. -Б. 11-17.

3.31. Семенцов В.А. О доказательственном значении и процессуальном порядке закрепления материалов видео- и звукозаписи // Следователь. 1995. №1. -Б. 10-12.

3.32. Стрелец С. Использование данных оперативно-розыскных мероприятий // Законность. 1994. №11. -Б. 26-27.

3.33. Тарасов-Родионов П.И. Советская криминалистика // Социалистическая законность. 1951, №7. -Б. 10-13.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3.34. Тетерин Б.С. О способах собирания доказательств в уголовном процессе // Правоведение. 1964. №2. 71-б.

3.35. Уголовно-процессуальный кодекс РФ: Общая часть (Проект) // Российская юстиция. 1994. №11.

3.36. Халилова М. Ашёвий далил ва унинг аҳамияти // Ҳаёт ва қонун. 1998. 1-2 (41) сони. -Б. 73-78.

3.37. Халилова М. Ҳосила ашёвий далилнинг аҳамияти // Ҳаёт ва қонун. 2001. 2-3 (78) сони. -Б. 51-52.

3.38.Шейфер С.А. Доказательственные аспекты закона об оперативно-розыскной деятельности // Государство и право. 1994. №1. -Б. 98-99.

3.39. Шейфер С.А. Использование непроцессуальных познавательных мероприятий // Государство и право. 1997. №9. -Б. 59, 63.

3.40. Шумилов А.Ю. Оперативно-розыскное право: иллюзия или реальность // Правоведение. 1994. №4. -Б. 44-51.

3.41. Эскархопуло А.А. Правовые основы применения технико-криминалистических средств в уголовном судопроизводстве // Правоведение. 1986. №1. 91-б.

### 4. Илмий ишлар тûпламларига ѝаволалар

4.1. Бедняков Д.И. О принятии предметов и документов, представленных в порядке ч.2 ст. 70 УПК РСФСР. Процессуальные вопросы предварительного расследования на современном этапе: Сб. науч. тр. –Волгоград, 1988. Б. 41-42.

4.2. Демидов И.Ф. Значение оперативно-розыскной деятельности для уголовно-процессуального производства. Судебная реформа и проблемы судопроизводства. Сборник научных трудов. – М., НИИ проблем укрепления законности и правопорядка. 1995. Б. 87-88.

4.3. Зинатуллин З.З. Вероятное и достоверное в процессуальных решениях следователя. Проблемы доказывания по уголовным делам. Межвузовский сборник научных трудов. Красноярск, 1988. Б. 11-12.

4.4. Макушенко Л.П. Реализация принципа законности при проведении оперативно-розыскных мероприятий. Сборник научных трудов «Проблемы теории законности. Методологии и методики прокурорского надзора», -М.: 1994. Б. 45-53.

### 5. Симпозиум ва конференция ишларига ѝаволалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

5.1. Гриненко А.В. Об использовании резултатов оперативно-розыскной деятельности при производстве по уголовным делам // Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в деятельности правоохранительной системы. Материалы международной научно-практической конференции. Белгород. 1998. 217-б.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**1-илова.**

# ЎзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми “б” банди ва 3-=исми билан айбланган Хашимханов Хусрав Ўткирхановичнинг жиноят иши юзасидан ўтказилган суд муҳокамаси бўйича адвокат М.Э. Халилованинг ҲИМОЯ НУТ+И

Ҳурматли раислик =илувчи ва хал= маслаҳатчилари! Ҳурматли процесс иштирокчилари! Бир неча кун давом этган суд мажлисида ЎзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми “б”банди ва 3-=исми билан айбланаётган Хашимханов Хусрав Ўткирхановични айблаш юзасидан жиноят ишини муҳокама =илиб якунлаш арафасида турибмиз. Суд муҳокамасида судланувчиларнинг, жабрланувчиларнинг ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб =уйидаги хулосаларга келдим.

**1.** Дастлабки тергов давомида тўпланган далиллар жиноят-процессуал =онун нормаларини =ўпол равишда бузиш йўли билан олинган.

Жумладан, мазкур жиноят иши бўйича дастлабки тергов давомида Хашимханов Х.Ў.нинг гумон =илинувчи тари=асидаги процессуал ҳу=у=лари, хусусан, ҳимояланиш ҳу=у=и бузилган, яъни унга нисбатан гумон бўлатуриб, у ЎзР ЖКнинг 238 ва 240-моддалари билан ёл\он гувоҳлик берганлик ва кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик таҳдиди билан огоҳлантирилиб, гувоҳ тари=асида сўро= =илинган (и/в 61-62), шундан сўнггина айбланувчи тари=асида сўро= =илиниб (и/в 68-70) кўрсатувлари олинган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасига кўра, шахс ушланган пайтидан бошлаб ҳимояланиш ҳу=у=идан амалда фойдаланаолиши керак. Бундан таш=ари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги 17-сонли +арори 8-бандига биноан, шахс ***амалда ушланган (=ўлга олинган)*** пайтидан бошлаб гумон =илинувчи деб ҳисобланади ва у гувоҳ сифатида сўро= =илиниши, жиноят ишида гумон =илинувчи тари=асида иштирок этишга жалб =илинганлиги ҳа=идаги =арор унга эълон =илинмасдан ҳамда тегишли ҳу=у=лари ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас.

**2.** Судланувчи Султонов Ж. судда берган кўрсатувида Хашимханов Х. уни МХХда ишлайди, деб ҳисоблаб келганлигини, гувоҳномани =албакилаштиришда Хашимханов Хусрав мутла=о

www.ziyouz.com kutubxonasi

=атнашмаганлиги ва бу хусусда ѝеч нарсадан хабардор бûлмаганлигини, гувоѝномани бераётган ва=тда Хашимханов Х.га «Сени ишга олдик, компьютерга ѝам киритдик, 3-4 кунда керакли ѝужжатларингни ѝам сендан оламиз»-деб айтганлигини баён этди. Судланувчи Хашимханов Х. унинг кûрсатувларини тасди=лаб, дастлабки терговда берган кûрсатувларида ѝам, судда берган кûрсатувида ѝам Султонов Ж.ни ѝа=и=атдан ѝам МХХда ишлайди, деб ѝисоблаб келганлигини, чунки бу ѝа=да Маъмурова Мафтуна исмли таниши Ж.Султонов билан 2001-йилда таништирганида айтганлигини, ûзининг ѝам МХХда ишлаш орзуи бûлганлигини, Ж.Султоновдан МХХга ишга киритиш ѝа=ида илтимос =илиб юрганлигини, Султонов Ж. унга ѝарбий форма кийдириб фотосуратга тушган ва=тида Хашимханов Х. ундан бу нима учун кераклигини сûраганида, Ж.Султонов унга ани= жавоб бермаганлигини баён этди.

Ѝодисани таѝлил =илиб кûрайлик. Ёш, келажакка умид билан бо=аётган, олий û=ув даргоѝини аъло баѝоларга тугатиб энди магистратурада û=иётган, зиёли оилада ул\айган, шу ва=тга =адар жиноят тугул, бирор марта майда ѝу=у=бузарлик ѝам содир этмаган йигитнинг жиноят содир этганлигига ишониш =ийин, албатта. Хашимханов Хусравнинг орзулари катта, умид =иламизки, бу орзулар суднинг адолатли ва =онуний =ароридан сûнг албатта амалга ошади. Шундай орзуларга эга бûлган йигит =асддан жиноят содир =илиб ûзининг келажагига болта уриши мумкин эмас. Хашимханов Х. Султонов Ж. тайёрлаб берган гувоѝноманинг =албаки эканлигидан хабари бûлмаган, бу фактни Султонов Ж. ва Хашимханов Х.лар ûзларининг кûрсатувлари билан тасди=ладилар. Хашимханов Х.нинг бу гувоѝноманинг =албаки эканлигидан хабари бûлганлиги фактини тасди=ловчи далиллар ишда мавжуд эмас. Х.Хашимхановнинг Ж.Султоновни МХХда ишлашлигига 1) уларни таништирган Мафтунанинг шоѝидлиги; 2) Султонов Ж.нинг Мафтуна билан Хашимханов Хусравни Ûзбекистон билан +озо\истоннинг давлат чегарасидан ѝеч =андай навбатсиз осонликча ûтказиб юборганлиги каби фактлар тûла ишонтирган. Шу сабабли ѝам Хашимханов Х. Султонов Ж. унга ѝарбий формани кийдириб фотосуратга туширтирганида саволига ани= жавоб бермаганида ѝам ѝайрон =олмаган, ûзини ишга киритмо=чи деб тахмин =илганлиги сабабли ѝам буни оддий =абул =илган.

**3.** Иш материалларидан кûринишича, судланувчи Хашимханов Х.Û.нинг ЦА 0817 ра=амли гувоѝномадан =ачон ва =аерда

www.ziyouz.com kutubxonasi

фойдаланганлиги ѝолатлари мутла=о ани=ланмаган. Фа=ат Хашимханов Х.нинг ûзининг кûрсатувида унинг Андижонда Раѝматуллаева Гулѝаёнинг уйида бос=инчилик жинояти содир бûлганлиги ани=ланганида Хашимханов Х. милиция ходимларини ча=иртирганида бу гувоѝномани бош=а ѝужжатлари бûлмаганлиги сабабли уларга шахсини тасди=лаш учунгина кûрсатганлигини баён этди. Агар Хашимханов Х.нинг \араз нияти бûлганида, гувоѝноманинг =албаки эканлигини билганида, у бу гувоѝномани айнан ѝу=у=ни муѝофаза =илувчи орган ходимларига кûрсатган бûлармиди, ûзини ûзи фош этармиди? Аминманки, Хашимханов Х. =албаки ѝужжат тайёрлаш ва ѝужжатнинг =албаки эканлигини билатуриб, ундан фойдаланишдек жиноятни содир этганида, у ѝар ѝолда со\лом фикрли, а=ли расо шахс сифатида =албаки гувоѝномани кимга кûрсатса ѝам, ѝу=у=ни муѝофаза =илувчи орган ходимларига кûрсатмаган бûларди. Бундан таш=ари, Хашимханов Х.нинг гувоѝномани милиция ходимларига кûрсатганидан сûнг уни йû= =илиб юбориш имконияти бор эди, биро= у бундай =илмаган. Яна бир ѝолат. Агар Хашимханов Х. шунчалик паст-\араз ниятли, жиноятчи шахс бûлганида, у Раѝматуллаеванинг уйидаги бос=инчилик тû\рисида бош=а жиноятчиларни =ûллаш учун ѝам дарѝол милицияга хабар бериб ûтирмаган бûлар эди. Андижон шаѝар ИИБ Ахборот Марказининг 2004-йил 14-майда та=дим этган маълумотига кûра эса, Хашимханов Х. 2003-йил 7-май куни “за бродяжничество”, яъни ѝужжатлари умуман бûлмаганлиги учун ушланган, холос (и/в 63).

Ѝимоямдаги Хашимханов Х.нинг айбсизлиги ю=орида санаб ûтилган фактлардан таш=ари, судда Хашимханов Х. билан барча жабрланувчилар ûртасида ûтказилган юзлаштиришлар давомида ѝам ани=ланди. Биророта жабрланувчи, шунингдек гувоѝ Абдуллина Н. ѝам Х.Хашимхановни умуман танимасликларини билдиришди. Бу факт Хашимханов Х.нинг Султонов Ж. билан ѝеч =андай жиноий тил бириктирмаганлигининг яна бир исботидир.

**4.** Дастлабки тергов материалларини кûриб чи=иш давомида шунга амин бûлдимки, Хашимханов Х.га нисбатан =ûз\атилган жиноят иши уйдирмадан бош=а нарса эмас. Хусусан, ашёвий далил тари=асида ишга =ûшиб =ûйилган =албаки гувоѝнома =айси йûл билан жиноят ишига кириб =олганлиги номаълум. ÛзР ЖПКнинг 205-моддасида ашёвий далилларни олиш усуллари кûрсатиб ûтилган бûлиб, бу усуллардан бош=а усулларда олинган нарсалар ашёвий

www.ziyouz.com kutubxonasi

далил ма=омини олиши мумкин эмас. Асосий далил сифатида дастак =илиб олинган =албаки гувоѝноманинг эса манбаи маълум эмас. Манбаи номаълум бûлган далиллар эса ма=бул деб топилиши мумкин эмас.

**5.** Ѝимоямдаги Хашимханов Хусрав Ûткирхановичнинг ѝаракатларида ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми “б” банди, яъни “Сохталаштирувчининг ûзи ёки бош=а шахс фойдаланиши ма=садида муайян ѝу=у= берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ѝужжатлар тайёрлаш ёки расмий ѝужжатларни =албакилаштириш ёхуд бундай ѝужжатларни сотиш, шундай ма=садларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг =албаки штамплари, муѝрлари, бланкаларини тайёрлаш ѝаракатлари бир гуруѝ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши” жиноятининг таркиби йû=. Чунки, Хашимханов Х. ю=орида таъкидланганидек, ѝужжатнинг =албаки эканлигини мутла=о билмаган, бу ерда жиноят таркибининг муѝим элементлари – объектив томон ва субъектив томон мавжуд эмас. Мазкур жиноят субъектив томондан фа=ат тû\ри =асддан содир этилишини назарда тутсак, Хашимханов Х.нинг эса =албаки гувоѝномани бевосита ûзи тайёрламаганлиги ва уни тайёрлашда =атнашмаганлиги, ишда эса гувоѝноманинг =албаки эканлигидан Хашимханов Х.нинг хабари бûлганлиги фактини тасди=ловчи далиллар мавжуд эмаслиги, аксинча Хашимханов Х.нинг бу гувоѝномани ѝа=и=ий деб, ûзини эса «махфий агент» деб ѝисоблаб юрганлиги ѝимоямдаги Хашимханов Хусравда ѝеч =андай =асд бûлмаганлигини кûрсатади. ÛзР ЖКга Шарѝларда белгиланишича, «Башарти бундай ма=саднинг мавжудлиги ани=ланмаса, ЖК 228-моддаси =ûлланилмайди». Худди шундай, Хашимханов Х.га «илиб =ûйилган» бош=а жиноят, яъни ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 3-=исмида кûзда тутилган жиноят таркиби ѝам Хашимханов Х.нинг ѝаракатларида йû=. Ю=ори баён этилганидек, Хашимханов Х. гувоѝноманинг сохталигидан хабари бûлмаган ва ундан мутла=о фойдаланмаган, Яъни =албаки ѝужжатдан фойдаланишнинг объектив томони сохта ѝужжатни **унинг сохталигини билатуриб** кûрсатиш (намойиш =илиш, та=дим этиш) ёки уни ташкилотларга ёхуд айрим шахсларга ѝа=и=ий ѝужжат сифатида та=дим этиш (жûнатиш)дан иборат. Ѝимоямдаги Хашимханов Х.нинг =албаки гувоѝномани билатуриб бирор шахсга ёки ташкилотга намойиш этганлиги ёки та=дим этганлиги факти мутла=о исботини топмади. Ю=орида таъкидланганидек,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хашимханов Х. бу ҳужжатнинг =албаки эканлигидан хабари бŷлмаган. Шу фактнинг ŷзиё= унинг ҳаракатларида мазкур жиноятнинг субъектив томонини ифодаловчи тŷ\ри =асднинг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Ҳурматли раислик =илувчи ва хал= маслаҳатчилари! Мазкур жиноят иши бŷйича бир =арорга келишдан олдин, ҳукмингизда бŷлган ва Сизнинг одилона хулосангизга муҳтож бŷлган бир инсоннинг та=дири =ŷлингизда эканлигини унутмасликларингизни сŷраган бŷлар эдим.

Ю=оридагиларга кŷра ва Ŷзбекистон Республикаси ЖПКнинг 11, 14, 16, 22, 23, 25, 26, 53, 83, 449, 454, 455, 462, 464, 473-моддаларини =ŷллаб,

**С Ŷ Р А Й М А Н :**

Ҳимоямдаги Хашимханов Хусрав Ŷткирхановичнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бŷлмаганлиги сабабли Хашимханов Хусрав Ŷткирхановичга нисбатан о=лов ҳукми чи=аришингизни.

***Адвокат:* __________________________ *М.Э.Халилова***

www.ziyouz.com kutubxonasi

**2-илова.**

**Хашимханов Хусрав Ûткирхановични ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан айблаш ѝа=идаги 605-сонли жиноят иши юзасидан ûтказилган суд муѝокамаси бûйича адвокат Ш.Х.Иномжоновнинг**

**ЍИМОЯ НУТ+И**

Ѝурматли раислик =илувчи ва ѝал= маслаѝатчилари! Ѝурматли суд мажлиси иштирокчилари! Мана, бир неча кун давом этган суд мажлисида ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан айбланаётган Хашимханов Хусрав Ûткирхановични айблаш юзасидан 605-сонли жиноят ишини муѝокама =илиб, уни якунлаш арафасида турибмиз. Суд муѝокамасида судланувчиларнинг, жабрланувчиларнинг ва гувоѝларнинг кûрсатувларини тинглаб, иш материалларини ûрганиб чи=иб =уйидаги хулосаларга келдим.

ÛзР ЖКнинг «Айб учун жавобгарлик принципи»га ба\ишланган 9-моддасига кûра, **«Шахс =онунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли =илмишлари учунгина жавобгар бûлади».** Яъни, айбсизлик презумпциясига биноан (ÛзР ЖПКнинг 23-моддаси), исбот =илинмаган айб, исбот =илинган айбсизликка тенг. Буни Хашимханов Хусрав Ûткирхановични ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан айблаш ѝа=идаги 605-сонли жиноят иши мисолида кûрадиган бûлсак, Х.Û.Хашимхановга =ûйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослантирилмаган, яъни унга =ûйилган айб фа=атгина айрим гумон ва шубѝалар ѝамда Х.Û.Хашимханов ва Ж.Султоновларнинг берган кûрсатувларигагина асосланган. ÛзР ЖПКнинг «Гумон =илинувчи ва айбланувчининг кûрсатувларини баѝолаш» тû\рисидаги 112-моддасига биноан, «Гумон =илинувчининг у содир этган жиноят ѝа=идаги кûрсатувлари ва айбланувчининг ûз айбига и=рор бûлиши, бу и=рор бûлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасди=ланган та=дирдагина, уни айблаш учун асос =илиб олиниши мумкин. Гумон =илинувчи ва айбланувчининг берган кûрсатувлари билан ани=ланган ѝолатлар, айбланувчи ûз айбига и=рор бûлган бûлган та=дирда ѝам, ûзининг айбдор эканлигини инкор =илган та=дирда ѝам ишнинг ѝамма ѝолатлари билан бо\ланган ѝолда бош=а далиллар каби текшириб чи=илиши ва баѝоланиши лозим».

Хûш, Хашимханов Хусрав Ûткирхановични ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан айблаш ѝа=идаги 605-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сонли жиноят ишида, агар «Исботланиши керак бûлган барча ва ùар бир ùолатнинг ùа=и=ийлигини сûзсиз тасди=ловчи ишга оид барча ишончли далиллар тûпланган бûлса, уларнинг жами ишни ùал =илиш учун етарли деб ùисобланиши»ни (ÛзР ЖПКнинг 95-моддаси) эътиборга оладиган бûлсак, Х.Û.Хашимхановнинг ùаракатларини ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан квалификация =илиш ва уни ушбу жиноятларни содир этганликда айблаш учун етарли далиллар мавжудми ?!

**Албатта йû=! Мавжуд эмас! Бу =уйидагиларда кûринади:**

**1.** Дастлабки тергов органи томонидан 22 март 2004 йил куни Х.Û.Хашимхановни жиноят ишида айбланувчи тари=асида иштирок этиш учун жалб =илиш тû\рисида =арор чи=арилган (и/в 64-66) бûлиб, унда «…Милиция келиб Хашимханов Х.Û. дан шахсини тасди=ловчи ùужжатни сûраганида у ûзида бûлган ЦА № 0817 ра=амли Ûзбекистон Республикаси МХХнинг =албаки гувоùномасини та=дим этган. Гувоùнома милиция ходимларида шубùа уй\отиб ûз ûрнида МХХ Андижон вилояти бош=армасига хабар беришган. Шундан сûнг Хашимханов Х.Û. да бûлган =албаки ЦА № 0817 ра=амли гувоùнома МХХ томонидан олиб =ûйилган» мазмунидаги фа=атгина гумондан иборат бûлган, хеч =андай далиллар билан асослантирилмаган гаплар айбловнинг асосига =ûйилган. Чунки, ÛзР ЖПКнинг «Айблаш ва ùукм =илиш учун асослар»га ба\ишланган 82-моддасига кûра, «Ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ùукми чи=ариш учун **содир этилган жиноятнинг ва=ти, жойи, усули**» (ÛзР ЖПКнинг 82-моддаси, 1-=исми, 2-банди) яъни жиноятнинг объектив томони исботланган бûлиши керак.

Биз ю=орида тилган олган =арорда эса, дастлабки тергов органи Х.Û.Хашимхановни ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан айблаш учун ùеч =андай асосга эга бûлмаган умумий гаплардан нарига ûтмаган. Шунинг учун, +айси милиция ? У ким ? Исми-шарифи нима ? +албаки эканлигини экспертиза ûтказиш йûли билан текширилганми (ÛзР ЖПКнинг 173-моддаси 1-=исми, 8-банди) ? Эксперт хулосаси =ани ? +ачон та=дим этган (йил, ой, куни борми) ? Ким томонидан =ачон олиб =ûйилган (йил, ой, куни борми)? Олиб =ûйиш баённомаси тузилганми ? У =ани ? каби саволларга жавоб берилмаганлигидан Х.Û.Хашимханов ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан асоссиз равишда жиноят ишида айбланувчи тари=асида иштирок этиш учун жалб =илинган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Х.Ŷ.Хашимхановни ушбу жиноятларни содир этганликда айблаш учун етарли далиллар мавжуд эмас, деган хулосага келиш мумкин бŷлади. Чунки, иш бŷйича =абул =илинадиган =арор синчковлик билан, тŷла, ѝар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бŷлиши лозим (ŶзР ЖПКнинг 94-моддаси).

**2.** Дастлабки тергов органи томонидан 23 март 2004 йил куни Ж.У.Султонов айбланувчи тари=асида сŷро= =илинганида (и/в 54-60), у «…Мен МХХга тегишли бŷлган 0817-ра=амли икки дона хизмат гувоѝномаларни Тошкент шаѝар, Яккасарой тумани У.Носир кŷчаси, 53-уйда жойлашган маиший хизмат кŷрсатиш шахобчасида сканер =илиш ор=али =албакилаштирганман» -деб, судда эса, Ж.Султонов: «Х.Хашимханов уни МХХда ишлайди, деб ѝисоблаб келганлигини, гувоѝномани 2002 йил октябр ойида =албакилаштирганида Х.Хашимханов мутла=о =атнашмаганлигини, чунки Х.Хашимханов билан умуман таниш бŷлмаганлигини, гувоѝномани 2003 йил 3 майда бераётиб Х.Хашимхановга «Сени ишга олдик, компьютерга ѝам киритдик, 3-4 кунда керакли ѝужжатларингни ѝам сендан оламиз» -деб кŷрсатувлар берган. Судланувчи Х.Хашимханов эса, унинг кŷрсатувларини тасди=лаб, дастлабки терговда берган кŷрсатувларида ѝам, судда берган кŷрсатувида ѝам «Ж.Султоновни ѝа=и=атдан ѝам МХХда ишлайди, деб ѝисоблаб келганлигини, чунки бу ѝа=да Маъмурова Мафтуна исмли таниши Ж.Султонов билан 2002 йил ноябр ойида таништирганида айтганлигини, Х.Хашимхановнинг ѝам МХХда ишлаш орзуи бŷлганлигини, Ж.Султоновдан МХХга ишга киритиш ѝа=ида илтимос =илиб юрганлигини, Ж.Султонов унга ѝарбий форма кийдириб фотосуратга тушган ва=тида Х.Хашимханов ундан бу нима учун кераклигини сŷраганида, Ж.Султонов унга ани= жавоб бермаганлигини» баён этган. Гувоѝ сифатида сŷро= =илинган Н.В.Абдуллина Х.Хашимхановни умуман танимаслигини билдирди. Ж.Султонов 2002 йил октябр ойида МХХга тегишли бŷлган 0817-ра=амли икки дона хизмат гувоѝномаларни Тошкент шаѝар, Яккасарой тумани У.Носир кŷчаси, 53-уйда жойлашган маиший хизмат кŷрсатиш шахобчасида сканер =илиш ор=али =албакилаштирганида ѝали Х.Ŷ.Хашимханов билан умуман таниш бŷлмаган. Бу ѝолатлар Х.Ŷ.Хашимхановнинг Ж.У.Султонов ва Н.В.Абдуллиналар билан ѝеч =андай олдиндан жиноий тил бириктирмаганлигидан далолат беради. Бир-бирини умуман кŷрмаган, умуман танимаган, ѝаттоки бир-бирини мавжуд ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

мавжуд эмаслигидан хабари бûлмаган Ж.У.Султонов, Н.В.Абдуллина ва Х.Û.Хашимхановларни олдиндан тил бириктириб жиноят содир этганликда айблаш **«айбсизлиги аён бûлган шахсни ижтимоий хавфли =илмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортиш» (ÛзР ЖКнинг 230-моддаси)**дан бош=а нарса эмас.

Ùамкасбим айтганидек, улкан орзуларга эга бûлган йигит =асддан жиноят содир =илиб ûзининг келажагига болта уриши мумкин эмас. Хашимханов Хусрав Султонов Жаùонгир тайёрлаб берган гувоùноманинг =албаки эканлигидан хабари бûлмаган, бу фактни Ж.Султонов ва Х.Хашимхановлар ûзларининг кûрсатувлари билан тасди=ладилар. Х.Хашимхановнинг бу гувоùноманинг =албаки эканлигидан хабари бûлганлиги фактини тасди=ловчи далиллар ишда мавжуд эмас. Х.Хашимхановнинг Ж.Султоновни МХХда ишлашлигига: 1) уларни таништирган Маъмурова Мафтунанинг шоùидлиги; 2) Ж.Султоновнинг Маъмурова Мафтуна билан Хашимханов Хусравни 2002 йил ноябр ойида Ûзбекистон билан +озо\истоннинг давлат чегарасидан ùеч =андай навбатсиз осонликча ûтказиб юборганлиги каби фактлар тûла ишонтирган. Судда гувоùлик берган Маъмурова Мафтуна ûзининг кûрсатувларида: «ùа=и=атдан ùам, 2002 йил ноябр ойида Х.Û.Хашимханов билан бирга +озо\истонга тижорат ишлари билан кетаётганларида уни кузатиб =ûяётган Ж.Султоновни Х.Û.Хашимхановга МХХда ишлайди деб таништирганлигини, Ж.Султонов Маъмурова Мафтуна билан Хашимханов Хусравни Ûзбекистон билан +озо\истоннинг давлат чегарасидан ùеч =андай навбатсиз осонликча ûтказиб юборганлигини, шунинг учун ùам улар Ж.Султоновни МХХда ишлашига =атти= ишонганликларини» баён этиб, Ж.Султонов ва Х.Û.Хашимхановларнинг кûрсатувларини тû\рилигини яна бир бор тасди=лади. Шу сабабли ùам кейинчалик Х.Хашимханов Ж.Султонов унга ùарбий формани кийдириб фотосуратга туширтирганида, саволига ани= жавоб бермаганида ùам ùайрон =олмаган, ûзини ишга киритмо=чи деб тахмин =илганлиги сабабли ùам буни оддий ùол деб ùисоблаган. Агар Х.Хашимханов гувоùномани =албаки эканлигини билганида уни милиция ходимига кûрсатганидан токи эртаси куни тушликда туман ички ишлар бûлимига боришганларигача бûлган даврда ундан =утилган ёки уни ташлаб юборган ёхуд уни яшириб =ûйган бûлар эди.

**3.** Дастлабки тергов органи томонидан 17 март 2004 йил куни нарса ва ùужжатларни кûздан кечириш тергов ùаракати ûтказилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(и/в 138-139). Лекин Х.Û.Хашимханов номига берилган ЦА № 0817 ра=амли гувоѝнома топиб олинганлиги, олиб =ûйилганлиги ёки =абул =илиб олинганлиги, =аердан келиб =олганлиги тû\рисида ѝеч =андай белги йû=лиги ва унинг манбаси ноани=лигидан нарса ва ѝужжатларни кûздан кечириш баённомасининг ма=буллигига шубѝа уй\онади. Чунки, ÛзР ЖПКнинг «Ашёвий далилларни кûздан кечириш»га ба\ишланган 206-моддасида «Бош=а шахслардан топилган, олиб =ûйилган ёки =абул =илиб олинган нарсалар ушбу Кодекснинг 135-137, 139 ва 140-моддаларида кûрсатилган =оидаларга асосан дарѝол кûздан кечирилади»-деб белгилаб =ûйилган. Шунинг учун, дастлабки тергов органи томонидан 17 март 2004 йил куни нарса ва ѝужжатларни кûздан кечириш тергов ѝаракати ûтказилиб (и/в 138-139) тузилган баённоманинг ма=буллигига шубѝа уй\онади. ÛзР ЖПКнинг «Айбсизлик презумпцияси»га ба\ишланган 23-моддаси 3-=исмига кûра, айбдорликка оид барча шубѝалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бûлса, гумон =илинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ѝал =илиниши лозим.

**4.** Суднинг 07 июл 2004 йил кунги сûровномасига жавоб тари=асида Ûзбекистон Республикаси МХХ Тергов бош=армаси бошли\и полковник А.Э.Набиев номидан судья Ё.+одирова номига юборилган 09 июл 2004 йил кунги 3/2349-сонли ало=а хатида: «…Мазкур жиноят иши бûйича олиб борилган дастлабки тергов ѝаракатлари натижасида ани=ланишича Султонов Ж.У. 2 дона Ûзбекистон Республикаси МХХга тегишли бûлган 0817-ра=амли хизмат гувоѝномасини =албакилаштириб, биринчисини ûзида олиб =олган, иккинчисини Хашимханов Х.Û.га берганлиги маълум бûлди. Ушбу 0817-ра=амли =албаки гувоѝномалар 2003 йил май ойида Хашимханов Х.Û. ва Султонов Ж.У. лардан МХХ ходимлари томонидан олиб =ûйилган ва ушбу ѝолатлар юзасидан улардан тушунтириш хати олинган. Лекин улардан олинган =албаки ѝужжатлар юзасидан бирор-бир процессуал ѝужжатлар тузилмаган, шунингдек Хашимханов Х.Û., Султонов Ж. МХХ ходимлари томонидан ушлаб турилмаган»лигининг таъкидлаб ûтилиши Ж.У.Султоновнинг ю=оридаги кûрсатувларини тасди=лаш билан бир ва=тда Х.Û.Хашимхановнинг Ûзбекистон Республикаси МХХга тегишли бûлган 0817-ра=амли хизмат гувоѝномасини =албакилаштирмаганлигидан, унинг бу жиноятга умуман ало=аси йû=лигидан далолат беради. Ю=орида ѝамкасбим ѝамда мен томонимдан келтирилган ѝолатлар дастлабки тергов органи

www.ziyouz.com kutubxonasi

томонидан Х.Û.Хашимхановни ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди ва 3-=исми билан асоссиз айбланганлигини яна бир бор тасди=лайди. Ю=орида таъкидлаганимиздек, «шахс =онунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли =илмишлари учунгина жавобгар бûлади», =онунда белгиланган тартибда айби исботланмаган ижтимоий хавфли =илмишлари учун эса жавобгар бûлмайди, чунки унга айбсизлик презумпцияси =ûлланади.

Ùурматли раислик =илувчи ва ùал= маслаùатчилари! Мен сûзимнинг ниùоясида Сизлардан, муùтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ÛзР Олий Мажлисининг иккинчи ча=ири= олтинчи сессиясида: **«Суд бугунги кунда аввалгидек ùукмрон коммунистик тизимнинг =ата\он ва жазолаш аппарати эмас, балки у ùар бир инсон ва фу=аронинг ùу=у= ùамда эркинликларини ишончли тарзда =ûри=лаш ва ùимоя =илишга =аратилган чинакам муста=ил давлат институтига айланмо=да. Фу=ароларнинг судга ишончи мустаùкамланиб бормо=да»**-деган сûзларининг амалий исботи тари=асида, Президентимиз олиб бораётган одилона сиёсатни =ûллаб-=увватлаган ùолда, Сизнинг одилона хулосангизга муùтож бûлган бир инсоннинг та=дирига бефар= бûлмасдан =онуний, асосли ва адолатли ùукм чи=аришингизни сûраб =оламан.

Ю=оридагиларга кûра ва Ûзбекистон Республикаси ЖПКнинг 11, 14, 16, 22, 23, 25, 26, 53, 83, 449, 454, 455, 462, 464, 473-моддаларига асосан,

## С Û Р А Й М А Н :

**Ùимоямдаги Хашимханов Хусрав Ûткирхановичнинг ùаракатларида жиноят таркиби бûлмаганлиги сабабли Хашимханов Хусрав Ûткирхановичга нисбатан о=лов ùукми чи=аришингизни.**

**Адвокат: Ш.Х.Иномжонов**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**3-илова.**

**ÛзР ЖКнинг 25-97-моддаси 2-=исми “а”банди, 25-97-моддаси 2-=исми “а” ва “г” бандлари билан айбланган Шукуров Йûлдош Кенжаевични жиноят иши юзасидан ûтказилган суд муὺокамаси бûйича адвокат М.Э.Халилованинг**

**ὺИМОЯ НУТ+И**

Ὺурматли раислик =илувчи ва ὺал= маслаὺатчилари! Ὺурматли процесс иштирокчилари! Бир неча кун давом этган суд мажлисида ÛзР ЖКнинг 25-97-моддаси 2-=исми “а”банди, 25-97-моддаси 2-=исми “а” ва “г” бандлари билан айбланаётган Шукуров Йûлдош Кенжаевични айблаш юзасидан жиноят ишини муὺокама =илиб якунлаш арафасида турибмиз. Суд муὺокамасида судланувчиларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва гувоѝларнинг кûрсатувларини тинглаб, иш материалларини ûрганиб =уйидагича хулосаларга келдим.

Суд муѝокамаси чо\ида жиноят иши материаллари билан танишиб чи=иб, дастлабки тергов давомида тûпланган далиллар жиноят-процесси нормаларини =ûпол равишда бузиш йûли билан олинганлигига амин бûлдим.

Жумладан, мазкур жиноят иши бûйича дастлабки тергов давомида Шукуров Й.К.нинг гумон =илинувчи тари=асидаги процессуал ѝу=у=лари, хусусан, ѝимояланиш ѝу=у=и бузилган, яъни ѝодиса 2003-йил 20-декабрь куни содир бûлган ва Шукуров Й.К. айнан ûша куни амалда ушлангани, у ûша ва=тдан бошлаб, тергов ѝибсхонасида са=ланган, биро= ушлаб туриш тû\рисидаги =арор негадир 25.XII.2003-йилдагина чи=арилган (и/в 43), унгача эса Шукуров Й.К. ÛзР ЖКнинг 237 ва 238-моддалари билан ёл\он хабар берганлик ва ёл\он гувоѝлик берганлик учун жиноий жавобгарлик таѝдиди билан огоѝлантирилиб, ундан тушунтириш хати олинган (и/в 17), гувоѝ тари=асида сûро= =илинган (и/в 18), шундан сûнггина гумон =илинувчи тари=асида сûро= =илиниб (и/в 41-42) кûрсатувлари олинган. Ûзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасига кûра, шахс ушланган пайтидан бошлаб ѝимояланиш ѝу=у=идан амалда фойдаланаолиши керак. Бундан таш=ари, Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги 17-сонли +арори 8-бандига биноан, шахс ***амалда ушланган (=ûлга олинган)*** пайтидан бошлаб гумон =илинувчи деб ѝисобланади ва у гувоѝ сифатида сûро= =илиниши, жиноят ишида гумон =илинувчи тари=асида иштирок этишга жалб =илинганлиги ѝа=идаги =арор унга эълон =илинмасдан ѝамда тегишли ѝу=у=лари ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ѝаракатлари олиб борилиши мумкин эмас. Жиноят иши материалларидан кûриниб турибдики, Шукуров Й.К.нинг амалда ушланган (=ûлга олинган) пайти 20.XII.2003 йил бûла туриб, у **гувоѝ сифатида** сûро= =илинган, унга айнан гувоѝнинг ѝу=у=лари ва мажбуриятлари тушунтирилган (агар тушунтирилган бûлса), у айнан гувоѝ сифатида ÛзР ЖКнинг 238 ва 240-моддаларида кûзда тутилган жиноий жавобгарлик билан огоѝлантирилган. Бундан таш=ари, ÛзР ЖПКнинг 225-моддасига кûра, ушланган шахс ушлаб келтирилган пайтидан бошлаб йигирма тûрт соатдан кечиктирмай сûро= =илиниши лозим эди. Шукуров эса 2003-йил 20-декабрда ушланиб, гумон =илинувчи тари=асида фа=ат 2003-йил 25-декабр кунигина

www.ziyouz.com kutubxonasi

сûро= =илинган. Бу ѝолатни ёки терговчининг чаласаводлиги деб, ёки жиноят иши материаллари тû=иб чи=арилган деб изоѝлаш мумкин.

ÛзР ЖПКнинг 95-моддасига кûра, жиноят-процессуал =онунида белгиланган тартибда тûпланган далилларгина ма=бул деб эътироф этилиши мумкин. Акс ѝолда тûпланган далиллар эса нома=бул деб топилиши лозим. Ю=орида санаб ûтилган Шукуров Й.К.нинг жиноят иши саѝифаларидаги тушунтириш хати ва гувоѝ сифатида сûро= =илиш баённомаси ма=булликка =ûйилган талабларга мутла=о жавоб бермайди, шу сабабли улар далил сифатида юридик кучга эга бûлиши мумкин эмас.

***Адвокат:* ________________________ *М.Э.Халилова***

**4-илова.**

**Аманбаев Санжар Чулпановичга ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди, 228-моддаси 3-=исми, 223-моддаси 1-=исми ва 273-моддаси 5-=исми билан эълон =илинган айбловнинг моѝияти юзасидан ѝимоячи Ш.Х.Иномжоновнинг**

## ТАКЛИФЛАРИ

Ѝурматли раислик =илувчи ва хал= маслаѝатчилари! Ѝурматли суд мажлиси иштирокчилари! Мана, икки ой давом этган суд мажлисида ÛзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди, 228-моддаси 3-=исми, 223-моддаси 1-=исми ва 273-моддаси 5-=исми билан айбланаётган Аманбаев Санжар Чулпанович ва бош=аларни ÛзР ЖКнинг тегишли моддалари билан айблаш юзасидан №22/04-577-сонли жиноят ишини муѝокама =илиб, уни якунлаш арафасида турибмиз. Суд муѝокамасида судланувчиларнинг ва гувоѝларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатувларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб чи=иб =уйидаги хулосаларга келдим.

+онунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилган ҳуқуқий давлат қуриш хал=имизнинг олий ма=сади эканлиги ЎзР ЖКнинг «Айб учун жавобгарлик принципи»га ба\ишланган 9-моддасида ѝам ўз тасди\ини топгандир. Мазкур моддага кўра, олий =адрият ѝисобланмиш **инсон «…=онунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли =илмишлари учунгина жавобгар бўлади»,** =онунда белгиланган тартибда айби исботланмаган ижтимоий хавфли =илмишлари учун эса жавобгар бўлмайди, чунки унга айбсизлик презумпцияси =ўлланади. Яъни, айбсизлик презумпциясига биноан, исбот =илинмаган айб, исбот =илинган айбсизликка тенгдир. Буни **Аманбаев Санжар Чулпановични ЎзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди, 228-моддаси 3-=исми, 223-моддаси 1-=исми ва 273-моддаси 5-=исми билан айблаш ѝа=идаги №22/04-577-сонли жиноят иши** мисолида кўрадиган бўлсак, С.Ч.Аманбаевга =ўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослантирилмагани ѝолда, фа=атгина айрим гумон ва шубѝалар, \айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракатлар натижасида олинган нома=бул далилларгагина ѝамда Т.Ж.Ахмедова (И/в 214-217) ва С.Ч.Аманбаевларнинг **турли хил тазйи=лар остида** (И/в 206-207) берган кўрсатувларигагина асосланганлигининг гувоѝи бўламиз, **чунки улар (ѝаттоки, гувоѝлар ѝам) суд тергови жараёнида дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувларига умуман тў\ри келмайдиган кўрсатувлар беришди.** Зеро, ЎзР ЖПКнинг «Гумон =илинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини баѝолаш» тў\рисидаги 112-моддасига биноан, «Гумон =илинувчининг у содир этган жиноят ѝа=идаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига и=рор бўлиши, бу и=рор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасди=ланган та=дирдагина, уни айблаш учун асос =илиб олиниши мумкин. Гумон =илинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан ани=ланган ѝолатлар, айбланувчи ўз айбига и=рор бўлган бўлган та=дирда ѝам, ўзининг айбдор эканлигини инкор =илган та=дирда ѝам ишнинг ѝамма ѝолатлари билан бо\ланган ѝолда бош=а далиллар каби текшириб чи=илиши ва баѝоланиши лозим».

Хўш, **Аманбаев Санжар Чулпановични ЎзР ЖКнинг 228-моддаси 2-=исми «б» банди, 228-моддаси 3-=исми, 223-моддаси 1-=исми ва 273-моддаси 5-=исми билан айблаш ѝа=идаги №22/04-577-сонли жиноят ишида**, агар «Исботланиши керак бўлган барча ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ìар бир ìолатнинг ìа=и=ийлигини сûзсиз тасди=ловчи ишга оид барча ишончли далиллар тûпланган бûлса, уларнинг жами ишни ìал =илиш учун етарли деб ìисобланиши»ни (ÛзР ЖПКнинг 95-моддаси) эътиборга оладиган бûлсак, С.Ч.Аманбаевнинг ìаракатларини **ÛзР ЖКнинг 273-моддаси 5-=исми билан** квалификация =илиш ва уни ушбу жиноятни содир этганликда айблаш учун етарли далиллар мавжудми ?!

**Албатта йû=! Мавжуд эмас! Бу =уйидагиларда кûринади:**

Агарда №22/04-577-сонли жиноят иши материалларига синчковлик билан назар ташлайдиган бûлсак, унинг 2-вара\ида =уйидаги мазмундаги **Ало=а хатини** кûришимиз мумкин:

Заместителю начальника ГУВД г.Ташкента полковнику милиции В.М.Усманову

Направляем Вам материал в отношении гр-ки Ахмедовой Табассумхон Журамирзаевны 1965 г.р. по факту обнаружения и изъятия наркотического вещества.

Приложение: - материал на 7 листах.
- вещ. док-во в опечатонном виде.
- справка ЭКО ГУВД г.Ташкента.

Заместитель начальника УУР и БТ ГУВД г.Ташкента п/полковник милиции Дженгазиев Ю.О.

Ало=а хатида (И/в 2) яна **«А.Косимов Жиноят иши =ûз\атиб тергов =илинг. Усманов В.М. 17.08.04»** -деган ёзувларни кûриш мумкинки, унга илова =илинган 7 вара=дан иборат =уйидаги ìужжатлар:

1. Бабаев Н. номида 17.08.04 йил кунги Билдирги (И/в 3);
2. Бабаев Н. томонидан тузилган 17.08.04 йил кунги «Ашёни олиб =ûйиш Баённомаси» (И/в 4);
3. Бабаев Н. томонидан 17.08.04 йил куни олинган Ахмедова Т.Ж.дан тушунтириш хати (И/в 5);
4. Бабаев Н. томонидан 17.08.04 йил куни олинган Матусевич Л.Г.дан тушунтириш хати (И/в 6);
5. Бабаев Н. томонидан 17.08.04 йил куни олинган Аманбаев С.Ч.дан тушунтириш хати (И/в 7);
6. Бабаев Н. томонидан 17.08.04 йил куни олинган Абатина Ж.+.дан тушунтириш хати (И/в 8) асосида №22/04-577-сонли жиноят иши материалларининг 1-вара\ида акс этган терговчи Касимов А.Т. томонидан 2004 йил 17 август куни «Жиноят иши =ûз\атиш ìа=ида =арор» (И/в 1) =абул =илинганлигини, у мазкур ишни ûз иш

www.ziyouz.com kutubxonasi

юритувига олиб, дастлабки тергов ѝаракатларини юритишга киришганлигини, у томонидан 17.08.04 йил куни Ахмедова Т.Ж. жиноят ишида гумон =илинувчи тари=асида иштирок этиш учун жалб =илиниб (И/в 15, нима учундир =арорда «Ûзбекистон Республикаси ЖПКнинг 47-моддасига риоя =илиб фу=аро **Каххарова М.Т.** ÛзР ЖКнинг 25-273-моддаси 5-=исмида кûрсатилган жиноятни содир =илишда гумондор деб топилганлиги маълум =илинди»-деб ёзилиб Ахмедова Т.Ж.га имзо =ûйдириб олинган. **Гумон =илинувчи Т.Ж.Ахмедовами ёки М.Т.Каххаровами?!),** Т.Ж.Ахмедова соат 20-15 дан 21-55 гача гумон =илинувчи тари=асида ÛзР ЖПКнинг 47-48-моддалари талабларини бузган ѝолда cûро= =илинганлигини (И/в 16-17) кûриш мумкин. №22/04-577-сонли жиноят иши материалларида акс этган барча далиллар далилларнинг ма=буллигига =ûйилган талабларга жавоб бериши керакки, акс ѝолда бундай далиллар **нома=бул** деб топилади ва улар айблов асосига =ûйилиши мумкин эмас. Мазкур талаблардан келиб чи=иб, №22/04-577-сонли жиноят иши материалларидаги =уйидаги далиллар **далилларнинг ма=буллигига =ûйилган талабларга жавоб бермайди ва улар айблов асосига =ûйилиши мумкин эмас деб ѝисоблайман:**

**Биринчидан, №22/04-577-сонли жиноят ишида =уйидагилар: 1.** Юнусов М. томонидан (ÛзР ЖПКнинг тегишли моддалари талабларини =ûпол равишда бузган ѝолда ѝамда ѝеч =андай ёзма топшири=сиз) **«Протокол срез мешковых карманов»**-деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда ѝимоячи ва таржимон иштирокисиз тузилган «ѝужжат» (агар уни ѝужжат дейилса) (И/в 9) ва **2.** Юнусов М. томонидан «17.08.04 йил куни» олинган Череповский В.В.дан тушунтириш хати (И/в 10) мавжуд бûлиб, улар далилларнинг ма=буллигига ѝамда ишончлилигига =ûйилган талабларга мутла=о жавоб берайди ва улар асосида ûтказилган барча тергов ѝаракатлари **(«Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ѝа=ида =арор» (И/в 54) ѝамда олинган (Кимёвий экспертиза хулосаси (И/в 124),** яъни «Заѝарланган дарахт мевалари», русчасига «Плоды отравленного дерева»-сифатида кûриладиган) барча далиллар **нома=бул** деб топилиши лозим, **нома=бул далиллар** эса **айблов асосига =ûйилиши мумкин эмас. Чунки,** ю=орида таъкидлаб ûтганимиздек, терговчи Касимов А.Т. 2004 йил 17 август куни «Жиноят иши =ûз\атиш ѝа=ида =арор» =абул =илиб, мазкур ишни ûз иш юритувига олиб, дастлабки тергов ѝаракатларини юритишга киришган бûлиб, у томонидан ѝеч кимга ѝеч =андай

www.ziyouz.com kutubxonasi

топшири= берилмагани ѝамда Юнусов М. томонидан ЎзР ЖПКнинг 87-моддасида =атъий белгилаб =ўйилган тергов ѝаракатлари ичида **«Срез мешковых карманов» -**деган тергов ѝаракати ва бундай тергов ѝаракатини ўтказиш баённомасини тузиш ѝа=идаги =оидалар ѝам умуман мавжуд бўлмагани ѝолда, **\айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракат натижалари** иш материалларида акс этган ва тў\ридан-тў\ри «Ашёвий далил» (И/в 124) ва «Гувоѝни сўро= =илиш баённомаси» (И/в 28) сифатида эътироф этилган. Далилларни олиш тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишга ваколатли бўлган субъект томонидан =онунда =атъий белгилаб =ўйилган усул ор=алигина амалга оширилиши (ЎзР ЖПКнинг 86-моддасида кўрсатилган исбот қилишни амалга оширувчи-суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан =онунда =атъий белгилаб =ўйилган усулда олинган бўлиши) шарт»-деган талабга жавоб бериши керак, (ушбуни №22/04-577-сонли жиноят иши мисолида кўрадиган бўлсак, далиллар фа=атгина мазкур ишни ўз иш юритувига олиб, дастлабки тергов ѝаракатларини юритишга киришган терговчи Касимов А.Т. ёки унинг ёзма топшири\и асосида ёхуд тергов гуруѝи аъзоси томонидангина олинган бўлиши шарт), акс ѝолда далил **нома=бул** деб топилади ва **у айблов асосига =ўйилиши мумкин эмас.**

**Иккинчидан,** ЎзР ЖПКнинг 342-моддасида «о\ир ёки ўта о\ир жиноят ани=ланган бўлса суриштирувчи ишни дарѝол терговчига ўтказиши лозим»лиги кўрсатилгани ѝолда, 17.08.04 йил куни соат 20-00 ларда ўта о\ир жиноят содир этганликда гумон =илиниб ушланган Аманбаев С.Ч. 352-хонада «23-30» гача ушлаб турилган (судланувчи С.Ч.Аманбаев суд мажлисида: «**мени чўнтагимни, мени роса уришган 6 тача милиция ходимлари =ир=иб олишганида 23-30 эмас**, аксинча, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00** эди» -деб кўрсатувлар берган, бу даврда терговчи Касимов А.Т. 2004 йил 17 август куни «Жиноят иши =ўз\атиш ѝа=ида =арор» =абул =илганлигини (И/в 1), у мазкур ишни ўз иш юритувига олиб, дастлабки тергов ѝаракатларини юритишга киришганлигини, Ахмедова Т.Ж.ни **17 август 2004 йил куни соат 20-15 дан 21-55 гача** гумон =илинувчи тари=асида сўро= =илганлигини (И/в 16-17) яна бир бора таъкидлаб ўтмо=чимиз) ва Юнусов М. томонидан (ЎзР ЖПКнинг тегишли моддалари талабларини =ўпол равишда бузган ѝолда ѝамда ѝеч =андай ёзма топшири=сиз) **«Протокол срез мешковых карманов» -**деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ÛзР ЖПКнинг 88-моддасида «тунги ва=тда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача, тергов ѝаракатлари олиб бориш та=и=ланади» -деб белгилаб =ûйилганлигига =арамасдан) «ѝужжат» (ѝимоячи ва таржимон иштирокисиз!!!) тузилган (И/в 9). Ûзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасига кûра, гумон =илинувчи **ушланган пайтдан бошлаб ѝимоячи олиш ѝу=у=идан амалда фойдаланаолиши керак.** Бундан таш=ари, Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги 17-сонли «Гумон =илинувчи ва айбланувчини ѝимоя ѝу=у=и билан таъминлашга оид =онунларни =ûллаш бûйича суд амалиёти тû\рисида»ги +арори 8-бандига биноан, шахс ЖПК 221-моддасида кûрсатилган асосларга кûра ушланган ѝолларда, гарчи =онунда бу ѝа=да тегишли баённома шахс милиция ёки бош=а ѝу=у=ни муѝофаза =илувчи органга келтирилгандан сûнг расмийлаштирилиши белгиланган бûлса-да, **у амалда ушланган (=ûлга олинган)** пайтдан бошлаб гумон =илинувчи деб ѝисобланади. **Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон =илинувчига берилган барча ѝу=у=лардан, шу жумладан, ѝимоячи олиш ѝу=у=идан фойдаланади. Шу туфайли, бундай ѝолларда у гувоѝ сифатида сûро= =илиниши, жиноят ишида гумон =илинувчи тари=асида иштирок этишга жалб =илинганлиги ѝа=идаги =арор унга эълон =илинмасдан ѝамда тегишли ѝу=у= ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ѝаракатлари олиб борилиши мумкин эмас.** Аманбаев С.Ч. 352-хонада **«23-30»** (аслида, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00**) гача ушлаб турилган давр ичида ѝимоячи олиш ѝу=у=идан фойдаланишга реал имконият яратилиб берилмаган, агар шу даврда Аманбаев С.Ч. ѝимоячи олиш ѝу=у=идан фойдаланмаслигини баён этган бûлса, **нега №22/04-577-сонли жиноят иши материалларида тегишли ѝужжатлар мавжуд эмас!?** Мазкур вазиятда Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги 17-сонли «Гумон =илинувчи ва айбланувчини ѝимоя ѝу=у=и билан таъминлашга оид =онунларни =ûллаш бûйича суд амалиёти тû\рисида»ги +арорининг 14-бандида мустаѝкамланган «Ѝимоячидан воз кечганлик тû\рисида сабаблари кûрсатилган ѝолда ёзма мурожаат та=дим этилади. Ѝимоячидан воз кечишга фа=ат гумон =илинувчининг, айбланувчининг ташаббуси билан ва ушбу масала муѝокама этилаётганда ѝимоячининг реал иштироки таъминланган ѝолдагина йûл =ûйилади. Бунда иш материалларига ѝимоячининг ишда иштирок этишига ваколати

www.ziyouz.com kutubxonasi

борлигини тасди=ловчи ìужжат (адвокатнинг ордери, =онуний вакил ваколатини тасди=ловчи ìужжат ва ì.к.) =ûшиб =ûйилади. Ìимоячидан воз кечиш тû\рисидаги аризанинг =аноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги ìа=ида белгиланган намунада баённома тузилади ìамда у гумон =илинувчи, айбланувчи, ìимоячи ва суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланади» - деган талаблар, шунингдек, ÛзР ЖПКнинг 71-моддаси 1-бандидаги «Таржимон =уйидаги ìолларда ча=ирилади: 1) гумон =илинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фу=аровий даъвогар, фу=аровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоì, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки кар ёки со=ов бûлса;»-деган =оидаси **=ûпол равишда бузилган,** деб хулоса чи=ариш учун тûла асос бор.

**Учинчидан,** Ало=а хатида (И/в 2): **1.** Юнусов М. томонидан (ÛзР ЖПКнинг тегишли моддалари талабларини =ûпол равишда бузилган ìолда ìамда ìеч =андай ёзма топшири=сиз) **«Протокол срез мешковых карманов»** -деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» (аслида, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00)** ларда тузилган «ìужжат» (И/в 9) ва **2.** Юнусов М. томонидан «17.08.04 йил куни» Череповский В.В.дан олинган тушунтириш хати (И/в 10) умуман тилга олинмаган **(бундан уларнинг №22/04-577-сонли жиноят иши материалларига =ай йûл билан =ûшилиб =олганлигига шубìа уй\онади,** ÛзР ЖПКнинг «Айбсизлик презумпцияси»га ба\ишланган 23-моддаси 3-=исмига кûра, **айбдорликка оид барча шубìалар,** башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бûлса, **гумон =илинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ìал =илиниши лозим.** +онунни =ûллашдан келиб чи==ан ìар =андай шубìа ìам унинг фойдасига ìал этилади., шунингдек, ÛзР ЖПКнинг 87-моддасида =атъий белгилаб =ûйилган тергов ìаракатлари ичида **«Срез мешковых карманов»-** деган тергов ìаракати ва бундай тергов ìаракатини ûтказиш баённомасини тузиш ìа=идаги =оидалар ìам умуман мавжуд эмас. Далил «олиш усулининг қонуний бўлиши (ЎзР ЖПКнинг 87-моддасида белгиланган усуллар ёрдамида олинган бўлиши) шарт»-деган талабга жавоб бериши керак, акс ìолда далил **нома=бул** деб топилади, ю=орида тилга олинган Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003-йил 19-декабрдаги 17-сонли +арори 19-бандига биноан **«Тергов ìаракатларини юритиш тартиби ва шартларининг бузилиши прокурор ва суд томонидан гумон**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**=илинувчига, айбланувчига нисбатан руѝий таъсир ûтказиш деб баѝоланиши мумкин. Бундай таъсир остида тûпланган маълумотлар далил кучига эга бûлмайди ва улар айблов ѝукми учун асос =илиб олиниши мумкин эмас».**

**Тûртинчидан,** Юнусов М. томонидан **«Протокол срез мешковых карманов»**-деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» (аслида, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00)** ларда тузилган «ѝужжат» (И/в 9) тезкор-=идирув фаолияти натижаси сифатида кûрилса, у ѝеч =ачон жиноят процессуал исбот =илишда тû\ридан-тû\ри маълум бир тергов ѝаракатини ûтказиш учун асос бûлиб ѝисобланмайди, шунинг учун ундан **«Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ѝа=ида =арор» (И/в 54)** чи=аришга асос сифатида фойдаланиб бûлмайди ва уни «Эксперт ихтиёрига Аманбаев С.Ч. (Иман=улов Ф.Б.) дан олинган чûнтак =опчалари солинган почта конверти муѝрланган ѝолда та=дим =илинсин» (И/в 54)–деб **экспертиза текшируви учун олинган намуна сифатида эксперт ихтиёрига та=дим =илиб бûлмайди.**

**Бешинчидан,** агар Юнусов М. томонидан **«Протокол срез мешковых карманов»**-деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда тузилган «ѝужжат» (И/в 9) тезкор-=идирув фаолияти натижаси эмас, балки тергов ѝаракати натижаси, дейдиганлар топиладиган бûлса:

**а)** Ю=орида айтганимиздек, ÛзР ЖПКнинг 87-моддасида =атъий белгилаб =ûйилган тергов ѝаракатлари ичида **«Срез мешковых карманов»** -деган тергов ѝаракати ва бундай тергов ѝаракатини ûтказиш баённомасини тузиш ѝа=идаги =оидалар умуман мавжуд эмаслигига аѝамият берадиган;

**б)** ÛзР ЖПКнинг «Далилларни баённомада =айд этиш»га ба\ишланган 90-моддасида «Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ѝаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида =айд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин» дейилган =оидасига амал =иладиган бûлсак, Юнусов М. томонидан (ÛзР ЖПКнинг тегишли моддалари талабларини =ûпол равишда бузган ѝолда ѝамда ѝеч =андай ёзма топшири=сиз) **«Протокол срез мешковых карманов»** -деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» (аслида, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00)** ларда тузилган **«ѝужжат» (И/в 9) \айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракат натижаси ѝисобланади** ва у асосида ûтказилган **«Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ѝа=ида =арор» (И/в 54) ѝамда олинган «Кимёвий экспертиза хулосаси»**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**(И/в 124) ѝам \айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракат натижаси ѝисобланади.** Чунки, унда (И/в 124) «Вещественные доказательства представлены на исследование в почтовом конверте»-деб \айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракат натижаси «Ашёвий далил» сифатида эътироф этилмо=да. Шу ûринда «Ашёвий далил» тû\рисида тûхталиб ûтмо=чимиз. Ашёвий далилнинг мавжудлиги–бу ҳақиқатдан реал фактдир. Бироқ бу фактнинг ўзи далилий аҳамиятга эга бўлмай, балки шу нарсада мавжуд бўлган ахборот ҳамда нарса турган шароит далилий аҳамиятга эгадир. Нарса ўзи топилган жой ва шарт-шароитларни акс эттирмаса, алоҳида белгиларга эга бўлмаса, ҳеч қандай далилий аҳамиятга эга бўлмайди. Бу ҳолда ҳам воқеликнинг реал факти эмас, балки бу фактнинг иш материалларида акс эттирилиши далил ҳисобланади. ÛзР ЖПКнинг 205-моддасида «Ашёвий ва ёзма далил сифатида фойдаланиладиган нарсалар, ѝужжатлар ва бош=а ёзувлар ѝодиса содир бûлган жойни ёки бош=а жойларни, биноларни кûздан кечириш, таниб олиш учун кûрсатиш, гувоѝлантириш, мурдани эксгумация =илиш, эксперт текширувчи учун намуналар олиш, кûрсатувни ѝодиса юз берган жойда текшириш, олиб =ûйиш, тинтув ёки эксперимент ûтказиш жараёнида олиниши мумкин ёхуд улар ушбу Кодекснинг 198-202-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки судга та=дим =илиниши мумкин» -деган =оида ор=али далилларни олиш усуллари кûрсатиб ûтилган бûлиб, бу усуллардан бош=а усулларда, яъни Юнусов М. томонидан (ÛзР ЖПКнинг 47, 48, 51, 71, 86, 87, 88, 90, 191, 197, 329, 342, 347, 350-моддалари талабларини =ûпол равишда бузган ѝолда ѝамда ѝеч =андай ёзма топшири=сиз) **«Протокол срез мешковых карманов» -** деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» (аслида, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00)** ларда тузилган **«ѝужжат» (И/в 9) ор=али олинган \айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракат натижаси ѝисобланадиган нарсалар ашёвий далил ма=омини олиши мумкин эмас.** Ю=орида таъкидлаб ûтилганидек, далилларни мақбул деб топиш учун улар «далилни олиш усулининг қонуний бўлиши (ЎзР ЖПКнинг 87-моддасида белгиланган усуллар ёрдамида олинган бўлиши) шарт»-деган талабга жавоб бериши керак, акс ѝолда далил **нома=бул** деб топилади. Шунинг учун **«Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ѝа=ида =арор» (И/в 54) \айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракат натижаси асосида ûтказилганлиги сабабли, у асосида**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**олинган кимёвий экспертиза хулосаси (И/в 124)** ùам **нома=бул далил** деб топилиши лозим ва **у айблов асосига =ûйилиши мумкин эмас.**

**Олтинчидан,** агар Юнусов М. томонидан **«Протокол срез мешковых карманов» -**деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда тузилган «ùужжат» (И/в 9) тезкор-=идирув фаолияти натижаси эмас, балки тергов ùаракати натижаси бûлиб, **«Протокол срез мешковых карманов»** ор=али экспертиза текшируви учун намуна олинган, шу намунадан «Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ùа=ида =арор» (И/в 54) чи=аришга асос сифатида фойдаланиб, уни «Эксперт ихтиёрига Аманбаев С.Ч. (Иман=улов Ф.Б.) дан олинган чûнтак =опчалари солинган почта конверти муùрланган ùолда та=дим =илинсин» (И/в 54)–деб экспертиза текшируви учун олинган намуна сифатида эксперт ихтиёрига та=дим =илинган ва у асосида далил (кимёвий экспертиза хулосаси (И/в 124) олинган дейдиганлар яна топилса:

**а)** ÛзР ЖПКнинг 329-моддасидаги «Кûрсатилган муддатлар ичида **=ûшимча ùужжатлар, изоùлар талаб =илиб олиш,** шунингдек шахсни ушлаб туриш, **ùодиса содир бûлган жойни кûздан кечириш ва экспертиза ûтказиш мумкин.** Иш =ûз\атилгунга =адар **бош=а тергов ùаракатларини ûтказиш ман =илинади»**-деган =оидага амал =иладиган бûлсак, Юнусов М. томонидан (ÛзР ЖПКнинг тегишли моддалари талабларини =ûпол равишда бузган ùолда ùамда ùеч =андай ёзма топшири=сиз) **«Протокол срез мешковых карманов»**-деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда тузилган **«ùужжат» (И/в 9) ор=али экспертиза текшируви учун олинган намуна \айри=онунийдир** ва **у «Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ùа=ида =арор» (И/в 54) чи=аришга асос бûлаолмайди,** чунки у ю=орида таъкидлаганимиздек, ÛзР ЖПКнинг 329-моддасидаги =оидани жиддий бузиш йûли билан олиниши билан бир =аторда ÛзР ЖПКнинг 191-моддасидаги «Намуна олиш тû\рисида суриштирувчи, терговчи =арор, суд эса ажрим чи=аради. Унда: намуна оладиган шахс ёки орган; намуна олиниши керак бûлган шахс; айнан =андай намуна ва =анча ми=дорда олиниши лозимлиги; намуна олинадиган шахс =ачон ва кимнинг ùузурига келиши зарурлиги; олинган намунанинг =ачон ва кимга та=дим =илиниши кераклиги кûрсатилиши лозим» ва ÛзР ЖПКнинг 197-моддасидаги «Эксперт текшируви учун намуналар олинганлиги тû\рисида ушбу Кодекснинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

90-92-моддаларида назарда тутилган =оидаларига мувофи= суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса, ûзига келган намуналарни суд мажлиси баённомасида акс эттиради» -деган =оидаларга =анчалик риоя =илинганлигини текшириб кûриш учун №22/04-577-сонли жиноят иши материалларига =арайдиган бûлсак, ÛзР ЖПКнинг 191-моддасидаги =оидани жиддий бузилганлигига, яъни «Намуна олиш тû\рисидаги =арор»нинг №22/04-577-сонли жиноят иши материалларида умуман мавжуд эмаслигига ùамда Юнусов М. томонидан (ÛзР ЖПКнинг 47, 48, 51, 71, 86, 87, 88, 90, 191, 197, 329, 342, 347, 350-моддалари талабларини =ûпол равишда бузган ùолда ùамда ùеч =андай ёзма топшири=сиз) **«Протокол срез мешковых карманов»**-деган «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда (агар шу ва=т рост бûлса?!) (ùимоячи ва таржимон иштирокисиз!!!) тузилган «ùужжат»ни (агар уни ùужжат дейилса?!) (И/в 9) ùам умуман ÛзР ЖПКнинг 197-моддасидаги =оида талабларига жавоб бермаслигига ва ю=орида таъкидлаганимиздек, у асосида ûтказилган барча тергов ùаракатлари **(«Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ùа=ида =арор» (И/в 54, ва бош=алар) ùамда олинган («Кимёвий экспертиза хулосаси» (И/в 124, ва бош=алар,** яъни **«Заùарланган дарахт мевалари»,** русчасига «Плоды отравленного дерева» -сифатида кûриладиган) барча далиллар **нома=бул** деб топилиши лозимлигига ишонч ùосил =иламизки, шунинг баробарида Ûзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004-йил 24-сентябрдаги 12-сонли «Далиллар ма=буллигига оид жиноят-процессуал =онуни нормаларини =ûллашнинг айрим масалалари тû\рисида»ги +ароридаги «ЖПК 11-моддасида мустаùкамланган =онунийлик принципига мувофи=, **ùар бир жиноят иши бûйича иш юритиш жиноят-процессуал =онунида белгиланган тартибга =атъий риоя этилган ùолда амалга оширилиши шарт. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан =онунни ани= бажаришдан ва унга риоя =илишдан ùар =андай чекиниш, у =андай сабабга кûра юз берганлигидан =атъий назар, шу йûл билан олинган далилларнинг нома=бул (яро=сиз) деб топилишига олиб келади. Нома=бул далиллар юридик кучга эга бûлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ùолатларни исботлаш учун фойдаланиш ùамда уларни айблов асосига =ûйиш мумкин эмас» -** деган хулосанинг на=адар тû\ри эканлигига яна бир бора амин бûламиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Еттинчидан,** судда судланувчи тари=асида сûро= =илинган С.Ч.Аманбаев: …Мени 17 август куни кеч соат 19 ё 20-00 ни орали\ида ушлагач **кеч соат 03-00, яъни сахаргача ѝеч бирорта бегона одамни кûрганим йû=, мени чûнтагимни =ир=иб олишди.** Эртасига мени кеч, яъни 18 август соат 18-00 ларда мени терговчига топширишди. Мени у терговчи подволга олиб тушиб =ûйди. Эртасига мени терговга олиб чи=ди. …Кейин билсам менинг чûнтагимдан героин моддаси чи==ан деб хулоса чи=арибди. **Ахир мени шимим кûк ранг, кûйлагим ѝам кûк ранг эди, у ерда =ора деб ёзилган.** Мени чûнтагимдан героин чи=ди деб хулоса чи=аришибди-ю, нега сûмим борлигини ёзишмабди? Ахир мен узо= шаѝардан келган бûлсам бирор сûм пул солмай келаманми? Нега унда гувоѝ бûлган одамлар буни кûришмабдими?! ..Шунда терговчини олдида турган бир **милиция ходими Табассумни башарасига зарб билан шаппати =ûйиб юбориб, «ѝозир хонага яна =айтиб кириб Санжарни кûрсатасан»** дебди. **Табассум =ûр=анидан яна халиги хонага терговчи билан =айтиб кириб …Мени халиги иккита болаларни орасидан терговчига кûрсатиб берибди. Мен шундо\ам халиги икки боладан я==ол ажралиб турардим, чунки Мени афт-башарамга =араб бûлмасди, кûзларим шишиб кетган эди. …Мен ѝатто Табассум нима ма=садда Тошкентга келаётганлигини ѝам билмасдим. 17 август куни соат 08-00 ларда Мен +уш беги районида тушиб =олганимдан кейин Табассум билан умуман кûришмаганман, унга ѝеч =андай нарса бермаганман ва ундан ѝеч =андай нарса олмаганман»**-деб кûрсатувлар берган. Судланувчи С.Ч.Аманбаевдан яна бир карра ани= =илиб: **«№22/04-577-сонли жиноят иши материалларининг 9-вара\ида акс этган Юнусов М. томонидан «Протокол срез мешковых карманов»-деган 17.08.04 йил куни соат 23-30 ларда ѝужжат (И/в 9) тузишда холис сифатида В.В.Череповский ва Е.В.Щербицкийлар иштирок этганлигини тасди=лайсизми?»**-деган саволга, судланувчи С.Ч.Аманбаев: **«Биринчидан, 17.08.04 йил куни соат 23-00 ларда ѝеч =андай ѝужжат тузилмаган, Иккинчидан, Мени чûнтагимни =ир=иб олишганида ѝеч =андай В.В.Череповский ва Е.В.Щербицкийлар холис сифатида иштирок этмаган эди, мен уларни умуман кûрмаганман, танимайман ѝам, милиция ходимлари чûнтагимни =ир=иб олишганида 23-30 эмас, аксинча, кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00 эди»**-деб жавоб берганлиги учун Юнусов М. томонидан **В.В.Череповский**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**ва Е.В.Щербицкийлар «холис»лигида** «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда тузилган (Ало=а хатида (И/в 2) умуман тилга олинмаган) **«Протокол срез мешковых карманов»-**деб номланган (И/в 9) **«ѝужжат»га** ѝамда Юнусов М. томонидан 17.08.04 йил куни Череповский В.В.дан олинган (Ало=а хатида (И/в 2) умуман тилга олинмаган) **тушунтириш хатига** (И/в 10) (чунки, судда гувоѝ тари=асида сûро= =илинган **В.В.Череповский гувоѝ М.Юнусовнинг кûрсатувларига =арама-=арши ûларо=: «тû\рисини айтганда, мен 18.08.04 йил куни (17.08.04 йил куни эмас-изоѝ меники)** С.Ч.Аманбаев ûз паспортини ихтиёрий равишда берганлиги учун ушбу **паспортни олиб =ûйишаётганида холис сифатида =атнашганман»** -деб кûрсатувлар берган) **шубѝа уй\онади,** ÛзР ЖПКнинг «Айбсизлик презумпцияси»га ба\ишланган 23-моддаси 3-=исмига кûра, айбдорликка оид барча шубѝалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бûлса, гумон =илинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ѝал =илиниши лозим. +онунни =ûллашдан келиб чи==ан **ѝар =андай шубѝа ѝам унинг фойдасига ѝал этилади.**

**Саккизинчидан,** 09 феврал 2005 йил куни гувоѝ тари=асида сûро= =илинган М.Юнусов =уйидагиларни баён этди: «Мен судланувчи С.Ч.Аманбаевни танийман, Исмат акани о\заки топшири\и билан 17.08.04 йил куни соат 23-30 ларда ГУВДда С.Ч.Аманбаевнинг чûнтакларини кесиб олганман ва баённома тузганман» Судланувчи С.Ч.Аманбаевдан «гувоѝ М.Юнусовнинг кûрсатувларини тасди=лайсизми ёки рад этасизми» -деб сûралганда, судланувчи С.Ч.Аманбаев гувоѝ М.Юнусовнинг кûрсатувларини тûла рад этиб =уйидагича: «Мени 17 август куни кеч соат 19 ё 20-00 ни орали\ида милиция ходимлари ушлагач, ГУВДга олиб келишди, мени бу ерда 6-7 соатлар чамаси 6 тача милиция ходимлари роса уришди, бошимга «противогаз» кийдиришди, ѝаво етишмаганидан о\зимдан кûпик келиб 3 марта ѝушимдан кетиб =олдим, **кеч соат 03-00, яъни сахаргача бирорта бегона одамни, шу жумладан М.Юнусовни ѝам кûрганим йû=, мени чûнтагимни, мени роса уришган 6 тача милиция ходимлари =ир=иб олишди.** Мени урган милиция ходимлари ичида М.Юнусов умуман йû= эди. Мен суд мажлисида гувоѝ тари=асида сûро= =илиш учун ча=иртирилган М.Юнусовни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 06-00 ларда ГУВДда кûрганман, холос. Судланувчи С.Ч.Аманбаевдан яна бир карра ани= =илиб: «№22/04-577-сонли жиноят иши материалларининг 9-вара\ида акс

www.ziyouz.com kutubxonasi

этган Юнусов М. томонидан «Протокол срез мешковых карманов» - деган 17.08.04 йил куни соат 23-30 ларда ѝужжат (И/в 9) тузишда холис сифатида В.В.Череповский ва Е.В.Щербицкийлар иштирок этганлигини тасди=лайсизми?»-деган саволга, судланувчи С.Ч.Аманбаев: «Мени чûнтагимни =ир=иб олишганида ѝеч =андай В.В.Череповский ва Е.В.Щербицкийлар **холис сифатида иштирок этмаган эди,** мен уларни умуман кûрмаганман, танимайман ѝам, милиция ходимлари чûнтагимни =ир=иб олишганида **23-30 эмас**, аксинча, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00** эди» -деб жавоб берган. Гувоѝ М.Юнусовдан: «С.Ч.Аманбаевнинг чûнтакларини кесиб олган бûлсангиз, унинг чûнтакларида бирор бир нарсалари бормиди?»-деб cûралганида, М.Юнусов: «С.Ч.Аманбаевнинг чûнтакларида ѝеч нарса йû= эди»-деб жавоб берган. С.Ч.Аманбаев гувоѝ М.Юнусовнинг кûрсатувларини рад этиб, кейин билсам менинг чûнтагимдан героин моддаси чи==ан деб хулоса чи=аришибди. **Ахир мени шимим кûк ранг, кûйлагим ѝам кûк ранг эди, у ерда =ора деб ёзилган.** Мени чûнтагимдан героин чи=ди деб хулоса чи=аришибди-ю, нега cûмим борлигини ёзишмабди? Ахир мен узо= шаѝардан келган бûлсам бирор cûм пул солмай келаманми? Нега унда гувоѝ бûлган одамлар буни кûришмабдими?! деб илгариги кûрсатувларига ûхшаш кûрсатувлар берганлигидан суд мажлисида гувоѝ сифатида cûро= =илинган М.Юнусов томонидан **17.08.04 йил куни соат 23-30 ларда эмас, балки 18.08.04 йил куни ѝимоячи ва таржимон иштирокисиз тузилган ва №22/04-577-сонли жиноят ишининг 9-вара\ида акс этган «Протокол срез мешковых карманов»-деган «ѝужжат» ѝа=и=атга умуман тû\ри келмаслигини, бир cûз билан айтганда тû=иб чи=арилганлигини гувоѝи бûламиз.**

**Тû==изинчидан,** 09 феврал 2005 йил куни гувоѝ тари=асида cûро= =илинган В.В.Череповский ѝам худди ûргатиб =ûйилгандек =уйидагиларни баён этди: «Милиция ходимлари 17.08.04 йил куни соат 23-30 ларда ГУВДда С.Ч.Аманбаевнинг чûнтакларини =ир=иб олишганида холис сифатида =атнашманган» Судланувчи С.Ч.Аманбаевдан «гувоѝ В.В.Череповскийнинг кûрсатувларини тасди=лайсизми ёки рад этасизми»-деб cûралганда, судланувчи С.Ч.Аманбаев гувоѝ В.В.Череповскийнинг кûрсатувларини ѝам тûла рад этиб =уйидагича: «Мен суд мажлисида гувоѝ тари=асида cûро= =илиш учун ча=иртирилган В.В.Череповскийни умуман танимайман, уни ѝеч =ачон кûрмаганман, холис сифатида тилга олинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

В.В.Череповский ûша куни умуман холис сифатида =атнашмаган, ûша куни аслида ю=орида таъкидлаганимдек, мени 17 август куни кеч соат 19 ё 20-00 ни орали\ида милиция ходимлари ушлагач, ГУВДга олиб келишди, **мени бу ерда 6-7 соатлар чамаси 6 тача милиция ходимлари роса уришди,** бошимга «противогаз» кийдиришди, ùаво етишмаганидан о\зимдан кûпик келиб 3 марта ùушимдан кетиб =олдим, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00 сахаргача бирорта бегона одамни, шу жумладан В.В.Череповскийни ùам умуман кûрганим йû=, мени чûнтагимни, мени роса уришган 6 тача милиция ходимлари =ир=иб олишди»**-деб кûрсатувлар берди. Шунда гувоù В.В.Череповскийга: «Сиздан 17.08.2004 йил куни Юнусов М. тушунтириш хати (И/в 10) олганида сиз: «Я 17.08.2004 г. примерно в 10-30 вечера возврашался домой из больницы ГлавТошкентстрой где находился по личным делам, приходя мимо здания ГУВД г.Ташкента ко мне подошли ребята представявшис сотрудники милиции…сотрудники милиции в моем пресутствии и пресутствие ешо одного г-на **зделали срез корманнов черных джинсовых брюк которые были на Аманбаеве С. упоковали в бумажный конверт и опечатали где внезу я и все остальные подписались»**-деб ёзиб берган экансиз, яхширо= эслангчи С.Ч.Аманбаевнинг эгнида ûша куни =ана=а рангдаги шим бûлган эди ва унинг нечта чûнтакларини кесиб олишди?-деб савол берилганида, В.В.Череповский: «С.Ч.Аманбаевнинг эгнида =ора рангдаги шим бор эди, унинг иккита чûнтакларини кесиб олишди» -деб жавоб берди. Судланувчи С.Ч.Аманбаевдан «гувоù В.В.Череповскийнинг кûрсатувларини тасди=лайсизми ёки рад этасизми»-деб сûралганда, судланувчи С.Ч.Аманбаев гувоù В.В.Череповскийнинг кûрсатувларини тûла рад этиб =уйидагича кûрсатувлар берган: «ûша куни **менинг эгнимда ùеч =андай =ора рангдаги шим бûлмаган эди,** мен ùеч =ачон =ора рангдаги шим кийиб юрмагандим, айни=са, ёзнинг исси= кунлари мен умуман =ора шим киймайман, чунки =ора ранг ûзига исси= тортади, агарда ùа=и=атдан ùам, В.В.Череповский ûша куни холис сифатида =атнашган бûлганида эди, менинг эгнимдаги **кûк рангли шимимни, кûк рангли кûйлагимни кûра туриб, унинг эгнида =ора рангли шими бор эди деб ёзмаган бûлар эди»** Шунда гувоù В.В.Череповскийга: «яхширо= эслангчи, С.Ч.Аманбаевнинг чûнтакларини =андай ùолда кесиб олишди, у тик турган эдими ёки ûтирган эдими, унинг шимида ùаммаси бûлиб нечта чûнтаклари бор

эди, чўнтакларни кесиб олишда ҳимоячи ва таржимон иштирок этдими?-деб савол берилганида, **В.В.Череповский гувоҳ М.Юнусовнинг кўрсатувларига =арама-=арши ўларо=: «тў\рисини айтганда, мен 18.08.04 йил куни (17.08.04 йил куни эмас-изоҳ меники)** С.Ч.Аманбаев ўз паспортини ихтиёрий равишда берганлиги учун ушбу **паспортни олиб =ўйишаётганида холис сифатида =атнашганман** ва шу куни **С.Ч.Аманбаевнинг чўнтакларидан =ир=иб олинган деб менга иккита чўнтак кесмаларини кўрсатишди,** лекин **мен ушбу иккита чўнтак кесмаларини =аердан ёки кимдан, =андай ҳолда =ир=иб олганликларини ҳамда ҳеч =андай ҳимоячи ва таржимонни ҳам кўрганим йў=»**-деб жавоб берган. Судланувчи С.Ч.Аманбаев гувоҳ В.В.Череповскийнинг ушбу кўрсатувларини тасди=лаб, ҳа=и=атдан ҳам, мени 17 август куни кеч соат 19 ё 20-00 ни орали\ида милиция ходимлари ушлагач, ГУВДга олиб келишиб, **мени бу ерда 6-7 соатлар чамаси 6 тача милиция ходимлари роса уришиб,** бошимга «противогаз» кийдиришиб, **кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00 сахарда мени чўнтагимни, мени роса уришган 6 тача милиция ходимлари =ир=иб олишганидан** кейин мен ўзимни +ир\изистон фу=ароси эканлигимни айтдим ва ушбуни тасди=ловчи **паспортимни ўз ихтиёрим билан милиция ходимларига топширган эдим. Бу 18.08.04 йил куни бўлган эди. Менимча, шунда В.В.Череповский холис сифатида =атнашган бўлса керак. Лекин ҳеч =андай ҳимоячи ва таржимон иштирок этмади.** Мени кўк рангли шимимни олдида ва ор=асида чўнтаклари бор эди, лекин **мени роса уришган 6 тача милиция ходимлари шимимнинг фа=атгина олд икки чўнтакларини мени шимимни ечинтириб, шаъни, =адр-=имматимни оё= ости =илиб =ир=иб олишди»**-деб илгариги кўрсатувларига ўхшаш кўрсатувлар берганлигидан суд мажлисида гувоҳ сифатида сўро= =илинган М.Юнусов томонидан «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда эмас, балки **18.08.04 йил куни ҳимоячи ва таржимон иштирокисиз тузилган ва №22/04-577-сонли жиноят ишининг 9-вара\ида акс этган «Протокол срез мешковых карманов»-деган «ҳужжат» ҳа=и=атга умуман тў\ри келмаслиги, унда В.В.Череповский холис сифатида умуман =атнашмаганлиги, судланувчи С.Ч.Аманбаевнинг таъкидлашича Е.В.Щербицкий ҳам умуман холис сифатида =атнашмаганлиги** (чунки, агар, рост бўлса, 1972 йилда ту\илган, Чилонзор-2-71-2.да яшайдиган Е.В.Щербицкий (И/в

www.ziyouz.com kutubxonasi

9) 14.01, Жума – соат 15-00; 18.01, Сешанба – соат 16-00; 26.01, Чоршанба – соат 16-00; 31.01, Душанба – соат 16-00; 04.02, Жума – соат 15-00; 07.02, Душанба – соат 16-00; 09.02, Чоршанба – соат 16-00 га гувоѝ тари=асида сûро= =илиш учун судга ча=ирилган бûлса-да, уни салкам 1 ой ичида топишнинг иложи бûлмаганлигидан, унинг «Протокол срез мешковых карманов»-деган «ѝужжат»ни (И/в 9) тузишда **холис сифатида =атнашганлигига** ѝамда **«Е.В.Щербицкий»-деган инсоннинг умуман мавжудлигига шубѝа уй\онади** ва судланувчи С.Ч.Аманбаевнинг: «Мени чûнтагимни =ир=иб олишганида ѝеч =андай В.В.Череповский ва Е.В.Щербицкийлар **холис сифатида иштирок этмаган эди,** мен уларни умуман кûрмаганман, танимайман ѝам, милиция ходимлари чûнтагимни =ир=иб олишганида **23-30 эмас,** аксинча**, кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00 эди» ѝамда «кеч соат 03-00, яъни 18.08.04 йил куни эрталабки соат 03-00 сахаргача бирорта бегона одамни, шу жумладан Е.В.Щербицкийни ѝам умуман кûрганим йû=, мени чûнтагимни, мени роса уришган 6 тача милиция ходимлари =ир=иб олишди»**-деб берган кûрсатувлари ûз тасди\ини топганлигидан), бир сûз билан айтганда **тû=иб чи=арилганлиги баробарида жиноят-процессуал =онун ѝужжатларининг =ûпол равишда бузилганлигининг гувоѝи бûламиз.**

Ю=оридагилардан кûриниб турибдики, №22/04-577-сонли жиноят иши материалларининг 9-вара\ида акс этган Юнусов М. томонидан (ÛзР ЖПКнинг 47, 48, 51, 71, 86, 87, 88, 90, 191, 197, 329, 342, 347, 350-моддалари талабларини =ûпол равишда бузган ѝолда ѝамда ѝеч =андай ёзма топшири=сиз) **\айри=онуний ѝамда =онун назарда тутмаган ѝаракат натижаси бûлган** (чунки, уни на тергов ѝаракати, на тезкор-=идирув фаолияти натижаси сифатида кûриб бûлмайди) **«Протокол срез мешковых карманов»**-деб номланган «17.08.04 йил куни соат 23-30» ларда тузилган «ѝужжат»да (И/в 9) (агар уни ѝужжат дейилса?!) **ѝа=и=атга умуман тû\ри келмайдиган маълумотлар жиноят-процессуал =онун ѝужжатларини =ûпол равишда бузиш ор=али акс этган** бûлиб, бундай ѝужжат далилларнинг ма=буллигига ѝамда ишончлилигига =ûйилган талабларга мутла=о жавоб берайди ва улар асосида ûтказилган барча тергов ѝаракатлари (хусусан, **«Судга оид кимёвий экспертиза тайинлаш ѝа=ида =арор»(И/в 54) ѝамда у асосида олинган** (яъни, «Заѝарланган дарахт мевалари», русчасига «Плоды отравленного

www.ziyouz.com kutubxonasi

дерева» -сифатида кûриладиган) **«Кимёвий экспертиза хулосаси»(И/в 124) нома=бул** деб топилиши лозим, **нома=бул далиллар эса айблов асосига =ûйилиши мумкин эмас.**

ÛзР ЖПКнинг **«Ùа=и=атни ани=лаш»**-деб номланган 22-моддасидаги «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан бо\ли= барча ùолатларни ани=лаши шарт. **Иш бûйича ùа=и=атни ани=лаш учун фа=ат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баùоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.** Гумон =илинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоùдан ва ишда иштирок этувчи бош=а **шахслардан зûрлаш, =ûр=итиш, ùу=у=ларини чеклаш ва =онунга хилоф бûлган ûзгача чоралар билан кûрсатувлар олишга ùаракат =илиш ман этилади (шу ûринда, судланувчи С.Ч.Аманбаевнинг «…Мени афт-башарамга =араб бûлмасди, кûзларим шишиб кетган эди. ...Мени 17 август куни кеч соат 19 ё 20-00 ни орали\ида милиция ходимлари ушлагач, ГУВДга олиб келишди, мени бу ерда 6-7 соатлар чамаси 6 тача милиция ходимлари роса уришди, бошимга «противогаз» кийдиришди, ùаво етишмаганидан о\зимдан кûпик келиб 3 марта ùушимдан кетиб =олдим. Лекин ùеч =андай ùимоячи ва таржимон иштирок этмади.** Мени кûк рангли шимимни олдида ва ор=асида чûнтаклари бор эди, лекин **мени роса уришган 6 тача милиция ходимлари шимимнинг фа=атгина олд икки чûнтакларини мени шимимни ечинтириб, шаъни, =адр-=имматимни оё= ости =илиб =ир=иб олишди» -деган арз-додларини эсга олиш жоиз).** Иш бûйича исботланиши лозим бûлган барча ùолатлар синчковлик билан, ùар томонлама, тûла ва холисона текшириб чи=илиши керак. Ишда юзага келадиган ùар =андай масалани ùал =илишда айбланувчини ёки судланувчини ùам фош =иладиган, ùам о=лайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ùам енгиллаштирадиган, ùам о\ирлаштирадиган ùолатлар ани=ланиши ва ùисобга олиниши лозим» -деб =атъий белгилаб =ûйилган =оидаларга №22/04-577-сонли жиноят иши бûйича олиб борилган дастлабки тергов ùаракатларида =анчалик риоя =илинганлигига холисона баùо берадиган бûлсак, негадир дастлабки тергов органи томонидан С.Ч.Аманбаевни фа=атгина «фош =иладиган», шунингдек унинг «жавобгарлигини о\ирлаштирадиган» ùолатларнигина ÛзР ЖПКнинг тегишли =оидаларини =ûпол равишда бузиб бûлса-да ани=лашга, бир сûз билан айтганда терговни бир

ё=лама, айблашгагина ур\у берган ѝолда олиб боришга ѝаракат =илинганлигини кûришимиз мумкин бûлади. Чунки, С.Ч.Аманбаевнинг =онуний хотини бûлмиш Г.Р.Аманбаевани ÛзР ЖПКнинг 116 ва 117-моддалари талабларини =ûпол равишда бузиб, «кûргазма беришдан бош тортганлиги» учун ÛзР ЖКнинг 240-моддаси билан ѝам жиноий жавобгарлик ѝа=ида огоѝлантирилиб, гувоѝ тари=асида (И/в 114) сûро= =илинганида: «**…Мени турмуш ûрто\им ѝеч =ачон бундай ишлар билан шу\улланмаган, ѝалол пул топиб тижорат ишлари билан шу\улланиб юрар эди. …Мени турмуш ûрто\им гиёванд моддалар истеъмол =илмаган, мен сезмаганман ва кûрмаганман»** -деб кûрсатув берганлигига, бундан таш=ари, 19.10.04 йил кунги наркологик экспертларнинг хулосасида (И/в 171) «…Заключение: На основании вышеизложенного комиссия врачей пришла к выводу, что **Аманбаев С.Ч.** наркоманией **не страдает** и в лечении от даннего заболевания **не нуждается,** т.к. клинических признаков и проявлений этого заболевания у него **не выявлено,** а также **не имеется** объективных данных указывающих на употребление им наркотиков» -деб таъкидлаб ûтилганлигига ѝамда 2004 йил 03 сентябрдаги «Эксперт хулосаси билан айбланувчини таништириш баённомаси»да (И/в 127) С.Ч.Аманбаевнинг **«…Кимеви экспертиза хулосаси билан танишиб чи=дим. Ушбу хулосада менинг чунтак кесмаларида 0,0315 грам героин гиехвант моддаси борлиги ани=ланган экан. Мен бу экспертиза хулосасидан норзиман чунки мен =ûлим билан хеч =анде героин гиехванд моддасини ушламаганман ва чûнтагимда са=ламаганман»**-деб айтган гапларига, арз-додларига ва бош=а ѝолатларга (И/в 2, 9, 15, 16, 17, 24, 25, 26, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 54, 56, 64, 65, 66, 82, 83, 84, 114, 124, 127, 130, 144, 171, 214-217) дастлабки тергов органи томонидан эътибор берилмагани, ѝисобга олинмагани ѝолда улар **синчковлик билан, ѝар томонлама, тûла ва холисона текшириб чи=илмаганлигидан** №22/04-577-сонли жиноят иши бûйича дастлабки тергов жараёнида ÛзР ЖПКнинг 22-моддасида назарда тутилган **«объектив ѝа=и=ат» эмас** балки, **«бир ё=лама, айблашгагина ур\у берилган субъектив ѝа=и=ат»** ани=ланган деб хулоса чи=аришимиз мумкин бûлади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг: **«...агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади»**-деган сўзларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

келтириб ўтишни жоиз топдик. Чунки, Президентимиз таъбирлари билан айтганда: **«Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди».**

Ѝурматли раислик =илувчи ва хал= маслаѝатчилари! Мен сûзимнинг ниѝоясида, ю=орида таъкидлаб, олий =адрият ѝисобланмиш **инсон «…=онунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли =илмишлари учунгина жавобгар бûлади»,** =онунда белгиланган тартибда айби исботланмаган ижтимоий хавфли =илмишлари учун эса жавобгар бûлмайди, чунки унга айбсизлик презумпцияси =ûлланади. Яъни, айбсизлик презумпциясига биноан, исбот =илинмаган айб, исбот =илинган айбсизликка тенгдир деб айтган сûзларимни яна бир бора ёдларингизга солиб, **Сиз муѝтарам зотлардан** Президентимиз И.А.Каримовнинг Ûзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи ча=ири= олтинчи сессиясида: **«Суд бугунги кунда аввалгидек ѝукмрон коммунистик тизимнинг =ата\он ва жазолаш аппарати эмас, балки у ѝар бир инсон ва фу=аронинг ѝу=у= ѝамда эркинликларини ишончли тарзда =ûри=лаш ва ѝимоя =илишга =аратилган чинакам муста=ил давлат институтига айланмо=да. Фу=ароларнинг судга ишончи мустаѝкамланиб бормо=да»**-деган сûзларининг амалий исботи тари=асида, Президентимиз олиб бораётган одилона сиёсатни =ûллаб-=увватлаган ѝолда, **жамиятнинг маънавий асосларига путур етказилишидан аъзият чекиб арз-дод солаётган ѝамда** Сизнинг одилона ва холисона хулосангизга муѝтож бûлган **олий =адрият ѝисобланмиш бир инсоннинг та=дирига бефар= бûлмасдан,** ÛзР ЖПКнинг 26-моддасида **=атъий** белгиланган **«Суд фа=ат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ѝукм чи=аради»** -деган =оидага =атъий амал =илган ѝамда №22/04-577-сонли жиноят иши бûйича дастлабки тергов жараёнида **тû=иб чи=арилган «бир ё=лама, айблашгагина ур\у берилган субъектив ѝа=и=ат»ни суд тергови жараёнида ûз тасди\ини топмаганлигини ѝисобга олган ѝолда =онуний, асосли ва адолатли ѝукм чи=аришингизни сûраб =оламан.**

Ю=оридагиларга кûра ва Ûзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 1, 2, 11-14, 16-27, 49, 53, 83, 449, 450, 454, 455, 457, 462, 464-466, 469-476-моддаларига асосан,

**С Ў Р А Й М А Н :**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ùимоямдаги Аманбаев Санжар Чулпановичнинг ѝаракатларида ÛзР ЖКнинг 273-моддаси 5-=исмида назарда тутилган жиноят таркиби бÿлмаганлиги сабабли Аманбаев Санжар Чулпановичга нисбатан о=лов ѝукми чи=аришингизни.**

**Адвокат: Ш.Х.Иномжонов**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**5-илова.**

**Тошкент Давлат юридик институти «Жиноят процесси» кафедраси ўқитувчиси ю.ф.н. Ш.Х.Иномжоновнинг амалдаги ЎзР ЖПКга киритилиши лозим деб ҳисоблайдиган қўшимча ва ўзгартиришлар юзасидан таклифлари:**

**1-таклиф**

| **Амалдаги ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисми:** | **Таклиф қилинаётган ЎзР ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисми:** |
|---|---|
| Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. | **Жиноят иши бўйича исбот қилиш предметига кирувчи ҳолатларнинг бор ёки йўқлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳамда суднинг ушбу Кодексда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.** |

**6-илова.**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Тошкент Давлат юридик институти**
**«Жиноят процесси» кафедраси**
**ўқитувчиси ю.ф.н. Ш.Х.Иномжоновнинг**
**амалдаги ЎзР ЖПКга киритилиши**
**лозим деб ҳисоблайдиган**
**қўшимча ва ўзгартиришлар**
**юзасидан таклифлари:**

**2-таклиф**

| **Амалдаги**<br>**ЎзР ЖПКда 81[1]-модда мавжуд эмас.** | **Таклиф қилинаётган**<br>**ЎзР ЖПКнинг 81[1]-моддаси:**<br><br>**Тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан далил сифатида фойдаланишга фақатгина ушбу нарсалар, ҳужжатлар ҳамда бошқа материалларнинг келиб чиқиш манбасини аниқ билган ёки уларнинг ҳаққонийлиги ёхуд олиниш шарт-шароитлари тўғрисида гувоҳлик бераоладиган шахс томонидан тақдим этилганида йўл қўйилади.** |
|---|---|

www.ziyouz.com kutubxonasi

**7-илова.**

**Тошкент Давлат юридик институти
«Жиноят процесси» кафедраси
ўқитувчиси ю.ф.н. Ш.Х.Иномжоновнинг
амалдаги ЎзР ЖПКга киритилиши
лозим деб ҳисоблайдиган
қўшимча ва ўзгартиришлар
юзасидан таклифлари:**

**3-таклиф**

| **Амалдаги**<br>**ЎзР ЖПКнинг 87-моддасида 2-қисм мавжуд эмас.** | **Таклиф қилинаётган**<br>**ЎзР ЖПКнинг 87-моддаси 2-қисми:**<br><br>**Жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, ҳимоячи, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳамда бошқа шахслар далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйиш учун нарсалар ва ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилишга ҳақлидирлар.** |
|---|---|

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

**Кириш ............................................................................................. 3**

**I-боб. Жиноят процессида исбот қилиш воситаларини ривожлантириш муаммолари ........................................................... 10**

1.1.Жиноят процессида далил тушунчаси ...................................... 10
1.2.Жиноят процессида исбот қилиш жараёни ................................ 25
1.3. Жиноят-процессуал исбот қилишнинг алоҳида босқичларида далилларни тўплаш тизими ......................................................... 46

**II-боб. Далиллар тақдим қилиш..................................................... 60**

2.1.Исбот қилиш иштирокчилари фаолиятида нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилишнинг ўрни ва аҳамияти ......................... 60
2.2.Тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларнинг далилий аҳамияти ҳамда уларга далил сифатида баҳо бериш.......................................... 69
2.3.Тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатларни процессуал мустаҳкамлаш ................................................................................ 83
2.4.Исбот қилишда тақдим қилинган нарсалар ва ҳужжатлардан фойдаланиш ................................................................................... 89

**III-боб. Жиноят-процессуал исбот =илишда тезкор-=идирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммолари ................................ 98**

3.1. Тезкор-=идирув фаолияти натижаларини легаллаштириш ..................... 98
3.2.Жиноят-процессуал исбот қилишда техник воситалардан фойдаланиш муаммолари ........................................................... 108

**Хулоса .............................................................................................. 115**

**Фойдаланилган адабиётлар ............................................................. 121**

**Иловалар .......................................................................................... 140**

www.ziyouz.com kutubxonasi

# Ш.Х. ИНОМЖОНОВ

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

## МОНОГРАФИЯ

Муҳаррир: С.Салимова.
Техник муҳаррир: Ж.Абдужалилов.
Мусаҳҳиҳ: Н.Мирзажонова.
Компьютерда терувчи: Ш.Иномжонова.
Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибоев.

Босишга 29.12.2005 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108 1/32.
Босма табоғи 11,1. Адади 500 нусҳа. №007-сонли буюртма.
Баҳоси келишилган нархда.

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

www.ziyouz.com kutubxonasi